

343
К-25

Алижон Каримжонов
Фариддун Очилов

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУАММОЛАРИ

343
К-25

Алижон Каримжонов
Фариддун Очилов

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУАММОЛАРИ

Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предыдущих
выдач

14.03.22.

29.04.22.

17.05.22.

24.05.22.

4 -

в.н.,

и.ч.

инф-

тар-

фин.-

373
К-25

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ

Алижон Каримжонов
Фариддун Очилов

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУАММОЛАРИ

(Илгор ўқитувчилар тажрибасидан)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURSLAR MARKAZI

“FIRDAVS-SHOH” нашриёти
Тошкент – 2021

Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предыдущих
выдач

14.03.22.

29.04.22.

17.06.22.

24.05.22.

4 -

в.н.,

и.и.

инф-

тар-

ри.

343

К-25

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ

Алижон Каримжонов

Фариддун Очилов

БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУАММОЛАРИ

(Илгор ўқитувчилар тажрибасидан)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА О'РТА МАХСУС ТА'ЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
АХБОРОТ RESURC MARKAZI

“FIRDAVS-SHOH” нашриёти
Тошкент – 2021

УЎК 373.2
КБК: 74.1
К 25

*Қўлланма Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педаго-
гика институтининг 2020 йил 12 декабрдаги ўқув-
услубий кенгашида маъқулланган (6-сонли баённома) ва
нашр этишга тавсия этилган.*

Масъул муҳаррирлар:

К. Мамуров – филология фанлари номзоди, доцент.

Тақризчилар:

Ш.Қ. Мардонов – педагогика фанлари доктори, профессор,
Ш. Шодмонова – педагогика фанлари доктори, профессор

Каримжонов А, Очилов Ф.

Бошланғич синфларда таълим-тарбия муаммолари [Матн]: Ўқув-
услубий қўлланма / А.Каримжонов, Ф.Очилов. –Тошкент: “Firdavs-Shoh”
нашриёти, 2021. – 204 бет.

Ушбу ўқув-услубий қўлланма олий таълим муассасаларининг мактабгача ва
бошланғич таълим йўналишлари бўйича тахсил олувчи бакалавр, магистрлар,
мактаб ва олий таълим муассасалари таълим-тарбия тизимида иш юритиш фаолияти
бўйича мутахассислар тайёрлашда катта аҳамиятга эга.

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги
«2017-2021 йилларда мактабгача ва бошланғич таълим тизимини янада такомил-
лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2707-сонли, 2018 йил 25 январ-
даги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5313-сонли, 2019 йил 29
апрелдаги “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси”
тўғрисидаги ПФ-5712-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар
таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли
Қарорлари асосида яратилган.

Қўлланмада Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Сурхондарё
вилоятларининг энг сараланган мактаблари ва илгор педагогик тажрибага эга бўлган
ўқитувчилари дарсларидан фойдаланилган.

ISBN 978-9943-66-968-0

© А.Каримжонов, Ф.Очилов, 2021
© “Firdavs-Shoh” нашриёти, 2021

КИРИШ

Ҳар бир ижтимоий тузумда инсоннинг маънавий юксалишини таъмин-
ловчи таълим-тарбия, маънавият ва маърифат каби тушунчалар мавжуд
бўлиб, улар педагогика фанидаги ўзгаришларни жамият тараққиёти
билан боғлиқ ҳолда атрофлича ўрганишни тақозо этади.

Мазкур ўқув-услубий қўлланма бошланғич синфларда ҳозирги давр-
даги мақсад ва вазифалар, таълим-тарбиянинг бошқариш турлари ва
услубларини назарий ҳамда амалий асосда ёритишга мўлжалланган.

Ҳозирги кунда республикамиздаги мактабларнинг барча бошланғич
синфлари таълимнинг янги, замонавийлашган дастурлари бўйича
ишламоқда.

Ўқитувчи ва методистлар янги дастурнинг назарий материалларини
болаларга қандай қилиб тушунарли қилиб етказиш ва ўзлаштирилган
назарий билимлар тўпланган асосий материал билан боғланиши, чуқур-
лашиши ҳамда билиш методи бўлиб қолиши учун бу материални мактаб
дастурининг айрим масалаларини ўрганиш жараёнида қандай қилиб
«ишлашга» мажбур қилишни аниқлаш юзасидан олиб борадиган ижодий
изланишларида янги йўналишлар пайдо бўлди.

Янги дастурда ривожлантирувчи таълим принципининг амалга
оширилиши муносабати билан ўқитувчилар, методистларнинг ижодий
фаолиятлари учун катта имкониятлар пайдо бўлди.

Ўқувчиларни ақлий жиҳатдан ўстириш ўзига алоҳида эътибор талаб
қилаётганлиги, бу ўсиш асосий билимларни эгаллаш ҳамда бу билимлар
доираси кенгайиб борган сари ўз-ўзидан содир бўлмаслиги равшан бўлиб
қолди. Ҳозирги кунда ҳар бир ўқитувчи ақлнинг қайси сифатларини,
қандай тартибда ҳамда ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятининг қандай
шароитларида ривожлантириши мумкин ва кераклигини тушунадиган
вақт келди. Шунинг учун ҳам ўқитувчилар ўқувчиларнинг мустақил
ишига, уларнинг билиш фаоллигини ривожлантиришга эътибор бераёт-
ганлари бежиз эмас.

УЎК 373.2
КБК: 74.1
К 25

Қўлланма Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг 2020 йил 12 декабрдаги ўқув-услубий кенгашида маъқулланган (6-сонли баённома) ва нашр этишига тавсия этилган.

Масъул муҳаррирлар:

К. Мамуров – филология фанлари номзоди, доцент.

Тақризчилар:

Ш.Қ. Мардонов – педагогика фанлари доктори, профессор,

Ш. Шодмонова – педагогика фанлари доктори, профессор

Каримжонов А, Очилов Ф.

Бошланғич синфларда таълим-тарбия муаммолари [Матн]: Ўқув-услубий қўлланма / А.Каримжонов, Ф.Очилов. –Тошкент: “Firdavs-Shoh” нашриёти, 2021. – 204 бет.

Ушбу ўқув-услубий қўлланма олий таълим муассасаларининг мактабгача ва бошланғич таълим йўналишлари бўйича тахсил олувчи бакалавр, магистрлар, мактаб ва олий таълим муассасалари таълим-тарбия тизимида иш юритиш фаолияти бўйича мутахассислар тайёрлашда катта аҳамиятга эга.

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги «2017-2021 йилларда мактабгача ва бошланғич таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2707-сонли, 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунари таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5313-сонли, 2019 йил 29 апрелдаги “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси” тўғрисидаги ПФ-5712-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунари таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли Қарорлари асосида яратилган.

Қўлланмада Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларининг энг сараланган мактаблари ва илғор педагогик тажрибага эга бўлган ўқитувчилари дарсларидан фойдаланилган.

ISBN 978-9943-66-968-0

© А.Каримжонов, Ф.Очилов, 2021
© “Firdavs-Shoh” нашриёти, 2021

КИРИШ

Ҳар бир ижтимоий тузумда инсоннинг маънавий юксалишини таъминловчи таълим-тарбия, маънавият ва маърифат каби тушунчалар мавжуд бўлиб, улар педагогика фанидаги ўзгаришларни жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда атрофлича ўрганишни тақозо этади.

Мазкур ўқув-услубий қўлланма бошланғич синфларда ҳозирги даврдаги мақсад ва вазифалар, таълим-тарбиянинг бошқариш турлари ва услубларини назарий ҳамда амалий асосда ёритишга мўлжалланган.

Ҳозирги кунда республикамиздаги мактабларнинг барча бошланғич синфлари таълимнинг янги, замонавийлашган дастурлари бўйича ишламоқда.

Ўқитувчи ва методистлар янги дастурнинг назарий материалларини болаларга қандай қилиб тушунарли қилиб етказиш ва ўзлаштирилган назарий билимлар тўпланган асосий материал билан боғланиши, чуқурлаштиши ҳамда билиш методи бўлиб қолиши учун бу материални мактаб дастурининг айрим масалаларини ўрганиш жараёнида қандай қилиб «ишлашга» мажбур қилишни аниқлаш юзасидан олиб борадиган ижодий изланишларида янги йўналишлар пайдо бўлди.

Янги дастурда ривожлантирувчи таълим принципининг амалга оширилиши муносабати билан ўқитувчилар, методистларнинг ижодий фаолиятлари учун катта имкониятлар пайдо бўлди.

Ўқувчиларни ақлий жиҳатдан ўстириш ўзига алоҳида эътибор талаб қилаётганлиги, бу ўсиш асосий билимларни эгаллаш ҳамда бу билимлар доираси кенгайиб борган сари ўз-ўзидан содир бўлмаслиги равшан бўлиб қолди. Ҳозирги кунда ҳар бир ўқитувчи ақлнинг қайси сифатларини, қандай тартибда ҳамда ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятининг қандай шароитларида ривожлантириши мумкин ва кераклигини тушунадиган вақт келди. Шунинг учун ҳам ўқитувчилар ўқувчиларнинг мустақил ишига, уларнинг билиш фаоллигини ривожлантиришга эътибор бераётганлари бежиз эмас.

Билиш жараёнини фаоллаштириш ҳозирги кунда фақат психологик муаммо эмас, балки методик муаммо ҳам бўлиб қолди.

Ўқитувчилар олдида аниқ вазифалар, яъни янги материалнинг ўқувчилар томонидан идрок қилиниши ва унинг мустаҳкамланишини қандай таъминлаш, ўтилган материални такрорлаш, уй вазифасини текшириш юзасидан олиб бориладиган ишларни жонлантириш ҳамда шу нуқтаи назардан дарс структураси, мустақил ишлар тизимини қандай ўзгартириш каби масалаларни ҳал қилиш вазифалари туради. Бошланғич таълимнинг шу ва шунга ўхшаш бошқа масалалари ҳали пухта ўрганилмаган. Бу масалаларнинг ҳал қилиниши ўқитувчиларнинг ижодий изланишларига бевосита боғлиқдир.

Ўқув-услубий қўлланма олий таълим муассасаларининг мактаб-гача ва бошланғич таълим йўналишлари бўйича таҳсил оловчи бакалавр, магистрлар, мактаб ва олий таълим муассасалари таълим-тарбия тизимида иш юритиш фаолияти бўйича катта аҳамиятга эга.

Биз китобхонлардан мазкур қўлланма ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларини Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Бошланғич таълим кафедрасига ёзиб юборишларини сўраб қоламиз.

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЗАМОНАВИЙ ДАРСЛАРГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИК ШАРТЛАРИ

Ҳар томонлама ривожланган, эркин фикрлайдиган озод фуқаро тарбияси давлатимизнинг устувор вазифалари сирасига киритилган.

Диёримизда таълим тизимининг модернизация қилиниши уни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, талим, фан, техника ва технологиянинг иқтисодиёт ҳамда маданиятнинг жаҳон миқёсидаги замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим дастурларини ўзгартириб, янгилаб боришни кўзда тутати. Илғор технологияларнинг кенг ўзлаштирилиши, иқтисодиётдаги ижобий ўзгаришлар, чет эл инвестициялари кўламларининг кенгайиши, тадбиркорлик, бозор иқтисодиётининг ривожланиши, шунингдек узлуксиз таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялашуви, ёшларнинг қobiliятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувнинг жорий этилиши ҳамда таълим-тарбия беришнинг илғор педагогик технологиялари, замонавий ўқув-услубий жараённинг яратилиши, ўқув-тарбия жараёнининг дидактик жиҳатдан масофавий таъминланиш тизимини такомиллаштиришга асос бўла олади.

Узлуксиз таълимнинг пойдевори ҳисобланган умумий ўрта таълимни ривожлантириш, жамият ва шахс эҳтиёжларини тўлақонли қондириш ҳамда таълим жараёни иштирокчиларига керакли ва етарли шароитларни яратиш мақсадида “2004–2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида”ги фармон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сонли «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сонли «2017–2021 йилларда мактабгача ва бошланғич таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-

Билиш жараёнини фаоллаштириш ҳозирги кунда фақат психологик муаммо эмас, балки методик муаммо ҳам бўлиб қолди.

Ўқитувчилар олдида аниқ вазифалар, яъни янги материалнинг ўқувчилар томонидан идрок қилиниши ва унинг мустаҳкамланишини қандай таъминлаш, ўтилган материални такрорлаш, уй вазифасини текшириш юзасидан олиб бориладиган ишларни жонлантириш ҳамда шу нуқтаи назардан дарс структураси, мустақил ишлар тизимини қандай ўзгартириш каби масалаларни ҳал қилиш вазифалари туради. Бошланғич таълимнинг шу ва шунга ўхшаш бошқа масалалари ҳали пухта ўрганилмаган. Бу масалаларнинг ҳал қилиниши ўқитувчиларнинг ижодий изланишларига бевосита боғлиқдир.

Ўқув-услубий қўлланма олий таълим муассасаларининг мактаб-гача ва бошланғич таълим йўналишлари бўйича таҳсил олувчи бакалавр, магистрлар, мактаб ва олий таълим муассасалари таълим-тарбия тизимида иш юритиш фаолияти бўйича катта аҳамиятга эга.

Биз китобхонлардан мазкур қўлланма ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларини Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Бошланғич таълим кафедрасига ёзиб юборишларини сўраб қоламиз.

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЗАМОНАВИЙ ДАРСЛАРГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИК ШАРТЛАРИ

Ҳар томонлама ривожланган, эркин фикрлайдиган озод фуқаро тарбияси давлатимизнинг устувор вазифалари сирасига киритилган.

Диёримизда таълим тизимининг модернизация қилиниши уни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, талим, фан, техника ва технологиянинг иқтисодиёт ҳамда маданиятнинг жаҳон миқёсидаги замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим дастурларини ўзгартириб, янгилаб боришни кўзда тутати. Илғор технологияларнинг кенг ўзлаштирилиши, иқтисодиётдаги ижобий ўзгаришлар, чет эл инвестициялари кўламлигининг кенгайиши, тадбиркорлик, бозор иқтисодиётининг ривожланиши, шунингдек узлуксиз таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялашуви, ёшларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувнинг жорий этилиши ҳамда таълим-тарбия беришнинг илғор педагогик технологиялари, замонавий ўқув-услубий жараённинг яратилиши, ўқув-тарбия жараёнининг дидактик жиҳатдан масофавий таъминланиш тизимини такомиллаштиришга асос бўла олади.

Узлуксиз таълимнинг пойдевори ҳисобланган умумий ўрта таълимни ривожлантириш, жамият ва шахс эҳтиёжларини тўлақонли қондириш ҳамда таълим жараёни иштирокчиларига керакли ва етарли шароитларни яратиш мақсадида “2004–2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида”ги фармон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сонли «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сонли «2017–2021 йилларда мактабгача ва бошланғич таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ қабул қилинган қатор ҳукумат қарорлари бошланғич таълим соҳасида амалга оширилаётган ривожланиш ва ўзгаришларга асос бўлиш билан бирга, мазкур соҳани юқори малакали педагог ходимлар билан таъминлашнинг ўзига хос талабларини белгилаб берди.

Таълимнинг янги мазмуни ўқитишни ҳаётга, фан ютуқларининг замонавий даражаларига яқинлаштирди. Болаларнинг онгини ҳар томонлама ўстирадиган, ўқувчиларни фан асосларини мустақил эгаллаш ва уларни амалий фаолиятда қўллаш кўникмалари билан қуроллантирадиган методлар борган сари кенг тарқалмоқда.

Шу билан бирга, мактабларда ўқувчилар билим даражасининг янада юқори бўлишини таъминлаш мақсадида, Давлат талабларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланиш кўрсатиб ўтилган:

бошланғич таълим – кичик мактаб ёшидаги болалар мотивацияси, иқтидори, индивидуал руҳий ва жисмоний хусусиятлари, маданий эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ҳамда болада маънавий меъёрларнинг шаклланиши, ҳаётий ва ижтимоий тажриба эгаллишини кўзда тутган – ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган яхлит жараён;

ривожланиш – инсон танаси тузилиши, руҳияти ва ҳулқида биологик жараёнлар ҳамда атроф муҳит таъсирида рўй берадиган ўзгаришлар;

ривожланиш соҳаси – бола ривожланишидаги аниқ бир йўналишлар;

кичик соҳа – соҳанинг кичик гуруҳлари. Асосий соҳаларнинг кичик соҳаси ривожланишининг маълум бир томонларини ўз ичига қамраб олади ва уларнинг аниқ бир йўналишини кўрсатиб беради;

кутилаётган натижа – болаларда кутилаётган билим, кўникма, малака ва компетенциялар кўрсаткичи;

бола компетенцияси – маълум бир ёш даврига хос бўлган вазифаларни мақсадли бажариш учун етарли бўлган боланинг билими, кўникмаси ва малакалари ҳамда қадриятлари;

интеграция – бола таълими ва ривожланишидаги таркибий қисмлари ўртасидаги боғлиқлик;

инклюзив таълим – болаларнинг алоҳида таълим эҳтиёжлари ва индивидуал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия олинишини тенг таъминловчи жараён;

«Мен» концепцияси – боланинг ўзи ҳақидаги англаган тасаввурлари тизими, унинг рефлексив фаолиятининг бир қисми;

рефлексив фаолият – боланинг ўз тушунчалари ва хатти-ҳаракатларини англаши, мустақил таҳлил қилиш асосида ҳулосалар чиқариши.

Туб ўзгаришлар даври ҳаётимизга янада чуқур кириб келмоқда. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да таълим-тарбия жараёнини илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш асосий вазифалардан бири сифатида кўрсатилган. Бу вазифани амалга оширишда замонавий ахборот технологиялари муҳим аҳамият касб этади.

Бошланғич синф ўқитувчиси дарсда турли таълим-тарбиявий масалаларни ҳал этади. У билим ва малакаларни беришни ҳамда эгаллашни, ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқларини, уларда кузатувчанлик, тинглаш, ҳисоблаш, ўлчаш, ўқиш кўникмаларини, ўз тарбияланувчиларида тафаккурни, мустақил ишлаш малакаларини ўстиришни ташкиллаштиради. Кўпгина турли масалаларни бевосита дарс вақтида ҳал қилишга тўғри келиши бошланғич таълимнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади. Бу хусусият маълум даражада дарс ўтиш методикасини белгилайди.

Дарснинг тузилиши ўқув материалининг мақсади ва мазмуни, методлари, ўқув фаолиятини ташкил қилиш шаклларига кўра аниқланади. Дарснинг самарадорлиги юқоридаги ҳолатларнинг барчасини бириктириш, улар орасида ўзаро турли алоқа ўрнатишга боғлиқ бўлади. Агар дарс тузиш методикасида бу ҳолатларнинг бирига иккинчисининг ҳисобидан афзаллик берилса, унинг бир бутунлигига путур етади, маҳсулдорлиги пасаяди.

Ҳозирги замон дарсининг мазмуни, ўқув фаолиятини ташкил қилиш метод ва шакллари қандай талабларга жавоб бериши керак?

Дарс мазмунига қўйиладиган энг асосий талаб унинг гоёвийлиги ва инсонпарварликка йўналганлигидир. Бу талаблар ўқиш жараёнида ўқувчиларнинг билиш имкониятларини ўстириш учун энг қулай шароит

яратишни, ўқувчиларда замонавий дунёқараш ва инсонпарварлик ахлоқ асосларини шакллантиришни тақозо қилади.

Болаларни ғоявий-сиёсий ва ахлоқий-эстетик жиҳатдан тарбиялашда ўқиш ва нутқни ўстириш дарслари муҳим роль ўйнайди. Дарсларда Ватан, унинг табиати, одамлари, улар ҳақидаги мақола ва ҳикояларни ўқиш ўқувчиларда инсонпарварлик, Ватанпарварлик руҳини тарбиялашга кўмаклашади. Ўқиш жараёнида ўқувчиларда ўбекона миллий фазилатлар – унинг одамларга, меҳнатга, Ватанга муносабати ҳақидаги тасавури кенгайди. Ўқиш ўқувчиларга жамоадаги ўз вазифаларини тушуниш, ўртоқларига нисбатан тўғри муносабатда бўлиш, ўз кучини фойдали ишга сарфлаш кабиларни англашга кўмаклашади.

Математика дарсларидан болаларда илмий дунёқарашнинг элементар асосларини шакллантиришда, уларда билиш қобилиятини ўстириш ва одамийлик фазилатларини тарбиялашда фойдаланилади.

Муסיқа ва ашула дарслари ўқувчиларни ғоявий ва эстетик жиҳатдан тарбиялашда муҳим восита ҳисобланади.

Ўқувчиларга таълим-тарбия беришда технология, тасвирий санъат, жисмоний тарбия дарслари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўқитиш мазмунининг тўлиқ таҳлили ва ўқувчиларни тарбиялашда ундан фойдаланиш имкониятлари рус педогог олими Л.А. Высотина томонидан кенг баён қилинган.

Л.А. Высотина болаларга тарбиявий таъсир кўрсатувчи билимларни тўрт қисмга ажратади: биринчиси, кишиларнинг айрим ахлоқий сифатларини бевосита очиб берувчи ишлари ва хатти-ҳаракатлари ҳақидаги маълумот ва билимлар, ўқувчиларни ўзларининг ҳуқуқларига, атрофдаги кишилар ва нарсаларга нисбатан ўз бурчларини бажаришларига қўйилган талаблар; иккинчиси, инсон танаси ҳақидаги маълумот ва билимлар, санитария-гигиена қоидаларининг ўқувчилар томонидан бажарилишига қўйиладиган талаблар; учинчиси, ижтимоий ҳодисалар, катталар ва болаларнинг ишлаб чиқариш, меҳнат фаолиятлари, Ватанимиз қудрати, гўзаллиги, бойлиги ҳақидаги маълумот ва билимлар; тўртинчиси, табиат ҳодисалари, жониворлар ва ўсимликлар, жонсиз табиат, табиатдан фойдаланиш ҳамда уни ўзгартиришдаги кишилар меҳнати ҳақидаги билимлар.

Бошқа муҳим талаблар унинг мазмунининг илмийлигига қаратилади.

Ўқувчилар томонидан бир турдаги асосларнинг эгалланиши, уларда турли хилдаги малакаларни шакллантиришга алоҳида эътибор бериш қатор йиллар давомида бошланғич таълим учун характерли бўлиб келди. Ўқитувчининг ишига, биринчи навбатда, ўқувчилардаги турли малакаларнинг ҳолати, бир турли асосларнинг ўқувчилар томонидан эгалланилишига кўра баҳо бериларди. Бунда ўқувчиларнинг кўриб чиқиладиган ҳодиса ва асослар ўртасидаги реал мавжуд бўлган алоқани англаб олишларига етарлича эътибор берилмасди. Табиийки, яхши ҳисоблаш, ўлчаш, орфографик ва бошқа малакаларсиз бошланғич таълим фанларини ўрганиш жуда қийин бўлади, бироқ ҳозирги кунда бошланғич таълимни ўрганишни фақат малакаларни шакллантириш ва бир турли асосларни эгаллаш билангина чеклаб бўлмайди. Ҳозирги замон бошланғич таълими учун ўқувчиларни назарий маълумотлар билан қуроллантириш, бундай билимларни асос ва ҳодисалар ўртасида мавжуд бўлган алоқани тушунтиришда доимо қўллаш характерли бўлиб қолмоқда.

Ўқувчилар ўзларида мустақилликни ўстирган ҳолда қонуният ва муносабатларни аниқлашни ўрганишлари, кучлари етганча умумий ҳулоса чиқаришлари ҳамда ўз фикрларини ёзма ва оғзаки баён қилишни ўрганишлари керак. Ўқитишда назариянинг ролини ошириб бориш масаласи бошланғич таълимнинг янги дастурида ўз аксини топган. Назариянинг етакчилик роли унинг амалиёт билан узвий алоқасида сезилиб туради.

Демак, дастурга янги назарий материалнинг киритилиши – бошланғич таълимнинг илмий даражаларини оширишдаги муҳим йўналишларидан биридир. Қуйи синфларда ўқитувчи ўқувчиларнинг кейинчалик назарияни онгли эгаллашлари учун аниқ ҳодисаларни кўриб чиқаётган ва анализ қиладиган вақтида шунга мувофиқ ўринларга алоҳида эътибор бериб, аста-секин замин тайёрлаб бориши керак. Бошланғич синфлардаги таълимда назарий даражанинг ошиб борилишига қўйиладиган талабни тушунарлироқ қилиш учун бир неча мисол келтирамиз. Мисолларни математиканинг бошланғич курсидан оламиз, чунки унда назариянинг амалиёт билан узвий алоқадаги етакчи роли жуда равшан кўринади.

I. 1-синфа дарсликдаги анъанавий тизимга мувофиқ биринчи ўнлик сонлари кетма-кет ўрганиларди. Сонларнинг ҳар бирини кўриб чиққанда 2 сонига эга бўлиш учун 1 ни 1 га, 3 сонига эга бўлиш учун 1 га 2 ни, 4 сонига эга бўлиш учун 3 га 1 ни қўшиш кераклигини аниқланарди, бироқ буларнинг ҳаммаси бир-биридан ажралган ҳолда турли дарсларда кўриб чиқиларди.

Бундай ёндошилганда олдинги дарсларда эгалланган билимларни умумлаштириш учун қулай шароит яратилмасди, бу эса ўқувчиларга 5, 6 ва шу каби сонларни ўрганишга бағишланган кейинги дарсларда билимларни эгаллашларида кам ёрдам берарди.

Бироқ дастлабки тўрт-беш сонларини ўрганишда буларга эга бўлиш усуллари қиёслаш (янги дастур ва дарслик ҳам шунини назарда тутати) мумкин, бунда болаларнинг эътибори ҳар бир келгуси сонни ундан олдингисига 1 ни қўшиш йўли билан олиш мумкинлигига қаратилади, натижада келгуси сонларни кўриб чиқишга алоқадор бўлган вазифа анча енгиллашади. Ҳақиқатан, агар ўқувчи ҳар бир кейинги сонга эга бўлиш учун олдингисига 1 ни қўшиш кераклигини тушуниб олса, 6, 7, 8, ... сонларини қандай олишни ўзи ҳам тушунтириб бера олади.

Қиёслаш, кўриб чиқиладиган асосларни таққослаш, улар ўртасидаги алоқани аниқлаш ва шунга мувофиқ умумлаштириш қандай аҳамиятга эга бўлиши мисоллардан кўриниб турибди; бундай ёндошилганда биринчидан, материални эгаллаш осонлашади, иккинчидан, «Биринчи ўнликдаги рақамларни тартиблаш» мавзусини ўрганишдаги назарий даража ўсади, чунки рақамларни ўрганиш билан бирга гарчанд бундай иш билан ўқувчилар махсус шуғулланишмаган бўлса-да, натурал қатордаги ҳар бир кейинги соннинг ясалиш усулини ҳам билиб оладилар. Бундай усулда эгалланган қўшимча билим уларга кейинчалик кўриб чиқиладиган рақамлар соҳаси кенгайганда – 20 рақами атрофидаги рақамлар ўрганилганда ҳам, 100 ва шу тартибдаги сонлар ўрганилганда ҳам ёрдам беради, чунки бу усул умумий аҳамиятга эгадир.

II. Ҳозирги пайтгача ҳисоблаш малакалари, жумладан 20 ва 100 атрофида қўшиш ҳамда айириш малакалари ҳодиса хусусиятига таянмай шакллантириларди: узоқ вақт давомида (икки, уч, баъзан

тўрт йил давомида ҳам) болалар у ёки бу ҳодисалар хусусиятини қўллашга қаратилган асослар билан танишардилар, ўзлари эса бу хусусиятлар ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас эдилар. Натижада эса болалар, масалан, 100 сони атрофида қўшиш ва айириш ишларини бажаришлари учун 20 дан ортиқ ҳисоблаш усуллари эгаллашлари керак бўларди.

Бунинг ўрнига янги дастурда кўрсатилганидек, ўқувчиларни фақат тўртта асосий хусусиятларни билиш билан қуроллантирилса (сонни йиғиндига ва йиғиндини сонга қандай қўшиш керак, сонни йиғиндидан ва йиғиндини сондан қандай айириш керак), ўқувчи қўшиш ва айириш учун берилган ҳар қандай мисолни ечишнинг турли усуллари мустақил топиш имкониятига эга бўлади.

Назария элементларини ўрганишда илғор ўқитувчилар уларни ўқувчиларга мажбуран эмас, балки уларни онгли суратда ўзлаштиришларига интиладилар. Куйида Тошкент шаҳри Яккасарой туманидаги 118-сонли мактаб ўқитувчиси М. Ўроқова қавсларни киритиш ишини қандай ташкил қилганлигини кўриб чиқамиз.

Аввал мисоллар устунини ечилди:

$$10 - 4 = 6$$

$$6 - 1 = 5$$

$$10 - 4 - 1 = 5$$

Биринчи икки мисолдан учинчисини ҳосил қилиш умумий тарзда муҳокама қилинди. Сўнгра ўқитувчи ҳозир ўқувчилар икки оддий мисолдан учинчи мураккаб мисолни тузишлари кераклигини, бироқ бу вақтда бир ўқувчи хонадан ташқарига чиқиб туриши кераклигини айтади. «Биз бу мисолни ечишни унга топширамиз. Кўрамиз, у мисолни еча олармикан. Қани ким ўз кучини синаб кўрмоқчи?». Истовчилар кўпчилик эди. Бир ўқувчини синф тахтасига чиқариб, ўқитувчи икки мисолни, $3 - 2$ ва $10 - 1$ ни, ечишни ва улардан учинчисини тузишни топширди. Учинчи мисолни тузиш учун биринчи мисолнинг натижаси иккинчи мисолга қўйилади: $3 - 2 = 1$, $10 - 1 = 9$. Ўқитувчи энди мураккаб $10 - 3 - 2$ мисолини ёзиб, иккита ечимни қоғоз билан ёпиб қўйди. Синфга кирган ўқувчи дарҳол ишга киришиб кетди: $10 - 3 = 7$, $7 - 2 = 5$. Болалар анграйиб қолдилар, ўқувчи ҳам бўш келишни хоҳламади: мисолни тўғри ечди!

– Болалар, нима учун унинг жавоби бошқача бўлди? (Чунки у айиришни керакли сондан бошламади.)

– Нима учун? (У биз қандай сондан айирганимизни билмасди, биринчи мисол қайси эди.)

Тўғри, болалар. Жавоблар турлича бўлиб қолмаслиги учун, қайси ифодани биринчи, қайсинисини иккинчи олишни ҳамма билиши учун қавслар қўйилади (ўқитувчи доскада кўрсатди): $10 - (3 - 2) = 9$.

Дарснинг эмоционал шакли, назарий материални беришдаги ёрқин кўргазмалилик материални пухта ва онгли ўзлаштирилишини таъминлайди. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, назарий билимга кенгроқ таяниш, ўқитишнинг мақсадга мувофиқроқ методларидан фойдаланиш натижасида эришилади.

Дастурга янги назарий материалнинг киритилиши бошланғич таълимнинг илмий даражасини оширишдаги ягона йўналиш эмас. Ҳар қандай илмий билим асосларнинг қатъий классификацияси ва тизимлаштирилишига, улар ўртасидаги алоқани аниқлашга асосланади. Бошланғич синф ўқувчилари учун янги дастурнинг энг муҳим хусусиятларидан бири шундан иборатки, у ўқитувчини ҳар бир ҳодисани барча томонлар ва алоқалар турларининг бирлигида ўрганишга йўллайди. Масалан, бошланғич математика курсининг барча бўлимлари ўртасидаги алоқага уларни натурал сонлар ва асосий миқдорлар назарияси ҳисобланувчи умумий асос атрофида бирлаштирибгина эришиш мумкин.

Юқорида айтилганлардан дарс мазмунини узоқ муддатга мўлжаллаб режалаштириш қандай аҳамиятга эга эканлиги кўри-ниб турибди: у ўқув жараёнининг маълум мақсадга қаратилишига ёрдам беради, айрим асосларни умумий принципларга, дунёқараш ғояларига бўйсундиради.

Дарс мазмунига қўйиладиган муҳим талаблардан бири, унинг ҳаёт билан, ўқувчиларнинг шахсий тажрибалари, меҳнат, табиат билан боғлиқ бўлишидир. Илғор ўқитувчилар назарий материални ўрганишни ўқувчиларнинг шахсий тажрибалари ва кузатишлари билан узвий боғлайдилар. Янги маълумотлар ва алоқалар одатий тасаввур тизимида мантикий қўшилади, бу эса педагогик психология таълимотига кўра, предмет назариясини онгли эгаллашнинг шарти

ҳисобланади. Дарсларда ўлкашунослик материалларидан фойдаланиш ўқитиш билан ҳаёт ўртасидаги муҳим алоқа шакли ҳисобланади. Тажрибанинг кўрсатишича, бу туфайли дарслар мазмуни болаларга яқин ва қизиқарли бўлади, билимларни онгли равишда эгаллашда тушунарли ва пухта бўлишига ёрдам беради.

Ўлкашунослик материалдан самарали фойдаланишга бошланғич таълим дастурига ва улар асосида тузилган она тили, технология, табиатшунослик, тасвирий санъат ва бошқа предмет дарсликларида ўлкашунослик характеридаги қўшимча материалларнинг берилган-лиги ҳам кўмаклашади. Бу ўқитувчига ўқувчилар учун ўқитиш жа-раёнини ёзиш дарсларида атрофдаги ҳақиқий борлиқни акс этти-рувчи матнларни ўқийдиган, табиатшунослик дарсларида эса уларни мактаб яқинидаги, ўз вилояти, республикаси, кейинчалик бутун мамлакат табиати ва кишилар меҳнати билан таништирадиган, она табиатни доимий кузатиб боришга ўргатадиган; тасвирий санъат дарсларида борлиқдаги нарсаларни чизадиган (натура ва тасаввурга мувофиқ), миллий нақш композицияси тузиш устида ишлайдиган, ўзбек рассомларининг тасвирий асарлари билан танишадиган; технология дарсларида мато, турли материаллар билан ишлаганда ўлкашунослик материаллари билан таништирадиган қилиб ташкил қилиш имконини беради. Шунини ҳам назарда тутиш керакки, қишлоқ хўжалиги меҳнатига тааллуқли бутун курс маҳаллий объектлар асосида тузилади.

Бошланғич математика дарсликларида қўшимча ўлкашунослик характеридаги материаллар киритилган бўлса ҳам, ҳали дарслиқда бундай материаллардан фойдаланиш имконияти жуда кўп. Масалан, масалалар тузишда республикамиз ва бутун мамлакат ҳаёти ҳамда меҳнатини акс эттирувчи туман, вилоят, республика ҳамда марказий матбуот газеталари бой материал беради. Бунинг устига мазкур газе-талардан олинган рақамлар ўқувчиларни республикамиз ва Ватанимиз эришган ютуқлардан фахрланишга мажбур қилади. Кўпгина илғор ўқитувчилар туман ва шаҳар миллийлари, турли статистик маълумот ва тўшамлардаги рақамлардан муваффақиятли фойдаланадилар.

Дарс мазмунига қўйиладиган муҳим талаблардан бири, унинг ўқувчилар учун тушунарли ва осон бўлишидир. Бу талабнинг

бузилиши тушунмовчиликка, билимларни механик эгаллашга, мотивациянинг пасайишига, болалардаги умумий ривожланишнинг секинлашишига сабаб бўлади.

Кўп йиллик эксперимент тажрибалар ўқувчиларни юқори, бироқ кучлари етадиган даражада ўқитиш кераклигини исботлайди. Қийинчиликнинг бу даражасини ҳар бир аниқ дарс учун мазкур синф ўқувчиларининг тайёргарлигини назарда тутган ҳолда аниқлаш – ўқитувчининг муҳим вазифасидир.

Бошланғич таълимнинг янги дастури ўқитувчиларнинг методик тажрибасида тўпланган энг яхши томонларидан самарали фойдаланишни, сўнгра ўқитиш методларини янада такомиллаштиришда баъзи йўналишларни назарда тутди. Бошланғич таълим методикасини такомиллаштириш «ўқитиш жараёнида болаларнинг билиш фаолиятларини максимал фаоллаштириш, ўқувчилар мустақиллигини ўстириш, бундан фақат ўтилганларни мустаҳкамлашда эмас, балки янги материални кўриб чиқишда ҳам кенг фойдаланиш зарур, уларда машғулотларга қизиқишни, янги билимларни эгаллашга иштиёқ ва кўникмани, улардан турли хил масала ва муаммоларни ҳал қилишда фойдалана билишни тарбиялаш»¹ га йўналгандир.

Юқорида айтилганлардан дарснинг методик томонига бўлган қатор талабларни келтириш мумкин. Дарсга бўлган муҳим талаб – ўқувчиларда предметни ўрганишга барқарор мотивацияни таркиб топтиришга йўналган бўлишидир.

Машҳур фин педагоги Р. Неванлинна бу борада бундай дейди: «Яхши дарс беришнинг усуллари жуда кўп, ёмон дарс бериш усуллари ундан ҳам кўп; энг ёмон усул – зерикарли дарс беришдир».

Ўқишга, фан асосларини ўрганишга қизиқишни асосларга, маълумотларга соф ташқи қизиқиш тарзида тушуниш мумкин эмас. Ўқишга қизиқишни тарбиялаш муаммоси етарлича кенг, масалан, у дарснинг ижобий эмоционал атмосферасини яратишни, ўқувчи у ёки бу ҳодисанинг сабабларини, улар ўртасидаги сабаб-оқибат алоқаларини аниқлашга интилувчи билиш қизиқишларини

¹ Программы восьмилетней школы. Начальные классы. М., изд-во «Просвещение» 1991, стр. 44 – 45.

тарбиялашни ўз ичига олади. Ҳар бир дарс ўзига хос тафаккур дарси, ижодга яқинлаштирувчи дарс бўлиши керак.

Кишидаги ҳар қандай қобилият, кўникма, характер хусусиятлари ушбу қобилият ёки интилишларни талаб қилувчи фаолиятда камол топиши олимлар томонидан исботланди. Демак, агар ўқувчининг ўқув фаолияти ундан онгли равишда ишлашни талаб қиладиган қилиб уюштирилган бўлса – бундай ўқитиш ўқувчи ақлий қобилиятининг кундалик машқига айланиб қолади. Бу уларни мантиқий фикр юритишнинг турли шакллари, тўғри хулоса чиқаришлар ва далиллар билан таъминлайди.

Масалан, 1-синф ўқувчиларига берилган арифметика мисоллари таркибидаги қонуниятларни топиш ҳавола қилинади. Болалар ушбу $14 + 2 =$; $14 + 3 =$; $14 + 4 =$; мисолларни қиёслайдилар ва иккинчи кўшилувчи қанчага ўзгарса, умумий йиғинди ҳам шунчага ўзгаради, деган хулосага келадилар.

Сўз таркиби устида ишлар эканлар, болалар ўқитувчи айтган сўзни асос ва кўшимчаларга ажратиш билан чекланмайдилар, балки шунга ўхшаш сўзларни ўзлари топадилар ва ясайдилар, кўшимчаларини алмаштириб, натижада сўз ва бутун гапда юз берадиган ўзгаришларни кузатадилар.

Болалар технология дарсларида берилган топшириқни бажарар эканлар, оддий чизмаларни тайёрлашни ва ўқишни, таълим жараёнларининг керакли изчиллигини ўйлашни ўрганадилар.

Ўқувчининг бундай фаол тафаккур фаолияти асосида қурилган ўқитиш диққатини узоқ муддатга тўпланган ва қатъийлигинигина эмас, балки эгалланган билимнинг онгли ва пишиқ бўлишини ҳам таъминлайди. Фаол тафаккурга асосланган билим, шунга мувофиқ қоида ва тушунчаларни қуруқ ёдлашдагига нисбатан тезроқ ҳамда осонроқ эгалланишини назарий ва амалий тажрибалар ишончли исботлаб берди. Болалар онгли ўсадилар. Улар ўйлашга одатланадилар. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, ўқувчиларнинг фаол фаолиятлари асосида ташкил қилинган иш болаларнинг ўзида ҳам зўр қониқиш уйғотади. Улар ўзлари мустақил яратган «кашфиётларидан» хурсандлик ва мағрурликни ҳис этадилар, ўзларининг оригинал мисолларини беришга, ижодий ташаббус ва фантазияларини намоеъ этишга интиладилар.

Бундан келиб чиқадики, ҳозирги замон дарсларининг олдига қўйиладиган энг муҳим талаб – ўқувчининг онгли ва ижодий фаолиятини фаоллаштиришдир.

Ўқувчиларни фаоллаштириш бу анчагина мураккаб иш, айниқса, янги дастурга ўтиш шароитида педагогик муаммодир. Шунинг учун ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларини фаоллаштиришга ёрдам берувчи восита, метод ва усулларни танлаш ўқитувчи доимо алоҳида эътибор берадиган иш бўлиши керак.

Республикамизнинг илғор ўқитувчилари бир қатор усуллар ёрдамида ўқувчиларнинг билиш ва ижодий фаолиятларини фаоллаштиришга эришмоқдалар. Улардан баъзиларини баён қиламиз:

1) бутун синфга тавсия этилган ҳар қандай ижодий ишда ҳар бир ўқувчининг иложи борица мустақил ишлашини таъминлаш;

2) бунинг учун ўқитишнинг индивидуал ва жамоа кўринишларини оптимал қўшиш усуллари билан бирга, айрим тақсимланадиган дидактик материаллардан фойдаланиш;

3) ўрганилаётган материал билан фаолият турлари ўртасидаги тўғри мувофиқликни таъминлаш;

4) дарсда (дастур материали асосида) зийраклик, диққат, тасаввур ва шу кабиларнинг шаклланишини текшириш учун ўзига хос мусобақалар ўтказиш.

Айтилганларни мисоллар билан тушунтирамиз. Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 25-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Ш.Абдуқодирова дарсидан намуна тасвирлаб, дарс тузилишида ўқув материали ва ўқувчиларнинг турли фаолиятларини ташкил қилишдаги турли муносабатлар қандай акс этишини кўриб чиқамиз.

Дарс мавзуси. «Кўшиш ва айириш» ва улар орасидаги муносабат.

Янги материал устида ишлаш. Ўқитувчи синф доскасининг чап томонига учта айлана, ўнг томонига ҳам шунча айлана чизди.

– Мен олдин нечта айлана чиздим? (Учта айлана)

– Мен досканинг қайси томонига чиздим? (Чап томонига)

– Ўнг томонга нечта айлана чиздим? (3 та айлана)

Бошқача қилиб айтиш мумкинми? (Чап томонга нечта айлана чизган бўлсангиз, ўнг томонга ҳам шунча айлана чиздингиз).

– Ўнг томондаги айланалар чап томондаги айланалардан кўпроқ бўлиши учун нима қилиш керак? (Ўнг томонга битта ёки бир неча айлана чизиш керак).

Ўқитувчи яна бир айлана чизади ва «Чап томонда учта айлана чизилган, мен ўнг томонга шунча ва яна битта ортиқча айлана чиздим» дейди.

Ўқувчилар ўқитувчи топшириғига кўра, дафтар саҳифасининг тепа қисмида учта катакни, қуйи қисмида эса битта ортиқча катакни айланага оладилар.

Янги материални мустаҳкамлаш учун ўқитувчи қуйидаги машқни ҳам ўтказди: доскани иккига бўлиб, бир томонга 5 та, иккинчи томонга ундан 1 та ортиқ байроқча расмини чизди. Ўқитувчи досканинг ўнг томонини беркитиб туриб: «Чап томонга 5 та байроқча, ўнг томонга эса ундан 1 та ортиқ байроқча расмини чиздим. Ўнг томонга қанча байроқча расмини чизибман?» – дейди.

Ечимнинг тўғрилигини текшириш учун досканинг ўнг томони очилади ва болалар ўз натижаларини расмдан текширадилар.

– Биз «кўп (кам)нинг» шунчага муносабатини ҳисобга олиб бориш кўникмасини, оралик тасаввурлари, ҳажмларнинг график тасвири малакаларини шакллантириш билан бевосита боғланган дарснинг бир қисминигина келтирдик. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ўқув материалининг кўп турлилигини эмас, балки бу фаолиятларнинг ҳар бири ўқитувчининг тушунтиришлари ва кўрсатишлари, айрим ўқувчиларнинг жавоблари, бутун синф ишида доимо такрорланиб туриши натижасида юзага чиқади.

Билиш мустақиллиги ва ижодий тафаккурни ўстириш масаласини ҳал қилишдаги муҳим восита мамлакатимизда ва чет элларда кўп йиллардан буён жадал ўрганилаётган муаммоли ўқитишдир. Муаммоли ўқитишдаги биринчи ва муҳим қадам муаммоли ҳолатни яратишдир. Дидактика тилида «муаммоли ҳолат яратиш» деган ибора, ўқитувчи ўқувчиларга шундай саволлар берадики, улар билимлари етишмаслиги туфайли бу саволга дарҳол жавоб бера олмайдилар, деган маънони англатади.

Болаларни мактабда ўқитишнинг биринчи кунларидаёқ уларда муаммоли ҳолат яратишнинг қатор имкониятлари мавжуд бўлади.

Бундан келиб чиқадики, ҳозирги замон дарсларининг олдига қўйиладиган энг муҳим талаб — ўқувчининг онгли ва ижодий фаолиятини фаоллаштиришдир.

Ўқувчиларни фаоллаштириш бу анчагина мураккаб иш, айниқса, янги дастурга ўтиш шароитида педагогик муаммодир. Шунинг учун ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларини фаоллаштиришга ёрдам берувчи восита, метод ва усулларни танлаш ўқитувчи доимо алоҳида эътибор берадиган иш бўлиши керак.

Республикамизнинг илғор ўқитувчилари бир қатор усуллар ёрдамида ўқувчиларнинг билиш ва ижодий фаолиятларини фаоллаштиришга эришмоқдалар. Улардан баъзиларини баён қиламиз:

1) бутун синфга тавсия этилган ҳар қандай ижодий ишда ҳар бир ўқувчининг иложи борица мустақил ишлашини таъминлаш;

2) бунинг учун ўқитишнинг индивидуал ва жамоа кўринишларини оптимал қўшиш усуллари билан бирга, айрим тақсимланадиган дидактик материаллардан фойдаланиш;

3) ўрганилаётган материал билан фаолият турлари ўртасидаги тўғри мувофиқликни таъминлаш;

4) дарсда (дастур материали асосида) зийраклик, диққат, тасаввур ва шу кабиларнинг шаклланишини текшириш учун ўзига хос мусобақалар ўтказиш.

Айтилганларни мисоллар билан тушунтирамиз. Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 25-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Ш.Абдуқодирова дарсидан намуна тасвирлаб, дарс тузилишида ўқув материали ва ўқувчиларнинг турли фаолиятларини ташкил қилишдаги турли муносабатлар қандай акс этишини кўриб чиқамиз.

Дарс мавзуси. «Қўшиш ва айириш» ва улар орасидаги муносабат.

Янги материал устида ишлаш. Ўқитувчи синф доскасининг чап томонига учта айлана, ўнг томонига ҳам шунча айлана чизди.

— Мен олдин нечта айлана чиздим? (Учта айлана)

— Мен досканинг қайси томонига чиздим? (Чап томонига)

— Ўнг томонга нечта айлана чиздим? (3 та айлана)

Бошқача қилиб айтиш мумкинми? (Чап томонга нечта айлана чизган бўлсангиз, ўнг томонга ҳам шунча айлана чиздингиз).

— Ўнг томондаги айланалар чап томондаги айланалардан кўпроқ бўлиши учун нима қилиш керак? (Ўнг томонга битта ёки бир неча айлана чизиш керак).

Ўқитувчи яна бир айлана чизади ва «Чап томонда учта айлана чизилган, мен ўнг томонга шунча ва яна битта ортиқча айлана чиздим» дейди.

Ўқувчилар ўқитувчи топшириғига кўра, дафтар саҳифасининг тепа қисмида учта катакни, қуйи қисмида эса битта ортиқча катакни айланага оладилар.

Янги материални мустаҳкамлаш учун ўқитувчи қуйидаги машқни ҳам ўтказди: доскани иккига бўлиб, бир томонга 5 та, иккинчи томонга ундан 1 та ортиқ байроқча расмини чизди. Ўқитувчи досканинг ўнг томонини беркитиб туриб: «Чап томонга 5 та байроқча, ўнг томонга эса ундан 1 та ортиқ байроқча расмини чиздим. Ўнг томонга қанча байроқча расмини чизибман?» — дейди.

Ечимнинг тўғрилигини текшириш учун досканинг ўнг томони очилади ва болалар ўз натижаларини расмдан текширадилар.

— Биз «кўп (кам)нинг» шунчага муносабатини ҳисобга олиб бориш кўникмасини, оралиқ тасаввурлари, ҳажмларнинг график тасвири малакаларини шакллантириш билан бевосита боғланган дарснинг бир қисминигина келтирдик. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, ўқув материалининг кўп турлилигини эмас, балки бу фаолиятларнинг ҳар бири ўқитувчининг тушунтиришлари ва кўрсатишлари, айрим ўқувчиларнинг жавоблари, бутун синф ишида доимо такрорланиб туриши натижасида юзага чиқади.

Билиш мустақиллиги ва ижодий тафаккурни ўстириш масаласини ҳал қилишдаги муҳим восита мамлакатимизда ва чет элларда кўп йиллардан буён жадал ўрганилаётган муаммоли ўқитишдир. Муаммоли ўқитишдаги биринчи ва муҳим қадам муаммоли ҳолатни яратишдир. Дидактика тилида «муаммоли ҳолат яратиш» деган ибора, ўқитувчи ўқувчиларга шундай саволлар берадики, улар билимлари етишмаслиги туфайли бу саволга дарҳол жавоб бера олмайдилар, деган маънони англатади.

Болаларни мактабда ўқитишнинг биринчи кунларидаёқ уларда муаммоли ҳолат яратишнинг қатор имкониятлари мавжуд бўлади.

Масалан, агар биз ўқув қуроллари бутун синфга етадими, деб сўрасак, оддийгина дафтарларни (қаламларни) тақсимлаш ҳам биринчи синф ўқувчилари учун муаммо бўлиши мумкин. Болалар дафтарларни (қаламларни) кўриб, тахминан, етмаса керак деб ўйлайдилар, чунки улар ҳар иккала элемент ҳажмини назарда тутадилар. Бу ўринда болалар тахминининг тўғрилигини текшириш учун дафтарларни тақсимлаш лозим бўлади. Айтиб ўтилган муаммо бир кўпликни бошқаси билан қиёслаш ва кўпчилик микдорининг бирлигини баҳолашга мисол бўлади. Бу бошланғич синфларда алоҳида аҳамият касб этади – муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш чегараланган мақсад эмас, улар болаларга яқин нарсаларда юзага чиқиши керак.

Ўқувчилар олдига қўйилаётган муаммолар бир ёки бир неча дарс давомида ҳал қилиниши мумкин. Энг кичик муаммо-саволлардан мисоллар келтирамиз.

Нима учун учбурчакни уч бурчак деб аташган? Унга унинг хусусиятлари билан боғлиқ бошқача ном бериш мумкинми?

Ўткир бурчак номини қандай тушунтириш мумкин? Ўтмас бурчакничи? Бир бурчаги тўғри бўлган учбурчакни сиз қандай учбурчак деб атайсиз (Савол ўқувчиларга бу термин тушунтирилишидан олдин берилади.).

Барча томонлари тенг бўлган учбурчак қандай учбурчак деб аталади ва бошқалар.

Республикамиздаги бошланғич синфларнинг илғор ўқитувчилари Н.Мурабаева ва С.Мамутова (Тошкент шаҳри Яккасарой тумани 118-сонли мактаб), Ш.Абдуқодирова (Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 25-сонли мактаб), А.Ахроров ва Д.Додобоев (Фарғона вилояти Сўх тумани 1- ва 10-сонли мактаб), З.Усмонова (Сурхондарё вилояти Термиз тумани 25-сонли мактаб), Ҳ.Ибрагимова ва Ф.Каттаева (Самарқанда шаҳридаги 14-сонли мактаб) ва бошқаларнинг иш тажрибаларида билимларни муаммоли баён қилиш ва ўқувчиларни баённинг айрим босқичларида ижодий изланишларга таклиф қилиш ўрин олган.

Айириш қонуниятлари «48 – 30 ва 48 – 3 ни айириш» мавзусидаги дарсдан намуна келтирамиз.

Дарснинг мақсади: ўқувчиларни айиришнинг янги усуллари билан таърифтириш.

Дарснинг дастлабки 5-8 дақиқасида $(50 + 9) - 30$ ва $(30 + 7) - 2$ туридаги мисолларни қулай усулда ечиш ҳамда икки хонали сонларни қўшиладиганлар йиғиндиси билан алмаштириш ишлари бажарилади.

Доскага мисол ёзилган: $36 - 20$. Ўқувчилар уни ўқийдилар, сўнгра бир ўқувчи доскада, қолганлар ўз жойларида турган ҳолда сонни дарслик иловасидаги айланали чизиқлар ёрдамида иллюстрация қиладилар. Шундан сўнг ўқитувчи доскага қуйидагиларни ёзади:

$$36 - 20 = (30 + 6) - 20.$$

– Мен доскага нима ёзганимни тушунтириб беринг. (36 сонини хонали қўшиладиган 30 ва 6 билан алмаштирадиган, натижада 30 ва 6 сонлари йиғиндисидан 20 ни айириш керак деган мисол ҳосил бўлди).

Ўқитувчи тўғри жавобни олар экан, ҳосил бўлган мисолни қулай усулда ечишни ўқувчиларга таклиф қилади.

Шундай қилиб, ўқитувчи ўқувчилар эгаллаган билимларига таянган ҳолда болаларни, берилган муаммони мустақил ҳал қилишга ўргатиб боради.

Юқорида айтилганларга хулоса ясаб, ҳозирги замон дарси муаммоли бўлиши ва ўқувчилар билиш фаолиятининг фаоллашувига асосланиши керак, дейиш мумкин.

Дарс методикасини такомиллаштиришдаги муҳим талаблардан яна бири, унда кўргазмалилик ва техникавий воситалардан фойдаланишдир.


Кўргазмалилик ўқитишнинг барча босқичларида қўлланади. Бироқ кичик мактаб ёшидаги болаларни ўқитишда у алоҳида роль ўйнайди, чунки «уларнинг идрок қилиш ва билимларни эгаллаш хусусиятларига ёрдам беради. Сезги аъзолари (кўриш, эшитиш ва бошқалар)га таъсир этиб, кўргазмалилик воситаси бирор образни, тушунчани ҳар томонлама, тўлиқроқ шаклланишини таъминлайди ва шу орқали билимларни пишиқроқ эгалланишига ёрдам беради, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятига мотивациясини оширади».

Бошланғич синфларда кўргазмалиликка ўқувчиларнинг ҳиссиёт тажрибаларини кенгайтириш ва бойитиш, ўқувчиларда муҳим билиш қобилиятларини, энг аввало мантикий тафаккур ва нутқда, ўқитишни жонлантиришда ўқувчиларга берилаётган билимларга нис-

батан эмоционал – баҳолаш муносабатни шакллантиришга алоқадор бўлган турли функциялар хосдир.

Бошланғич синфларнинг ўқитувчилари дарсларда кўргазмалиликнинг турли хилларидан фойдаланадилар: босма расм ва жадваллар (намойиш қилинадиган, тақсимланадиган), табиий предметлар, дарсликдаги расмлар ва бошқалар. Кўпчилик бошланғич синф ўқитувчилари турли техник воситалардан фойдаланиладилар. Жумладан, машғулотлар инновацион педагогик технологияларга асосланиб, интерфаол методлар, “Кейс-стади”, “Блиц сўров”, “Нима учун” каби усуллардан фойдаланиб, мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудиторияда академик гуруҳларда ўтказилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, дарсда кўргазмалиликдан фойдаланиш чекланган мақсадни эмас, балки ўқитиш методининг самаралилигини таъминлайдиган восита бўлиши керак. Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, агар кўргазмалилик талаб қилинмаган жойда қўлланса, болалар эътиборини қўйилган вазифадан четга тортиб, салбий натижа бериши мумкин. Ўқитувчилар ушбу мисолни келтирадилар: биринчи синф ўқувчиси арифметика масаласини ечишда арифметик ҳаракатни танлашга (қўшиш ва айириш) ўргатиларди. Шу мақсадда ўқитувчи ўқувчилар диққатини шохда ўтирган ва улар ёнига учиб келаётган ёки аксинча, учиб кетаётган қушчалар тасвирланган расмга жалб қилади. Ўқувчилар эса расмга қараб рақамлар устида ҳеч қандай арифметик ҳаракатни бажармай масаланинг оддий ечимини топадилар.



Кўришиб турибдики, бу ўринда кўргазмалилик ўқувчиларга масалани ечишларида арифметик ҳодисани танлашларига ёрдам бермай, аксинча, уларда бу кўникма шаклланишига тўсқинлик қиляпти.

Ўқитиш мазмуни ва методининг хусусиятларига дарснинг ташкилий томони мувофиқ келиши керак. Ҳар бир дарс – дейди машҳур дидактик олим М.Н.Скаткин – ўзининг қатъий, ягона, ички – ўқитишнинг дидактик мақсадлари, мазмуни, воситаси, методи ва усуллари белгиловчи мантиқига эга бўлиши керак. Дарсни очиб бериш мантиқини ташқаридан кўрсатиш мумкин эмас. Ўқитувчи дарсга қўйиладиган асосий талабларга риоя қилиб, бу талабларни рўёбга чиқиши учун ҳам, дарс компонентларини бир-бирига боғлашга ҳам ўз санъатини, ўз методик услубини, синфнинг характери ва унинг индивидуал хусусиятларига кўра қўшади. Бу шартларнинг ўзига хослиги ўқитувчи ҳозирги замон дарсига бўлган талабни қандай амалга оширишида намоён бўлади.

Ўқитишни индивидуаллаштириш, ҳар бир ўқувчини унинг ўзига мос иш билан таъминлаш дарснинг муҳим томони ҳисобланади. Талаб – ўқув жараёнида ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш – ўқувчига унинг индивидуал ва ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ҳам замонавий таълим-тарбиянинг умумий вазифалари, ҳам ўқитишнинг маълум давридаги фаолиятини ривожлантириш бўлган таъсир этишнинг маълум тизимини ишлаб чиқишдан иборат бўлган мақсаддир. Шуни айтиб ўтиш керакки, индивидуал ёндошишни фақат бўш ўзлаштирувчи ўқувчиларгагина эмас, балки барча ўқувчиларга нисбатан татбиқ қилиш лозим, чунки психологларнинг таъкидлашича, ҳар бир боланинг ўзи ўзига хос мустақил муаммодир.

Ўқитишни индивидуаллаштиришни синф-дарс жамоа иши билан қўшиб олиб бориш анча қийин, бироқ усталик билан уюштирилса, уйдalasа бўладиган иш. Республикаимиздаги кўпгина бошланғич синфларнинг илғор ўқитувчилари (Тошкентдаги 118-мактабдан Н.Мурабаева, Фарғона вилоятининг Сўх тумани 1-, 10-мактаблардан А.Ахроров ва Д.Додобоев, Чирчиқ шаҳридаги 25-мактабдан Ш.Абдуқодирова, Сурхондарё вилоятининг Термиз тумани 25-мактабдан З.Усмонова ва б.) ўқувчиларга индивидуал ёндошишни муваффақиятли амалга оширмоқдалар.

босқичларидан бири бўлмиш бошланғич таълим турли даврларда турлича кўринишларда олиб борилган.

Авесто давридаги таълим-тарбия элементлари:

Биламизки, Марказий Осиё халқлари, ўзбеклар ҳам жаҳондаги энг қадимий халқлардан ҳисобланади ва улар жаҳон илм-фанига, маънавий-маърифий тараққиётга катта ҳисса қўшганлар. Ўтмишда ота-боболаримиз яратган ёдгорликларимизни сақлаш, миллий қадриятларимизни тиклаш ва уларни тарғиб қилиш, қадимий тарихимизни бир ёқлама ёритиш ва чеклаш имкониятлари яратилди.

Бу борадаги илмий изланишлар натижаларининг кўрсатишича, тафаккурни ривожлантириш ва у орқали инсон маънавий камолотини юксалтириш муаммолари билан халқимиз шуғулланиб келган.

Авесто китобининг муаллифи бўлмиш, Спитама Заратустра таълимотига кўра, талаба аввал яхши таълим олади, кейин эса ёзишни ўрганиши лозим.

Болаларни ўқитиш ва тарбиялаш қоидалари:

1. Диний ва ахлоқий тарбия.
2. Жисмоний тарбия.
3. Ўқиш ва ёзишни ўрганиш.

Энди бошланғич таълим жараёнининг самарадорлигига келсак, уни амалга оширишда белгиладиган вазифалар олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларимизни тўғри йўлга қўйишга асос бўла олади:

– ўқувчиларнинг ўқишга, ўрганишга бўлган ҳоҳиш ва қизиқишларини рўёбга чиқарувчи ва уларга мос кўникмаларни шакллантириш;

– ўқувчининг саводхонлик асосларини эгаллашларига эришиш;

– ўқувчилар тафаккурига тегишли кўникмаларни шакллантириш;

– ўқувчилар интеллектуал салоҳиятига оид бўлган билимларни эгаллашга мойил бўлган имкониятларни аниқлаш ва ривожлантириш;

– ўқувчилар ўзлаштираётган ўқув материалининг ҳаётийлигига эришиш;

– ўқувчилардаги шаклланган билим ва кўникмаларни ҳаёт учун ва ўрта умумий таълимнинг кейинги қисмидаги ўзлаштирилиши лозим бўлган фанлардаги аҳамиятлилигини ошириш орқали уларнинг билиш фаолиятига қизиқишини мунтазам ошириб боришга эришиш.

Бошланғич таълим тизимида Давлат таълим стандартида белгиланган жараённинг таркибий компонентлари мазмунини модернизациялаш таълим бериш жараёнида янги замонавий педагогик технологияларни қўллаш имконини беради. Бунда қуйидаги педагогик омилларни қўллаш мумкин:

– бошланғич таълим жараёнига киритилган ҳар бир таълим соҳаси бўйича белгиладиган таълим мазмунига мос тарзда ўқув материалларининг тадрижий тарзда берилишини таъминлаш;

– таълим жараёнини таълим соҳаларининг мақсадига бўйсундириш ва таълим соҳаларида мақсадлар мутаносиблигини таъминлаш;

– ҳар бир таълим соҳаси бўйича бошланғич синф ўқувчиларида ҳосил бўладиган кўникма, малака ва компетенцияларнинг аниқ даражаларини ҳамда таълим натижасини баҳолаш меъзонида қўйиладиган талабларни бошланғич таълим бўйича Давлат таълим стандартларининг асосий параметрлари бўйича ишлаб чиқиш.

Демак, замонавий бошланғич таълим олдида қуйидагича муаммолар ва уларнинг ечимларини ҳал қилиш вазифалари турибди:

– бошланғич таълимда мустақиллик мафкураси асосларини жорий қилишнинг инновацион услубларини ишлаб чиқиш;

– бошланғич таълим педагогикаси ва таълим технологияси мазмун-моҳиятини ўқувчи-талабаларнинг билим, кўникма, малака ва компетенциясига мослаштириш;

– бошланғич таълимни такомиллаштириш ва ривожлантиришда замонавий педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш;

– информацион технологияларни жорий этишнинг дидактик асосларини ишлаб чиқиш;

– бошланғич таълимга оид замонавий ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш.

Бошланғич таълим ўқитувчиларини замонавий талаблар асосида рақобатбардош қилиб тайёрлашнинг асосий мазмун-моҳиятини эса узлуксиз таълим тизимининг ахборот технологиялари негизида ўқув таъминотини ривожлантириш асосида белгилайди.

Демак, бу бошланғич таълимда илмий педагогик илмий-услубий ва илмий тадқиқот ишларига замонавий услуб ва методларни тадбиқ этишни талаб этади. Бизга маълумки, олий ўқув юртига ўқишга кирган

талаба ДТС талаблари бўйича касбий фаолиятга йўналтирилгунга қадар мураккаб динамик жараённинг иштирокчиси бўлиб қолади. Бундай жараёнда таълим берувчидан ҳам, таълим олувчидан ҳам ижодий ва инновацион фаолиятлар оғушида яшашлик талаб этилади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини тадқиқот манбаи сифатида аниқлаб бўлгандан кейин қуйидагидек бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш омиллари ўрганилади:

- бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини тайёрлашга ўрта умумтаълим мактабларида ҳосил бўлган танланган тушунчалар;

- талаба яшаб турган атроф-муҳитдаги мутахассислик йўналишига таъсир этувчи омиллар;

- мутахассислик йўналишига тегишли илм-фан ва технологиялар ютуқлари;

- ўқув воситалари;

- ўқув усуллари, ўқув шакллари ва педагогик инновациялар.

Бу жараёндаги ҳар бир қадам натижаси бўлажак мутахассисга билим бериш давомида назорат қилиб, баҳоланиб борилади. Жумладан:

- биринчи курсда анъанавий таълим жараёнини олиб боришда амалда ижодий ёндашган ҳолда муайян мавзулар бўйича реферат ва аниқ мавзу бўйича маъруза матни ёзишга ўргатиш;

- иккинчи курсда курс иши ва илмий анжуманларда қатнашиш учун маъруза матнини ёзишни билмоғи лозим;

- учинчи курсда бошланғич таълим йўналиши талабалари реферат, илмий маъруза, курс иши, илмий-услубий мақола ва шу каби-ларни тайёрлаш кўникмаларига эга бўладилар;

- тўртинчи курсда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси, илмий ходим сифатида шакллана бошланиши керак, яъни у турли илмий анжуманларга ўз илмий изланишлари натижалари билан қатнашиши лозим.

Қайд этилган узлуксизликнинг самарали бўлиши учун, албатта, қатор талабларни эътиборга олиш лозим бўлади. Бундай талабларни замонавий бўлажак ўқитувчиларга мос ҳолда қуйидагидек кетма-кетликда ифодалаймиз:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий долзарб масалаларни билиши, мустақил таҳлил қила олиши;

- ватан туйғусини билиши, маънавий, миллий ва умуминсоний қадриятлар масалаларини билиши ва фикрини эркин билдира олиши;

- табиат ва жамиятда кузатилаётган ҳодисалар ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

- атрофдагиларга, жамиятга, табиатга муносабатда бўлишда маънавий меъзонларни билиши;

- ахборот йиғиш ва уни сақлаш, қайта ишлаш, ўз касбий фаолиятида самарали фойдалана олиши;

- бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги замонавий билимларни мустақил равишда ўзлаштириши ва ўз устида ишлаш жараёнидан самарали фойдаланиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш тўғрисидаги илмий тасаввурга эга бўлиши;

- ўқув усуллари, ўқув шакллари ва педагогик инновациялар.

Бошланғич синф ўқитувчисига олий ўқув юртида ўқиш давомида бериладиган таълим-тарбия восита ва шакллари, айниқса, таълимга инновацион ёндашувлар уларни илмий-педагогик ходим қилиб шакллантиришда муҳим асослар бўлиб, улар бўлажак мутахассисга мустақкам касбий билим, кўникма, малака ва компетенцияларни пайдо қилади. Ҳосил бўладиган билим, кўникма, малака ва компетенциялар ДТСдаги талабларни ҳисобга олган ҳолда назорат қилинади ва баҳоланади.

Демак, бошланғич синф ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашдаги ижодий ёндашув уларнинг мустақил ва ижодий ишларининг асосий ҳаракатлантирувчи омили бўлиб ҳисобланади.

ИЖОДИЙ ИШ САМАРАСИ

(Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри 25-сонли умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

Ш.Абдуқодированинг иш тажрибасидан)

Бизнинг мамлакатимизда ўз касбига меҳр қўйган ижодий меҳнат кишиларини ҳамма ҳурмат қилади ва эъзозлайди. Бундай кишилар учун мутахассислик оддийгина иш бўлмай, балки ижод, доимий изланиш ҳисобланади. У бошланғич синфларда 26 йилдан бери ўқитувчилик қилади, бунинг 15 йилини у синфдан синфга қоладиган ўқувчиларсиз якунлади. Ш.Абдуқодирова ўқувчиларга пухта билим беришга интилади, ўқувчилар билимининг сифатини оширишга жиддий аҳамият беради. Масалан, сўнгги 9 йил ичида унинг ўқувчилари фақат «4» ва «5» баҳоларга ўқимокдалар. 2017-2018 ўқув йилида биринчи синфдаги 29 нафар ўқувчилардан 27 таси аъло, 2 таси яхши баҳога ўқиган, иккинчи синфни эса 28 ўқувчи аъло, 1 нафар ўқувчи яхши баҳо билан тугатган.

Бошланғич синфларда Абдуқодирова Шохиста ўқитган ўқувчилар ўрта мактабнинг юқори синфларида муваффақиятли ўқимокдалар. Унинг ўқувчилари уюшқоқликда ва интизомда барчага намунадирлар.

Масалан, 4 синфни тугатган 29 нафар ўқувчининг 26 таси аъло баҳога, 3 нафари яхши баҳога, 5 синфда 25 ўқувчи аъло баҳога, 4 таси яхши баҳога ўқиган, 7 синфни тугатган 24 ўқувчидан 13 таси аълочидир.

Ўқувчилар билимининг сифат жиҳатидан бунчалик юқори бўлишига яхши материал базасининг мавжудлиги, ўқитувчининг дарсга ижодий тайёрланиши туфайли эришилган.

Ўқитувчининг дарслари – барча нарса назарда тутилган, ҳисобга олинган, ишлаб чиқилган жонли лабораториядир, унинг дарсларида иштирок этиш фақат ёшларгагина эмас, тажрибаси бой ўқитувчиларга ҳам роҳат бағишлайди. У бошланғич таълим методикаси, болалар психологияси, педагогика ва ўзи ўқитадиган предметлар билан яқиндан таниш. У ўз билимларини саҳийлик билан ўқувчиларга беради.

Ўқитувчи синф билан шуғулланар экан ҳеч бир ўқувчини назардан қочирмайди, бир дақиқа вақтини ҳам бекорга сарфламайди. Ўқитувчи Абдуқодированинг дарсларида ўқувчилар кузатишни, турли предметларни қиёслашни, уларни бир-бирига таққослаб, оддий ҳулосалар чиқаришни ўрганадилар. Унинг дарсларидаги самарадорлик ҳам ана шундадир.

Қўнғироқгача ҳали 10 дақиқа бор, ўқитувчида эса барча нарса: бир тўп дидактик материаллар, мустақил ишлар учун индивидуал топшириқли карточкалар, ўқиш дарси учун расмлар тайёр, ҳаммаси қўл остида қатъий тартибда жойлаштирилган. Шу билан бирга, қаҳрамонимиз ижодий ёндошган ҳолда ўз ишида дарсларни сермазмун ва қизиқарли ўтказадиган, ўқувчилар фаоллигини оширадиган, болаларни ягона жамоага бириктирадиган турли усуллардан фойдаланади. Унинг ҳар бир дарсида бирор янгилик, қизиқарли нарса бўлади. Бирида луғат билан ишлаш, бошқасида грамматик ўйин ва шу кабилар.

Ўқитувчи Абдуқодированинг дарслари мазмунли, майда деталларгача пухта ўйланган, кўргазмалиликка асосланган ҳолда ўтади. Дарслар шундай режалаштирилганки, ўқувчи ўзининг билимларини амалий эгаллашда илгари сиёжиётганини доимо ҳис қилиб туради. У болаларни ўз олдиларига бир мақсад қўйишга ўргатади ва ўқувчиларда янада яхшироқ ишлашга иштиёқ уйғотиш мақсадида ҳар бир ўқувчининг муваффақиятини баҳолаб, уларни ана шу мақсад сари бошлаб боради.

Ўқитувчи интиладиган асосий мақсад – ўқувчиларни илгари эгаллаган билимларидан эркин фойдаланишга ўргатишдир.

Таълим-тарбиявий жараённинг самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи омиллардан бири – ўқитувчининг ўқувчилар тафаккур фаолиятини фаоллаштириш юзасидан пухта ўйланган ишидир. Худди ўқувчилардаги мана шу фаоллик дарснинг барча босқичларида ҳам ўқувчиларга чуқур ва пухта билим бериш, уларда мустақил дунёқарашни шакллантириш каби мақсадларга эришишда максимал имкониятларни яратади. Ўқувчиларни фаоллаштириш мақсадида ўқитувчи умумлаштирувчи билимлар, иуаммоли саволлар беради.

Ўқувчилар фаоллигини ва фикр мустақамлигини кўзғаш ҳамда ўстириш – мактабнинг ҳозирги босқичидаги муҳим масалаларидан

биридир. Бошлангич синф ўқувчилари ҳар нарсага қизиқувчан ва синчковдирлар. Қаҳрамонимиз Абдуқодирова ўқувчиларнинг фаоллигини уйғотишни, бутун синф ва ҳар бир ўқувчига мустақил ишлаши учун имконият беришни билганлиги учун ҳам дарсларда ижобий натижаларга эришмоқда. У дарсга тайёрланар экан, бутун дарсни ва унинг ҳар бир босқичини алоҳида, пухта ишлаб чиқади.

Ўқиш бўйича дастур материали ўқиш дарсларининг ғоявий-сиёсий ва дунёвий тарбия бўйича вазифаларини аниқ белгилайди. Компитентлик фаолиятни тарбиялаш; болаларда теварак-атрофдаги мавжуд нарсалар ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш; уларни исонпарварлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш – ҳар бир дарснинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади. III. Абдуқодирова бу ишларга асос қилиб, ўқувчиларни замонавий ғоялар намунаси асосида тарбиялашни қўяди. У халқлар озодлиги ва бахти учун курашган буюк мутафаккирларнинг юксак образини ҳеч бир соддалаштирмай ўқувчилар онгига сингдиради.

III. Абдуқодирова ўқувчилар билан суҳбат ўтказиш методикасини эгаллаган. У ўқилган асар бўйича саволларни пухта ўйлаб тузади, чунки тўғри тузилган савол билимларни эгаллашга ёрдам беришни яхши билади. У қийин саволлар орасида баъзан осон саволлар ҳам бериб қўяди. Саволларни бундай алмаштириб туриш барча болаларни диққатли қилиб ушлаб туришга, секин идрок этувчи, ўзига ишонмайдиган, шунинг учун ҳам кўпинча пассив, бефарқ бўлиб ўтирувчи ўқувчиларни ҳам жавоб беришга мажбур қилади.

Ўқиш дарсларида ўқилган материални оғзаки гапириб беришга катта эътибор берилади. Ўқитувчи Абдуқодирова ўқувчиларнинг тафаккурини ривожлантиришга алоҳида эътибор беради. Ўқитувчи кириш суҳбати орқали болаларда ишни давом эттиришга мотивация уйғотади, уларни ўрганилаётган шеър ёки ҳикоянинг мазмунини тушунишга олиб келади; болалар характерининг энг яхши хусусиятлари: Ватанга муҳаббат, ишга виждонан муносабатда бўлиш кабиларни ўстиришда ҳикоя ёки мақолаларнинг тарбиявий имкониятларидан кенг фойдаланади.

Она тили дарсларида ўқитувчи ўқувчиларнинг тафаккур фаолиятларини фаоллаштирувчи турли усуллар: фронтал сўраш,

турли характердаги мустақил ишлардан фойдаланади. Карточкалар билан ишлаш ва ўзларининг ҳаётий тажрибаларидаги воқеалардан фойдаланиб, ҳикоялар тузиш кабиларни қўллайди.

III. Абдуқодирова грамматика – орфография материални эгаллаш жараёнида болаларнинг мустақиллиги ва фаоллигини ўстириб, беҳато ёзувга эришмоқда. Дарҳақиқат, хатоларнинг олдини олиш, йўл қўйилганларини йўқотиш – она тили дарсларидаги асосий иш йўналишидир.

Дарсларда топшириқларни бажариш болаларнинг мантиқий тафаккурини ўстиришга, уларда ўрганилаётган материалга мотивация уйғотишга ёрдам беради. Она тилидан бўладиган ҳар бир дарс учун ўқитувчи чиройли ёзувдан иш режалаштиради: у ёки бу ҳарф шаклини машқ қилиш, уни ёзишдаги камчиликни тузатиш, ёзишдаги қияликни машқ қилиш, ёзилган ҳарф баландлигини текшириш ва бошқалар.

Ўқувчиларнинг математика бўйича билим ва малакаларининг пишиқлигига ҳар бир дарс учун материални пухта танлаш орқали эришилади, бунда синфнинг ҳақиқий тайёргарлигини назарда тутган ҳолда материалдан фойдаланишнинг аҳамияти ва унинг қанчалик мақсадга мувофиқлигига асосланиш керак.

III. Абдуқодирова дарсларда математика терминларининг эгалланишига алоҳида эътибор беради.

Математика курсининг бутун мазмуни ифодаланадиган терминлар тўлиқ тушунтирилади, ёд олинади ва фаол қўлланади. Математика терминларини ўқувчилар томонидан фаол қўлланилишига болаларга шу терминларни қўллашга мажбур қиладиган саволлар бериш орқали эришилади: «Фигура майдони қандай бирликлар билан ўлчанади?», «Ифодалар тенглигини қандай текшириш керак?» ва ҳоказо.

Ҳар бир математика дарсидаги мажбурий элемент оғзаки машқ бўлиб, улар ҳисоблаш малакаларини ўстириш, математик тушунчаларни шакллантириш, ўтилганларни такрорлаш мақсадида киритилади. Оғзаки машқларни ўтказишда ҳар бир ўқувчининг ишини доимий назорат қилиб туриш имконини берадиган (сигнал карточкалари) воситалардан кенг фойдаланилади.

III. Абдуқодирова ўқув жараёнига ўйин элементларини болалар психологиясини чуқур тушунган ҳолда киритади. Дарслардаги

биридир. Бошланғич синф ўқувчилари ҳар нарсага қизиқувчан ва синчковдирлар. Қаҳрамонимиз Абдуқодирова ўқувчиларнинг фаоллигини уйғотишни, бутун синф ва ҳар бир ўқувчига мустақил ишлаши учун имконият беришни билганлиги учун ҳам дарсларда ижобий натижаларга эришмоқда. У дарсга тайёрланар экан, бутун дарсни ва унинг ҳар бир босқичини алоҳида, пухта ишлаб чиқади.

Ўқиш бўйича дастур материали ўқиш дарсларининг ғоявий-сиёсий ва дунёвий тарбия бўйича вазифаларини аниқ белгилайди. Компитентлик фаолиятни тарбиялаш; болаларда теварак-атрофдаги мавжуд нарсалар ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш; уларни исонпарварлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш – ҳар бир дарснинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади. Ш.Абдуқодирова бу ишларга асос қилиб, ўқувчиларни замонавий ғоялар намунаси асосида тарбиялашни қўяди. У халқлар озодлиги ва бахти учун курашган буюк мутафаккирларнинг юксак образини ҳеч бир соддалаштирмай ўқувчилар онгига сингдиради.

Ш.Абдуқодирова ўқувчилар билан суҳбат ўтказиш методикасини эгаллаган. У ўқилган асар бўйича саволларни пухта ўйлаб тузади, чунки тўғри тузилган савол билимларни эгаллашга ёрдам беришини яхши билади. У қийин саволлар орасида баъзан осон саволлар ҳам бериб қўяди. Саволларни бундай алмаштириб туриш барча болаларни диққатли қилиб ушлаб туришга, секин идрок этувчи, ўзига ишонмайдиган, шунинг учун ҳам кўпинча пассив, бефарқ бўлиб ўтирувчи ўқувчиларни ҳам жавоб беришга мажбур қилади.

Ўқиш дарсларида ўқилган материални оғзаки гапириб беришга катта эътибор берилади. Ўқитувчи Абдуқодирова ўқувчиларнинг тафаккурини ривожлантиришга алоҳида эътибор беради. Ўқитувчи кириш суҳбати орқали болаларда ишни давом эттиришга мотивация уйғотади, уларни ўрганилаётган шеър ёки ҳикоянинг мазмунини тушунишга олиб келади; болалар характерининг энг яхши хусусиятлари: Ватанга муҳаббат, ишга виждонан муносабатда бўлиш кабиларни ўстиришда ҳикоя ёки мақолаларнинг тарбиявий имкониятларидан кенг фойдаланади.

Она тили дарсларида ўқитувчи ўқувчиларнинг тафаккур фаолиятларини фаоллаштирувчи турли усуллар: фронтал сўраш,

турли характердаги мустақил ишлардан фойдаланади. Карточкалар билан ишлаш ва ўзларининг ҳаётий тажрибаларидаги воқеалардан фойдаланиб, ҳикоялар тузиш кабиларни қўллайди.

Ш.Абдуқодирова грамматика – орфография материални эгаллаш жараёнида болаларнинг мустақиллиги ва фаоллигини ўстириб, беҳато ёзувга эришмоқда. Дарҳақиқат, хатоларнинг олдини олиш, йўл қўйилганларини йўқотиш – она тили дарсларидаги асосий иш йўналишидир.

Дарсларда топшириқларни бажариш болаларнинг мантикий тафаккурини ўстиришга, уларда ўрганилаётган материалга мотивация уйғотишга ёрдам беради. Она тилидан бўладиган ҳар бир дарс учун ўқитувчи чиройли ёзувдан иш режалаштиради: у ёки бу ҳарф шаклини машқ қилиш, уни ёзишдаги камчиликни тузатиш, ёзишдаги қияликни машқ қилиш, ёзилган ҳарф баландлигини текшириш ва бошқалар.

Ўқувчиларнинг математика бўйича билим ва малакаларининг пишиқлигига ҳар бир дарс учун материални пухта танлаш орқали эришилади, бунда синфнинг ҳақиқий тайёргарлигини назарда тутган ҳолда материалдан фойдаланишнинг аҳамияти ва унинг қанчалик мақсадга мувофиқлигига асосланиш керак.

Ш.Абдуқодирова дарсларда математика терминларининг эгалланишига алоҳида эътибор беради.

Математика курсининг бутун мазмунини фойдаланадиган терминлар тўлиқ тушунтирилади, ёд олинади ва фаол қўлланади. Математика терминларини ўқувчилар томонидан фаол қўлланилишига болаларга шу терминларни қўллашга мажбур қиладиган саволлар бериш орқали эришилади: «Фигура майдони қандай бирликлар билан ўлчанади?», «Ифодалар тенглигини қандай текшириш керак?» ва ҳоказо.

Ҳар бир математика дарсидаги мажбурий элемент оғзаки машқ бўлиб, улар ҳисоблаш малакаларини ўстириш, математик тушунчаларни шакллантириш, ўтилганларни такрорлаш мақсадида киритилади. Оғзаки машқларни ўтказишда ҳар бир ўқувчининг ишини доимий назорат қилиб туриш имконини берадиган (сигнал карточкалари) воситалардан кенг фойдаланилади.

Ш.Абдуқодирова ўқув жараёнига ўйин элементларини болалар психологиясини чуқур тушунган ҳолда киритади. Дарслардаги

ўйинлар математик тушунчаларни шакллантиришга, билим, кўникма, малака ва компетенцияларни мустаҳкамлашга йўналган машқлар ролини бажаради.

Ўқитувчининг ҳар бир дарсда илгари ўрганилган материални янги билимларни эгаллаш жараёнига бирлаштирган ҳолда такрорлаши типик ҳодисадир.

Ўқитувчи табиатшунослик дарсларида катта тарбиявий вазифаларни ҳал қилади. Об-ҳавони кузатиш, ўсимликларни парвариш қилиш, экскурсияларга бориш болаларни табиатга яқинлаштиради, уларга барча жонли табиатнинг гўзаллигини ҳис қилдиради ва фойдали ишларда қатнашишга иштиёқ уйғотади.

Ўқитувчиларда жонажон ўлкаларига муҳаббатни тарбиялашдан ташқари ўқишни тўғри ташкил қилиш қандай аҳамиятга эга эканлигини Ш.Абдуқодирова жуда яхши тушунади. Ўқувчиларнинг китобларни мустақил ўқишлари уларнинг билим – онг даражаларини кенгайтиради, тафаккурларини шакллантиради, Ватанимиз тарихидан олган билимларини тўлдиради. Китоб билан дарсдан ташқарида ишлашнинг тури ва шакллари хилма-хилдир. Масалан, китоб кўргазмаларини ташкил қилиш, иллюстратив материал тўплаш, кино ва диафильмлар кўриш, Ватан ҳақидаги шеър ва ҳикояларни ўқиш, ўқувчилар орасида мусобақалар ўтказиш ва бошқалар.

Кўргазмалиликдан кенг фойдаланиш, ўқувчилар билан суҳбатлар ўтказиш, матнларни анализ қилиш, уларни муҳокама қилиш, турли метод ва усулларни қўллаш унинг дарсларини бир-биридан фарқлайди, болаларни ўзига тўлиқ жалб қилади, уларда ўрганилаётган материалга қизиқиш уйғотади, сўз бойлигини оширади, фаолликни, қизиқувчанликни, эмоционал туйғуларни ўстиради.

Ш.Абдуқодирова ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш, ўтказиш ҳамда уларни текшириш шаклларида катта аҳамият беради. Маълум тизимдаги мустақил ишларни ўтказишга тайёргарликни ўқитувчи ўз давридаёқ бошлайди: дастурнинг асосий мавзулари ва бўлимлари бўйича материал танлайди, ҳар бир мавзу бўйича умумлаштирувчи саволларни тайёрлайди. Мустақил ўқиш учун китобларни олдиндан танлаб, тайёрлаб қўяди; тарқатма дидактик материалларни ишлаб чиқиш ва тайёрлашда толмас

кашфиётчилиги намоён бўлади. Дидактик материалларнинг бойлиги сабабли (кабинетда 3347 кўргазмали қурол, схема, жадвал ва бошқа тарқатма дидактик материаллар бор) ўқувчиларнинг мустақил ишлари сермазмун бўлади ва интенсив ақлий ривожланишига ёрдам беради.

Мустақил ишдаги муваффақиятнинг керакли шартлари деб, Ш.Абдуқодирова ўқувчилар вақти ва кучини, яъни уларнинг тайёргарлик даражасини тўғри ҳисоблай билишни тушунади. Шунинг учун у ўқувчиларнинг назорат ҳамда мустақил ишларини пухта таҳлил қилади ва шу таҳлил асосида ўқувчиларга ўзининг математика ва она тилидан топшириқларини тайёрлаб, бу топшириқларга ўқувчи билимидаги камчиликларни назарда тутувчи саволларни киритади.

Қаҳрамонимиз дарсга тайёрланар экан, ҳар бир мустақил иш учун инструкцияни пухта ўйлаб чиқади, чунки у ҳар қандай ишни ҳам шошма-шошарлик билан бериб бўлмаслигини яхши тушунади. У дарсни режалаштирар экан, мустақил ишларни текшириш шакли ва усулларини, унинг дарсдаги ўрни ҳамда қанчалик давом этишини ҳам ўйлаб қўяди. Ҳар бир мустақил ишни ўқитувчи дарсда текширади ва баҳолайди. Дарсда мустақил ишларни ўтказишга тайёрланишда мустақил ишларнинг ўзини оқлаган турини танлашга интилади.

Энг самарали усул – индивидуал карточкалар бўйича мустақил ишдир. Ўқувчилар топшириқ – карточкани мавзунинг ўрганишнинг якунида эмас, айрим саволларни ўрганиш даврида оладилар. Уларнинг ҳар бири битта грамматика бўлими устида, бироқ турли матнлар билан ишлайдилар. Карточкалар билан ишлаш ва уни янги материални ўрганиш вақтига яқинлаштириш учун вақт топиш мақсадида ўқитувчи фронтал мустаҳкамлаш ва ўқувчиларни оғзаки сўраш вақтини анча қисқартиради. Шундай қилиб, ҳар бир ўқувчининг бутун ўқув материали устида мустақил ва фаол ишлаши таъминланади, навбатдаги топшириқни текшириш эса исталган ўқувчининг билим даражасини яққол кўрсатади ҳамда ишда қийналаётган ўқувчига ёрдам бериш имконини беради.

Ҳар бир дарснинг аҳамиятли томони – ўқувчилар билан мустақил ишлашдир. Ўқитишни индивидуallasштириш ҳар бир ўқувчини ўзига қулай мавзуда ишлашини таъминлашга, ривожланишнинг бир

ўйинлар математик тушунчаларни шакллантиришга, билим, кўникма, малака ва компетенцияларни мустаҳкамлашга йўналган машқлар ролини бажаради.

Ўқитувчининг ҳар бир дарсда илгари ўрганилган материални янги билимларни эгаллаш жараёнига бирлаштирган ҳолда такрорлаши типик ҳодисадир.

Ўқитувчи табиатшунослик дарсларида катта тарбиявий вазифаларни ҳал қилади. Об-ҳавони кузатиш, ўсимликларни парвариш қилиш, экскурсияларга бориш болаларни табиатга яқинлаштиради, уларга барча жонли табиатнинг гўзаллигини ҳис қилдиради ва фойдали ишларда қатнашишга иштиёқ уйғотади.

Ўқитувчиларда жонажон ўлкаларига муҳаббатни тарбиялашдан ташқари ўқишни тўғри ташкил қилиш қандай аҳамиятга эга эканлигини Ш.Абдуқодирова жуда яхши тушунади. Ўқувчиларнинг китобларни мустақил ўқишлари уларнинг билим – онг даражаларини кенгайтиради, тафаккурларини шакллантиради, Ватанимиз тарихидан олган билимларини тўлдиради. Китоб билан дарсдан ташқарида ишлашнинг тури ва шакллари хилма-хилдир. Масалан, китоб кўргазмаларини ташкил қилиш, иллюстратив материал тўплаш, кино ва диафильмлар кўриш, Ватан ҳақидаги шеър ва ҳикояларни ўқиш, ўқувчилар орасида мусобақалар ўтказиш ва бошқалар.

Кўргазмалиликдан кенг фойдаланиш, ўқувчилар билан суҳбатлар ўтказиш, матнларни анализ қилиш, уларни муҳокама қилиш, турли метод ва усулларни қўллаш унинг дарсларини бир-биридан фарқлайди, болаларни ўзига тўлиқ жалб қилади, уларда ўрганилаётган материалга қизиқиш уйғотади, сўз бойлигини оширади, фаолликни, қизиқувчанликни, эмоционал туйғуларни ўстиради.

Ш.Абдуқодирова ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш, ўтказиш ҳамда уларни текшириш шаклларига катта аҳамият беради. Маълум тизимдаги мустақил ишларни ўтказишга тайёргарликни ўқитувчи ўз давридаёқ бошлайди: дастурнинг асосий мавзулари ва бўлимлари бўйича материал танлайди, ҳар бир мавзу бўйича умумлаштирувчи саволларни тайёрлайди. Мустақил ўқиш учун китобларни олдиндан танлаб, тайёрлаб кўяди; тарқатма дидактик материалларни ишлаб чиқиш ва тайёрлашда толмас

босқичидан иккинчисига ўтишини рағбатлантиришга, бирининг қобилиятини стимуллаштиришга, иккинчиси учун истиқбол яратишга хизмат қилади.

III. Абдуқодирова ўқувчиларни мустақил ишлашга ўргатар экан, ўқувчиларнинг фаол фикрлаши айрим муваффақиятли дарс ёки тадбирда эришганлари билан чекланиб қолмай, балки доимий, мустақил, онгли ишлашни унинг эҳтиёжига айлантиришга интилади; болаларнинг қизиқувчанлигини оширадиган барча воситалардан фойдаланади. Бу ўқувчилар билимини ўстирувчи ва уларни янги фаолиятларга ундовчи ҳикоя, синфда ва ота-оналар мажлисида энг яхши ишлар ва бутун ўқувчилар жамоаси ишларининг кўргазмаси, рағбатлантириш, қийналаётганларга ўз вақтида ёрдам бериш ва бошқалар бўлиши мумкин.

Ўқувчиларнинг пухта тайёргарлиги ўқитувчи Абдуқодированинг катта мақсадга йўналган иши натижасидир. Бу ишнинг муҳим босқичи ҳар бир ўқувчи томонидан билимларни онгли эгалланишига қайғуришдир. Масалан, математика фанининг қонуниятларига асосан 5 та мураккаб мисол номаълум қўшилувчи ва кўпайтмани топиш учун икки тенглама, икки ечимли масала ва геометрик материалдан иборат бўлган назорат ишни ўқувчилар яхши бажардилар. 29 нафар ўқувчидан 27 нафари «5», 2 нафари «4» баҳо олди. 55 сўздан иборат бўлган диктантни 28 ўқувчи «5» га, 1 нафари «4» баҳога ёзди.

Ҳар бир ўқувчи янги материални қандай тушунди? Ўқувчи эгаллаган билим ва малакасида мустақил фойдалана оладими? Ўқитувчи дарсда болалар билимининг сифатини текшириб, шу саволларга жавоб қидиради. Бундай текширувдан сўнг ўқувчи уйига қандай билим базаси билан кетаётганлиги аниқ кўринади, бу эса ўқувчилар уйларига берилган вазифани қийналмай ҳал қила олишларига ўқитувчида ишонч ҳосил қилади ва келгуси кун эътибор бериши учун мавзу материалларининг бўш эгалланган томонларини аниқлаш имконини беради.

III. Абдуқодирова ўқув жараёнини такомиллаштиришнинг муҳим йўлларида бири, техникавий воситалар ёрдамида ўқитиш, деб ҳисоблайди. Уларни дарсларда қўллаш имконияти хилма-хилдир. Ҳикояни иллюстрация қилиш, ўқувчиларда ифодали ўқишни шакл-

лантириш, ўқувчилар нутқини ўстиришда ўқитувчи магнитофон ва телевизор орқали диафильм, компьютер ва проектор орқали мультимедиа воситаларидан фойдаланади.

Масалан, она тили дарсида «ўрғусиз унлилар» мавзусини ўрганишда у проектор орқали сабзавот ва меваларнинг рангли расмларини кўрсатади. Ўқувчилар сабзавот ва меваларнинг номларини айтадилар, шу сўзлар иштирокида гаплар тузиб, ўрғусиз унлиларнинг ёзилишини тушунтирадилар. Бу метод кластер усули орқали таълимни ўзлаштириш, десак хато қилмаган бўламиз.

Таъсирчан оҳангда гапириш, аниқ мақсад, ҳар бир босқичдаги муаммолилиқ, хилма-хил кўргазмали материаллар, топшириқларнинг гуруҳларга кўра турланганлиги, индивидуал иш, қизиқарли топшириқ, ўйин, турли мусобақаларнинг киритилиши – буларнинг барчаси ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини, мантиқий тафаккурини ўстиришга ёрдам беради. У фақат ўқитибгина қолмай тарбия ҳам беради: болаларни Ватанни севишга, ўқишга виждонан ёндашишга, ўз кучига ишонишга, катталарни ҳурмат қилишга ўргатади, билимга муҳаббат уйғотади.

III. Абдуқодирова болаларни фақат оила билан ҳамкорликда ишлагандагина тўғри тарбиялаш мумкинлигига қатъий ишонади, бола тарбияси учун мактаб, оила ва жамоатчилик жавобгардир, болани ҳар томонлама шаклланган киши қилиб тарбиялаш ёлғиз ўқитувчининг қўлидан келмайди, дейди у. Биринчи мажлисдаёқ, у ота-оналарга асосий масалаларни: ўқувчининг кун тартибини, ота-оналар болаларига уй вазифаларини бажаришларида қандай ёрдам беришлари кераклигини, оилада бола тарбияси бўйича асосий масалаларни тушунтиради ва синф ота-оналар комитетини сайлайди.

Кун тартибини тизимли текшириб бориш, доимий алоқа, ота-оналар комитети билан бирга ҳаракат қилиш – буларнинг барчаси ўқитувчига таълим-тарбиявий жараёнда яхши натижаларга эришишга ёрдам беради.

III. Абдуқодированинг ўз касбига бўлган содиқлиги ва муҳаббати масъулиятни жон-дили билан ҳис қилиши дўстлари орасида катта ҳурмат қозонишга сабаб бўлган. Унинг фидокор меҳнат фаолияти, самимийлиги ва инсонийлиги барча ўқитувчилар учун намунадир.

Қаҳрамонимиз Абдуқодирова ўзининг илғор тажрибасини, педагогик маҳоратини педагогик йўлга энди қадам қўйган ёшларга самимият билан ўргатиб келмоқда. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари бўлиш ёшлар унинг дарсларини кузатадилар, бирга анализ қиладилар, фикр алмашадилар.

ЎҚИТУВЧИНИНГ МУСТАҚИЛ ЎҚИШИ ВА УНИНГ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ҲАМДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ТАРБИЯЛАШГА ТАЪСИРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қўшма қарорлари, мактабдаги ўқув тарбиявий ишларни такомиллаштириш тўғрисидаги қарорларининг амалга оширилиши ўқитувчида мустақил ўқиш масалаларига зўр қизиқиш уйғотди. Ўқитувчининг ғоявий, илмий-назарий ва методик билим даражасини ошириш устида мунтазам ишлаши бошланғич синфларда янги дастур бўйича ўқитишга ўтиш муносабати билан янада муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчининг мустақил ўқилиши ташкил этиш юзасидан маълум ижобий тажрибалар орттирилган. Ўқитувчининг мустақил ўқиши бўйича Республика Таълим Маркази томонидан тавсия этилган дастур бошланғич синф ўқитувчисининг мустақил иши мазмуни ва тизимини белгилайди. Бундай дастурнинг мавжудлиги ўқитувчига мустақил ўқиш ишини режалаштиришида катта ёрдам беради. Бошланғич синф ўқитувчилари учун мустақил ўқиш дастури қуйидаги бўлимлардан ташкил топган:

I. Илмий-назарий ва методик тайёргарлик:

1. Она тили.
2. Ўқиш.
3. Математика.
4. Табиатшунослик.

II. Таълим ва тарбиянинг психологик-педагогик асослари:

1. Психология масалалари.
2. Педагогика масалалари: а) дидактика; б) тарбиявий иш.

Ўқитувчилар мустақил ўқиш билан шуғулланар эканлар, улар мактаб (мактаблараро) ва туман методик бирлашмаларида, семинарларда иштирок этадилар, ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида малакаларини оширадилар.

Ҳар бир ўқитувчи мустақил ўқиш бўйича ўз ишини режалаштирар экан, аввало, дастур билан танишиб чиқиши, бунда у дастурнинг қайси бўлим ҳамда мавзулари ва тавсия этилаётган адабиётлардан қайси қисмини чуқур ўрганганини, қайсиларни ўрганиш талаб қилинишини аниқлаб оладиган даражада пухта танишиб чиқиши керак. Ўрганиш учун адабиёт танлашда ўқитувчи ўз шароитларини ҳисобга олиб, қайси адабиётни вақтинча олиб туриши мумкин бўлса (кутубхонадан, ўзининг ёки ҳамкасбларининг шахсий кутубхонасидан), ўшандан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини назарда тутиши керак.

Мустақил ўқиш бўйича ишни ўқитувчи ҳар йили маълум илмий-назарий мавзу устида ишлайдиган ва билимини мазкур мавзунинг ўқитиш методикаси масалалари билан қўшиб олиб борадиган қилиб режалаштириши мақсадга мувофиқдир.

«Таълим ва тарбиянинг психологик-педагогик асослари» бўлимидан мавзуларни ўқитувчи ўз ихтиёрига кўра режалаштиради, бунда шунинг ҳам эътиборга олиш керакки, бу бўлимнинг ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказий институтини назарда тутган барча мавзулари ҳар йили ўрганилиши шарт эмас. Масалан, ишни қуйидагича, биринчи йилда – эътиборни дидактика масалаларига, иккинчи йилда – психология масалаларига, учинчи йилда – инсонпарварлик тарбия масалалари ва шу қабиларга қаратадиган қилиб ҳам уюштириш мумкин.

Шунга кўра мустақил ўқиш режасига илмий-назарий ва мутахассислик бўйича методик тайёрланиш бўлимидан мавзулар ҳамда таълим-тарбиянинг психологик-педагогик асослари бўлимидан ўқитувчи ўқув йили давомида ишлайдиган масалалар киритилиши керак.

Мустақил ўқиш режаси бир йилга (жорий йилнинг 1 сентябридан келгуси йилнинг 1 сентябrigача) тузилади. Мустақил ўқиш режасининг тахминий кўриниши қуйидагича:

Мустақил ўқиш режаси

Фами- ляси, исми, отаси- нинг исми	Ўқув йили	Ўрганиш муҳлати	Дастурнинг ўрганилаёт- ган мавзу- лари ва бўлимлари- нинг номи	Ўргани- лаётган адабиёт	Иш шакли	Режа- нинг бажари- лиши ҳақида белги

Ўқитувчиларнинг мустақил ўқиш режалари тегишли методик бирлашмалар томонидан кўриб чиқилади, агар зарурият бўлса, улар маълум бир ўзгартиришлар, қўшимчалар киритиш ҳақида маслаҳат берадилар. Шундан сўнг режа ҳақида мактаб директори ёки унинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари билан келишиб олинади. Агар мактаб раҳбарлари ҳам бирор ўзгартириш ёки қўшимча киритишни лозим топсалар, ўз таклифларини айтадилар.

Ўқитувчининг дастурдаги айрим мавзулар бўйича ишни якунлаш вариантларидан бири реферат тайёрлашидир. Рефератларнинг тахминий режаси Вазирлар Маҳкамаси ва ХТХҚТМОИ (халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти) дастурида кўрсатилган. Реферат бирор актуал муаммонинг назарий ҳолати, унинг фанда текширилишидаги турли кўринишлари ҳамда ўқитувчидаги шахсий тажрибаларининг умумлаштирилган баёни бўлиши керак. Ўқитувчи тайёрлаган реферати билан методик бирлашма йиғилишида, педагогик илмий кенгашларда, педагогик ўқишларда ва шу каби жойларда қатнашади.

Ўқитувчининг мустақил ўқишидаги барча ташкилий ва методик ишлар ҳамда мустақил ўқишининг ҳолати ва натижаларини назорат қилиб бориш халқ маорифи органлари, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари, туман (шаҳар) методик бўлимлари ва мактаб директорлари зиммасига юкланади, улар эса ўз навбатида ўқитувчининг мустақил ишлаши учун вилоят ва туман ХТБ томонидан тайёрланган дастурлар билан таъминлаш, адабиётларни олишга

ёрдам бериш, ўқитувчига ёрдам сифатида маърузалар, семинарлар, консультациялар уюштириш, мустақил ўқиш бўйича ишнинг энг самарали методлари билан таништириб туриш, мактабда ишлашнинг оптимал тартибини таъминлаш каби барча керакли шароитларни яратиб беришлари лозим.

Ўқув йилининг охирида мактабларда педагогик жамоанинг мустақил ўқиш ишига якун ясалади. Бу якунлар педагогик Илмий Кенгаш йиғилишларида кўриб чиқилади. Ўқитувчининг мустақил ўқиши бўйича ташкилий вазиятлар шулардан иборатдир.

Республикамиз ўқитувчиларининг мустақил ўқиш ишларини режалаштириш учун нималар характерли?

Мустақил ўқиш бўйича индивидуал режа тузишдан олдин ўқитувчи ўтган йилда қилинган барча ишларни анализ қилади. У мактабнинг энг муҳим вазифалари ва талабларини, ўзининг иш шароитларини диққат билан анализ қилади. Ўқитувчи ўзи устида ишлашни режалаштирар экан, дастур талабларини ҳисобга олган ҳолда айрим масалалар бўйича шахсий тайёргарлигига ҳамда ўқувчиларнинг ҳам тайёргарлиги ва имкониятларига асосланади. Бу ишни аниқ режалаштириш ва уни белгиланган муҳлатларда бажариш имконини беради. Ўқитувчининг гоёвий-сиёсий билим даражасини ошириш бутунлайича халқ маорифи тармоғида амалга оширилади. Шундай бўлса ҳам ўқитувчи аҳоли ўртасидаги педагогик ва ташвиқотчилик фаолияти учун зарур бўлган материални ўрганишни режалаштиради.

Режавинг «Илмий-назарий ва методик тайёрланиш» бўлимидаги мустақил ўқиш дастуридан ўқитувчи методик билимини бойитишда эҳтиёж сезадиган масалаларини ўрганиш учун белгилаб олади. Ундан ташқари, ўқувчиларнинг тайёргарлиги, уларнинг имкониятлари ҳисобга олинади, чунки ўқитувчининг мустақил ўқишидан кутиладиган якуний натижа қуйи синф ўқувчиларини ўқитиш, тарбиялаш даражасини ошириш ва ривожлантиришдир.

Ҳар бир ўқитувчининг индивидуал режаси, шунга кўра, ўз хусусиятларига эга бўлади. Масалан, баъзи ўқитувчилар ҳар бир предметдан 1-2 мавзунини унинг ўқитиш методикаси билан бирга режалаштирадилар. Масалан, режада қуйидаги мавзулар бор:

1. Фонетика ва графика. Алфавит ва уни ўрганиш методикаси (октябрь).

2. Биринчи синф ўқувчиларининг тафаккури ва нутқини ўқиш дарсларида ўстириш (декабрь).

3. 1-синфда математик элементлар ва уларни ўрганиш методикаси (январь).

4. 1-синфда мураккаб масалаларни ечиш методикаси (февраль).

5. 1-синф дарсларидаги табиатшунослик материали ва уни ўрганиш методикаси (апрель).

Шунингдек, режада психологик-педагогик йўналишнинг айрим мавзуларини: «Қобилият ва уни ўқувчиларда камол топтириш» (март), «Шарқ мутафаккирлари тимсолида ўқувчиларда ахлокий сифатларни тарбиялаш» (сентябрь), «Дарс-мактабда ўқитишнинг асосий шакли» (ноябрь) ўрганиш назарда тутилади.

Кўпгина ўқитувчиларни назарий ва амалий режадаги «Қуйи синф ўқувчиларининг ақлий фаолиятларини ўқитиш жараёнида фаоллаштириш», «Ўқувчиларни ўқитиш жараёнида ва синфдан ташқари ишлар тизимида миллий тарбиялаш», «Бошланғич синфларда муаммоли ўқитиш», «Техник воситалар ва улардан ўқитиш жараёнида ҳамда синфдан ташқари машғулотларда фойдаланиш методикаси», «Қуйи синф ўқувчиларини диний ва дунёвий руҳда тарбиялаш тизими» ва дидактиканинг бошқа муаммоли масалалари, миллий тарбия назарияси ҳамда методикасига бағишланган мавзулар қизиктиради.

Илғор ўқитувчилар тажрибасида айтиб ўтилган ва бошқа мавзулар устида ишлаш фақат назарий режада эмас, балки тадқиқот режасида ҳам олиб борилади. Бошланғич синф ўқитувчиларининг амалий тажрибаларига ўқитиш жараёнида муаммоли ёндошиш борган сари кўпроқ сингиб бормокда, шахснинг ҳар томонлама ривожланишига ёрдам берувчи, фикрлаш қобилиятини фаоллаштирувчи самарали метод ва усуллар маъқулланмокда.

Мустақил ўқиш ўқитувчининг дарсга тайёрланишига ҳам ижобий таъсир этмокда. Масалан, Бошланғич синф ўқитувчиси О.Б.Бобоевнинг иш режасида «Анвар Обиджон ўзбек халқининг атоқли шоири» мавзусини ўрганиш режалаштирилган. Мавзу

биринчи, иккинчи ва учинчи синфларда ўрганилади. Бир мавзули дарсни учта синфда ўтишнинг мазмуни, ташкил қилиниши ва методикасини ўйлаб топиш керак. Ўқитувчининг мустақил ўқиш иш режасида шоирнинг асарларини, Анвар Обиджон ҳақидаги бошқа адабий манбаларни ўқиш белгиланади, шеърларнинг тасма ёзувида тайёрланади, бир мавзули дарсларни ўтказиш ва дарсларда мультимедиа воситаларидан фойдаланиш методикасига доир янги мақолалар ўрганилади.

Мустақил ўқиш жараёнида ўқитувчи вақтли нашрлар устида мунтазам ишлайди, зарур материалларни ёзиб олади ва материалларни мавзулар бўйича гурҳлайди, тўпланган материалдан айрим дарсларда, синфдан ташқари машғулотларга тайёрланишда фойдаланади. Кўпгина ўқитувчилар 2017 – 2018 йиллар давомида турли иллюстратив материалларни тизимлаштирдилар. Грамматика бўйича:

1. «Сўз таркиби», «Ғап» ва шу каби мавзулар бўйича тақсимланадиган материал.

2. Айрим мавзулар, масалан, «Отларнинг тусланиши», «Ўрғусиз унлилар» ва шу кабилар бўйича индивидуал намуналар тўпланди.

Ўқитувчилар газета ва журнал мақолаларини аннотация қилиб ҳисобга олиб борадилар, булардан кейинчалик бошланғич синфлардаги дарсларга тайёрланишда фойдаланиш мумкин бўлади.

Эълон қилинаётган ишларнинг аннотацияли библиографияси алоҳида мавзулар бўйича тузилади, бу бирор материал зарур бўлиб қолган ҳолларда ортиқча вақт сарфламай топиш имконини беради.

Ўқитувчилар шахсий кутубхоналаридаги китобларни кўпинча алфавит тартибида жойлаштирадилар. Шахсий кутубхонани комплекташда мутахассислик бўйича ўқув-тарбиявий ишнинг характери эътиборга олинади. Ҳар бир ўқитувчи вақтли нашрларга обуна бўлган, унинг шахсий кутубхонасида педагогика ва психология бўйича янги асарларни топиш мумкин.

Ўқитувчи радио эшиттиришлари, телевизион кўрсатувлар, мультимедиа воситаларидан мустақил ўқиш мақсадларида фойдаланади. Баъзи ўқитувчилар таътил вақтидаги туристик саёҳатлардан ҳам шундай мақсадларда фойдаланадилар.

Мустақил ўқишнинг муваффақиятли бўлиши кўп жиҳатдан уни жамоа методик иш шакллари билан уйғунлашишига боғлиқдир. Ҳамкасблар билан учрашувлар, фикр ва тажриба алмашилишлар мактабдаги ишлар сифатига ҳамда ўқитувчилик маҳоратининг ошишига ижобий таъсир этади. Мустақил ўқиш жараёнида ўқитувчи томонидан реферат ва маърузалар тайёрланиши ва унинг семинарлар, «педагогик ўқишлар», илмий-назарий конференцияларда қатнашиши уни илмий-методик ўсишда янги босқичга кўтарилишига имкон беради.

Кўпгина илғор ўқитувчиларнинг тажрибаси ўқитувчининг мунтазам равишда мустақил ўқиши ўқув-тарбиявий ишдаги муваффақиятининг гарови ҳамда ўқувчилардаги ўзлаштирмасликнинг олдини олувчи шартлар эканлигини кўрсатади. Масалан, номлари юқорида айтиб ўтилган ўқитувчиларнинг синфларида қатор йиллар давомида иккинчи йилга қолган ўқувчилар бўлмаган. Уларнинг ўқувчилари кейинги синфларда ҳам муваффақиятли ўқимокдалар.

Шундай қилиб, ўқитувчининг мустақил ўқиши таълим ва тарбиянинг сифатига амалий таъсир этади. Бунинг натижаси ҳар бир дарс учун режани синчиклаб ўйлаб тузишда, ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашнинг метод ва усуллари танлашга илмий ёндошишда, ўқув-тарбиявий ишнинг барча босқичларини уюштиришдаги аниқликда, ўқувчиларнинг ўқиш жараёни ва мактаб ҳаётида фаол иштирок этишларида намоён бўлади. Шу билан бирга, бошланғич синф ўқитувчисига мустақил ўқиш ишида ёрдам бериш лозим. Бу ёрдамни турли кўринишларда амалга ошириш мумкин. Масалан, ҳар ойда радио орқали консультациялар бериш, телевидение орқали махсус кўрсатувлар уюштириш, мультимедиа иловалари тайёрлаш, туман кутубхоналари, методика хоналари, шунингдек мактаб кутубхоналарини ҳам керакли адабиётлар билан комплекшлаш, вақтли матбуот саҳифаларида мустақил ўқиш бўйича тажриба алмашилишларни ташкил қилиш ва шу қабили.

ЎҚИШ ДАРСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ўқиш дарсларини қандай қилиб ҳиссиётни тарбиялашга, фикрни уйғотиш ва билишга иштиёқ туғдириш дарсларига айлантириш мумкин? Қандай қилиб болада билим манбаи – китобга қизиқиш ва меҳр, муҳаббат уйғотиш мумкин? Бошланғич синф ўқитувчиларининг диққат марказида турган бу масалалар бугунги кунда амалий ҳал этилишини талаб этмоқда.

Маълумки, она тилини ўрганиш тизимида ўқиш дарслари марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Ўқиш дарси болалар дунёқарагининг шаклланишига, уларнинг ақлий, ахлоқий ва эстетик тарбиясига катта таъсир кўрсатади.

Сўнгги йилларда, ўқиш дарсларига берилаётган эътибор бир оз сусаяётганлиги сезилмоқда. Бошланғич синф ўқитувчилари, илмий бўлим мудирлари, мактаб директорлари ва методистлар бошланғич таълим дастурида юз берган ўзгаришлар, асосан, математикага тааллуқли деб ҳисоблаб, ўқиш соҳасида амалга оширилаётган янгиликларни сезмаётганлари ҳолда, асосий эътиборни математика дарсларига қаратмоқдалар. Натижада ўқиш дарслари иккинчи ва учинчи режага тушиб қолиб, кўпинча давр ва тараққиёт талабига жавоб бермайдиган ҳолда ўқитилмоқда.

Айрим ўқитувчилар ўқиш дарсларининг аҳамиятини етарли даражада баҳолай олмасликлари натижасида ўқиш дарсларининг самарадорлигини ошириш тўғрисидаги дастур ғояларини тўла рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилмоқдалар. Бугунги куннинг вазифаси шундан иборатки, Республикамиз мактабларидаги бошланғич синф ўқитувчиларининг илғор тажрибаларига асосланиб, ўқиш дарсларини юқори даражага кўтариш, уларни ҳақиқатан ҳам бошланғич синфлардаги дарсларнинг асосий манбаига айлантириш, шунингдек ўқитувчиларга ўқиш дарсларининг самарадорлигини ошириш воситаларини аниқлаш, онгли ва фаол китобхоннинг шаклланишига ёрдам бериш, яъни китобнинг мазмунини тўғри тасаввур қила оладиган бўлишига, ўзини мактабга қатнай бошлаган биринчи кундан бошлаб

китобни дўст ва устоз деб билишга одатланишига ёрдам бермоғимиз лозим бўлади.

Республикамиз мактабларидаги илғор ўқитувчилар ўқиш дарсларида ғоявий-сиёсий тарбиянинг тизими ва мазмунига катта эътибор бериб келмоқдалар.

Ўқиш дарсларидаги ғоявий-сиёсий тарбиянинг мақсади ёш авлодда бутунги куннинг энг муҳим сиёсий воқеалари ҳақида, демократик жамият қуриш ҳақида, жонажон мамлакатимиз ҳақида тўғри тушунчалар ҳосил қилиш, атроф-муҳитни тўғри билиш ва унга тўғри муносабатда бўлишни шакллантиришдан иборатдир.

Ҳозирги мактаб ўқувчиси ўздан 20–30 йиллар олдинги ўқувчилардан анча ажралиб туради. Эндиги болалар инсонпарварлик, Ватанпарварлик ғоялари, мустақилликка хос янги одатлар қандай қилиб кундалик ҳаётимизга сингиб бораётганлигини кузатиб бораётирлар. Улар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топишга ҳаракат қиладилар. Уларни, айниқса, «XX аср одамлари қандай яшаганлар?», «XXI асрда ривожланиш қандай?» «Қанақа замонавий машиналар бўлади?», «Истаган нарсани бепул олиш мумкин бўладими?» каби саволлар қизиқтиради.

Ўқиш болаларда пайдо бўлаётган саволларга жавоб топишга, бутунги кунимиз ва келажагимизни аниқроқ тасаввур қилишга ёрдам беради.

Ўқувчиларда ижтимоий онгнинг шаклланиши фақат ўқилаётган материалнинг мазмунигагина боғлиқ бўлиб қолмай, балки ўқувчининг бевосита ўз устида меҳнат қилишига ҳам боғлиқдир.

Дарсда ўқувчиларнинг билиш фаолияти уларда ўсиб бораётган ҳис-туйғулар билан бирга қўшиб олиб борилиши керак.

Муҳими шундаки, ўқувчилар ўқиш дарсларида ўқитувчининг раҳбарлиги остида, материалнинг мазмунини, унинг бадиий воситаларини ва асар ғоясини билишга интилиши, ўқилган китобга нисбатан ўз муносабатини айтиши, асар қаҳрамонлари ва уларнинг хатти-ҳаракатларини тўғри баҳолай олиши лозим. Бошланғич синф ўқитувчилари асосий эътиборни ўқувчиларда мамлакатимиз ҳақидаги дастлабки билимларни шакллантиришга, ватанпарварлик ва демократик руҳда тарбиялашга қаратишлари тасодикий эмас.

Булар болаларда «Ватан» сўзини таниш ва яқин тушунчалар орқали англашга ёрдам беради.

Шунга кўра, Чирчиқ шаҳридаги 25-мактаб ўқитувчиси Д.Эрийгитова болаларни жонажон республикамиз – Ўзбекистонга меҳр-мухаббатли қилиб тарбиялаш зарурлигини таъкидлайди. «Бизлар Ўзбекистонда яшаймиз, шу туфайли болалар бепоён мамлакатимизнинг ана шу қисмини – ўз ўлкасини, ватанини севиши керак», – дейди Д.Эрийгитова. У ўқиш дарсларида буюк шоир ва ёзувчиларимиз асарларидан кенг фойдаланади.

Бошланғич синф ўқитувчилари асосий эътиборни ўқувчиларнинг ёшларига мувофиқ келадиган воситаларга қаратиб ёш авлодни тарбиялашда муваффақиятга эришмоқдалар (кишилар билан тўғри муносабатда бўлиш, табиатга, меҳнатга, ўзининг бурчига, демократик жамиятда яшаш қоидаларига амал қилишга ўргатиб бормоқдалар).

Илғор мактабларнинг тажрибаларидаги ибратли ишлардан бири шуки, уйга берилган вазифани текшириш ўтилган янги мавзу юзасидан топшириқ олиш билан узвий равишда олиб борилмоқда. Бу ўқитувчиларда одат тусига кириб қолган «Уйга қанақа вазифа берилган?» деган саволни такрорламасдан дарснинг биринчи дақиқаларидан бошлаб ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатилади.

Ҳозирги кунда дарснинг кўпгина қисми асар устида ишлашга ажратилмоқда. Шунга кўра, дарснинг муҳим босқичи ўқувчиларни асарни ўқишга тайёрлашдан иборат бўлади. Бундай тайёргарликнинг характери дарснинг мақсадига қараб, дарсда ўрганиладиган материалнинг мазмунига қараб, болаларнинг шу материал юзасидан қанчалик маълумотга эга эканлигига қараб аниқланади. Ўқувчиларни асарни ўқишга тайёрлашдан мақсад, уларни асарнинг мавзуси ва тили билан таништириш, уларнинг асарга бўлган қизиқишини ошириш, болалар диққатини жалб қилиш, мустақил фикр юритишлари учун имконият яратиш кабилардан иборат.

Ўқувчиларни янги асарни ўзлаштиришга тайёрлаганда ўқитувчи воқеа мазмунини сўзлаб бермайди, балки ўқувчилар уни ўзлари ўқиганларини назарда тутиб, ўзлаштиришга тайёрлайди.

Асарни ўқиш олдидан бирон бир савол ёки вазифанинг қўйилиши, ўқувчининг меҳнати муайян мақсадга қаратилишини таъминлайди.

Республикамиз илғор ўқитувчиларининг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, улар дарсга тайёргарлик пайтидаёқ дарснинг муваффақиятли ўтишини таъминлаб қўядилар. Улар, аввало, матнни яхши ўзлаштирадилар, келгуси дарсда ўтиладиган асарнинг ғоясини ва бадий воситадарини билиб оладилар, муаллиф ижодининг ўзига хос томонларини аниқлайдилар, асарнинг асосий мазмунини мадан иборат эканлигини ва у муаллиф томонидан қандай ифодаланганлигини очиб ташлайдилар. Фақат шундан кейингина дарснинг мақсади белгиланади ва шу йўл билан ўқувчилар мазкур асарни ўрганишга киришадилар. Дарсдан кўзланган мақсадга эришмоқ учун энг зарур методик усуллар қўлланилади: асар мазмунини бўйича саволлар тузилади ва матн устида ишлаш учун топшириқ берилади, ўқувчилар мустақил ишлашининг ўрни ва характери белгиланади, керакли кўргазмали қуроллар ажратилади, ўқувчиларнинг индивидуал ва жамоа бўлиб ишлашлари учун саволлар тайёрланади.

Чирчиқ шаҳар 15-мактаб ўқитувчиси Н. Абдужалилова ва Фарғона шаҳридаги 10-сонли мактаб ўқитувчиси Д. Додобоев ва 1-сонли мактаб ўқитувчиси А. Аҳроров ва бошқалар дарсларни худди шу тартибда олиб борадилар.

Болаларнинг савод чиқариш даври ўқиш савиясининг шаклланиши даврига тўғри келади.

Савод чиқариш жараёнини қандай кузатиш мумкин? Ҳамма болаларнинг онгли, ифодали, тез ва тўғри ўқишларига қандай эришиш мумкин?

Сурхондарё вилояти Термиз тумани 25-сонли мактаб ўқитувчиси З. Усмонова болаларни ўқишга ўргатишнинг асоси – ўқувчиларнинг индивидуал қобилиятини ҳисобга олиш – уларнинг ўзлаштириш даражаси, деб ҳисоблайди. Шунга кўра, у ўқиш юзасидан бериладиган топшириқларни индивидуал ва гуруҳларга ажратиш мумкин, дейди. Мазкур ўқитувчи ўз тажрибасида ҳар бир ўқувчи дарсда ҳам, уйда ҳам ўз қобилиятига яраша меҳнат қилиб, ўз меҳнатидан ўзи мамнун бўлишига эришишга ҳаракат қилади. Индивидуал топшириқларни бажариш ўқувчига жамоа бўлиб ҳал қилинадиган ишларда қатнашиш имкониятини беради, деб таъкидлайди.

Тошкент шаҳар 118-мактаб ўқитувчилари Н. Мухторова, С. Мамутова, М. Ўроқова, П. Пўлатова, Самарқанда шаҳридаги 14-мактаб ўқитувчилари Ҳ. Ибрагимова, Ф. Катгаевалар ана шундай ибратли ишларни амалга оширишда муваффақиятга эришмоқдалар.

Қобилиятли ўқувчиларнинг ўқишга бўлган қизиқишига путур етказмаган ҳолда бўш ўзлаштирадиган ўқувчиларни аълочилар қаторига кўтариш – илғор ўқитувчилар тажрибасининг асосидир. Тажрибали ўқитувчилар ўқитишга ўргатишнинг дастлабки пайтидан бошлабқол болаларни мустақил ишлашга ўргатишга ҳаракат қиладилар. Бунда асосий эътибор ўқувчиларнинг ёш ва билим савиясига қаратилади. Ўқитувчи бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан шуғулланаётганда аълочи ўқувчилар мустақил ишлаши мумкин бўлган методлардан фойдаланади. Бунда ўқувчилар алифбедан ўқиш китобига ўтган давридаги мустақил ишлар, айниқса, катта аҳамиятга эга. Болаларни ўқишга ўргатишда ўқувчиларнинг ўзлари ўқишлари учун имконият яратиш жуда фойдали. Бунга ўз навбатида, матнларни қайта-қайта ўқиш натижасидагина эришиш мумкин. Агар қайта ўқиш натижасида ўқувчи биринчи марта ўқиб, билганидан бошқа ҳеч қандай янги нарсани билмаса, қайта ўқиш механик характерда бўлиб, ўқувчига ҳеч нарса бермайди. Бу тажрибали ўқитувчиларнинг назаридан ташқарида қолмаслиги лозим. Фақат янги нарсани билиш мақсади билан қайта ўқиш ўқувчида ўқишга иштиёқ уйғотади, унда мантиқий ва образли фикр юритишни ривожлантиради.

Қайта ўқиш туфайли болалар фақат ўқишни машқ қилиб қолмасдан, балки ўқитувчи ёрдамида ўқитилаётган матннинг мазмунини чуқурроқ ўрганадилар.

Маълумки, бошланғич синфда она тили дарсларининг асосий қондаси – кичик ёшдаги мактаб болаларининг нутқини ўстиришдан иборат. Ўқувчи ўзининг фикрини қанчалик мазмунли, аниқ ва тўғри ифодалай олиши унинг умумий савиясини аниқлашга имкон беради ва ўз навбатида, барча предметларни ҳам бемалол ўзлаштириши мумкин бўлади.

Мақтабга келган бола ўз фикрини ифодалаш учун етарли сўз бойлигига эга бўлмайди, у ҳали ўз фикрини боғлаб баён қилишни, теваарак-атрофидан олган хотираларини аниқ белгилашни

билмайди. Чирчиқ шаҳридаги 25-мактаб ва Самарқанд шаҳридаги 25-мактаб ўқитувчилари Д.Эрйигитова, Ҳ.Ибрагимова ва бошқалар ўз тажрибаларида ўқувчиларнинг нутқини ўстириш учун ҳар қандай имкониятлардан фойдаланадилар. Масалан, ўқилган асар юзасидан ўқувчилар олдига саволлар қўядилар. Қўйилган саволлар ўқувчиларни ўйлашга мажбур қилиши, саволга жавоб беришда муаллиф қўллаган иборалардан фойдаланиши лозимлигини назарда тутди ва уларни кўпроқ мураккаб жумлаларни ишлатишга ундайди.

Мазкур ўқитувчилар ўқилган китобнинг кенгайтирилган режасини ўқувчиларнинг ўзлари тузиб чиқишларига катта ўрин беришади. Ана шундай кенгайтирилган режа бўйича ҳикоя тузишда бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар ҳам унча қийналмайди.

Ўқитувчилар болаларнинг оғзаки ҳикоя тузишларига катта эътибор бериб, бирор асардан ўқилган парчанинг тугалланиши ҳақида ўйлаш, ўқиб чиқилган асардаги воқеа юзасидан оғзаки расмлар чизиш, қиёсий ҳикоялар тузиш, муҳим воқеаларга характеристика бериш ва шунга ўхшаш методлардан фойдаланадилар.

Ўқитиш жараёнида боланинг луғат бойлиги миқдор бўйича эмас, балки сифат бўйича ҳам ўзгаради. Бунга, айниқса, бадий асарларни ўқиш дарслари катта ёрдам беради. Асарлари болалар томонидан дарсларда ўқиладиган энг яхши ёзувчиларимизнинг усули ўзининг теранлиги ва сўзларининг мантиқийлиги билан ажралиб туради. Бундай ёзувчиларнинг бирор сўзни воқеликка нисбатан аниқроқ акс эттириш учун бошқаси билан алмаштириши жуда қийин.

Болалар ўқилаётган асарнинг тилини анализ қилиб, мазмунини мукамал ва аниқ баён қилишга одатланадилар.

Ўқитувчи болалар билан бирга ўқилаётган асарнинг асосий мазмунини аниқлаш орқали унинг тили устида ҳам иш олиб боради. Бу эса ўқувчиларнинг мазкур асарни тўлалигича, ҳеч бир бадий компонентини назардан қолдирмай ўрганишга ёрдам беради.

Тошкент шаҳри Яккасарой тумани 118-сонли умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Н.Мурабаеванинг болалар билан кеч кузда ботаника боғига қилган экскурсияси, ўқитувчига болалар нутқини янги сўзлар билан бойитишга имконият яратди. Ўз ўқитувчиси билан бирга болалар боғда куз фаслидаги гўзал манзарани томоша

қилдилар. «Шамол эса бошлади, барглар ҳилпирай бошлади». Болалар жим туришиб, барглар овозини эшитишарди. «Барглар нима ҳақида пичирлашяпти?» – сўради ўқитувчи болалардан. «Келинлар, ҳикоя тўқиймиз». Шунда болалар куз ҳақида қуйидагича ҳикоя тўқидилар: «Дарахтлар бугун қуёш яхши нур сочаётганлиги ҳақида ашула айтишяпти. Улар шундай яхши кийинганларидан хурсанд бўлишяпти. Мана, қаттиқ шамол эса бошлади – олтин барглар ёмғирдек тўкиляпти. Дарахтлар ғамгин бўлишяпти. Улар ўзларининг чиройлари кетиб қолишини истамайдилар».

Лекин ўқитувчиларни дарсда кўргазмали воситалардан доимо фойдаланиш керакми? У ёки бу мавзунини ўтишда қандай кўргазмалардан фойдаланиш керак? Уларнинг меъёрига эътибор бериш лозими? деган масалалар кўпроқ қизиқтиради.

Мактаблар тажрибаси кўргазмали воситалар ўқиб чиқилган китоб мазмунини аниқлаштириш воситасини бажарса, ўтилган материал ҳақидаги боланинг билимини кенгайтирса ва чуқурлаштирса, матндаги воқеага бевосита тааллуқли бўлса, шунингдек, болаларни матнни қайта ўқишга қизиқтирсагина фойдали ва зарур эканини кўрсатмоқда. Республикамиз ўқитувчилари ўқиш дарсларида кўргазмали воситаларни қўллаш бўйича анчагина тажриба тўплаганлар.

Республикамиз ўқитувчилари синфдан ташқари ўқиш соҳасида ҳам анча тажрибага эгалар.

Бошланғич синфларда синфдан ташқари ўқиш дарсининг асосий мақсади – ўқувчиларнинг нутқини ўстириш ва уларни болалар китоби билан таништиришдан иборат. Синфдан ташқари ўқиш натижасида болалар ўқиш дарсларида олган билимларини кенгайтирадилар, мустақамлайдилар, китоб устида мустақил ишлашга ўрганадилар. Шу йўл билан болада китобга муҳаббат уйғотилади, болаларни бадий, илмий-оммабоп адабиётлар ва болалар нашриёти маҳсулотларини ўқишга жалб қилинади.

Чирчиқ шаҳридаги 15-мактаб ўқитувчиси Марямхон Отабоева синфдан ташқари ўқиш дарсида ҳисобот мусобақасини кенг қўллайди. Бундай дарсларда у ҳеч қачон ўз ўқувчиларига ёмон баҳо қўймайди, ўқувчилар эришган ютуқларни юқори баҳолаб, уларни

билмайди. Чирчиқ шаҳридаги 25-мактаб ва Самарқанд шаҳридаги 25-мактаб ўқитувчилари Д.Эрийгитова, Ҳ.Ибрагимова ва бошқалар ўз тажрибаларида ўқувчиларнинг нутқини ўстириш учун ҳар қандай имкониятлардан фойдаланадилар. Масалан, ўқилган асар юзасидан ўқувчилар олдиға саволлар қўядилар. Қўйилган саволлар ўқувчиларни ўйлашға мажбур қилиши, саволға жавоб беришда муаллиф қўллаган иборалардан фойдаланиши лозимлигини назарда тутди ва уларни кўпроқ мураккаб жумлаларни ишлатишға ундайди.

Мазкур ўқитувчилар ўқилган китобнинг кенгайтирилган режасини ўқувчиларнинг ўзлари тузиб чиқишларига катта ўрин беришади. Ана шундай кенгайтирилган режа бўйича ҳикоя тузишда бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар ҳам унча қийналмайди.

Ўқитувчилар болаларнинг оғзаки ҳикоя тузишларига катта эътибор бериб, бирор асардан ўқилган парчанинг тугалланиши ҳақида ўйлаш, ўқиб чиқилган асардаги воқеа юзасидан оғзаки расмлар чизиш, қиёсий ҳикоялар тузиш, муҳим воқеаларға характеристика бериш ва шунга ўхшаш методлардан фойдаланадилар.

Ўқитиш жараёнида боланинг луғат бойлиги миқдор бўйича эмас, балки сифат бўйича ҳам ўзгаради. Бунга, айниқса, бадиий асарларни ўқиш дарслари катта ёрдам беради. Асарлари болалар томонидан дарсларда ўқиладиган энг яхши ёзувчиларимизнинг усули ўзининг теранлиги ва сўзларининг мантиқийлиги билан ажралиб туради. Бундай ёзувчиларнинг бирор сўзни воқеликка нисбатан аниқроқ акс эттириш учун бошқаси билан алмаштириши жуда қийин.

Болалар ўқиладиган асарнинг тилини анализ қилиб, мазмунини мукамал ва аниқ баён қилишға одатланадилар.

Ўқитувчи болалар билан бирга ўқиладиган асарнинг асосий мазмунини аниқлаш орқали унинг тили устида ҳам иш олиб боради. Бу эса ўқувчиларнинг мазкур асарни тўлалигича, ҳеч бир бадиий компонентини назардан қолдирмай ўрганишға ёрдам беради.

Тошкент шаҳри Яккасарой тумани 118-сонли умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Н.Мурабаеванинг болалар билан кеч кузда ботаника боғига қилган экскурсияси, ўқитувчига болалар нутқини янги сўзлар билан бойитишға имконият яратди. Ўз ўқитувчиси билан бирга болалар боғда куз фаслидаги гўзал манзарани томоша

қилдилар. «Шамол эса бошлади, барглар ҳилпирай бошлади». Болалар жим туришиб, барглар овозини эшитишарди. «Барглар нима ҳақида пичирлашяпти?» – сўради ўқитувчи болалардан. «Келинлар, ҳикоя тўқиймиз». Шунда болалар куз ҳақида қуйидагича ҳикоя тўқидилар: «Дарахтлар бугун қуёш яхши нур сочаётганлиги ҳақида ашула айтишяпти. Улар шундай яхши кийинганларидан хурсанд бўлишяпти. Мана, қаттиқ шамол эса бошлади – олтин барглар ёмғирдек тўкиляпти. Дарахтлар ғамгин бўлишяпти. Улар ўзларининг чиройлари кетиб қолишини истамайдилар».

Лекин ўқитувчиларни дарсда кўргазмали воситалардан доимо фойдаланиш керакми? У ёки бу мавзунини ўтишда қандай кўргазмалардан фойдаланиш керак? Уларнинг меъёрига эътибор бериш лозимми? деган масалалар кўпроқ қизиқтиради.

Мактаблар тажрибаси кўргазмали воситалар ўқиб чиқилган китоб мазмунини аниқлаштириш воситасини бажарса, ўтилган материал ҳақидаги боланинг билиминини кенгайтирса ва чуқурлаштиради, матндаги воқеага бевосита тааллуқли бўлса, шунингдек, болаларни матнни қайта ўқишға қизиқтирсагина фойдали ва зарур эканини кўрсатмоқда. Республикамиз ўқитувчилари ўқиш дарсларида кўргазмали воситаларни қўллаш бўйича анчагина тажриба тўплаганлар.

Республикамиз ўқитувчилари синфдан ташқари ўқиш соҳасида ҳам анча тажрибага эгалар.

Бошланғич синфларда синфдан ташқари ўқиш дарсининг асосий мақсади – ўқувчиларнинг нутқини ўстириш ва уларни болалар китоби билан таништиришдан иборат. Синфдан ташқари ўқиш натижасида болалар ўқиш дарсларида олган билимларини кенгайтирадилар, мустақамлайдилар, китоб устида мустақил ишлашға ўрганадилар. Шу йўл билан болада китобға муҳаббат уйғотилади, болаларни бадиий, илмий-оммабоп адабиётлар ва болалар нашриёти маҳсулотларини ўқишға жалб қилинади.

Чирчиқ шаҳридаги 15-мактаб ўқитувчиси Марямхон Отабоева синфдан ташқари ўқиш дарсида ҳисобот мусобақасини кенг қўллайди. Бундай дарсларда у ҳеч қачон ўз ўқувчиларига ёмон баҳо қўймайди, ўқувчилар эришган ютуқларни юқори баҳолаб, уларни

рағбатлантиради. Мазкур синфда болалар китобни севишади ва кадрлашади. Ҳамма болалар мароқ билан ифодали ўқийдилар.

Чирчиқ шаҳридаги 25-мактаб ўқитувчилари синфдан ташқари ўқишни жуда яхши йўлга қўйганлар. Уюшқоқлик билан ўтадиган дарсларда болаларда китобга нисбатан ҳавас ва муҳаббат уйғотиб борилади. Масалан, шу мактаб ўқитувчиси Д.Эрйигитова синфдан ташқари ўқиш дарсини «Чиройли баҳор» мавзусида ўтказди. Бунинг учун ҳар бир ўқувчи бирон-бир баҳорги ўсимликни кўз олдига келтириб, у ҳақда мустақил танлаган шеърини айтиб беришга тайёрланди. Болалар баҳор ҳақидаги топшириқлардан танладилар, бадиий асарлардан парчалар танлаб, улардан сахна кўринишлари ташкил қилдилар ҳамда баҳорга бағишланган шеърхонлик мусобақасида қатнашдилар.

Дарсга бундай тайёргарлик кўриш давомида болалар фақат ўқитувчи тавсия қилган асарларни ўқиш билан чегараланмай, балки ўзлари ҳам асарлар танлаб ўқийдилар.

Илғор мактабларнинг тажрибалари синфдан ташқари ўқиш дарслари болаларда энг яхши ҳиссиётларни кўзгата оладиган, уларнинг фикр ва онгини уйғотадиган дарс бўлиши кераклигидан далолат бермоқда. Бунга ҳар қандай изланувчи ўқитувчи эришиши мумкин.

ЎҚИШ ДАРСЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ

Ўқиш дарсларининг самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан ўқитувчининг маҳоратига, дарсга пухта тайёрланишига боғлиқдир.

Ўқитувчи янги материалнинг мазмунини, ғоясини ўқиб аниқлаши, ўқитишнинг турли усулларида самарали фойдаланиши, ўқувчиларни бадиий адабиёт воситалари билан тарбиялашнинг илмий асосланган методларини тўлиқ эгаллаб олиши зарур.

Ўқиш курсининг адабий-бадиий асосда ташкил этилиши болаларга тўғри ва равон ўқиш, ўқилганларини осонгина тушуниб олиш имконини беради. Шунингдек, асарда талқин этилаётган ғоя, зарур тушунчаларни сингдириш ўзбек адабий тилининг бойлигини изчиллик билан ўргатиб бориш, бадиий матн устида ишлашнинг оддий

ва мураккаб талабларига ўқувчиларда маълум кўникма ҳосил қилиш ишлари деярли ҳар бир дарсда давом эттирилади.

Ўқиш дарсида ўқувчиларнинг оғзаки, ёзма нутқини ўстириб бориш бошқа фанларни ўзлаштиришда, айниқса, аҳамиятлидир.

Она тили, – деган эди машҳур рус педагоги К.Д. Ушинский, – етакчи предмет, уни эгалламай туриб бошқа фанларни эгаллаш мушкул. Демак, ўқиш дарслари орқалигина бошқа предметларни ўрганишга асос солинар экан, бу дарснинг аҳамиятини янада яхшироқ ҳис этиш ва ўқувчиларнинг онгли, равон, тез, ифодали ўқишларига эришиш учун ҳаракат қилмоқ лозим.

Дарҳақиқат, ўқиш дарслари олдига қўйилган талаб анча мураккаб бўлиб, 1-синф ўқувчиси, 7 ёшли бола онгли ўқиши, ўқиганларини боғланишли нутқ билан гапириб бериши, ифодалиликка риоя қилиши, энг муҳими бадиий матн устида ишлашга ўрганиши осон эмас. Аммо, мунтазам равишда қилинган меҳнат туфайлигина бундай мураккаб талаблар амалга ошади.

Ўқувчи нутқининг равон, тушунарли бўлиши учун аввал унинг нутқидаги нуқсонларни бартараф этишга эътибор бериш, сўнг адабий тил асосида фикрни эшитувчига тушунарли қилиб баён этишга, ҳамиша ўз нутқида талабчан бўлишга ўргатилади.

Тез-тез баён ва иншо ўтказиб туриш болаларнинг ёзма нутқини ўстириш ва ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Баён ёзиш учун танланадиган матнларнинг ўқувчилар ёшига, ўқиб қабул қилиш қобилиятига мос бўлиши, фасл ва тарихий кунларга оид бўлиши, болага ўз фикрини эркин ифодалаш имконини беради.

Баён, иншо ёзиш учун тайёргарлик ишлари асосан ўқиш дарсларида олиб борилади, ёзиш эса она тили дарсида амалга оширилади. Ҳар икки дарснинг маълум босқичида хатолар устида иш олиб борилади.

Ўқитувчининг вазифаси дастур талабларини ҳаётга моҳирлик билан татбиқ этиб, дарсларни ўқувчиларнинг фақат тушунишларигагина эмас, балки асарда тасвирланган воқеани чуқур ҳис этишларига эришишдан иборат бўлмоғи керак.

Ўқитувчининг ўқилаётган асардан фақат ўқиш кўникмасини такомиллаштириш воситаси сифатида эмас, балки болаларнинг

рағбатлантиради. Мазкур синфда болалар китобни севишади ва қадрлашади. Ҳамма болалар мароқ билан ифодали ўқийдилар.

Чирчиқ шаҳридаги 25-мактаб ўқитувчилари синфдан ташқари ўқишни жуда яхши йўлга қўйганлар. Уюшқоқлик билан ўтадиган дарсларда болаларда китобга нисбатан ҳавас ва муҳаббат уйғотиб борилади. Масалан, шу мактаб ўқитувчиси Д.Эрйигитова синфдан ташқари ўқиш дарсини «Чиройли баҳор» мавзусида ўтказди. Бунинг учун ҳар бир ўқувчи бирон-бир баҳорги ўсимликни кўз олдига келтириб, у ҳақда мустақил танлаган шеърини айтиб беришга тайёрланди. Болалар баҳор ҳақидаги топшириқлардан танладилар, бадиий асарлардан парчалар танлаб, улардан сахна кўринишлари ташкил қилдилар ҳамда баҳорга бағишланган шеърхонлик мусобақасида қатнашдилар.

Дарсга бундай тайёргарлик кўриш давомида болалар фақат ўқитувчи тавсия қилган асарларни ўқиш билан чегараланмай, балки ўзлари ҳам асарлар танлаб ўқийдилар.

Илғор мактабларнинг тажрибалари синфдан ташқари ўқиш дарслари болаларда энг яхши ҳиссиётларни кўзгата оладиган, уларнинг фикр ва онгини уйғотадиган дарс бўлиши кераклигидан далолат бермоқда. Бунга ҳар қандай изланувчи ўқитувчи эришиши мумкин.

ЎҚИШ ДАРСЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ

Ўқиш дарсларининг самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан ўқитувчининг маҳоратига, дарсга пухта тайёрланишига боғлиқдир.

Ўқитувчи янги материалнинг мазмунини, ғоясини ўқиб аниқлаши, ўқитишнинг турли усулларида самарали фойдаланиши, ўқувчиларни бадиий адабиёт воситалари билан тарбиялашнинг илмий асосланган методларини тўлиқ эгаллаб олиши зарур.

Ўқиш курсининг адабий-бадиий асосда ташкил этилиши болаларга тўғри ва раво ўқиш, ўқилганларини осонгина тушуниб олиш имконини беради. Шунингдек, асарда талқин этилаётган ғоя, зарур тушунчаларни сингдириш ўзбек адабий тилининг бойлигини изчиллик билан ўргатиб бориш, бадиий матн устида ишлашнинг оддий

ва мураккаб талабларига ўқувчиларда маълум кўникма ҳосил қилиш ишлари деярли ҳар бир дарсда давом эттирилади.

Ўқиш дарсида ўқувчиларнинг оғзаки, ёзма нутқини ўстириб бориш бошқа фанларни ўзлаштиришда, айниқса, аҳамиятлидир.

Она тили, – деган эди машҳур рус педагоги К.Д.Ушинский, – етакчи предмет, уни эгалламай туриб бошқа фанларни эгаллаш мушкул. Демак, ўқиш дарслари орқалигина бошқа предметларни ўрганишга асос солинар экан, бу дарснинг аҳамиятини янада яхшироқ ҳис этиш ва ўқувчиларнинг онгли, раво, тез, ифодали ўқишларига эришиш учун ҳаракат қилмоқ лозим.

Дарҳақиқат, ўқиш дарслари олдига қўйилган талаб анча мураккаб бўлиб, 1-синф ўқувчиси, 7 ёшли бола онгли ўқиши, ўқиганларини боғланишли нутқ билан гапириб бериши, ифодалиликка риоя қилиши, энг муҳими бадиий матн устида ишлашга ўрганиши осон эмас. Аммо, мунтазам равишда қилинган меҳнат туфайлигина бундай мураккаб талаблар амалга ошади.

Ўқувчи нутқининг раво, тушунарли бўлиши учун аввал унинг нутқидаги нуқсонларни бартараф этишга эътибор бериш, сўнг адабий тил асосида фикрни эшитувчига тушунарли қилиб баён этишга, ҳамиша ўз нутқида талабчан бўлишга ўргатилади.

Тез-тез баён ва иншо ўтказиб туриш болаларнинг ёзма нутқини ўстириш ва ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Баён ёзиш учун танланадиган матнларнинг ўқувчилар ёшига, ўқиб қабул қилиш қобилиятига мос бўлиши, фасл ва тарихий кунларга оид бўлиши, болага ўз фикрини эркин ифодалаш имконини беради.

Баён, иншо ёзиш учун тайёргарлик ишлари асосан ўқиш дарсларида олиб борилади, ёзиш эса она тили дарсида амалга оширилади. Ҳар икки дарснинг маълум босқичида хатолар устида иш олиб борилади.

Ўқитувчининг вазифаси дастур талабларини ҳаётга моҳирлик билан татбиқ этиб, дарсларни ўқувчиларнинг фақат тушунишларигагина эмас, балки асарда тасвирланган воқеани чуқур ҳис этишларига эришишдан иборат бўлмоғи керак.

Ўқитувчининг ўқилаётган асардан фақат ўқиш кўникмасини такомиллаштириш воситаси сифатида эмас, балки болаларнинг

билимларини шакллантириш ҳамда тарбиявий мақсадларда ҳам фойдаланиши ўқув-тарбия ишида самарали натижалар беради.

Ўқиш дарсларида ўқилаётган асарнинг ўзига хос хусусиятлари: жанри, мазмуни, композицион тузилиши, ғояси, муаллифнинг бадиий маҳоратидан келиб чиқиб ташкил этилиши туфайли болаларнинг асар мазмунини тўла ўқиб олишларига эришиш лозим. Ўқувчиларга муайян бир ғояни зўрма-зўраки сингдирмасдан, балки дарснинг барча босқичида ўтган дарсда ўқиганларини хотирлаш, янги мавзунини баён этиш ва мустаҳкамлаш жараёнида берилаётган фикрни ўқувчилар томонидан қизиқиб тинглашларига эришишга муваффақ бўлиш, дарснинг самарали ўтганлигидан далолат беради.

Ўқитувчининг ҳар бир ҳикояси ўқувчиларни ўқилаётган асарнинг ичига олиб кириши, иштирок этувчи шахсларнинг яшаган шароитлари, қаҳрамонлиги, олийжаноблиги ҳақида яхши таассурот қолдириши керак. Бу ишларни амалга оширишда ўқувчиларнинг жамоа бўлиб ёки алоҳида-алоҳида бажарадиган матнлари юзасидан топшириқлар катта ёрдам беради.

Ўқитувчи болаларни асарда иштирок этувчи шахсларнинг хатти-ҳаракатларини тўғри тушунишга, уларга ижобий ёки салбий нуқтани назардан қарашга, уларнинг ишларига одилонга баҳо беришга ўргатсагина, ўқувчиларнинг поэтик асар гўзаллигини идрок ва ҳис этишларига эриша олади. Шундагина асар муаллифи ҳаяжонланиб ёзган воқеаларни ўқувчиларнинг ҳам ҳаяжонланиб ўқишларига, тегишли хулоса чиқариб, асарда иштирок этувчиларнинг ишларига одилонга баҳо бериб, ўз фикрини умумлаштиришга эришиши мумкин.

Ўқувчиларни ўқилаётган асардаги асосий фикрни аниқлаш билан бир вақтда ўқитувчи асарнинг тили устида ҳам иш олиб бориши лозим. Бу асардаги бирорта ҳам компонентни тушириб қолдирмай, гармоник бир бутунликни идрок этишга эриштиради.

Ўқиш дарсларидан кўзланган асосий мақсадлардан бири болаларни тез, онгли ва тўғри, равон ҳамда ифодали ўқишга ўргатишдир.

Онгли ўқиш материални тўла ва аниқ тушуниб ўқишдир. Бунда ўқитувчининг асардаги ҳар бир сўз, ҳар бир гап, ҳар бир хатбоши ва ниҳоят, бутун асарнинг мазмунини тўла тушуниб, асосий фикрларни фарқлаб ўқиши кўзда тутилади.

Онгли ўқиш юзасидан қилинадиган ишлар ўқувчиларни ўқилаётган матн мазмунини чуқур англаб олишга, мантикий фикрлашга ўргатади, ўқувчиларнинг билим ва малакаларини оширади.

Ўқувчиларни ҳар бир асар ўқилгач, уни аввал ўқилган бошқа бир асар мазмуни билан таққослашга, уларнинг ўхшаш жойларини ва бир-биридан фарқини топа билишга ўргатилади.

Масалан, ўқувчилар эътиборини 1-синф «Ўқиш китоби»да берилган «Асалари билан пашша» масалини, «Товук, ўрдак ва сичқон» эртагида талқин этилган ғоя билан таққослашга тортилади. Ҳар иккисида ҳам текинхўр пашша ҳамда сичқон ва ўрдакнинг ишёқмаслиги, бировлар меҳнатига шерик бўлиб овқат ейиши таърифланганлигини, бу билан ёзувчининг нафрати, шунингдек меҳнаткаш товук, асаларига нисбатан хайрихоҳлик ҳисларини уқиб олишга эришилади.

Болаларнинг онгли ўқиш малакасини ўстириш ва мантикий фикрлаш қобилиятини такомиллаштиришда воқеа-ҳодисаларнинг сабаб ва натижаларини очишнинг муҳим аҳамияти бор. Ўқилган матндаги воқеаларнинг сабаб ва натижаларини очишни ўқувчиларнинг ўзларидан талаб қилиш яхши натижа беради.

Тўғри ўқиш онгли ўқишга ёрдам берувчи воситалардан бири ҳисобланади. Ўқиганда хато қилмай, сўзларни бузмай, ортиқча товуш ва бўғинларни тушириб қолдирмай ёки ўрнини алмаштирмасдан, охириги бўғинларни тўлиқ талаффуз этиш, сўз урғусини ўз ўрнида қўллаш, орфоэпия қоидаларига риоя қилиш тўғри ўқишни таъминлайди.

Тўғри ўқиш малакасини ҳосил қилиш ўқишнинг барча жараёнида олиб борилади. Ўқиш онгли бўлсагина, тўғри ва тез ўқиш малакаси ҳосил бўлади.

Ўқиш суръати (тезлиги) онгли, равон ўқишга боғлиқ. Ўқиш тезлигини, ўқиш техникасини оширишга кўп бўғинли ва имлоси қийин сўзларни матндан ташқарида бўғинга бўлиб ўқиш орқали эришилади.

Ўқиш тезлигини ошириш турли шароитда: босма ва ёзма ҳарфлар билан ёзилган сўз ва гапларни овоз чиқариб, ичдан ўқиб, диалогли матнларни ролларга бўлиб ўқишни кўпроқ машқ қилиш орқалигина эришилади.

Ўқиш тезлигини оширишда танлаб ўқишни тез-тез қўллаш ўқувчиларга анча енгиллик туғдиради. Масалан, 1-синф «Ўқиш китоби»даги «Вой, тишим!» ҳикоясидан ўқувчиларга фақат онанинг гапларини тез топиб ўқишни вазифа қилиб топширилади. Болалар ҳикоя матнини тезда кўздан кечириб, ўқиб, ундан: – Болам, тишинг билан қаттиқ нарсаларни чақма. Тишингни эктиёт қил! деган гапларни топиб ўқийдилар. Сўнг ҳикоядаги Неъматнинг гапларини, ундан кейин муаллиф гапларини ўқиш тавсия этилади.

Танлаб ўқишда таниш матндаги аввал ўқиганда яхши аҳамият берилмаган қандайдир янги жумлалар ва мазмундаги ўзгаришларни топишга ўргатиш ўқувчининг зийраклиги ва диққатини тарбиялашга ҳам ёрдам беради.

Ўқувчилар равон ўқиш малакасини эгаллашлари учун уларга ҳар қандай шароитда шопилмай, ўқиш турлари ва қондасига мувофиқ ўқишни, матн қанчалик ҳаяжонли воқеаларга бой бўлмасин ҳамма гапларни маъносига қараб оҳанг билан ўқиш лозимлиги уқтирилади.

III. Абдуқодированинг ўқитиш методикасида ифодали ўқишга қўйиладиган маълум талаблар шундан иборатки, боланинг чуқур фикрлаши давомида мустақил равишда матндаги ҳар бир сўзга алоҳида ва бутун матн мазмунига алоҳида ифодалилиқ излаб топишга катта аҳамият бериш кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари ўқиётган матнни тушуниб ва эмоционал идрок қилиб, қийнчиликсиз тегишли интонацияни топа олишига боғлиқ.

Ифодали ўқиш асар мазмунини тушуниб, сўзларни тўғри талаффуз қилиб, асарда ифода этилган ҳис-туйғуни, қаҳрамонларнинг ички кечинмаларини, руҳий кайфиятларини англаб ўқиш демакдир.

Ифодали ўқишда овоз муҳим аҳамиятга эга. Ўқиш учун олдиндан тўла нафас олиб, матндаги мантиқан тугалланган қисмгача олинган нафасни сарфлаш дастлабки дарслардаёқ машқ қилиниши керак.

Ўқишнинг таъсирли бўлишида паузаларга эътибор бериш, айниқса, сўроқ ва ундов гапларнинг интонациясига риоя қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Масалан, «Куён ва типратикан» эртагидаги: – Оғайнижон, кийиминг жуда ҳам хунук ва тиканли-я! деган гап киноя, кулги аралаш ўқилса, типратиканнинг мулојим, хотиржамлик билан:

– Тўғри айтасан, бироқ тиканларим мени ит ва бўриларнинг тишидан сақлайди. Сенинг оппоққина, юмшоққина тукинг ҳам шундай хизмат қиладими? деган гапини болалар осойишталик билан ўқийдилар. Бунда пауза, интонация, сўроқ, ундов гапларга эътибор бериб ўқиш жуда ҳам зарур.

Онгли, тўғри ва равон ўқиш малакаси ҳосил қилиниши билан таъсирли ўқиш малакаси ҳам ўсиб боради. Таъсирли ўқиш ҳис-туйғу уйғотишда, воқеа-ҳодисаларни тасаввур этишда, ўқувчиларни эстетик тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Масалан, «Ҳаммадан яхши» ҳикоясида ифода этилган қизчанинг «Биласизларми? Менинг онам ҳаммадан яхши», – деган гапларини бошқа гапларга қараганда кучли ҳис-туйғу, ҳаяжон билан ўқилади. 1-дарсда ўқиш учун тавсия этилган материалларни онгли, маъноли қилиб ўқишга ўргатиш билан бирга асардаги ғояни тушуна олишга, асар ҳақида хулоса чиқаришга, асардаги қаҳрамонлар ишига баҳо беришга, ўқиш дарсларида китоб матни остидаги савол ва топшириқларга ўқувчилар эътиборини фаол жалб этиш ҳамда шу саволларга ўхшаш қўшимча саволлар тузишга, ўқувчиларни хилма-хил топшириқларни мустақил бажаришга ўргатиш; дарс жараёнида ўқувчиларда нарс ва воқеалар ҳақида муайян тасаввурларни таркиб топтириш ва ўстириш билан бир вақтда уларни тез ва равон ўқишга, матн билан мунтазам ишлашга ўргатиш; ўқитувчи ўқувчиларнинг ўрганиладиган ҳар бир мавзунинг асосий мазмуни ва ғоясини тушуниб олишларига, мавзу воқеалари орасидаги ички боғланишларни тўғри англаб олишларига эришиш, ўқувчиларнинг ўқитувчи ёрдамида ўқиётган асар мазмунини ва ғоясини тушуниб олишларида асарнинг тили, ундаги образли ифодалар ва айрим ибораларга уларнинг диққатини тортиш ҳамда образли ифода ва ибораларни ўз нутқларида ўринли ишлатишга ўргатиш.

Ўқиш дарсларининг самарадорлиги ўқитувчининг дарсга тайёрлигига кўп даражада боғлиқ. Ўқитувчи дарсга тайёргарлик кўрганда тез ўқийдиган ўқувчиларга китобдаги топшириқлардан ташқари, қўшимча топшириқлар бериши; китобдаги ҳикоя, эртак, шеър ёки матнларни бутунча ёки қисмларга бўлиб ўқитиш жараёнида ўқитувчи саволлар бериб ўқувчининг фикрини бўлмаслиги, хато ўқилган

сўзни белгилаб қўйиши ва матн ўқиб бўлингандан сўнг хатони тузатиши; ўқитувчи ўқувчиларнинг тушунмаган сўзларини аввал ўзларидан сўраб аниқлаши ва изоҳлаш лозим бўлган сўзларга матн ўқилмасдан олдин ёки кейин изоҳ бериши зарур.

Ўқитувчи матнни намунали ўқиб бергач, давомини ўқувчиларга навбат билан ўқитади. Матннинг мазмуни жамоа бўлиб муҳокама қилинади. Асардаги асосий ғояни англаш учун ўқувчиларга йўналиш берилади, сўнг улар олдида матн устида ишлаш вазифаси қўйилади. Ўқитувчи ўқиётган гапларнинг мазмунини интонация ёрдами билан билиб олиш, мантикий урғуни қандай фарқлаш кераклиги ва бошқаларни ўқувчиларга ҳар бир ўқиш дарсида тушунтириб бориши лозим.

Ўқиш дарсларида режа устида ишлаш зарурлиги, шундай қилинганда ўқувчини изчил фикрлашга ўргатиш мумкинлигига, ўқиётган асар мазмунини режа асосида аввал оғзаки баён этиш, сўнг ёзма равишда ифодалашга ўргатиш дастурнинг асосий талабларидан бири эканлигини ҳис этиш зарур.

Режа устида ишлаш I синфда кўпинча оғзаки, II–III–IV синфларда эса ёзма равишда олиб борилади. Режа ўқувчининг фикрини изчил баён этишга, нутқда қайтаришларнинг бўлмаслигига имкон беради.

Ўқиш дарсларида ўқувчи луғатни янги-янги сўз ва иборалар билан бойитиш, бу сўзларни уларнинг фаол луғатларига киритиш, яъни ўрганган янги сўз ва ибораларни нутқда ўринли ишлатишга ўргатиш айниқса, зарурдир.

Бу ҳақда рус олими педагогика фанлари доктори Николай Сергеевич Рождественский шундай деган эди: «Одатда ўқитувчи бола қанча кўп ўқиса, унинг луғати шунчалик бой бўлишини, шунчалик саводли гапирishi ва ёзишининг гувоҳи бўлади. Болалар нутқини дастлабки синтактик ўстириш ва алоқали нутқни ривожлантириш мана шу даражада олиб борилади». Улар бу вақтда синтаксисдан ҳеч қандай назарий маълумот олмаган ҳолда ўз фикрларини тўғри тузилган конструкция ва алоқали матнда ифодалай олиш малакасини эгаллайдилар.

Мактабда бундай амалий иш зарурми? деб савол беради олим. Ўқитувчи ва методистларга, албатта зарур, чунки бундай иш уларнинг

нутқини бойитади, нутқ малакаси ва кўникмасини ривожлантиради, шакллантиради.

Ифодали ўқиш деймиз-у, аммо айрим ҳолларда ифодалилик элементлари ўқиш дарсларида ҳам кўринади.

Ифодалилик нима?

Оғзаки нутқнинг ички мазмуни унинг эшитилишида ифодаланади. Бу бир неча компонентларнинг ўзаро таъсири натижасида вужудга келади.

1. Нутқ динамикасини белгиловчи урғуда ифодаланади.

2. Нутқ оҳангини белгиловчи ва турли баландликдаги овоз ҳаракатида ифодаланган йўналиш.

3. Нутқ суръати ва ритминини белгиловчи ҳамда шеър мисраларининг узунлиги ва паузада ифодаланган ҳолат.

Ўқиш дарсларида луғат устида ишлаш, тарқатма материаллар асосида мустақил иш турларини кўпайтириб бориш 45 дақиқалик дарс жараёнида ўқувчининг фаол ишлашини таъминлайди.

Улуғ рус педагоги К.Д.Ушинский таъкидлаганидек: «Ҳар бир предмет ҳамиша болага сўз орқали ўргатилади, ўзлаштирилади ва баён қилинади». Матн ичидан болаларнинг тушунишлари қийин бўлган сўзларни ажрата билишни ўргатиш орқали ўқувчиларнинг амалий суръатда шу сўзларнинг маъносини ўзлаштириб олишларига эришилади.

К.Д.Ушинский ўқувчи тушунмаган ҳар бир сўзни унга, албатта, тушунтириб бориш муҳим аҳамиятга эга эканлигини уқтиради. Сўзнинг маъносига тушунмаган ўқувчи, деб таъкидлайди олим, – бир сўзни иккинчи бир сўз билан алмаштиради ва икки сўзни бир-бирига қўша олмайди. Агар ўқувчи сўзнинг маъносини тўлиқ тушунсагина, у бу сўздан ўз нутқида амалий равишда фойдалана олади.

Дарсда луғат устида ишлаш жуда ҳам вақтни олиши, дарснинг асосий мавзусидан ўқувчилар диққатини четлаштирмаслиги керак. Бунинг учун ўқитувчи дарсга тайёргарлик кўраётган вақтида, шу дарсда маъноси тушунтириладиган сўзларни белгилаб қўйиши ва тушунтиришнинг энг қулай усуллари аниқлаб олиши зарур.

Ўқиш дарсини кўргазмали куруллар, расмлар, мусиқа асарлари, диафильм ва дидактик тарқатма материаллар билан ўтиш ўқувчининг

фаоллигини оширади, дарс жонли, қизиқарли ўтади. Бинобарин, ўқиш дарсларида қўлланиладиган кўргазма ўқиладиган матннинг мазмунига мос бўлмаса, болаларнинг матнда баён қилинган нарсани ҳодиса ёки воқеа ҳақидаги билимларини чуқурлаштиришга қўшимча равишда имкон бермаса, у ўз аҳамиятини йўқотади. Шунинг учун кўргазмаларни шундай танлаш керакки, у мавзу мазмунига мос, ўқувчини мустақил фикрлашга, дид-фаросатини ўстиришга, эстетик завқини уйғотишга ёрдам берсин.

Ўқиш дарсида суҳбат методи энг фойдали усуллардан биридир, лекин ўқиш ҳисобига суҳбатга берилиб кетиш ўз навбатида ўқиш малакасининг ўсишини чеклаб қўяди, бу ҳам болаларни равон ўқишга ўргатишда салбий таъсир этади. Дарснинг 30–35 дақиқаси ўқишга ва матн устида ишлашга ажратилгани маъқул. Ўқитувчининг назарий тайёргарлиги, болалар адабиётини чуқур билиши, ўзининг методик маҳоратини ошириб бориши, ҳар бир дарсга ижодий ёндошиши дарс сифатини оширади.

Дарсда вақтни тўғри тақсимлаш, ҳар бир дақиқадан самарали фойдаланиш туфайли ўқувчиларда кенг ва чуқур билим ҳосил қилиш имкони яратилади.

Ўқитувчи ўқиш дарсларини ақлий фаолият дарси ва чуқур ҳис қилиш дарси деб билиши лозим. Зотан, чуқур ҳис қилиш ва билишнинг ўзи машғулотлардан қониқиш, дарсда ишлаш ва китоб ўқишга интилиш каби зарур тушунчани пайдо қилади. Бу талаблар болаларнинг келгуси ҳаётлари учун ниҳоятда зарур.

Атроф оламга оид материалларни ўқиш дарси жараёнида интеграция асосида ўрганиш, идрок этиш ва амалда кузатиш, асосан 1-2 синфларда олиб борилса, 3–4 синфларда эса табиатшунослик фани билан узвий боғланган ҳолда амалга оширилади.

Табиатни ўрганиш ишлари китобдаги матн, эртак, шеърларни ўқитишдан сўнг кузатиш ва амалий ишлар асосида олиб борилади. Табиатни ўргатишга доир ҳар бир дарс ўқувчиларда табиатга доир тушунчаларни тўғри шаклланиши учун хизмат қилади, кузатиш ва экскурсия давомида кўрганларига асосланишга одатлантиради.

Ўқувчиларнинг ўз ҳаётий тажрибалари, кузатиш ва билимларига таянган ҳолда атрофни ўраб турган дунё ҳақидаги тасаввур ҳамда

тушунчаларини пайдо қила билиш ўқиш дарсининг муҳим томони ҳисобланади.

Ўқитувчи «Ўқиш китоби»даги табиатга доир мавзуларни ўтишда ҳар бир дарсни табиат ҳодисалари билан боғлайди ва табиатшунослик материаллари билан тўлдиради. Ўқувчиларнинг ўзлари яшаб турган жой она-Ватан тупроғи эканлигини, унинг гўзал, қадрдон ерларини севиш, ундаги паррандалар, ҳашоратлар ва ҳайвонот дунёсини ардоқлаш лозимлигини тушунтириш, кундалик об-ҳаводаги йил фаслларига боғлиқ содир бўладиган ўзгаришларни уқтириш, уни табиат ва меҳнат календарига акс эттиришга ўргатиш ўқувчида она-Ватанга меҳр-муҳаббат ҳиссини уйғотади.

Табиатшуносликка доир материалларни ўрганиш, ўқувчиларда табиат ҳақидаги дастлабки тушунчаларнинг шаклланишига имкон берса, иккинчидан, уни образли тил билан сўзлашга ўргатади. Ўқувчиларнинг ўзлари яшаб турган жой, ундаги кишилар ва уларнинг меҳнатлари туфайли яшнаётган қишлоқ, шаҳарлар, қад кўтараётган кўп қаватли бинолар, пахта, пилла, олтин, кўмир каби бойликларимиз ҳақида тушунчаларга эга бўладилар. Ўқиш дарсларида тасвирловчи бадиий ибораларни тушунишга, уларни тўғри ва аниқ ҳис қила олишга ўрганадилар.

Ўқувчиларда боғланишли нутқ малакаларини ўстириш таълимда алоҳида аҳамият касб этади.

Ўқувчини турли шароитда гапиришга ўргатиш, яъни синф жамоаси олдида овозни ўртача ва тушунарли қилиб, фикрни эшитувчиларга аниқ бера олишни ўргатиш нутқнинг равон бўлиш имконини беради. Уларнинг нутқини бекаму кўст, чиройли ва ёқимли, ҳар томонлама талабга жавоб берадиган даражада шакллантириш учун ўқитувчининг нутқи намунали бўлиши керак.

Ўқитувчи ўз нутқига эътиборли бўлсагина, ўқувчидан тўғри гапиришни талаб қила олади. Баланд овоз билан мингиллаб гапириш синфда осойишталикни бузади ва ўқувчиларни ҳам баланд овоз билан гапиришга ўргатади. Агар ўқитувчи сокин, адабий тил нормаларига риоя қилган ҳолда гапиришни одат қилса, нутқи содда, болалар тилига яқин, тушунарли, жозибадор бўлса, бу синфда ўқувчининг диққатини тортади ва мавзу уларга тушунарли бўлади.

Ўқитувчи гапираётган вақтида синфда ўқувчиларда вужудга келаётган ўзгаришларга доимо эътибор бериб туриши, ўз нутқининг уларга тушунарли ёки қизиқарли бўлаётганини ҳисобга олиши зарур.

Нутқнинг ҳис-туйғу билан суғорилиши ўқувчиларда эмоция уйғотади. Ўқитувчи нутқининг мазмунлилиги, тўғри ифодаланиши, сўзларни аниқ талаффуз этиши сабабли болаларнинг ҳис-туйғулари ривожлантириб борилади.

Ўқувчининг дарсда диққат-эътибор билан ўтириши, ўқитувчининг ўқув материални тушунтириш ва аңлатиш усулларига эмас, балки унинг нутқини гўзал ва таъсирчанлигига кўп даражада боғлиқдир.

Ўқитувчининг нутқи фақатгина синфда, дарс жараёнидагина эмас, балки синфдан ташқари вақтлардаги машғулотларда, ўқувчилар билан бўлган яккама-якка суҳбат вақтларида ҳам самимий, мулоим бўлиши керак. Бу ўқувчи ва ўқитувчилар орасидаги ўзаро дўстлик, яқинликни янада мустаҳкамлайди.

Буларнинг барчаси ўқув-тарбия ишларида муваффақият гарови бўлиб ҳисобланади.

УЧИНЧИ СИНФ ЎҚИШ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЁЗМА НУТҚИНИ ЎСТИРИШ ТАЖРИБАСИДАН

Она тили ва ўқиш дарсларининг самарадорлигини ошириш ҳозирги кунда мактаб ўқитувчиларининг олдидаги энг муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бошланғич синфлардаги ўқиш дарсларида таълимнинг самарадорлигини ошириш ўқувчиларнинг тафаккури ва нутқини ўстиришнинг энг фойдали усуллари кўллаш орқали амалга оширилади. Ўқувчиларнинг тафаккури ва нутқини ўстириш учун ўқиш дарсларида турли хил методлар қўлланади. Оғзаки нутқни ўстириш учун ўқиш дарсларида, асосан, қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин: ўқилган матн юзасидан ўқитувчи саволларига аниқ ва бурро жавоб бериш: ифодали ўқиш, матн мазмунини қайта ифодали ҳикоя қилиб

бериш, луғат билан ишлаш, матнларни қисмларга бўлиб, уларга сарлавҳалар ўйлаб топиш, содда режа тузиш, экскурсия ва кузатиш материаллари асосида оғзаки ҳикоя тузиш, шаклини ўзгартириб ҳикоя қилиб бериш кабилар.

Ўқувчиларда оғзаки нутқни ривожлантирмай, ёзма нутқни ривожлантириш асло мумкин эмас. Оғзаки ва ёзма нутқни ривожлантириш учун ўқитувчидан кучли талабчанлик ва эътибор талаб қилинади.

Маълумки, ўқиш дарсларида ўқувчилар табиат ва жамиятга доир муҳим маълумотларга, тушунчаларга эга бўладилар, улар ҳақида фикр юритадилар. Бу улар тафаккурининг ўсиб боришига катта ёрдам беради. Олинган билим оғзаки ва ёзма шаклда, яъни ўқувчиларнинг нутқи орқали рўёбга чиқади. Демак, нутқ тараққиёти ўқувчиларнинг тафаккур тараққиёти билан узвий боғлиқдир. Бироқ мактаблар тажрибасида шундай ўқувчилар учрайдики, улар китобдан ўқиганларини, кўрган, эшитган нарсаларини гапириб бериш ва ёзма ифодалашга қийналадилар, кўплаб хатоларга йўл қўядилар. Бу ҳақиқатни очиқ эътироф этишимиз ва уларни тузатиш йўллари излашимиз зарур. Чунки саводхонлик кишининг билими ва маданиятининг қай даражада эканлигини кўрсатувчи воситадир.

Бошланғич синфларда саводхонликка эришиш вазифалари ва йўллари ҳақида Н.К.Крупская шундай деган эди: «Болани тўғри ёзишга унинг нутқни эгаллаш жараёнида ўргатиш керак. Қуйи синфларда ўқувчилар шеър ўрганиш вақтида, масалан, шеърни дафтарга кўчириб олиши (бунда мотор – ҳаракат жуда катта роль ўйнайди) ва шундан кейингина ёдлашга киришиши лозим. Китобдаги шеърлар босма ҳарфлар билан эмас, балки ёзма ҳарфлар билан босилган бўлиши керак. Ўқувчи шеърни ёдлаш вақтида унинг ёзилиш қоидадини эсида сақлаб қолади, сўнгра ўқувчи шеърни ёддан ёзиши ва ёзганини матнга таққослаб кўриши керак... Болани, аввало, жонли адабий нутқни тинглашга, кўп ўқишга, гапиришга, ёзма нутқини ифодали ўқиб беришга, мустақил равишда иншо ёзишга ўргатиш керак. Саводхонликка шу йўл билан эришилади»¹.

¹ Н.К. Крупская. Танланган педагогик асарлар. «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, 1974 йил, 361-бет.

Ўқитувчи гапираётган вақтида синфда ўқувчиларда вужудга келаётган ўзгаришларга доимо эътибор бериб туриши, ўз нутқининг уларга тушунарли ёки қизиқарли бўлаётганини ҳисобга олиши зарур.

Нутқнинг ҳис-туйғу билан суғорилиши ўқувчиларда эмоция уйғотади. Ўқитувчи нутқининг мазмунлилиги, тўғри ифодаланиши, сўзларни аниқ талаффуз этиши сабабли болаларнинг ҳис-туйғуларини ривожлантириб борилади.

Ўқувчининг дарсда диққат-эътибор билан ўтириши, ўқитувчининг ўқув материални тушунтириш ва аңлатиш усулларига эмас, балки унинг нутқини гўзал ва таъсирчанлигига кўп даражада боғлиқдир.

Ўқитувчининг нутқи фақатгина синфда, дарс жараёнидагина эмас, балки синфдан ташқари вақтлардаги машғулотларда, ўқувчилар билан бўлган яккама-якка суҳбат вақтларида ҳам самимий, мулоим бўлиши керак. Бу ўқувчи ва ўқитувчилар орасидаги ўзаро дўстлик, яқинликни янада мустаҳкамлайди.

Буларнинг барчаси ўқув-тарбия ишларида муваффақият гарови бўлиб ҳисобланади.

УЧИНЧИ СИНФ ЎҚИШ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЁЗМА НУТҚИНИ ЎСТИРИШ ТАЖРИБАСИДАН

Она тили ва ўқиш дарсларининг самарадорлигини ошириш ҳозирги кунда мактаб ўқитувчиларининг олдидаги энг муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бошланғич синфлардаги ўқиш дарсларида таълимнинг самарадорлигини ошириш ўқувчиларнинг тафаккури ва нутқини ўстиришнинг энг фойдали усуллари қўллаш орқали амалга оширилади. Ўқувчиларнинг тафаккури ва нутқини ўстириш учун ўқиш дарсларида турли хил методлар қўлланади. Оғзаки нутқни ўстириш учун ўқиш дарсларида, асосан, қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин: ўқилган матн юзасидан ўқитувчи саволларига аниқ ва бурро жавоб бериш: ифодали ўқиш, матн мазмунини қайта ифодали ҳикоя қилиб

бериш, луғат билан ишлаш, матнларни қисмларга бўлиб, уларга сарлавҳалар ўйлаб топиш, содда режа тузиш, экскурсия ва кузатиш материаллари асосида оғзаки ҳикоя тузиш, шаклини ўзгартириб ҳикоя қилиб бериш кабилар.

Ўқувчиларда оғзаки нутқни ривожлантирмай, ёзма нутқни ривожлантириш асло мумкин эмас. Оғзаки ва ёзма нутқни ривожлантириш учун ўқитувчидан кучли талабчанлик ва эътибор талаб қилинади.

Маълумки, ўқиш дарсларида ўқувчилар табиат ва жамиятга доир муҳим маълумотларга, тушунчаларга эга бўладилар, улар ҳақида фикр юритадилар. Бу улар тафаккурининг ўсиб боришига катта ёрдам беради. Олинган билим оғзаки ва ёзма шаклда, яъни ўқувчиларнинг нутқи орқали рўёбга чиқади. Демак, нутқ тараққиёти ўқувчиларнинг тафаккур тараққиёти билан узвий боғлиқдир. Бироқ мактаблар тажрибасида шундай ўқувчилар учрайдики, улар китобдан ўқиганларини, кўрган, эшитган нарсаларини гапириб бериш ва ёзма ифодалашга қийналадилар, кўплаб хатоларга йўл қўядилар. Бу ҳақиқатни очик эътироф этишимиз ва уларни тузатиш йўллари излашимиз зарур. Чунки саводхонлик кишининг билими ва маданиятининг қай даражада эканлигини кўрсатувчи воситадир.

Бошланғич синфларда саводхонликка эришиш вазифалари ва йўллари ҳақида Н.К.Крупская шундай деган эди: «Болани тўғри ёзишга унинг нутқни эгаллаш жараёнида ўргатиш керак. Қуйи синфларда ўқувчилар шеър ўрганиш вақтида, масалан, шеърни дафтарга кўчириб олиши (бунда мотор — ҳаракат жуда катта роль ўйнайди) ва шундан кейингина ёдлашга киришиши лозим. Китобдаги шеърлар босма ҳарфлар билан эмас, балки ёзма ҳарфлар билан босилган бўлиши керак. Ўқувчи шеърни ёдлаш вақтида унинг ёзилиш қондасини эсида сақлаб қолади, сўнгра ўқувчи шеърни ёддан ёзиши ва ёзганини матнга таққослаб кўриши керак... Болани, аввало, жонли адабий нутқни тинглашга, кўп ўқишга, гапиришга, ёзма нутқини ифодали ўқиб беришга, мустақил равишда иншо ёзишга ўргатиш керак. Саводхонликка шу йўл билан эришилади»¹.

¹ Н.К. Крупская. Танланган педагогик асарлар. «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, 1974 йил, 361-бет.

Матнларни қисмларга бўлиш, уларга сарлавҳалар топиш ва режа тузиш

Матн билан ишлашнинг бундай усули муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчилар матн мазмунини пухта ўзлаштириб оладилар, уларнинг эгаллаган билимлари мустаҳкамланади, тафаккури ривожланади, мустақил фикрлаш қобилияти ўсади, тизимли ҳикоя қилиш малакалари таркиб топади ва нутқи тараққий этади.

«Ўқиш китоби»да кўпгина матнлар тайёр ҳолда қисмларга бўлиб берилган. Масалан, ўзбек халқ эртакларидан «Эгри ва тўғри», А.С.Пушкиннинг «Балиқчи ҳам балиқ ҳақида эртақ», «Гулливернинг саёҳатлари» каби мавзулари шулар жумласидандир. Бу мавзулар қисмларга бўлиб берилган бўлса-да, уларга сарлавҳалар қўйилмаган ва режа тузилмаган. Чунки бу вазифаларни ўқувчиларнинг ўзлари мустақил бажаришлари керак. Бу қандай амалга оширилади?

Тошкент вилояти Юқори-Чирчиқ туманидаги 2-сонли умумий ўрта таълим мактабининг III-IV синф ўқувчилари эса «Балиқчи ҳам балиқ ҳақида эртақ»нинг биринчи бўлимига «Олтин балиқ», иккинчи бўлимига «Янги тоғора», учинчи бўлимига «Дарвозалик уй», тўртинчи бўлимига «Асилзода бегойим», бешинчи бўлимига «Подшо хотин», олтинчи бўлимига «Қувилган чол», еттинчи бўлимига эса «Яна тешиқ тоғора» деб сарлавҳа қўйишди.

Ўқиш дарсларида бундай характердаги ишлар дарснинг мустаҳкамлаш қисмида, матн билан ишлаш жараёнида ўтказилди ва дарсларнинг самарадорлигини оширишга ёрдам берди, ўқувчиларда мотивация, фаоллик кучайди, ўқувчилар нутқини ўстиришга ижобий таъсир этди.

Мақол, топишмоқ ва ёд олинадиган шеърларни махсус дафтарга ёзиб бориш машқлари

III-IV синфдан бошлаб, ўқувчиларга махсус дафтар туттириш, уларни «Ён дафтар» деб юритиш мақсадга мувофиқдир. Унинг дастлабки саҳифасига мутафаккирлар расмини ёпиштириш ва қуйи қисмига 2-синф ўрганилган Муҳим Қодирнинг «Биз – Ватаннинг

эртаси» шеърини ёздириш лозим. Шеърни ифодали ўқиш намунасини ўқитувчи кўрсатади.

Кувноқ ўғил-қизлармиз,
Ердаги юлдузлармиз.
Келажакни кўзлармиз
Биз – Ватаннинг эртаси.

Ўсаяпмиз эркин, шод,
Изланиб, қилиб ижод,
Билим – букилмас қанот,
Биз – Ватаннинг эртаси.

Темурнинг авлодимиз,
Тўмарис зуредимиз,
Тинчликдир муродимиз,
Биз – Ватаннинг эртаси.

Эл-юрт шаъни – оримиз,
Пок сақлаш шиоримиз,
Яшасин диёримиз,
Биз – Ватаннинг эртаси.

III-IV синф ўқувчилари шеърларни қанчалик кўп ёд билсалар, уларнинг хотираси тобора мустаҳкамланади, тафаккури ва нутқи ҳам шунчалик кўп тараққий этаверади. Шунинг учун I, II синфларда ёд олинган шеърлар эслатилади, айниқса, Н. Нарзуллаевнинг «Озод Ватан – обод Ватан» шеъри сўралади. III-IV синфда ёд олиниши зарур бўлган шеърлар рўйхати ҳам шу дафтарга ёздирилиши мумкин. Бу рўйхат эса дастурдан олинади.

III-IV синфда фақат шеърларнигина ёд олиб қолмай, балки прозаик матнлардан олинган айрим монологларни ҳам ёдлатиш муҳимдир. Бунинг учун мавзу синфда пухта ўрганилган, мазмуни оғли равишда тушунилган бўлиши зарур. Масалан, II синфда Ҳидоят Олимованинг «Ажойиб баҳс» ҳикоясидан олинган яшил тўнли, қизил ёноқли гул монологини ёздириш мумкин.

«– Дарё куёш нурларидан кўркса кўрқар, аммо биз кўркмаймиз. Ахир, биз куёш нурларини эмиб, кўкка бўй чўзамиз. Куёш тундан кўркса кўрқар, аммо биз ундан ҳам асло кўркмаймиз. Биз тун кириши билан ором оғушида дам оламиз. Тун ердан кўркса кўрқар, аммо биз ундан кўркмаймиз. Ахир, у бизнинг онамиз. Ер тоғдан кўркса кўрқар, аммо бу кўркув бизга бегона.»

Ғапирганда ва ёзганда ишлатиладиган мақоллар жумласига қуйидаги мақолларни ёздириш мумкин: Каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўл. Меҳнат бахт келтиради. Тома-тома кўл бўлур. Аҳилликда

Матнларни қисмларга бўлиш, уларга сарлавҳалар топиш ва режа тузиш

Матн билан ишлашнинг бундай усули муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчилар матн мазмунини пухта ўзлаштириб оладилар, уларнинг эгаллаган билимлари мустаҳкамланади, тафаккури ривожланади, мустақил фикрлаш қобилияти ўсади, тизимли ҳикоя қилиш малакалари таркиб топади ва нутқи тараққий этади.

«Ўқиш китоби»да кўпгина матнлар тайёр ҳолда қисмларга бўлиб берилган. Масалан, ўзбек халқ эртақларидан «Эгри ва тўғри», А.С.Пушкиннинг «Балиқчи ҳам балиқ ҳақида эртақ», «Гулливернинг саёҳатлари» каби мавзулари шулар жумласидандир. Бу мавзулар қисмларга бўлиб берилган бўлса-да, уларга сарлавҳалар қўйилмаган ва режа тузилмаган. Чунки бу вазифаларни ўқувчиларнинг ўзлари мустақил бажаришлари керак. Бу қандай амалга оширилади?

Тошкент вилояти Юқори-Чирчиқ туманидаги 2-сонли умумий ўрта таълим мактабининг III-IV синф ўқувчилари эса «Балиқчи ҳам балиқ ҳақида эртақ»нинг биринчи бўлимига «Олтин балиқ», иккинчи бўлимига «Янги тоғора», учинчи бўлимига «Дарвозалик уй», тўртинчи бўлимига «Асилзода бегойим», бешинчи бўлимига «Подшо хотин», олтинчи бўлимига «Қувилган чол», еттинчи бўлимига эса «Яна тешиқ тоғора» деб сарлавҳа қўйишди.

Ўқиш дарсларида бундай характердаги ишлар дарснинг мустаҳкамлаш қисмида, матн билан ишлаш жараёнида ўтказилди ва дарсларнинг самарадорлигини оширишга ёрдам берди, ўқувчиларда мотивация, фаоллик кучайди, ўқувчилар нутқини ўстиришга ижобий таъсир этди.

Мақол, топишмоқ ва ёд олинадиган шеърларни махсус дафтарга ёзиб бориш машқлари

III-IV синфдан бошлаб, ўқувчиларга махсус дафтар туттириш, уларни «Ён дафтар» деб юритиш мақсадга мувофиқдир. Унинг дастлабки саҳифасига мутафаккирлар расмини ёпиштириш ва қуйи қисмига 2-синф ўрганилган Муқим Қодирнинг «Биз – Ватаннинг

эртаси» шеърини ёздириш лозим. Шеърни ифодали ўқиш намунасини ўқитувчи кўрсатади.

Қувноқ ўғил-қизлармиз,
Ердаги юлдузлармиз.
Келажакни кўзлармиз
Биз – Ватаннинг эртаси.

Ўсаяпмиз эркин, шод,
Изланиб, қилиб ижод,
Билим – букилмас қанот,
Биз – Ватаннинг эртаси.

Темурнинг авлодимиз,
Тўмарис зуредимиз,
Тинчликдир муродимиз,
Биз – Ватаннинг эртаси.

Эл-юрт шаъни – оримиз,
Пок сақлаш шиоримиз,
Яшасин диёримиз,
Биз – Ватаннинг эртаси.

III-IV синф ўқувчилари шеърларни қанчалик кўп ёд билсалар, уларнинг хотираси тобора мустаҳкамланади, тафаккури ва нутқи ҳам шунчалик кўп тараққий этаверади. Шунинг учун I, II синфларда ёд олинган шеърлар эслатилади, айниқса, Н. Нарзуллаевнинг «Озод Ватан – обод Ватан» шеъри сўралади. III-IV синфда ёд олинмиши зарур бўлган шеърлар рўйхати ҳам шу дафтарга ёздирилиши мумкин. Бу рўйхат эса дастурдан олинади.

III-IV синфда фақат шеърларнигина ёд олиб қолмай, балки прозаик матнлардан олинган айрим монологларни ҳам ёдлатиш муҳимдир. Бунинг учун мавзу синфда пухта ўрганилган, мазмуни онгли равишда тушунилган бўлиши зарур. Масалан, II синфда Ҳидоят Олимованинг «Ажойиб баҳс» ҳикоясидан олинган яшил тўнли, қизил ёноқли гул монологини ёздириш мумкин.

«– Дарё қуёш нурларидан кўркса кўрқар, аммо биз кўркмаймиз. Ахир, биз қуёш нурларини эмиб, кўкка бўй чўзамиз. Қуёш тундан кўркса кўрқар, аммо биз ундан ҳам асло кўркмаймиз. Биз тун кириши билан ором оғушида дам оламиз. Тун ердан кўркса кўрқар, аммо биз ундан кўркмаймиз. Ахир, у бизнинг онамиз. Ер тоғдан кўркса кўрқар, аммо бу кўрқув бизга бегона.»

Гапирганда ва ёзганда ишлатиладиган мақоллар жумласига қуйидаги мақолларни ёздириш мумкин: Каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўл. Меҳнат бахт келтиради. Тома-тома қўл бўлур. Аҳилликда

ҳикмат кўп. Одамнинг кўли гул. Бодом пўсти билан, одам дўсти билан.

Дарсдан ташқари ўқилган асарлар ҳақида ўқувчилар ўз фикрларини қуйидаги жадвал асосида қисқача қайд этиб борадилар.

Асар ўқилган вақт	Асар (китоб) нинг номи, нашр қилинган вақти	Унинг қисқача мазмуни, қаҳрамонлари	Ёққан томони
20.I.2019	Азиз Абдураззоқ. «Чумчуқ билан Чумоли» масали	Унда Чумчуқнинг дангасалиги. Чумолининг меҳнатсе-варлиги тасвирланади.	Чумолининг меҳнатсеварлиги ёқди.
20.III.2019	Ўзбек халқ эртаги. «Кенжа ботир»	Кенжа Ботирнинг қаҳрамон-ликлари тасвирланади.	Кенжа Ботирнинг довураклиги, тадбиркор-лиги ёқди.

Сюжетли шеърлар мазмунини ёзиш

Ёрдамчи характердаги ёзма ишнинг бу тури анча мураккабдир. Аммо уни III–IV синфдан бошлаб қўллаш мумкин. Унинг аҳамияти жуда катта. Чунки бунда ўқувчилар мустақил фикр юритиш, боғланишли гап тузиш соҳасидаги зарур малака ҳосил қиладилар.

III–IV синф «Ўқиш китоби» дабир қанча сюжетли асарлар берилган. Масалан, М.Осимнинг «Широқ», «Тўмарис», А.Ориповнинг «Шарқ ҳикояси», А.С.Пушкіннинг «Балиқчи ҳам балиқ ҳақида эртак», Ж.Свифтнинг «Гулливернинг саёҳатлари», Н.Рўзимуҳамедовнинг «Бола жайрон» каби асарлари шулар жумласидандир.

Бундай асарлар дарсда ўрганиб бўлингач, матн устида ишлаш дарсларида ёки уйда уларнинг мазмунини ёзиб келиш вазифа қилиб берилиши мумкин. Биз бу усулни Самарқанд шаҳридаги 14-сонли умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Ҳалима Ибрагимованинг ўқиш дарсида синаб кўрдик. Дарсда, аввало, «Бола жайрон» шеърини қуйидаги тартибда кенг ўрганилди:

1. Кириш суҳбати ўтказилди (ўтган дарсда ёввойи ва хонаки боғ дарахтлари ўрганилган бўлса, энди ёввойи ҳайвонлардан Жайронни, унинг қилиқлари ҳақидаги шеърнинг мазмунини ҳикоя қилиб берамиз, деб доскага Жайронлар (онаси, боласи)нинг расми илинди. Улар ҳақида қисқача умумий маълумот берилди.

2. Ўқитувчи шеърни ифодали ўқиди.

3. Мазмунини кенг шарҳлаб, суҳбат ўтказилди.

4. Луғат иши олиб борилди. Бир ўқувчи шеърни тўла ифодали ўқиди.

5. Ролларга бўлиб ўқитилди.

6. Матн сўнгида мазмунини сўраб, берилган саволларга оғзаки жавоб олиш мақсадида материал овоз чиқарилмай ўқитилди.

7. Тарбиявий аҳамияти тушунтирилди ва болалардан мустақил равишда унинг мазмунига доир мақоллар айтиш талаб қилинди. Ўқувчилар томонидан айтилган мақоллар: Она билан бола – гул билан лола. Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада.

8. Мустаҳкамлаш даврида ўқувчилар фаоллаштирилди, барча ўқувчилар қўл кўтариб, саволларга жавоб беришга фаол иштирок этдилар.

9. Келгуси дарсда ўқувчиларга унинг мазмунини ёзма равишда бажариш эслатилиб, оғзаки қайта ҳикоя қилиб бериш учун топшириқ берилди. Иккинчи соатда «Бола жайрон» шеърининг мазмунини ёзма баён қилиш топширилди. Ўқувчилар иши йиғиб олинди. Ёзма ишга қатнашган 25 ўқувчининг иши қуйидагича баҳоланди: «5» баҳо олганлар йўқ, «4» баҳо олганлар 5 та, «3» баҳо олганлар 15 та, «2» баҳо олганлар 4 та, «1» баҳо олганлар 1 та.

Икки ўқувчининг ишини солиштириб кўрайлик (ишни айнан келтирдик).

ҳикмат кўп. Одамнинг қўли гул. Бодом пўсти билан, одам дўсти билан.

Дарсдан ташқари ўқилган асарлар ҳақида ўқувчилар ўз фикрларини қуйидаги жадвал асосида қисқача қайд этиб борадилар.

Асар ўқилган вақт	Асар (китоб) нинг номи, нашр қилинган вақти	Унинг қисқача мазмуни, қаҳрамонлари	Ёкқан томони
20.I.2019	Азиз Абдураззоқ. «Чумчуқ билан Чумоли» масали	Унда Чумчуқнинг дангасалиги. Чумолининг меҳнатсе-варлиги тасвирланади.	Чумолининг меҳнатсеварлиги ёкди.
20.III.2019	Ўзбек халқ эртаги. «Кенжа ботир»	Кенжа Ботирнинг қаҳрамон-ликлари тасвирланади.	Кенжа Ботирнинг довюраклиги, тadbиркор-лиги ёкди.

Сюжетли шеърлар мазмунини ёзиш

Ёрдамчи характердаги ёзма ишнинг бу тури анча мураккабдир. Аммо уни III–IV синфдан бошлаб қўллаш мумкин. Унинг аҳамияти жуда катта. Чунки бунда ўқувчилар мустақил фикр юритиш, боғланишли гап тузиш соҳасидаги зарур малака ҳосил қиладилар.

III–IV синф «Ўқиш китоби»да бир қанча сюжетли асарлар берилган. Масалан, М.Осимнинг «Широқ», «Тўмарис», А.Ориповнинг «Шарқ ҳикояси», А.С.Пушкиннинг «Балиқчи ҳам балиқ ҳақида эртақ», Ж.Свифтнинг «Гулливэрнинг саёҳатлари», Н.Рўзимуҳамедовнинг «Бола жайрон» каби асарлари шулар жумласидандир.

Бундай асарлар дарсда ўрганиб бўлингач, матн устида ишлаш дарсларида ёки уйда уларнинг мазмунини ёзиб келиш вазифа қилиб берилиши мумкин. Биз бу усулни Самарқанд шаҳридаги 14-сонли умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Ҳалима Ибрагимованинг ўқиш дарсида синаб кўрдик. Дарсда, аввало, «Бола жайрон» шеърини қуйидаги тартибда кенг ўрганилди:

1. Кириш суҳбати ўтказилди (ўтган дарсда ёввойи ва хонаки боғ дарахтлари ўрганилган бўлса, энди ёввойи ҳайвонлардан Жайронни, унинг қилиқлари ҳақидаги шеърнинг мазмунини ҳикоя қилиб берамиз, деб доскага Жайронлар (онаси, боласи)нинг расми илинди. Улар ҳақида қисқача умумий маълумот берилди.

2. Ўқитувчи шеърни ифодали ўқиди.

3. Мазмунини кенг шарҳлаб, суҳбат ўтказилди.

4. Луғат иши олиб борилди. Бир ўқувчи шеърни тўла ифодали ўқиди.

5. Ролларга бўлиб ўқитилди.

6. Матн сўнггида мазмунини сўраб, берилган саволларга оғзаки жавоб олиш мақсадида материал овоз чиқарилмай ўқитилди.

7. Тарбиявий аҳамияти тушунтирилди ва болалардан мустақил равишда унинг мазмунига доир мақоллар айтиш талаб қилинди. Ўқувчилар томонидан айtilган мақоллар: Она билан бола – гул билан лола. Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада.

8. Мустақамлаш даврида ўқувчилар фаоллаштирилди, барча ўқувчилар қўл кўтариб, саволларга жавоб беришга фаол иштирок этдилар.

9. Келгуси дарсда ўқувчиларга унинг мазмунини ёзма равишда бажариш эслатилиб, оғзаки қайта ҳикоя қилиб бериш учун топшириқ берилди. Иккинчи соатда «Бола жайрон» шеърининг мазмунини ёзма баён қилиш топширилди. Ўқувчилар иши йиғиб олинди. Ёзма ишга қатнашган 25 ўқувчининг иши қуйидагича баҳоланди: «5» баҳо олганлар йўқ, «4» баҳо олганлар 5 та, «3» баҳо олганлар 15 та, «2» баҳо олганлар 4 та, «1» баҳо олганлар 1 та.

Икки ўқувчининг ишини солиштириб кўрайлик (ишни айнан келтирдик).

Каттабекова Гулноза (баҳоси «4»)	Урушева Дилфуза (баҳоси «3»)
«Ўзбекистоннинг чўлларида жайронлар кўп бўлади. Жайроннинг ташқи кўриниши: жайроннинг киприклари узун, кўзлари қора, қулоқлари диккайган, юнги майин, шохларининг ичи ковак эди. Унинг шохларидан буюмлар ва уйни безайдиган нарсалар қилинади. Жайрон ўт, саксовул дарахтларининг барглари ейди. Чўлда она-бола жайрон яшар эди. Бир куни эрталаб бола жайрон тоғдан ошсам, жўшқинланган сойдай тошсам, деди. Она бу сўзларни эшитди ва: Болам, узоққа кетиб қолма, оёғинг қайрилади, туёғинг синади. Бу ерларда бўрилар кўп. Бола жайрон онасининг гапига қулоқ солмай қочиб кетди. Бола жайрон йўлда бўрига дуч келди. Бўри жайронни емоқчи бўлганда, она жайрон ўзини бўри томон ташлади. Она жайрон: «Мени егин, алвасти, боламнинг олдига яқинлашма», деб бўрини жар томон бошлади. Бўри энди жайронни емоқчи эди, жайрон жардан сакраб ўтиб кетди. Бўри ҳам энди сакрамоқчи эди, бирдан пастга йиқилди. Жайронлар бўридан қутулиб, тинч яшай бошладилар».	«Ўзбекистоннинг чўлларида она жайрон ва бола жайрон яшар эди. Қулоқлари диккайган, кўзлари чақнаган, думи йўқ эди. Қулардан бир куни она-бола агрофга ялт-ялт қараб, киприги ёлни тараб, онаси шундай деди, болам узоққа кетмагин деди, бола онанинг гапига кирмади. Югуриб кетди шу чок. Йўлидан тушди бўри. Шунда бўри юмшоққина ва момикдай деб суюниб кетди. Жайрон чаққонлигидан онасининг олдига югуриб келди. Она боланинг олдига ўтиб, «Мени егин алвасти, боламга тегма асти», деб онаси қичқирди. Жар томонга йўл солди. Бўрини алдаб Жайрон жардан ўтди, Бўри жарга йиқилди. Она жайрон ва бола жайрон қутулди».

Биринчи ўқувчи (Г.Каттабекова)нинг ёзма нутқи иккинчи-синикига нисбатан яхши ривожланган. Иккинчи ўқувчи эса шеърин матнларни ўзлаштира гапга айлантиришда анча қийналди, унинг тузган жумлалари ҳам кўпроқ шеърин шаклда. Демак, бу ўқувчига шеърин матнларни ёйиб ёзиш машқини тизимли давом эттириш керак, шунингдек, расмга қараб ҳикоя тузиш, эркин мавзуларда турли иншолар ёзишни вақти-вақти билан қўллаш лозим.

Иншо ёзиш учун материал тўплаш, етарли тайёргарлик кўриш лозим. Чирчиқ шаҳар 6-ўрта мактабнинг IV «Б» синф ўқитувчиси Анор Абдурахмонова дарсда Р.Юсуповнинг «Бу қайси вақтлар?» шеърини ўтиш жараёнида иншо ёзиш учун ўқувчиларни материал йиғишга ундади. Шеър қуйидагича ўрганилди:

1. Тўрт фаслга доир расмлар доскага илиниб, шеър ифодали ўқиб берилди ва расмга қараб қиш, баҳор, ёз ҳамда куз фаслининг ўзига хос томонлари тушунтирилди.

2. Сухбат жонли, фаол ўтди, ўқувчилар ўқитувчининг саволларига биргаликда, тез ва аниқ жавоб қайтаришди. Ҳамма ўқувчиларнинг дарсга қизиқишлари уларнинг бирваракайига қўл кўтаришларидан сезилиб турарди.

3. Шеър қисмларга бўлиб ўқитилди. Ҳар бир қатордан қиш, баҳор, ёз, куз қисмларини турли ўқувчилар ролларга бўлиниб ўқидилар.

4. «Ўлкамизда баҳор» мавзуси бўйича уйда альбом тайёрлаш йўллари ўқувчиларга тушунтирилди.

5. Шеърнинг тарбиявий аҳамиятига тўхтаб, Ватанимизда тўрт фаслнинг ўзига хос гўзаллиги, меҳнатининг завқли гашти таъкидлаб ўтилди, айниқса, пейзаж манзараларига диққат кўпроқ жалб этилди.

6. Дарс шеърни қисмларга бўлиб ўқиш билан тугатилди.

«Ўлкамизда баҳор» мавзуси учун материал ҳозирлангач, шу мавзуда иншо ёзамиз, деб ўқитилди. Мана шундай тайёргарлик, иншога материал йиғиш жараёни, шубҳасиз, муҳим ўрин тутарди.

Шуни унутмаслик керакки, ўқувчиларнинг тафаккур ва нутқ тараққиёти даражаси реал воқеаларнинг инъикосидан иборат. Ташқи олам ҳодисалари сезги, тасаввур ва тушунча каби билим шаклларига қўшилиб кетиб, киши онгида акс этади ва нутқ воситасида ифода этилади. Фикрлаш фаолияти тил, яъни нутқ жараёнида юз беради.

Каттабекова Гулноза (баҳоси «4»)	Урушева Дилфуза (баҳоси «3»)
«Ўзбекистоннинг чўлларида жайронлар кўп бўлади. Жайроннинг ташқи кўриниши: жайроннинг киприклари узун, кўзлари қора, қулоқлари диккайган, юнги майин, шохларининг ичи ковак эди. Унинг шохларидан буюмлар ва уйни безайдиган нарсалар қилинади. Жайрон ўт, саксовул дарахтларининг барглари ейди. Чўлда она-бола жайрон яшар эди. Бир куни эрталаб бола жайрон тоғдан ошсам, жўшқинланган сойдаи тошсам, деди. Она бу сўзларни эшитди ва: Болам, узоққа кетиб қолма, оёғинг қайрилади, туёғинг синади. Бу ерларда бўрилар кўп. Бола жайрон онасининг гапи-га қулоқ солмай қочиб кетди. Бола жайрон йўлда бўрига дуч келди. Бўри жайронни емоқчи бўлганда, она жайрон ўзини бўри томон ташлади. Она жайрон: «Мени егин, алвасти, боламнинг олди-га яқинлашма», деб бўрини жар томон бошлади. Бўри энди жайронни емоқчи эди, жайрон жардан сакраб ўтиб кетди. Бўри ҳам энди сакрамоқчи эди, бирдан пастга йиқилди. Жайронлар бўридан қутулиб, тинч яшай бошладилар».	«Ўзбекистоннинг чўлларида она жайрон ва бола жайрон яшар эди. Қулоқлари диккайган, кўзлари чакнаган, думи йўқ эди. Қулоқлардан бир куни она-бола атрофга ялт-ялт қараб, киприги ёлни тараб, онаси шундай деди, болам узоққа кетмагин деди, бола онанинг гапи-га кирмади. Югуриб кетди шу чоқ. Йўлидан тушди бўри. Шунда бўри юмшоққина ва момикдай деб суюниб кетди. Жайрон чаққонлигидан онасининг олди-га югуриб келди. Она боланинг олди-га ўтиб, «Мени егин алвасти, боламга тегма асти», деб онаси кичқирди. Жар томонга йўл солди. Бўрини алдаб Жайрон жардан ўтди, Бўри жарга йиқилди. Она жайрон ва бола жайрон қутулди».

Биринчи ўқувчи (Г.Каттабекова)нинг ёзма нутқи иккинчи-синикига нисбатан яхши ривожланган. Иккинчи ўқувчи эса шеър-ий матнларни ўзлаштира гапга айлантиришда анча қийналди, унинг тузган жумлалари ҳам кўпроқ шеър-ий шаклда. Демак, бу ўқувчига шеър-ий матнларни ёйиб ёзиш машқини тизимли давом эттириш керак, шунингдек, расмга қараб ҳикоя тузиш, эркин мавзуларда турли иншо-лар ёзишни вақти-вақти билан қўллаш лозим.

Иншо ёзиш учун материал тўплаш, етарли тайёргарлик кўриш лозим. Чирчиқ шаҳар 6-ўрта мактабнинг IV «Б» синф ўқитувчиси Анор Абдурахмонова дарсда Р.Юсуповнинг «Бу қайси вақтлар?» шеърини ўтиш жараёнида иншо ёзиш учун ўқувчиларни материал йиғишга ундади. Шеър қуйидагича ўрганилди:

1. Тўрт фаслга доир расмлар доскага илиниб, шеър ифодали ўқиб берилди ва расмга қараб қиш, баҳор, ёз ҳамда куз фаслининг ўзига хос томонлари тушунтирилди.

2. Сухбат жонли, фаол ўтди, ўқувчилар ўқитувчининг саволларига биргаликда, тез ва аниқ жавоб қайтаришди. Ҳамма ўқувчиларнинг дарсга қизиқишлари уларнинг бирваракайига қўл кўтаришларидан сезилиб турарди.

3. Шеър қисмларга бўлиб ўқитилди. Ҳар бир қатордан қиш, баҳор, ёз, куз қисмларини турли ўқувчилар ролларга бўлиниб ўқидилар.

4. «Ўлкамизда баҳор» мавзуси бўйича уйда альбом тайёрлаш йўллари ўқувчиларга тушунтирилди.

5. Шеърнинг тарбиявий аҳамиятига тўхтаб, Ватанимизда тўрт фаслнинг ўзига хос гўзаллиги, меҳнатининг завқли гашти таъкидлаб ўтилди, айниқса, пейзаж манзараларига диққат кўпроқ жалб этилди.

6. Дарс шеърни қисмларга бўлиб ўқиш билан тугатилди. «Ўлкамизда баҳор» мавзуси учун материал ҳозирлангач, шу мавзуда иншо ёзамиз, деб ўқитилди. Мана шундай тайёргарлик, иншога материал йиғиш жараёни, шубҳасиз, муҳим ўрин тутди.

Шуни унутмаслик керакки, ўқувчиларнинг тафаккур ва нутқ тараққиёти даражаси реал воқеаларнинг инъикосидан иборат. Ташқи олам ҳодисалари сезги, тасаввур ва тушунча каби билим шакллари-га қўшилиб кетиб, киши онгида акс этади ва нутқ воситасида ифода этилади. Фикрлаш фаолияти тил, яъни нутқ жараёнида юз беради.

Инсон тафаккури нутқ ёрдамида ҳаракатланиб, ривожланиб боришини ҳисобга олиш лозим. Шундай экан, биз ўқувчиларни кўпроқ ҳаётни кузатишга ўргатишимиз, экскурсияларга олиб чиқишимиз, меҳнат жараёнини, жамоа фаолиятини уларнинг кўз олдида намойиш этишимиз, нотиқ кишиларнинг нутқини эшиттиришимиз, оғзаки сўзлатишимиз, ёзма ишларни тизимли ўтказиб туришимиз зарур. Мана шу воситалар жараёнида нутқ маданияти шаклланиб, ривожланиб боради, саводхонлик яхшиланади. Дарс жараёнида эса ўқувчиларнинг лугат бойлиги ўсади, билимлари мустаҳкамланади, буларнинг натижаси ёзма нутқда (ўқитувчининг муттасил меҳнати давомида) кўринади.

Демак, ўқитувчи ўқиш дарсларида ёрдамчи характердаги ёзма ишларга қанчалик жиддий эътибор берса, ўқувчиларнинг ёзма нутқи ҳам шунчалик тараққий этиб боради.

ЎҚИШ ДАРСЛАРИДА БАДИЙ АСАРЛАРНИНГ ҲОЯСИНИ ЎРГАНИШ ТАЖРИБАСИДАН

Маълумки, мактаб ўқув дастурига кўра, бошланғич синфларнинг ўқиш дарсларида ўқувчилар бир қанча бадий асарларни ўқиб ўрганадилар. Бадий асарларнинг ижтимоий-сиёсий ҳоясини тўғри билиб олиш натижасида ўқувчиларнинг ҳожий-сиёсий эътиқоди ва қарашлари ўсиб боради. Бу ҳоёт муҳим масалалардан бири бўлиб, бунга барча бошланғич синф ўқитувчилари жиддий эътибор беришлари лозим.

Биз мазкур қўлланмада бошланғич синфнинг илғор ўқитувчилари иш тажрибаларидан олинган ҳоёт муҳим масалалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Мактаблардаги бошланғич синф ўқитувчиларининг дарсини кузатиш шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина бошланғич синф ўқитувчилари ўқиш дарсларида бадий асарларнинг ҳожий мазмунини элементар шаклда анализ қилиш, турли усуллардан фойдаланиш натижасида асар ҳоясининг ўқувчилар томонидан тўғри ўзлаштириб олинishiга жиддий эътибор бермоқдалар. Масалан, Фарғона вилояти, Сўх

тумани 10-, 1-ўрта мактаб ўқитувчилари Д.Додобоев ва А.Ахроров, Чирчиқ шаҳридаги 6-ўрта мактаб ўқитувчилари Ж.Ражабова ва М.Эрхўжаева, Сурхондарё вилояти Термиз тумани 25-ўрта мактаб ўқитувчиси З.Усмонова каби бошланғич синф ўқитувчиларининг иш тажрибалари диққатга сазовордир. Улар бошланғич синфларда кўп йиллардан буён ишлаб, каттагина ютуқларга эришмоқдалар. Бундай бошланғич синф ўқитувчилари дарсда ўқитишнинг самарали методларидан фойдаланмоқдалар, бадий асарларнинг ҳожий мазмунини ўқувчилар тўғри ўрганиб олишларига эришмоқдалар. Бироқ ҳамма бошланғич синф ўқитувчилари ҳам юқоридаги ҳоёт муҳим масалаларга биринчи даражали эътибор берадилар, деб бўлмайди. Айрим ўқитувчилар ўқиш дарсларида кўпинча бадий асарларни навбат билан ўқитиш ва унинг сюжетини сўраш билан чекланмоқдалар.

Биз куйида III–IV синф ўқиш дарсларида баъзи бир бадий асарларни ўрганиш мисолида ўқувчиларнинг диққат-эътиборини қандай масалаларга жалб этиш ҳақида фикр юритамиз.

Бадий асарларни ўрганишда ўқувчилар уларнинг ҳоясини осон ўзлаштириб олишлари учун ўқитувчи олдиндан етарли даражада тайёргарлик кўриши зарур. Шошма-шошарликка йўл қўймай, бадий асарни қайта-қайта ўқиб, муаллиф илғари сурган ҳојни, аввало, ўқитувчининг ўзи тўғри ўзлаштириб олиши, сўнгра уни ўқувчилар онгига етказиш усулларини белгилаши керак.

Ҳар қандай бадий асарга нисбатан қўлланадиган усуллар ўша бадий асарнинг жанр хусусияти, ҳојси ва муаллиф мақсадидан келиб чиқади. Синф ўқувчиларининг билим савияси ва ёш хусусияти эътиборга оlinиб, аниқ ўқитиш методи белгиланади, шундагина дарслар самарали бўлади, билим тўғри ўзлаштирилади. Бироқ бунда ўқитувчининг бадий асар ҳақидаги чуқур билими асосий ўрин тутати. И.Раҳмоннинг «Ватан – меҳр кўрғони» шеърида қандай ҳој тасвирланган? Бу шеърни ўрганиб, ифодали ўқиш натижасида ўқувчи «Нима учун ёшлар ўз ғурурини доим авайлаб сақлаши керак?» деган саволга жавоб топиши керак. Бу масалани ҳал этиш учун ўқитувчи кириш суҳбати ўтказгач, шеърни ифодали ўқиб беради:

Эр кишининг кўнглида
Эгарланган от бўлар.
Она Ватан севгиси
Дилига жо, ёд бўлар.
Ватан – меҳр кўргони,
Иймон унинг қалқони.
Эр йигитлар Ватаннинг
Мард-у майдон посбони.

Она Ватан кўркидир,
Ифтихори – йигитлар!
Эл бошига иш тушса,
Халоскори – йигитлар!
Омон бўлсин ҳамиша
Жасур ўғлон, йигитлар!
Қадамидан ўт чақнар,
Кўкси қалқон йигитлар!

Шеър мазмунини юзасидан суҳат ўтказиш давомида ўқитувчи ўқувчиларга учта бурчакли Ўзбекистон рамзини кўрсатиши, нима учун уни авайлаб сақлаш зарурлиги ҳақида сўзлаб бериши лозим. Суҳбатни тахминан куйидагича олиб бориш мумкин:

Ёшлар сафига кирган ўқувчи доимо ўз ғурурини сақлаб юради. Ёшлар ташкилоти ҳукумат раҳбарлигида ташкил этилганлиги учун ҳам унинг номи билан фаолият олиб боради. Шунинг учун ҳам уларни Ёшлар Иттифоқи деб аталади.

Демак, бадий асарлар ғоясини тўғри ўқиб олишда ўқитувчининг билим ва методик маҳорати асосий ўрин тутadi. Шундагина ўқувчилар бадий асарлар ғоясини тўғри ва енгил ўзлаштирадilar, уларда инсонпарварликка хос чинакам инсоний фазилатлар шаклланиб боради.

ЎҚИШ ДАРСИ ВА ЛУҒАТ ИШИ

Фан ва маданиятнинг тараққий этиши, тажрибаларнинг, турмуш маданиятимизнинг ўсиши натижасида атрофимизда жуда кўп янгиликлар: улкан қурилишлар, мураккаб машиналар, кашфиётлар вужудга келмокда. Буларнинг барчаси нутқимизга янги сўз ва ибораларнинг қўшилишига сабаб бўлмокда, мактаб дастури ва дарсликларда ҳам ўз аксини топмокда.

Бошланғич синф ўқувчисининг кундалик ўқув жараёнида, ўйин ва меҳнати давомида янги сўз ва ибораларни ўзлаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмокда. Чунки онгли ўқиш, фикрни равон ифодалаш учун ўқувчи барча сўзларнинг маъносини ўзлаштирган бўлиши керак.

Мактабларда луғат ишининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у фақатгина ўқиш ва нутқ ўстириш дарсларидагина эмас, балки таълим-тарбия жараёнининг барча босқичида олиб борилади. Ўқувчилар математика билан боғлиқ бўлган машғулотларда, табиатни ўрганиш, сайр, экскурсияда, меҳнат таълими вақтида, спорт, турли ўйинлар, Ёшлар Иттифоқи билан боғлиқ бўлган барча ишларда маърузани амалий равишда ўзлаштирадilar. Шу нарса жуда муҳимки, ишни сўзларни фақат маъно томонидан ўзлаштирмай, балки матн мазмунини чуқур англаш, таҳлил қилиш орқали амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳозир мактабларда луғат устида ишлаш маълум миқдорда ўз самарасини бермокда, лекин бу ишни ҳали қониқарли, деб айта олмаймиз. Хўш, мактабларда луғат ишини қандай қулай усуллар билан олиб бориш мумкин? деган савол туғилади. Булар куйидагилар:

1. Ўқувчилар луғатини янги сўзлар ҳисобига бойитиш: а) нотаниш сўзларни матн орасида ишлатиш; б) ўқувчи эътиборини шу сўз маъносига тортиш.

2. Таниш сўзлар ҳисобига ўқувчилар луғатини бойитиш. Нутқда шу сўзнинг синонимларини қўллаш, антонимларини топиш, унинг кўп маънолилигини анализ қилиш орқали сўз маъносини аниқлаш.

3. Луғат ишида ўқувчи фикри, ақлий фаолиятини ўстириш, яъни сўзнинг ўрни алмаштирилганда гапнинг маъно томонидан ўзгариши, гапда сўзларнинг ўзаро боғлиқлиги, қўшимчаларнинг аҳамияти кабиларга ўқувчилар эътиборини тортиш орқали луғат иши фаоллаштирилади.

Ўз-ўзидан маълумки, юқоридаги ишларнинг орасида узвий боғланиш мавжуд. Луғат ишида бу ишлар муҳим аҳамиятга эга.

Бошланғич синф ўқувчилари кўпгина сўзларнинг маъносини тушунмаган ҳолда (ўз тафаккурида талқин қилганидек) ишлатадилар. Бу табиий. Чунки бу ёшдаги болалар катталар ёрдамига, уларнинг кўрсатмасига, етакчи саволларига муҳтождирлар. Бундан ташқари улар бир сўзни бир неча марта такрорлайдилар. Бундай вақтда болаларга шу сўзнинг синонимларидан фойдаланишни эслатиб туриш яхши самара беради.

Эр кишининг кўнглида
Эгарланган от бўлар.
Она Ватан севгиси
Дилига жо, ёд бўлар.
Ватан – меҳр кўрғони,
Иймон унинг қалқони.
Эр йигитлар Ватаннинг
Мард-у майдон посбони.

Она Ватан кўркидир,
Ифтихори – йигитлар!
Эл бошига иш тушса,
Халоскори – йигитлар!
Омон бўлсин ҳамиша
Жасур ўғлон, йигитлар!
Қадамидан ўт чақнар,
Кўкси қалқон йигитлар!

Шеър мазмуни юзасидан суҳбат ўтказиш давомида ўқитувчи ўқувчиларга учта бурчакли Ўзбекистон рамзини кўрсатиши, нима учун уни авайлаб сақлаш зарурлиги ҳақида сўзлаб бериши лозим. Суҳбатни тахминан қуйидагича олиб бориш мумкин:

Ёшлар сафига кирган ўқувчи доимо ўз ғурурини сақлаб юради. Ёшлар ташкилоти ҳукумат раҳбарлигида ташкил этилганлиги учун ҳам унинг номи билан фаолият олиб боради. Шунинг учун ҳам уларни Ёшлар Иттифоқи деб аталади.

Демак, бадиий асарлар ғоясини тўғри уқиб олишда ўқитувчининг билим ва методик маҳорати асосий ўрин тутди. Шундагина ўқувчилар бадиий асарлар ғоясини тўғри ва енгил ўзлаштирадилар, уларда инсонпарварликка хос чинакам инсоний фазилатлар шаклланиб боради.

ЎҚИШ ДАРСИ ВА ЛУҒАТ ИШИ

Фан ва маданиятнинг тараққий этиши, тажрибаларнинг, турмуш маданиятимизнинг ўсиши натижасида атрофимизда жуда кўп янгиликлар: улкан қурилишлар, мураккаб машиналар, кашфиётлар вужудга келмоқда. Буларнинг барчаси нутқимизга янги сўз ва ибораларнинг қўшилишига сабаб бўлмоқда, мактаб дастури ва дарсликларда ҳам ўз аксини топмоқда.

Бошланғич синф ўқувчисининг кундалик ўқув жараёнида, ўйин ва меҳнати давомида янги сўз ва ибораларни ўзлаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Чунки онгли ўқиш, фикрни равои фойдалаш учун ўқувчи барча сўзларнинг маъносини ўзлаштирган бўлиши керак.

Мактабларда луғат ишининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у фақатгина ўқиш ва нутқ ўстириш дарсларидагина эмас, балки таълим-тарбия жараёнининг барча босқичида олиб борилади. Ўқувчилар математика билан боғлиқ бўлган машғулотларда, табиатни ўрганиш, сайр, экскурсияда, меҳнат таълими вақтида, спорт, турли ўйинлар, Ёшлар Иттифоқи билан боғлиқ бўлган барча ишларда маърузани амалий равишда ўзлаштирадилар. Шу нарса жуда муҳимки, ишни сўзларни фақат маъно томонидан ўзлаштирмай, балки матн мазмунини чуқур англаш, таҳлил қилиш орқали амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳозир мактабларда луғат устида ишлаш маълум миқдорда ўз самарасини бермоқда, лекин бу ишни ҳали қониқарли, деб айта олмаيمиз. Хўш, мактабларда луғат ишини қандай қулай усуллар билан олиб бориш мумкин? деган савол туғилади. Булар қуйидагилар:

1. Ўқувчилар луғатини янги сўзлар ҳисобига бойитиш: а) нотаниш сўзларни матн орасида ишлатиш; б) ўқувчи эътиборини шу сўз маъносига тортиш.

2. Таниш сўзлар ҳисобига ўқувчилар луғатини бойитиш. Нутқда шу сўзнинг синонимларини қўллаш, антонимларини топиш, унинг кўп маънолилигини анализ қилиш орқали сўз маъносини аниқлаш.

3. Луғат ишида ўқувчи фикри, ақлий фаолиятини ўстириш, яъни сўзнинг ўрни алмаштирилганда гапнинг маъно томонидан ўзгариши, гапда сўзларнинг ўзаро боғлиқлиги, қўшимчаларнинг аҳамияти кабиларга ўқувчилар эътиборини тортиш орқали луғат иши фаоллаштирилади.

Ўз-ўзидан маълумки, юқоридаги ишларнинг орасида узвий боғланиш мавжуд. Луғат ишида бу ишлар муҳим аҳамиятга эга.

Бошланғич синф ўқувчилари кўпгина сўзларнинг маъносини тушунмаган ҳолда (ўз тафаккурида талқин қилганидек) ишлатадилар. Бу табиий. Чунки бу ёшдаги болалар катталар ёрдамига, уларнинг кўрсатмасига, етакчи саволларига муҳтождирлар. Бундан ташқари улар бир сўзни бир неча марта такрорлайдилар. Бундай вақтда болаларга шу сўзнинг синонимларидан фойдаланишни эслатиб туриш яхши самара беради.

Мактабда ўқувчилар луғат бойлигини ўстиришда асосий манба ўқиш китобига киритилган бадий асар матнлари, она тили, табиат-шунослик дарслари ва нихоят ўқитувчининг нутқидир.

Бошланғич синф дарсликларига жуда кўп шеър ва матнлар киритилган. Булар сўз усталари, шоир ва ёзувчилар томонидан яратилган. Масалан, Х.Тўхтабоев, А.Обиджон, Ҳ.Назир, Қ.Ҳикмат, А.Абдураззоқ, Ш.Саъдулла, Қ.Муҳаммадий, Ғ.Ғулом ва шарҳ мутафаккирларининг асарлари болаларга жуда манзурдир. Бундай атоқли ёзувчи ва шоирлар томонидан яратилган асарларни ўқувчилар онгига сингдириш айрим ҳолларда анча мураккаб, олимларимизнинг илмий асослари, луғат иши олиб боришдаги тажрибалари иш-мизнинг йўналишига ёрдам бермокда.

Ўқувчи ўз фикрини ифодалаш учун етарли сўз бойлигига эга бўлиши лозим. Ўқувчи кунига тахминан 10 дан ортиқ янги сўзни ўрганади. Лекин сўзнинг тўла маъносига тушунган ҳолда, уни нутқда ишлата билиши, шу сўзлар иштирокида гап тузиши муҳимдир.

Албатта, бундай ишлар синфдан ташқари машғулотлар, синфдан ташқари ўқиш ва кундалик ҳаётда учрайдиган сўзларни ўрганиш орқали янада кенгайиб боради.

Ўқитувчи дарсга тайёрланиш вақтида суҳбат, синфда ўтказиладиган ҳикоя қилиш, ўқиш натижасида қандай сўзлар луғатга киришини аввалдан пухта режалаштириши лозим. Бунда дарсдан кўзланган асосий мақсад, ўқувчилар луғатига янги сўзларни сингдириш бўлиб ҳисобланади.

Масалан, «Ўқиш» китобида Миллий, Миллий Армия, Ватан, чегара, жоҳил, душман каби ўқувчилар ўрганиши лозим бўлган янги сўзлар, аммо маъноси тўла тушунилмаган кўпгина сўзлар бор. Ўқувчилар бу сўзларнинг 2-3 тасини тушунишлари мумкин. Бу сўзлар уларнинг фаол луғатидан жой олган. Лекин ўқитувчи уларга нотаниш бўлган қийин сўзлар маъноси устида иш олиб боради. Масалан, ўқитувчи доскага жоҳил сўзини ёзиб қўяди ва ўқувчилардан:

– Болалар, биз кимларни жоҳиллар деймиз?

Ўқувчилар: Душманларни.

Ўқитувчи: Нима учун шундай деб ўйлайсиз?

Ўқувчилар: Улар ёмон, раҳм-шафқат нималигини билишмайди.

Ўқитувчи: Барча душманларни жоҳил деб аташ мумкинми?

Ўқувчилар: Йўқ, урушни хоҳлайдиган, босқинчи душманларни жоҳиллар деймиз. Болалар тахминан шундай деб ифодаласалар ўқитувчи уни тўлдиради. Демак, жоҳил сўзи ўқувчининг фаол луғатидан ўрин олади. Бу билимлар 2–3 синфларда чуқурлаштирилади.

Ўқитувчи: тўғри, болалар, ҳақиқатан ҳам урушни хоҳлайдиган, босқинчи, қонхўр, золим, урушқоқ душманларни жоҳиллар деймиз, деб суҳбатни якунлайди. Бошқа сўзлар: миллий, ҳоким, ҳокимият каби иборалар устида ҳам шундай суҳбат ўтказади. Чегара, қурол-аслаҳа, душман каби сўзларнинг маъноси чуқурлаштирилади.

Маълум бўлдики, сўзлар устида иш олиб бориш, асар ғояси устида ишлаш билан боғлиқ экан.

Синонимлар билан ишлаш

Тилнинг лексик бойлиги кўп жиҳатдан унинг синонимлари билан белгиланади. Ҳақиқатан, бирон предмет, ҳаракат ёки белгилар ҳақидаги тушунчалар нутқда турлича бўлади. Синонимлар шундай сўзларки, бирон тушунча бир неча хил сўз билан ифодаланади. Уларнинг ҳар бири ишлатилиш ўрни ва эмоционал томонлари билан ажралади. Масалан, «Миллий Армиямиз» матни ўрганилаётганда унинг сифатларини очиб бериш учун сўзларни доскага ёзиб, ўқувчиларга шундай топшириқлар бериш мумкин:

Миллий Армиямиз душманга қарши нима қилган? Саволга улар ғолиб чиққан, озод қилган, енган, ғалаба қозонган, тор-мор қилган каби синонимларни ўйлаб, изланиб, ижодий равишда топадилар.

Бундан ташқари яна уларга қуйидаги саволни бериш мумкин: Миллий Армиямиз халқимизни кимлардан ҳимоя қилади? Миллий Армиямиз халқни душманлардан ҳимоя қилади, (ватанни) қўриқлайди, пойлайди, (чегарани) муҳофаза қилади.

Душман жоҳиллар нима қилдилар? – Буздилар, вайрон қилдилар каби синонимларни топадилар. Бошқа мавзуларни ўрганишда ҳам худди шунга ўхшаш ишларни изчил равишда амалга ошириш мумкин.

Бошланғич синфларда синонимлар ҳақида ҳеч қандай назарий билимлар берилмайди, балки амалий машқларни бажариш орқали

тушунча ҳосил қилинади. Бунда қуйидаги элементар машқлардан фойдаланилади:

- а) ўқилаётган матндан маъно жиҳатдан бир-бирига яқин сўзларни топиш, уларнинг аҳамияти ва маъно-мазмунини тушунтириш орқали;
- б) берилган сўзга маъноси яқин бўлган сўзлар топиш, улар орасидаги фарқни, ҳар бир сўзнинг қийматини тушунтириш орқали;
- в) синонимларни фаоллаштириш йўли билан қилинадиган машқлар орқали амалга оширилади.

Қуйида синонимлардан фойдаланиб, луғат ишини олиб бориш бўйича иш турларидан намуналар келтирамыз.

1. Маъно жиҳатидан бир-бирига яқин сўзларни танлаш ва гуруҳлаш, гап бўлакларининг биридан сифат, феъл каби синоним сўзлар берилади. (Бир-иккита ортиқча сўзлар ҳам бериш мумкин.) Болалар бу сўзларни маъноси бўйича гуруҳларга ажратадилар. Болаларнинг тайёргарлигига қараб, машқ мураккаблаштирилиши ёки осонлаштирилиши мумкин.

2. Берилган сўзга мос синонимлар топиш. Масалан, сифатни ўрганишда гўзал, феълни ўрганишда яратди, эгани ўрганишда шамол сўзлари берилади, болалар синонимларни топадилар. Масалан: гўзал, чиройли, сулув.

3. Гапда берилган синонимларга мос синонимлар топиш. Синонимлар устида ишлаш ўқувчининг луғат бойлигини ўстиради, нутқини равон, ўз фикрини қийналмасдан ифода этишга имкон беради.

Турли лексик машқларни ўтказишдан асосий мақсад – ўқувчилар бунинг нутқида ишлатишидир. Тажрибалар шуни кўрсатадики, бундай машқларни сурункали олиб бориш яхши самара беради. Ўқувчилар ўз нутқларида синоним сўзлардан самарали фойдаланадилар. Лекин ўқитувчи дарсликлардаги матн ва шеърларни ўрганиш давомида антонимлардан, кўп маънога эга бўлган сўзлар устида ҳам доимий иш олиб бориши мақсадга мувофиқдир. Бу эса ўз навбатида ўқувчилар луғат бойлигини фаоллаштиради, фикрлаш доираларини кенгайтиради, нутқларида сўзларни ўринли, гап маъносига мос, тўла ифода этишга ўргатади.

Луғат ишини олиб боришнинг йўллари хилма-хил (луғат дафтари туттириш ва янги сўзларни ёзиб бориш, луғат доскасини ташкил

этиш, луғат карточкалари тузиш, луғат бойлигига кириши лозим бўлган янги сўзлар иштирокида гаплар туздириниш ва ҳ.к.) бўлиб, мактаб тажрибасида ўқитувчилар улардан самарали фойдаланиб, яхши натижаларга эришмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, луғат ишини деярли ҳар бир дарсда олиб бориш, ўқувчида бу ишга кўникма ҳосил қилиш, сўз маъносини мустақил равишда таҳлил қилишга ўргатиш, таълим-тарбияда муҳим аҳамият касб этади.

ЎҚУВЧИЛАРНИ ЧИРОЙЛИ ЁЗИШГА ЎРГАТИШ ТАЖРИБАСИДАН

2019–2020 ўқув йилидан бошлаб, барча бошланғич синфлар янги дастур асосида фаолият олиб бормоқда. Бошланғич синфларда эса таълим мазмуни қайта ташкил этилиб, фан-техниканинг жадал тараққиёти сабабли ўқувчилар билимига талаб кучайтирилди. Шундай талаблардан бири – ўқувчиларга янги, замонавий асосда таълим-тарбия бериш жараёнини ташкил этишдан далолат беради.

Дастлаб, ўтган ўқув йилларда 23 нафар ўқувчи менинг ихтиёримга топширилди, дейди Чирчиқ шаҳар 25-мактаб ўқитувчиси Ш.Абдуқодирова. Ўқувчилар билан дастлаб, қандай расмлар чизиб ҳақида оғзаки суҳбат ўтказдим. Бунда, кўпинча, нарвон, олма, ой, паншаха, от тақасига ўхшаш расмларни чиздиришга ҳаракат қилдим. Бу борада энг муҳим нарсалардан бири – ўқувчиларнинг қалам ва ручкани қандай тутишлари, гигиена қоидаларига риоя қилишларини назорат қилиб бордим. Ўқувчи дастлабки ёзган чизма ёки ҳарф шакллари кўриб севилади, шодланади. Ҳар қандай соҳада ишловчи киши учун ҳам ёзувнинг аҳамияти катта. Шунинг учун келажак авлодни аниқ, тоза ва чиройли ёзишга, асосан, бошланғич синфдан бошлаб ўргатилади. Бошланғич синфда ўтказиладиган машқларни режалаштириб, ҳарфларнинг тўғри ёзилишини, боғланишини, қиялигини тўғри сақлаш, баландлиги бир хилда бўлишини доимо эслаб туриш лозим.

Чиройли ёзувга ўргатиш учун фақат машқ қилибгина қолмай, балки ўз хатолари устида ишлашга ҳам ўргатиш талаб этилди.

Тажриба 1-синфда тайёргарлик машқларини гуруҳларга бўлиб ўргатиш яхши самара беришини кўрсатди. «Алифбе» даврида эса кўпроқ ости ва усти илмоқли бўлган кичик ҳарфларни ёзишга катта эътибор бериш лозим. Масалан:

и н т е ғ в у

Чўзинчоқ доира шаклидаги кичик ҳарфларни ёзишда куйидаги элементларни машқ қилдириш (о о о ...) лозим. Бош ҳарфларни икки чизиқли дафтарга баландлигини 9 мм қилиб ёздириш лозим.

Куйида 1-синфда ўтказилган она тили ва ҳуснихат дарсларидан намуна келтирамиз.

Дарс мавуси: «b» ва «p» ундошларининг айтилиши ва ёзилиши.

Дарснинг мақсади: ўқувчиларни товуш ва ҳарфларни тўғри талаффуз қилишга ва уларни тўғри ҳамда чиройли ёзишга ўргатиш.

Дарснинг бориши:

Кўргазмали куруллар: партада тўғри ўтириш намунаси чизилган барнер қоғозлар. Чиройли ёзилган ҳарф намунаси.

Ўтган дарсни қисқача қайтариш.

1. Гап нимадан тузилади?

2. Сўз нималардан тузилади?

3. Товушни нима қиламиз?

4. Товушни ёзувда нима билан ифодалаймиз?

5. Барча ҳарфларни нима деймиз?

Шундан сўнг янги мавзу баён этилади. Ўқувчиларга кичик «b» ҳарфини ёзишни тушунтириб, бир неча маротаба ёздирилади:

b, b, b, bola, bobo, bosh, bahor, bolta.

Қаранг, мен биринчи элементини қандай ёзаман. Қўлимни дафтарнинг ўрта чизигидан ўнгга қараб йўналтираман, иккинчи элементини юқорига кўтараман.

Ўқувчилардан, бу ҳарфни ёзишни бошлашдан олдин ёзув вақтида партада қандай ўтириш кераклигини сўрайман. Оёғимиз қаерда

туриши керак? Гавдани қандай тутамиз? Тирсакларимизни партага қандай қўямиз?

Энди ўқувчилар дафтарларининг тўғри турганлигини текширамиз. Дафтарнинг четки қирраларини партанинг устидаги чизиққа тўғрилаб оламиз. Ҳарфни ёзишни бошлаймиз. Бир сатрга ўнга ҳарф ёзамиз. Кўп ёзсак, ҳарф зичлиги ошиб, бузилади:

b, b, b, b, b, b, b, b, b, b.

Ўтган дарсларда ўтилган ундош товушларни сўраймиз. Ундош товушлар неча турга бўлинади? Жарангли ва жарангсиз товушларни айтиб беринг.

Шу ўринда «b», «p» ундошлари қатнашган 1–2 машқлар ўқитилиб, сўзларни бўғин кўчириш қондасига кўра бўлақларга ажратиб ёзиш тушунтирилади. Масалан, ki-tob, hi-sob, To-lib, klub, ko'p, to'p, tor-shi-giq, qor каби сўзлар.

Дарсни мустаҳкамлашда 2-машқни изоҳлаб, ёздирилади.

Ўйга вазифа. 2-машқ ўқувчиларга ёзув қондаларига риоя қилган ҳолда нуқталар ўрнига «b» ва «p» ундошларининг мосини қўйиб, гапни тўлдириб ёзиб келиш топширилади. Дафтар йиғиб олингандан сўнг, ҳуснихат машқи алоҳида баҳоланади. Ҳуснихат машқини алоҳида баҳолаш яхши. Шундагина ўқувчилар грамматика қондаларини ўзлаштириш билан бирга, ёзув малакаларини ҳам эсдан чиқармас эканлар.

Айрим ўқувчилар ёзувни жуда майда, 2 мм дан кичик ёки жуда йирик 5–6 мм қилиб ёзадилар. Бундай камчиликларнинг олдини олиш учун, биринчи навбатда, ёзувнинг сифатини ҳисобга олиш зарур. Агар ёзувнинг катта-кичиклиги ҳарфларнинг шаклига салбий таъсир этса, у ҳолда ўқувчидан кўрсатилган баландликда ёзишни талаб қилиш лозим. Бу кўрсатмани ўқувчининг дафтарига «йирикроқ» ёки «майдароқ» ёз, деб ёзиб кўрсатиш мумкин. Бундай талабни қўйишдан мақсад, агар ўқувчи жуда майда ёзса, ўқиши қийин бўлади, йирик ёзса, ҳарфларни қаторларга жойлаштириш оғирлашади.

Синф ўқувчилари дафтарини парта устида қандай тутишни, уни қандай қияликда сақлашни биладилар, аммо уни чуқур ўзлаштириб олмайдилар, айрим ҳолларда унутиб қўядилар. Дафтарнинг парта устида нотўғри туриши ўз-ўзидан ҳарфлар шаклининг бузилишига

Тажриба 1-синфда тайёргарлик машқларини гуруҳларга бўлиб ўргатиш яхши самара беришини кўрсатди. «Алифбе» даврида эса кўпроқ ости ва усти илмоқли бўлган кичик ҳарфларни ёзишга катта эътибор бериш лозим. Масалан:

и н т е т в у

Чўзинчоқ доира шаклидаги кичик ҳарфларни ёзишда қуйидаги элементларни машқ қилдириш (о о о ...) лозим. Бош ҳарфларни икки чизиқли дафтарга баландлигини 9 мм қилиб ёздириш лозим.

Қуйида 1-синфда ўтказилган она тили ва ҳуснихат дарсларидан намуна келтирамыз.

Дарс мавзуси: «b» ва «p» ундошларининг айтилиши ва ёзилиши.

Дарснинг мақсади: ўқувчиларни товуш ва ҳарфларни тўғри талаффуз қилишга ва уларни тўғри ҳамда чиройли ёзишга ўргатиш.

Дарснинг бориши:

Кўргазмали куруллар: партада тўғри ўтириш намунаси чизилган барнер қоғозлар. Чиройли ёзилган ҳарф намунаси.

Ўтган дарсни қисқача қайтариш.

1. Гап нимадан тузилади?

2. Сўз нималардан тузилади?

3. Товушни нима қиламыз?

4. Товушни ёзувда нима билан ифодалаймиз?

5. Барча ҳарфларни нима деймиз?

Шундан сўнг янги мавзу баён этилади. Ўқувчиларга кичик «b» ҳарфини ёзишни тушунтириб, бир неча маротаба ёздирилади:

b, b, b, bola, bobo, bosh, bahor, bolta.

Қаранг, мен биринчи элементини қандай ёзаман. Қўлимни дафтарнинг ўрта чизигидан ўнгга қараб йўналтираман, иккинчи элементини юқорига кўтараман.

Ўқувчилардан, бу ҳарфни ёзишни бошлашдан олдин ёзув вақтида партада қандай ўтириш кераклигини сўрайман. Оёғимиз қаерда

туриши керак? Гавдани қандай тутамиз? Тирсакларимизни партага қандай қўямиз?

Энди ўқувчилар дафтарларининг тўғри турганлигини текширамыз. Дафтарнинг четки қирраларини партанинг устидаги чизиққа тўғрилаб оламыз. Ҳарфни ёзишни бошлаймиз. Бир сатрга ўнга ҳарф ёзамиз. Кўп ёзсак, ҳарф зичлиги ошиб, бузилади:

b, b, b, b, b, b, b, b, b, b.

Ўтган дарсларда ўтилган ундош товушларни сўраймиз. Ундош товушлар неча турга бўлинади? Жарангли ва жарангсиз товушларни айтиб беринг.

Шу ўринда «b», «p» ундошлари қатнашган 1–2 машқлар ўқитилиб, сўзларни бўғин кўчириш қондасига кўра бўлақларга ажратиб ёзиш тушунтирилади. Масалан, ki-tob, hi-sob, To-lib, klub, ko'p, to'p, top-shi-tiq, qor каби сўзлар.

Дарсни мустаҳкамлашда 2-машқни изоҳлаб, ёздирилади.

Ўйга вазифа. 2-машқ ўқувчиларга ёзув қоидаларига риоя қилган ҳолда нуқталар ўрнига «b» ва «p» ундошларининг мосини қўйиб, гапни тўлдириб ёзиб келиш топширилади. Дафтар йиғиб олингандан сўнг, ҳуснихат машқи алоҳида баҳоланади. Ҳуснихат машқини алоҳида баҳолаш яхши. Шундагина ўқувчилар грамматика қоидаларини ўзлаштириш билан бирга, ёзув малакаларини ҳам эсдан чиқармас эканлар.

Айрим ўқувчилар ёзувни жуда майда, 2 мм дан кичик ёки жуда йирик 5-6 мм қилиб ёзадилар. Бундай камчиликларнинг олдини олиш учун, биринчи навбатда, ёзувнинг сифатини ҳисобга олиш зарур. Агар ёзувнинг катта-кичиклиги ҳарфларнинг шаклига салбий таъсир этса, у ҳолда ўқувчидан кўрсатилган баландликда ёзишни талаб қилиш лозим. Бу кўрсатмани ўқувчининг дафтарига «йирикрок» ёки «майдарок» ёз, деб ёзиб кўрсатиш мумкин. Бундай талабни қўйишдан мақсад, агар ўқувчи жуда майда ёзса, ўқиши қийин бўлади, йирик ёзса, ҳарфларни қаторларга жойлаштириш оғирлашади.

Синф ўқувчилари дафтарини парта устида қандай тутишни, уни қандай қияликда сақлашни биладилар, аммо уни чуқур ўзлаштириб олмайдилар, айрим ҳолларда унутиб қўядилар. Дафтарнинг парта устида нотўғри туриши ўз-ўзидан ҳарфлар шаклининг бузилишига

олиб келади. Бундай камчиликларни, айниқса, элементлари пастга тушадиган ва юқорига чиқадиган ҳарфларда кўпроқ сезиш мумкин. Шунинг учун қўйилган умумий вазифалар билан биргаликда, ҳарфларнинг қиялигини тўғри сақлаш тўғрисида ҳам айрим машқлар ўтказиш лозим. Бунинг учун элементлари юқорига чиқадиган ва пастга тушадиган ҳарфларни танлаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Дафтарнинг ҳолатини тўғри сақлаш билан бир қаторда, ёзиш жараёнида ундан тўғри фойдаланиш ҳам муҳимдир. Ёзаётганда ўқувчи дафтарнинг пастки қисмидан чап қўли билан босиб туриши, сатрлар ораси тўлган сари уни юқорига силжитиб бориши, бу силжитиш жараёнида унинг қиялиги ўзгармаслиги лозим.

2-синфда ҳам ҳарфларнинг қўл ҳаракатини бузмасдан боғлаб ёзиш талаб этилади. Агар ўқувчилар 1-синфда бўғинларни боғлаб ёзишга ўрганган бўлсалар, энди улар сўзларни боғлаб ёзишга ўрганадилар. Бу ҳар қандай узун сўзда ҳам қўл ҳаракатини узмаслик керак, деган сўз эмас, айрим ҳолларда сўз орасидаги ҳарфларда қўл ҳаракатининг узилишини талаб этадиган b, o, l, m, y каби ҳарфлар ҳам учраб туради. Бундай пайтларда қўл ҳаракатининг узилиши табиийдир.

Ўқувчиларга чўзинчоқ доира ёки ярим чўзинчоқ доира шаклидаги ҳарфларни боғлаб ёзишга ўргатишни кўпроқ машқ қилдириш лозим. Бунинг учун алоҳида, қуйидагига ўхшаш машқларни доскада амалий равишда қуйидагича кўрсатиш лозим:

o o o o

чўзинчоқ доира шаклидаги ҳарфларни ҳам қуйидагича боғлаб ёзиш мумкин:

u u u u u u u

sana, sada, salom сўзларида «o» ҳарфини ёзишда қўл узилди.

Бундай боғланишли ҳарфларни машқ қилдиргандан сўнг, шу ҳарфлар иштирок этган сўзлар ёздирилади. Чўзинчоқ доира шаклидаги ҳарфлар ичида кичик ва катта «o» «O» ҳарфларининг боғланиши устида тўхталиб ўтиш лозим. Чунки бу ҳарфлар ўзидан олдинги ёки кейинги ҳарфларнинг шаклига қараб ҳар хил боғланишда ёзилади. Масалан, кичик «o» ҳарфидан кейин кичик «l, m, y» ҳарфлари келса, қўл ҳаракати узиб ёзилади. Айрим ҳолларда эса бу ҳарфларни қўл ҳаракатини узмасдан ҳам боғлаб ёзиш мумкин. Бош ва кичик «j» ҳарфларини ва бошқа ҳарфларни ёзишда учрайдиган хатоларни тузатишда таҳлил методига амал қилиш шарт эмас, Бунда ўқувчилар томонидан хато ёзилган ўша ҳарфларнинг ўзини кўпроқ машқ қилдириш лозим. Ўқувчилар кўпроқ R, I, J, F, D, K, E, Z каби бош ҳарфларни, b, k, d, g, z, f, ch каби кичик ҳарфларни ёзишда хатога йўл қўядилар. Йўл қўйилган хатолар бошқа ҳарфлар учун ҳам характерлидир. Масалан, кичик r, p, t, g ҳарфларини ёзишда ўқувчилар бир хил хатога йўл қўядилар. Бундай хатоларни тузатиб бориш лозим. Ўқувчиларда учрайдиган яна бир камчилик ҳарфларни тўла ёзмаслик бўлиб, ўз вақтида бунинг олдини олиш талаб этилади. Масалан, кичик n, m, p ҳарфларини ёзишда ҳарфларнинг боғловчи элементларини эсдан чиқариб қўядилар:

n m p

ёки

u p m

тарзида ёзадилар.

Бундай хатолар, албатта, ўқувчиларнинг диққатсизлигидан келиб чиқади. Ўқувчиларнинг ёзувларидаги камчиликларни барта- раф этишда кўпроқ уларнинг хатолари нимада, қайси йўл билан уни йўқотиш мумкин, нима учун ҳарфларнинг шакли бир хил эмас- лигининг сабабини аниқлаш ва исботлаш лозим. Улар ўз хатоларини аниқ билмасдан туриб, уни тузатмайдилар. Уларни ўз хатоларини ўзлари топишга ўргатиш лозим. Текис ва равон ёзишни машқ қилишда I ва II синф учун чиқарилган ҳуснихат китобидан фойдаланиш лозим. Айрим ҳоллардагина босма матнлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

олиб келади. Бундай камчиликларни, айниқса, элементлари пастга тушадиган ва юқорига чиқадиган ҳарфларда кўпроқ сезиш мумкин. Шунинг учун қўйилган умумий вазифалар билан биргаликда, ҳарфларнинг қиялигини тўғри сақлаш тўғрисида ҳам айрим машқлар ўтказиш лозим. Бунинг учун элементлари юқорига чиқадиган ва пастга тушадиган ҳарфларни танлаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Дафтарнинг ҳолатини тўғри сақлаш билан бир қаторда, ёзиш жараёнида ундан тўғри фойдаланиш ҳам муҳимдир. Ёзаётганда ўқувчи дафтарнинг пастки қисмидан чап қўли билан босиб туриши, сатрлар ораси тўлган сари уни юқорига силжитиб бориши, бу силжитиш жараёнида унинг қиялиги ўзгармаслиги лозим.

2-синфда ҳам ҳарфларнинг қўл ҳаракатини бузмасдан боғлаб ёзиш талаб этилади. Агар ўқувчилар 1-синфда бўғинларни боғлаб ёзишга ўрганган бўлсалар, энди улар сўзларни боғлаб ёзишга ўрганадилар. Бу ҳар қандай узун сўзда ҳам қўл ҳаракатини узмаслик керак, деган сўз эмас, айрим ҳолларда сўз орасидаги ҳарфларда қўл ҳаракатининг узилишини талаб этадиган b, o, l, m, y каби ҳарфлар ҳам учраб туради. Бундай пайтларда қўл ҳаракатининг узилиши табиийдир.

Ўқувчиларга чўзинчоқ доира ёки ярим чўзинчоқ доира шаклидаги ҳарфларни боғлаб ёзишга ўргатишни кўпроқ машқ қилдириш лозим. Бунинг учун алоҳида, қуйидагига ўхшаш машқларни доскада амалий равишда қуйидагича кўрсатиш лозим:

o o o o

чўзинчоқ доира шаклидаги ҳарфларни ҳам қуйидагича боғлаб ёзиш мумкин:

u u u u u u

sana, sada, salom сўзларида «o» ҳарфини ёзишда қўл узилди.

Бундай боғланишли ҳарфларни машқ қилдиргандан сўнг, шу ҳарфлар иштирок этган сўзлар ёздирилади. Чўзинчоқ доира шаклидаги ҳарфлар ичида кичик ва катта «o» «O» ҳарфларининг боғланиши устида тўхталиб ўтиш лозим. Чунки бу ҳарфлар ўздан олдинги ёки кейинги ҳарфларнинг шаклига қараб ҳар хил боғланишда ёзилади. Масалан, кичик «o» ҳарфидан кейин кичик «l, m, y» ҳарфлари келса, қўл ҳаракати узиб ёзилади. Айрим ҳолларда эса бу ҳарфларни қўл ҳаракатини узмасдан ҳам боғлаб ёзиш мумкин. Бош ва кичик «j» ҳарфларини ва бошқа ҳарфларни ёзишда учрайдиган хатоларни тузатишда таҳлил методига амал қилиш шарт эмас, Бунда ўқувчилар томонидан хато ёзилган ўша ҳарфларнинг ўзини кўпроқ машқ қилдириш лозим. Ўқувчилар кўпроқ R, I, J, F, D, K, E, Z каби бош ҳарфларни, b, k, d, g, z, f, ch каби кичик ҳарфларни ёзишда хатога йўл қўядилар. Йўл қўйилган хатолар бошқа ҳарфлар учун ҳам характерлидир. Масалан, кичик r, p, t, g ҳарфларини ёзишда ўқувчилар бир хил хатога йўл қўядилар. Бундай хатоларни тузатиб бориш лозим. Ўқувчиларда учрайдиган яна бир камчилик ҳарфларни тўла ёзмаслик бўлиб, ўз вақтида бунинг олдини олиш талаб этилади. Масалан, кичик n, m, p ҳарфларини ёзишда ҳарфларнинг боғловчи элементларини эсдан чиқариб қўядилар:

n m p

ёки

u p m

тарзида ёзадилар.

Бундай хатолар, албатта, ўқувчиларнинг диққатсизлигидан келиб чиқади. Ўқувчиларнинг ёзувларидаги камчиликларни барта- раф этишда кўпроқ уларнинг хатолари нимада, қайси йўл билан уни йўқотиш мумкин, нима учун ҳарфларнинг шакли бир хил эмас- лигининг сабабини аниқлаш ва исботлаш лозим. Улар ўз хатоларини аниқ билмасдан туриб, уни тузатмайдилар. Уларни ўз хатоларини ўзлари топишга ўргатиш лозим. Текис ва равон ёзишни машқ қилишда I ва II синф учун чиқарилган ҳуснихат китобидан фойдаланиш лозим. Айрим ҳоллардагина босма матнлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Хуснихат юзасидан ўтказиладиган машқлар ҳар хил усулда бўлиб, ўқувчиларда шу фанга қизиқиш уйғотиши, она тили дарсларидан ажралмаган ҳолда олиб борилиши шарт.

Хуснихат юзасидан ўтказиладиган машқлар орфограмма (луғавий таҳлил)лар билан бойитилган бўлиши, ўқувчилар орфография талабларини бажариш билан каллиграфия (хуснихат) қоидаларини ҳам эсдан чиқармасликлари талаб этилади.

Ҳар бир ўқитувчи ўқувчиларнинг чиройли ёзишларига эришиш учун шу фанга қизиқиш уйғотиб, ҳар куни ёзув машқларини бажаришда унга кунт билан қараши, пала-партишликка йўл қўймаслиги лозим. Агар ҳар бир дарсимизда ўқувчиларнинг ёзувларини мунтазам равишда кузатиб борсак, албатта, уларнинг чиройли ёзиш малакасини эгаллашларига эришамиз.

БАЁН ДАРСЛАРИ ВА УЛАРНИ АНАЛИЗ ҚИЛИШНИНГ МЕТОДИК ЙЎЛЛАРИ

Ўқувчининг нутқидаги равишлар ёки камчиликлар баён мазмунини очиқ-равшан намоён бўлади.

Агар 1-синфдан бошлаб ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқидаги камчиликлар бартараф қилиб борилмас экан, бунинг салбий таъсири юқори синфларда ҳам сезилади. Бундай ҳол яқин назорат иши учун ёзилган иншоларда ҳам учрайди. Демак, ўқувчи нутқидаги камчиликлар ўз вақтида тузатилмаса, у кўпайиб боради. Кейинчалик бу камчиликларни тузатиш қийинлашади.

Айниқса, оғзаки баёнда ўқувчиларнинг талаффузига, интонация ва урғулардан ўринли фойдаланишларига алоҳида аҳамият бериш лозим. Бошланғич синфларда айрим сўз ва товушларни нотўғри талаффуз қиладиган, бир хилда паст овоз билан зериктирарли оҳангда сўзлайдиган ўқувчилар учрайди. Бундай ҳолларда баён қилинаётган фикрнинг характери тўла очилмайди. Бир хил оҳангда ўқиш ва сўзлаш баён қилинаётган фикрнинг муҳим ўринлари тингловчиларнинг диққатидан четда қолишига сабаб бўлади. Натижада нутқнинг эмоционал таъсири йўқолади. Шунинг учун интонация ва урғу, оҳанг

турлилиги – ўқишда, сўзлашда, фикрни мукамал баён қилишда қўлланиладиган воситалардир.

Ўқувчига камчилик ва хатоларни тузатириш йўли билан таълимий баённинг маълум бир тури ўргатиб борилади. Бошланғич синфларда, кўпинча, ўқувчиларнинг оғзаки нутқида «иннайкейин», «локин», «ану», «машу», «ҳалиги», «анақа», «манақа» сўзларини ҳаддан ташқари кўп ишлатишларини учратиш мумкин. Бу ҳол ёзма ишларда ҳам сезилади. Бу камчилик етарли даражада ўйламасдан гапиришнинг натижасидир. Баъзи ўқувчилар ўз нутқларида чала сўзлайдилар. Ўқувчи агар чала сўзлашга одатланиб қолса, турган гапни, унинг нутқини тушуниш қийин ва бундай нутқ кишиларнинг истехзоли кулгиларига сабаб бўлади. Айрим жойларда турлича шева хусусиятларининг сақланиши ҳам нутқ малакаларини оширишга ҳалал беради, шунингдек, хатоларни тузатиш учун ўқитувчи, даставвал, ишни элементар хатоларни тузатиришдан бошлаш керак. Масалан, оғзаки баёнда ўқувчи о'қиарти сўзини о'қиюрти (Бухоро шеваси) тарзида нотўғри талаффуз қилди ёки о'қивоти (Тошкент шеваси), о'қорти (Самарқанд шеваси) каби диалект хатоси билан айтди. Бундай ҳолда бу сўзга тааллуқли сўроқ (нима қиляпти?) қўйиш, о'қиурти сўзини хор билан айтириш, бўғинларга (о'-қи-уар-ти) ажратиш каби анализ-товуш методидан фойдаланиш – ўқувчиларни орфоэпик ва диалектик хатолардан қутултиришнинг энг яхши йўлидир. Сўзларни тўғри талаффуз қилдиришнинг ўзи ўқувчилар нутқининг тўғри ва адабий бўлишига кўмаклашувчи воситадир.

Таълимий баённинг иккинчи босқичи – саволларга жавоб ёзиш машқлари жараёнида ҳам ўқувчининг нутқида алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Бунга ҳам бир мисол келтирайлик. «Акам менга нима ясаб берди?» Ўқувчи бунга бир сўз билан жавоб айтиши ва ёзиши мумкин. Рақирча ёки рақирча уyasab berdi каби жавоб ўқитувчини қаноатлантирмаслиги керак. Ўқитувчи ўқувчидан саволга тўлиқ жавоб (Акам менга рақирча уyasab berdi) олмагунча навбатдаги ишга ўтмаслиги лозим.

Гапда тиниш белгиларининг ишлатилиши, айрим сўзларнинг қўшимчалар олиши, маълум сўзларнинг бош ҳарфда ёзилиш сабаблари ўқувчилардан аниқланади. Нутқидаги камчиликларни тузатиш иши,

биринчи навбатда, ўқувчилар ўртасига ташланиши – синфдошларнинг кузатувчанлигини, ҳушёрлигини оширади. Бу баённинг барча турларига тааллуқлидир.

Ўқувчи айрим қийин сўзларнинг маъносини онгли равишда ўзлаштирмаганлиги учун ҳам хатога йўл қўяди, дейлик. Бу боланинг тили чучуклигидан ёки шу сўзнинг маъносини тушунмаганлигидан келиб чиққан хатодир. Бундай вазиятда сўзни талаффуз қилдириш йўли билан хатога йўл қўйилишининг сабаби аниқланади.

Агар ўқувчи сўзни тўғри талаффуз қилса, *ko'rkam* сўзининг маъносини онгли тушуниш учун синонимлар келтирилади. *Ko'rkam* – *chiroyli, ozoda* каби. Синонимлар танлаш машқида: «Буни қандай сўзлар билан алмаштириш мумкин?» ёки «Бу сўзни яна қандай сўз билан айтиш мумкин?», «Бу сўз иштирокида ижодий гап тузинг-чи?» каби сўроқлар ўртага ташланади.

Тушунилиши қийин бўлган сўзларни тўғри талаффуз қилдириш, синонимлар танлаш усулидан фойдаланиб тушунтириш, берилган сўзларга синонимлар танлашга ўргатиб бориш, улар иштирокида ижодий гаплар туздириниш – ўқувчиларнинг луғатини бойитади, нутқини ўстиради.

Таълимий баёнлар ўргатувчилик характерига эга бўлганлиги учун унда содир бўлиши мумкин бўлган хато ва камчиликларнинг олдини олиш, бу ҳақда ўқувчиларни огоҳлантириш, намуналар кўрсатиш – ўқитувчининг диққат марказида туриши лозим. Хато ва камчиликларни тузатиш жараёнида ҳам уларга доир орфография, пунктуация ва грамматика қоидаларини эслатиш; такрорлаш ва умумлаштириш – саводхонликни таъминлашга ва нутқ маданиятини эгаллашга, шубҳасиз, ёрдам беради. Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ўқувчиларнинг оғзаки нутқига қарагана уларнинг ёзма нутқи кўп даражада оқсаб қолмоқда. Бунинг сабабларидан бири шуки, ўқувчи грамматика қоидаларининг туб маъносига тушунмай ёдлайди, дарсликда берилган мисоллар билан чегараланади, бундай ҳолларда ўқитувчи сезгирлик ва талабчанлик билан ўқувчидан ҳар бир қоидага мувофиқ ижодий мисоллар топтириши, уларнинг энг яхшиларини доскага ёздириб анализ қилдириши жуда муҳимдир.

Ўқувчилар дарсда таълимий баёнга тааллуқли ёзув ишларини мустақил бажараётганларида ўқитувчи парта оралаб юриб, кўзга ташланган камчиликларни йўл-йўлакай тузатиб бориши, бошқаларга халақит бермаслик шарти билан йўналиш бериши лозим. Бу – ўқувчиларнинг имло ва нутқидаги камчиликларининг тез камайиб боришини таъминлайди. Баён ёзилгач, ўқувчиларга уни диққат билан ичида ўқиб чиқишга рухсат берилади. Хато ва камчиликларни тузатишда шубҳали ўринларга дуч келган ўқувчи қўл кўтариб ёрдам сўраши керак. (Бу пайтда барча ўқувчилар ёзган баёнларини бошидан охиригача ўқиб, текшириб чиққан бўладилар.) Ўқитувчининг ижозати билан ўқувчи бундай ўринларни баланд овоз билан ўқийди. Бунга барча ўқувчи диққат билан эътибор қилади. Ҳар ким ўз фикрини айтиш учун қўл кўтаради. Сўз, ибора ва гапларнинг тўғри ёки нотўғрилигини ўқувчилар мулоҳазаси ва муҳокамаси орқали аниқлаш ўқувчиларнинг нутқ фаолиятини янада фаоллаштиради. Чунки, фикр-мулоҳаза маълум миқдордаги сўз бойлигини талаб этади ва уни рўёбга чиқаради.

Тушуниш қийин бўладиган сўзларнинг мазмуни устида тизимли ишлаш ўқувчиларнинг луғат бойлигини кенгайтиради, нутқларининг равон бўлишига ёрдам беради. Шундай қилиб, фикрлаш билан оғзаки нутқни ривожлантириш грамматика қоидалари ва тўғри ёзув малакаларини мустаҳкамлаш параллел бажарилиши лозим, яъни фикр ва нутқни изчиллик билан ўстириб бориш баён ёзишга ўргатиш билан боғлиқ ҳолда олиб борилади. Булар ўзаро боғлиқ ҳолда тизимли машқ қилингандагина ўқувчиларнинг адабий тил нормаларини амалий ўзлаштиришларига самарали ёрдам беради. Таълимий характердаги баёнларнинг анализи ва хатолари устида ишлаш, кўпинча, шу ҳилдаги баёнларни ёзиш машқ қилинаётган пайтда, қолаверса, келгуси дарсларнинг таркибий қисмида ўтказилади. Жорий назорат баён анализи учун эса махсус дарс ажратилади. Мактабларимизда ана шу типдаги дарс структураси ҳақида бирор қатъий методик кўрсатма йўқлиги ўқитувчилар ишини қийинлаштирмоқда. Шунинг учун она тили ўқитиш методикасида мураккаб ва умумлашган характердаги масалалардан бири – жорий баённи анализ қилиш ва унинг хатолари устида ишлаш методларидир.

Ўқувчилар томонидан билим, кўникма, малака ва компетенцияларни муваффақият билан эгаллашнинг асосий шарты – таълимнинг тўғри уюштирилишидандир.

Кўп йиллик тажриба ва эксперимент натижаларига асосланиб қуйида баёни анализ қилиш ва унинг хатолари устида ишлаш структурасини берамиз.

Бундай дарсларда дарснинг ташкилий қисмидан кейин текшириб баҳоланган дафтарлар дарҳол тарқатилади. Ўқитувчи олдин ишдаги ютуқларни гапирди, мазмунли, хатосиз ва чиройли ёзган ўқувчиларни рағбатлантиради, ана шундай дафтарларни намуна қилиб кўрсатади ва энг юқори баҳоланган баёни ўқиб беради ёки уни шу баёни ёзган ўқувчига ўқитади. Нима учун бу ўқувчининг ёзган баёни юқори баҳоланганлигини изоҳлайди. Сўнгра, кўпчилик йўл қўйган типик хатоларни ўқитувчи бирма-бир оғзаки санаб кўрсатади ва ўқувчилар диққати, аввало, типик орфографик хатоли сўзларни доскага тўғрилаб ёзишга қаратилади.

Тажрибалар нутқни тўғри тузиш, сўзлаш ва ёзиш грамматика ёрдами билан ўзлаштирилишини кўрсатмоқда. Бу ишлар кўпинча, назорат баёни анализ қилиш ва унинг хатолари устида ишлаш дарсларида амалга оширилади. Айниқса, нутқ камчиликларини тузатишда, яхши ва ихчам нутқни намойиш қилишда стилистик машғулотлар муҳим ўрин эгаллайди. Маълумки, стилистика жуда кам ишланган соҳадир. Стилистика адабий тил нормаларини белгилайди. Бу нормалар нутқни мантиқан тўғри, лексик жиҳатдан аниқ, грамматик жиҳатдан раво, фонетик жиҳатдан хушоҳанг, стилистик жиҳатдан таъсирчан ифодалашда ўқувчига ёрдам беради. Типик стилистик ва пунктуацион хатоларни муҳокамадан ўтказиш ва тўғрилаш ҳам ўқувчилар жамоасига ҳавола қилинади. «Бу гапни ким тўғри тузиб беради?», «Бу фикрни гапда қандай ифодалаш мумкин?», «Бу гапнинг тиниш белгиларини ким айтиб бера олади?» каби саволлар ўртага ташланади. Бу хатолар ўқувчилар муҳокамасидан ўтиб, оғзаки тўғрилангач, доскага ёздирилади. Доскадаги ёзувда биронта ҳам камчилик бўлмаслиги керак. Лекин айрим ўқитувчилар пунктуацион хатоларга эътибор бермайдилар. Ваҳоланки, тиниш белгилари ёзма нутқни ифодали, мантиқан тўғри баён қилишда, уни ихчамлашда,

муҳим график восита сифатида ишлатилади. Бу ўринда тиниш белгиларининг ёзма нутқни ифодалашдаги ролини кўрсатиш лозим.

Ўқитувчи раҳбарлигидаги бу иш ўқувчиларни мантиқий муҳокама қилишга ўргатади. Шундан кейин дафтарлар тарқатилади. Ўқувчи дафтарини олгач, унга кўз югуртириб, доскада чиройли қилиб ёзилган «хатолар устида ишлаш» сарлавҳасини ва хатолари тўғрилаб ёзилган сўз, ибора ва гапларни матн остига ёзади.

Ҳар бир ўқувчи белгиланган вақт ичида ўзининг ёзма ишидаги камчиликларни бир неча бор кўздан кечиради, уни грамматика ва услуб томонидан кузатиб, ўз фикрларини тўғри ифодалаш учун мос келадиган шаклни ўйлаб топишга ҳаракат қилади.

Ўқитувчи типик хатоларнинг такрорланмаслиги ва унинг олдини олиш мақсадида, хатолари тўғрилаб ёзилган сўзлар иштирокида гап туздирди, ўқувчиларни бирин-кетин доскага чиқариб, машқ қилдиради. Масалан, *Vatan ona kabi yagona, muqaddasdir*. Бу гапни ўқувчи доскага ёзади. Ёзувда хато кўриниши билан у дарҳол тузаттирилади ва барча ўқувчиларнинг кўчириб олишларига рухсат этилади. Шу билан бирга, бу гапларни грамматик ва баъзан сўзларни орфографик таҳлил қилдириш йўли билан ўқитувчи грамматикадан ўрганилган яқин ва узоқ мавзуларни бир-бирига боғлаб, такрорлаш ва мустаҳкамлашга эришади. Баъзи ўқувчилар грамматика ва орфография қоидаларига етарли риоя қилмаслик натижасида нутқда хатоларга йўл қўймоқдалар. Бошқа баъзи бирлари эса жонли тилдаги мавжуд диалектизм ва вульгаризмдан қутула олмай, маҳаллий шева таъсирида қолиш натижасида янглишмоқдалар. Яна айрим ўқувчиларнинг нутқларидаги хатолар эса бепарволик ва ҳафсаласизлик натижасида содир бўлмоқда. Ўқувчилар нутқидаги хатоларнинг келиб чиқиш сабабларини анализ қилиш ва уни тузатиш йўллари белгилаб олиш ҳам ҳар жиҳатдан фойдалидир. Бундай вақтда баёндаги ютуқ ва камчиликлар, айниқса, сўзнинг аҳамияти, унинг таъсир кучи ва гапдаги роли бутун синф ўқувчиларига очиқ-равшан, атрофлича маълум бўлади ва галдаги иш сифатини оширишга катта ёрдам беради. Буларнинг ҳаммаси ўқувчиларнинг мантиқий тафаккурини тараққий эттиради, таққослаш, умумлаштириш қобилиятларини ўстиради ва ўз нутқларига талабчанликни кучайтиради.

Ўқувчилар томонидан билим, кўникма, малака ва компетенцияларни муваффақият билан эгаллашнинг асосий шарты — таълимнинг тўғри уюштирилишидадир.

Кўп йиллик тажриба ва эксперимент натижаларига асосланиб қуйида баённи анализ қилиш ва унинг хатолари устида ишлаш структурасини берамиз.

Бундай дарсларда дарснинг ташкилий қисмидан кейин текшириб баҳоланган дафтарлар дарҳол тарқатилади. Ўқитувчи олдин ишдаги ютуқларни гапирди, мазмунли, хатосиз ва чиройли ёзган ўқувчиларни рағбатлантиради, ана шундай дафтарларни намуна қилиб кўрсатади ва энг юқори баҳоланган баённи ўқиб беради ёки уни шу баённи ёзган ўқувчига ўқитади. Нима учун бу ўқувчининг ёзган баёни юқори баҳоланганлигини изоҳлайди. Сўнгра, кўпчилик йўл қўйган типик хатоларни ўқитувчи бирма-бир оғзаки санаб кўрсатади ва ўқувчилар диққати, аввало, типик орфографик хатолар сўзларни доскага тўғрилаб ёзишга қаратилади.

Тажрибалар нутқни тўғри тузиш, сўзлаш ва ёзиш грамматика ёрдами билан ўзлаштирилишини кўрсатмоқда. Бу ишлар кўпинча, назорат баённи анализ қилиш ва унинг хатолари устида ишлаш дарсларида амалга оширилади. Айниқса, нутқ камчиликларини тузатишда, яхши ва ихчам нутқни намоёниш қилишда стилистик машғулотлар муҳим ўрин эгаллайди. Маълумки, стилистика жуда кам ишланган соҳадир. Стилистика адабий тил нормаларини белгилайди. Бу нормалар нутқни мантиқан тўғри, лексик жиҳатдан аниқ, грамматик жиҳатдан раво, фонетик жиҳатдан хушоҳанг, стилистик жиҳатдан таъсирчан ифодалашда ўқувчига ёрдам беради. Типик стилистик ва пунктуацион хатоларни муҳокамадан ўтказиш ва тўғрилаш ҳам ўқувчилар жамоасига ҳавола қилинади. «Бу гапни ким тўғри тузиб беради?», «Бу фикрни гапда қандай ифодалаш мумкин?», «Бу гапнинг тиниш белгиларини ким айтиб бера олади?» каби саволлар ўртага ташланади. Бу хатолар ўқувчилар муҳокамасидан ўтиб, оғзаки тўғрилангач, доскага ёздирилади. Доскадаги ёзувда биронта ҳам камчилик бўлмаслиги керак. Лекин айрим ўқитувчилар пунктуацион хатоларга эътибор бермайдилар. Ваҳоланки, тиниш белгилари ёзма нутқни ифодали, мантиқан тўғри баён қилишда, уни ихчамлашда,

муҳим график восита сифатида ишлатилади. Бу ўринда тиниш белгиларининг ёзма нутқни ифодалашдаги ролини кўрсатиш лозим.

Ўқитувчи раҳбарлигидаги бу иш ўқувчиларни мантиқий муҳокама қилишга ўргатади. Шундан кейин дафтарлар тарқатилади. Ўқувчи дафтарини олгач, унга кўз югуртириб, доскада чиройли қилиб ёзилган «хатолар устида ишлаш» сарлавҳасини ва хатолари тўғрилаб ёзилган сўз, ибора ва гапларни матн остига ёзади.

Ҳар бир ўқувчи белгиланган вақт ичида ўзининг ёзма ишидаги камчиликларни бир неча бор кўздан кечиради, уни грамматика ва услуб томонидан кузатиб, ўз фикрларини тўғри ифодалаш учун мос келадиган шаклни ўйлаб топишга ҳаракат қилади.

Ўқитувчи типик хатоларнинг такрорланмаслиги ва унинг олдини олиш мақсадида, хатолари тўғрилаб ёзилган сўзлар иштирокида гап туздиради, ўқувчиларни бирин-кетин доскага чиқариб, машқ қилдиради. Масалан, *Vatan ona kabi yagona, muqaddasdir*. Бу гапни ўқувчи доскага ёзади. Ёзувда хато кўриниши билан у дарҳол тузаттирилади ва барча ўқувчиларнинг кўчириб олишларига рухсат этилади. Шу билан бирга, бу гапларни грамматик ва баъзан сўзларни орфографик таҳлил қилдириш йўли билан ўқитувчи грамматикадан ўрганилган яқин ва узоқ мавзуларни бир-бирига боғлаб, такрорлаш ва мустаҳкамлашга эришади. Баъзи ўқувчилар грамматика ва орфография қоидаларига етарли риоя қилмаслик натижасида нутқда хатоларга йўл қўймоқдалар. Бошқа баъзи бирлари эса жонли тилдаги мавжуд диалектизм ва вульгаризмдан қутула олмай, маҳаллий шева таъсирида қолиш натижасида янглишмоқдалар. Яна айрим ўқувчиларнинг нутқларидаги хатолар эса бепарволик ва ҳафсаласизлик натижасида содир бўлмоқда. Ўқувчилар нутқидаги хатоларнинг келиб чиқиш сабабларини анализ қилиш ва уни тузатиш йўллари белгилаб олиш ҳам ҳар жиҳатдан фойдалидир. Бундай вақтда баёндаги ютуқ ва камчиликлар, айниқса, сўзнинг аҳамияти, унинг таъсир кучи ва гапдаги роли бутун синф ўқувчиларига очик-равшан, атрофлича маълум бўлади ва галдаги иш сифатини оширишга катта ёрдам беради. Буларнинг ҳаммаси ўқувчиларнинг мантиқий тафаккурини тараққий эттиради, таққослаш, умумлаштириш қобилиятларини ўстиради ва ўз нутқларига талабчанликни кучайтиради.

Ўқувчиларнинг ёзувидаги индивидуал хатолар ҳам ўқитувчининг диққатидан четда қолмаслиги керак. Масалан, график хатоларнинг турли кўринишлари содир бўлган ҳар бир дафтарда уларни тузатиш билан бирга, матн остида унинг тўғри ва чиройли ёзиш намуналари қизил сиёҳда ёзиб қўйилади. Ўқувчилар эса ана шу намуналарга қараб такрор-такрор ёзадилар. Баъзи индивидуал хатоларни тезроқ тузатиш тадбирлари қўшимча дарс соатларида ўтказилади.

Бу ўринда яна шуни ҳам алоҳида уқтириш лозимки, ўқитувчининг ўқувчилар нутқига нисбатан доимий талабчанлиги, диққати ва назорати уларда ўз нутқларига ҳар доим диққат билан қарашга, ҳар бир сўзни онгли равишда тўғри ишлатишга, ўзгаларнинг нутқига ҳам танқидий кўз билан қарашга одатлантиради. Ана шундай тадбирларни амалга ошириш, баён хатолари устида тизимли ишлаш ўқувчилар нутқини ўстиришнинг муҳим шартларидандир.

Назорат баённи анализ қилиш ва унинг хатолари устида ишлаш машғулотида ўқувчи доскага чиқиб ёзаётган пайтида, ўқитувчи парта оралаб, ўқувчиларнинг қандай ёзаётганлигини кузатади, саволларга жавоб беришларига, дафтар ва доскадаги ёзувларига қараб алоҳида-алоҳида изоҳ беради ва уларни баҳолаб боради.

Баҳолар, албатта, ўқувчининг кундалик дафтарига ҳам, синф журнаliga ҳам қўйилади. Назорат баён баҳоси шу баённи ўтказган куннинг санасига қўйилса, баённи анализ қилиш ва хатолар устида ишлаш дарси юзасидан олинадиган баҳолар эса шу дарс ўтаётган куннинг санасига қўйилади.

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ОРФОГРАФИК ТАХЛИЛ

Бошланғич синфларда орфографик ўқитиш юқори синфларда ўрганиладиган она тили курсининг ажралмас бир қисмидир. Орфография бошланғич синф дастурида грамматика, имло ва нутқни ўстириш бўлимида берилган. Бошланғич синф дарсликларида орфография алоҳида бўлим сифатида ажратилмайди, балки фонетика ва грамматика материаллари билан боғлаб берилади. Маълумки,

фонетика 1-синфдан бошлаб ўргатилади. Бошланғич синф ўқувчилари фонетика материаллари, сўз таркиби мавзуларини ўрганишлари натижасида талаффуз билан ёзувнинг ўзаро муносабатини англайдилар, шунингдек, сўз таркиби ва сўз туркумларининг ёзилишини ўзлаштириб оладилар. Она тили дарсларида ўқувчиларга берилган билимлар турли машқлардан фойдаланишни, маълум бир мавзу юзасидан кўпроқ машқ қилишни талаб этади. Бу билан ўқувчиларнинг орфографик саводхонлигини таъминлаш, грамматика қоидаларини пухта ўргатиш билан уларнинг луғат бойлиги ошириб борилади. Бу мақсадга тўла эришиш учун бошқа машқлар билан бирга орфографик таҳлилдан ҳам самарали фойдаланиш лозим. Биз бу ишда бошланғич синфларда олиб бориладиган орфографик таҳлил ҳақида фикрлашмоқчимиз.

Ўқувчиларга орфографиядан пухта билим бериш ва уни мустаҳкамлашда орфографик таҳлилнинг роли катта. Орфографик таҳлил тўғри ёзув қоидалари юзасидан ўқувчиларнинг олган билимларини мустаҳкамлашга, уларнинг тўғри фикрлаш қобилиятини оширишга ёрдам беради.

Бошланғич синф дастурида берилган имлога дахлдор ҳар бир она тили дарсида орфографик таҳлил ўтказиш имконияти бор. Уйга берилган вазифа текшириляётганда олдинги ва янги дарсни мустаҳкамлашда орфографик таҳлил ўтказиш мумкин. Орфографик таҳлил бир ёки бир неча имло мавзулари ўтиб бўлингандан сўнг дарснинг маълум қисмида ўтказилади.

Бошланғич синф ўқувчилари орфографик таҳлил туфайли товуш билан ҳарфни фарқлаш, урғули ва урғусиз бўғинларни ажратиш, асос ва қўшимчалар имлоси, бош ҳарфлар имлоси, сўз туркумларининг ёзилишини билиб олиш малакаларига эга бўладилар, уларда орфографик кўникма ҳосил бўлади, натижада ўқувчиларнинг саводи ортиб боради.

Орфографик таҳлилнинг моҳияти ҳақида Н.С.Рожественский шундай дейди: «Орфографик таҳлил ўқувчиларни хатолар устида мустақил ишлашга ўргатади. Орфографик машқ қилиш натижасида ўқувчилар ёзма ишларда кам хато қилишга ўрганадилар, айрим

Ўқувчиларнинг ёзувидаги индивидуал хатолар ҳам ўқитувчининг диққатидан четда қолмаслиги керак. Масалан, график хатоларнинг турли кўринишлари содир бўлган ҳар бир дафтарда уларни тузатиш билан бирга, матн остида унинг тўғри ва чиройли ёзиш намуналари қизил сиёҳда ёзиб қўйилади. Ўқувчилар эса ана шу намуналарга қараб такрор-такрор ёзадилар. Баъзи индивидуал хатоларни тезроқ тузатиш тадбирлари қўшимча дарс соатларида ўтказилади.

Бу ўринда яна шуни ҳам алоҳида уқтириш лозимки, ўқитувчининг ўқувчилар нутқига нисбатан доимий талабчанлиги, диққати ва назорати уларда ўз нутқларига ҳар доим диққат билан қарашга, ҳар бир сўзни онгли равишда тўғри ишлатишга, ўзгаларнинг нутқига ҳам танқидий кўз билан қарашга одатлантиради. Ана шундай тадбирларни амалга ошириш, баён хатолари устида тизимли ишлаш ўқувчилар нутқини ўстиришнинг муҳим шартларидандир.

Назорат баёни анализ қилиш ва унинг хатолари устида ишлаш машғулотида ўқувчи доскага чиқиб ёзаётган пайтида, ўқитувчи парта оралаб, ўқувчиларнинг қандай ёзаётганлигини кузатади, саволларга жавоб беришларига, дафтар ва доскадаги ёзувларига қараб алоҳида-алоҳида изоҳ беради ва уларни баҳолаб боради.

Баҳолар, албатта, ўқувчининг кундалик дафтарига ҳам, синф журнаliga ҳам қўйилади. Назорат баён баҳоси шу баёни ўтказган кунинг санасига қўйилса, баёни анализ қилиш ва хатолар устида ишлаш дарси юзасидан олинadиган баҳолар эса шу дарс ўтаётган куннинг санасига қўйилади.

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ОРФОГРАФИК ТАҲЛИЛ

Бошланғич синфларда орфографик ўқитиш юқори синфларда ўрганиладиган она тили курсининг ажралмас бир қисмидир. Орфография бошланғич синф дастурида грамматика, имло ва нутқни ўстириш бўлимида берилган. Бошланғич синф дарсликларида орфография алоҳида бўлим сифатида ажратилмайди, балки фонетика ва грамматика материаллари билан боғлаб берилади. Маълумки,

фонетика 1-синфдан бошлаб ўргатилади. Бошланғич синф ўқувчилари фонетика материаллари, сўз таркиби мавзуларини ўрганишлари натижасида талаффуз билан ёзувнинг ўзаро муносабатини англайдилар, шунингдек, сўз таркиби ва сўз туркумларининг ёзилишини ўзлаштириб оладилар. Она тили дарсларида ўқувчиларга берилган билимлар турли машқлардан фойдаланишни, маълум бир мавзу юзасидан кўпроқ машқ қилишни талаб этади. Бу билан ўқувчиларнинг орфографик саводхонлигини таъминлаш, грамматика қоидаларини пухта ўргатиш билан уларнинг луғат бойлиги ошириб борилади. Бу мақсадга тўла эришиш учун бошқа машқлар билан бирга орфографик таҳлилдан ҳам самарали фойдаланиш лозим. Биз бу ишда бошланғич синфларда олиб бориладиган орфографик таҳлил ҳақида фикрлашмоқчимиз.

Ўқувчиларга орфографиядан пухта билим бериш ва уни мустаҳкамлашда орфографик таҳлилнинг роли катта. Орфографик таҳлил тўғри ёзув қоидалари юзасидан ўқувчиларнинг олган билимларини мустаҳкамлашга, уларнинг тўғри фикрлаш қобилиятини оширишга ёрдам беради.

Бошланғич синф дастурида берилган имлога дахлдор ҳар бир она тили дарсида орфографик таҳлил ўтказиш имконияти бор. Уйга берилган вазифа текширилаётганда олдинги ва янги дарсни мустаҳкамлашда орфографик таҳлил ўтказиш мумкин. Орфографик таҳлил бир ёки бир неча имло мавзулари ўтиб бўлингандан сўнг дарснинг маълум қисмида ўтказилади.

Бошланғич синф ўқувчилари орфографик таҳлил туфайли товуш билан ҳарфни фарқлаш, урғули ва урғусиз бўғинларни ажратиш, асос ва қўшимчалар имлоси, бош ҳарфлар имлоси, сўз туркумларининг ёзилишини билиб олиш малакаларига эга бўладилар, уларда орфографик кўникма ҳосил бўлади, натижада ўқувчиларнинг саводи ортиб боради.

Орфографик таҳлилнинг моҳияти ҳақида Н.С.Рожественский шундай дейди: «Орфографик таҳлил ўқувчиларни хатолар устида мустақил ишлашга ўргатади. Орфографик машқ қилиш натижасида ўқувчилар ёзма ишларда кам хато қилишга ўрганадилар, айрим

имлоси қийин сўзларни ёзишни озми-кўпми ўрганиб борадилар. Уларнинг саводхонлик савияси ҳам ошади»¹.

Рус педагог олими Захарова эса орфографик таҳлил ҳақида шундай деб ёзади: «Орфографик таҳлил асосида ёзилган ишлар менга қоидаларни тизимли такрорлаш асосида қўллаш имконини, шу билан бирга, ўқувчиларнинг оғзаки нутқларини саводли ёзиш малакаси билан боғлашга имкон бермоқда»².

Орфографик таҳлил фонетика, имло, сўз таркиби ва сўз туркумлари юзасидан ўтказилиб, унда таҳлил қилинаётган сўзнинг ёзилишига алоҳида эътибор берилади. Жарангли ва жарангсиз товушларнинг ёзилиши: айириш ва юмшатиш белгилари, кўш ундошларнинг имлоси, бўғинкўчириш, асос ва кўшимчалар, кўшма сўзлар; от, сифат, сон, олмош, феъл каби сўз туркумларининг ёзилишини ўргатишда орфографик таҳлилга кўпроқ эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Орфографик таҳлил учун бошланғич синфларнинг она тили дарсларида берилган машқлардан, ўқиш китобидаги айрим матнлардан олинган гап ёки сўз, диктантлар тўплами, имло луғати, газета-журналлардан ўрганилган маълумотларга мос матн ёки гаплардан фойдаланиш мумкин.

Масалан, сўз охирида келган жарангли ва жарангсиз товушларнинг имлосини мустаҳкамлаш дарсида орфографик таҳлил учун 1-синф дарслигидан фойдаланиш мумкин.

Ўқинг. Қавс ичидаги ҳарфлардан мосини қўйиб, сўзларни кўчиринг. do's (t – d), xursan (t – d), juf (t – d), balan (t – d), kaf (t – d), teks (t – d), farzan (t – d), Samarqan (t – d), minna (t – d) dor.

Бу машқни ўқувчилар ёзиб бўлишгач, ўқитувчи ўқувчиларга навбат билан машқдаги сўзларни ўқитади ва сўз охирида қавс ичидаги ундошлардан қайси бирини ёзганликларини сўрайди. Нима учун сўзларда d ёки t ундошини ёзганликларини аниқлайди. Ўқитувчи ўқувчиларга бу ундошларнинг талаффузи билан ёзилиши фарқини сингдириш учун ўқувчидан сўзни талаффуз қилганда нечта товуш эшитилишини, сўзда нечта ҳарф борлигини, сўз охи-

¹ В.Р. Захарова. Система орфографического разбора в школе. Учпедгиз, 1976, 8–12 ст.

² В.Р. Захарова. Система орфографического разбора в школе. Учпедгиз, 1976, 8–12 ст.

ридаги ундошнинг талаффузида айтилмаётганлигини сўраш билан мустаҳкамлайди ёки ўқувчилар матнни ёзиб бўлгач, унинг тўғрилиги дарсликдаги луғатдан ёки ўқувчи кўлида мавжуд бўлган «имло» луғатидан текширилади. Бунинг учун биринчи синфданок ўқувчиларга имло луғати билан ишлашни ўргатиш лозим ёки сўзни луғатдан топишни ўргатиб бориш зарур.

Орфографик таҳлилни бошланғич синфларда карточкалар орқали ўтказиш ҳам яхши натижа беради. Масалан, 1-синфда орфографик таҳлил учун карточкалар қуйидагича тузилиши мумкин:




1-kartochka

Nuqtalar o'rniga i unlisini qo'yib so'zlarni ko'chiring, yozgan so'zlaringizning to'g'riligini darslikdagi lug'atdan tekshiring:

S...yohdon, vaz...fa, s...nf, qo'ng'...roq.

2-kartochka

Quyidagi rasmlarning nomini topib, daftaringizga yozing; uning to'g'riligini lug'atdan tekshiring.



Ўқувчиларга бундай топшириқлар бериш билан уларнинг *i* ва *u* унлиларининг ёзилиши юзасидан олган билимлари янада мустаҳкамланади.

Бошланғич синфларда дастур талаби билан орфографияни ўргатиш фонетика ва грамматика билан боғлаб олиб борилади. Шунга кўра, бу синфларда ўтказиладиган орфографик таҳлил ҳам бир томондан фонетик таҳлил билан, иккинчи томондан морфологик таҳлил билан боғлиқдир.

Ўқувчи бирор сўзни фонетик жиҳатдан таҳлил қилар экан, унинг айтилиши билан ёзилишининг ўзаро мос келиши ва келмаслигини, талаффуз билан ёзувнинг ўзаро муносабатини англаб олиши зарур.

Талаффуз билан ёзувнинг муносабатини англаб олган ўқувчига имло қоидаларини пухта ўзлаштиради. Ўқувчиларда ана шу кўникмани мустаҳкамлаш учун орфографик таҳлилдан фойдаланиш яхши натижа беради. Шунингдек, ўқувчи бирор сўзни туркум жиҳатдан таҳлил қилар экан, у шу сўзнинг ёзилишини ҳам яхши билиши керак. Масалан, 1-синф ўқувчиси *kitob* сўзи предметни билдириши, нима сўроғига жавоб бўлишини билиш билан бирга, ушбу сўзнинг охириги ундоши талаффузда жарангсизланиб, *p* тарзида айтилиши, ёзувда эса жарангли *b* ёзилишини ҳам билиши лозим.

Н.С.Рожественский орфографик таҳлилни грамматик-орфографик таҳлил, деб номлайди ва бу таҳлил ҳақида шундай деб ёзади: «Грамматик-орфографик таҳлилда ўқувчи ўрганилган орфограмма (луғавий таҳлил)ни аниқлаш, унга доир терминни тўғри қўллаш, ўрганилган қоида қайтариш ва мисоллар келтириш билан бирга, у ўз мулоҳазаларини исботлаш, амалда қўллаш малакасига ҳам эга бўлгандагина грамматик ва орфографик қоидалар ўқувчига тўла сингдирилган бўлади».

Демак, орфографик таҳлил туфайли шунга эришиш керакки, ўқувчи сўзнинг нима учун айнан шундай ёзилишини тушуниб етсин.

Шундай қилиб, юқорида айтганимиздек, бошланғич синфда ҳам орфографик таҳлилни икки турга бўлиб ўтказиш мумкин.

1. Фонетик-орфографик таҳлил.

2. Морфологик-орфографик таҳлил.

Фонетик-орфографик таҳлил туфайли ўқувчи ўзбек адабий тилининг талаффуз нормаларини, орфографик қоидаларини онгли

эгаллайди, талаффуз ва ёзув ўртасидаги муносабатни тўғри англай олади, айтилиши билан ёзилиши фарқ қиладиган ва фарқ қилмайдиган сўзларнинг имлосини пухта ўзлаштириб боради. Фонетик-орфографик таҳлилда, аввало, сўзнинг товуш томони, сўз таркибидаги ҳарф миқдори, сўзнинг ёзилиши билан талаффузи ўртасидаги фарқи, сўздаги бўғинлар сони, унинг урғуси аниқланади, сўзнинг ёзилиши тушунтирилади. Масалан, 2-синфда бўғин кўчириш мавзусини мустаҳкамлаш пайтида фонетик-орфографик таҳлилни қуйидагича ўтказиш мумкин:

Ўқитувчи *Ra'*но сўзини доскага ёзади ва ундаги товуш, ҳарф миқдори, бўғин ва урғу кабиларни ўқувчилардан сўраш йўли билан аниқлайди. Савол-жавоб қуйидагича бўлиши мумкин:

Ўқитувчи: Раъно сўзида нечта товуш бор?

Ўқувчи: Раъно сўзида тўртта товуш бор. *R*, *a*, *n*, *o*.

Ўқитувчи: Раъно сўзида нечта ҳарф бор?

Ўқувчи: Раъно сўзида бешта ҳарф бор. *R*, *a*, *'*, *n*, *o*.

Ўқитувчи: Раъно сўзи неча бўғиндан иборат?

Ўқувчи: Раъно сўзи икки бўғиндан иборат. *Ra'*-но.

Ўқитувчи: Биринчи бўғинда нечта товуш, нечта ҳарф борлигини айтинг.

Ўқувчи: *Ra'*но сўзининг биринчи бўғинида иккита товуш, иккита ҳарф ва тутук белгиси бор, бўғин охиридаги тутук белгиси а товушини чўзиш вазифасини бажаради.

Ўқитувчи: Сўзни бўғинлаб ёзинг.

Ўқитувчи: Биринчи бўғиндаги тутук белгиси биринчи бўғин билан бирга бир қаторда қолдирилади.

Ўзбек тилидаги кўплаб сўзларнинг айрим товушлари ёзилишидан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам фонетик-орфографик таҳлилни кўпроқ айтилиши билан ёзилиши фарқ қиладиган сўзларнинг имлоси юзасидан ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун бошланғич синф ўқувчилари дарслигидаги машқлардан, луғат учун берилган сўзлардан фойдаланиш мумкин. Масалан, I синфда *O* унлисининг имлосини мустаҳкамлаш учун қуйидагича фонетик-орфографик таҳлил ўтказиш мумкин:

Ўқувчиларга бундай топшириқлар бериш билан уларнинг *i* ва *u* унлиларининг ёзилиши юзасидан олган билимлари янада мустаҳкамланади.

Бошланғич синфларда дастур талаби билан орфографияни ўргатиш фонетика ва грамматика билан боғлаб олиб борилади. Шунга кўра, бу синфларда ўтказиладиган орфографик таҳлил ҳам бир томондан фонетик таҳлил билан, иккинчи томондан морфологик таҳлил билан боғлиқдир.

Ўқувчи бирор сўзни фонетик жиҳатдан таҳлил қилар экан, унинг айтилиши билан ёзилишининг ўзаро мос келиши ва келмаслигини, талаффуз билан ёзувнинг ўзаро муносабатини англаб олиши зарур.

Талаффуз билан ёзувнинг муносабатини англаб олган ўқувчигина имло қоидаларини пухта ўзлаштиради. Ўқувчиларда ана шу кўникмани мустаҳкамлаш учун орфографик таҳлилдан фойдаланиш яхши натижа беради. Шунингдек, ўқувчи бирор сўзни туркум жиҳатдан таҳлил қилар экан, у шу сўзнинг ёзилишини ҳам яхши билиши керак. Масалан, 1-синф ўқувчиси *kitob* сўзи предметни билдириши, нима сўроғига жавоб бўлишини билиш билан бирга, ушбу сўзнинг охириги ундоши талаффузда жарангсизланиб, *p* тарзида айтилиши, ёзувда эса жарангли *b* ёзилишини ҳам билиши лозим.

Н.С.Рожественский орфографик таҳлилни грамматик-орфографик таҳлил, деб номлайди ва бу таҳлил ҳақида шундай деб ёзади: «Грамматик-орфографик таҳлилда ўқувчи ўрганилган орфограмма (луғавий таҳлил)ни аниқлаш, унга доир терминни тўғри қўллаш, ўрганилган қоида қайтариш ва мисоллар келтириш билан бирга, у ўз мулоҳазаларини исботлаши, амалда қўллаш малакасига ҳам эга бўлгандагина грамматик ва орфографик қоидалар ўқувчига тўла сингдирилган бўлади».

Демак, орфографик таҳлил туфайли шунга эришиш керакки, ўқувчи сўзнинг нима учун айнан шундай ёзилишини тушуниб етсин.

Шундай қилиб, юқорида айтганимиздек, бошланғич синфда ҳам орфографик таҳлилни икки турга бўлиб ўтказиш мумкин.

1. Фонетик-орфографик таҳлил.

2. Морфологик-орфографик таҳлил.

Фонетик-орфографик таҳлил туфайли ўқувчи ўзбек адабий тилининг талаффуз нормаларини, орфографик қоидаларини онгли

эгаллайди, талаффуз ва ёзув ўртасидаги муносабатни тўғри англаб олади, айтилиши билан ёзилиши фарқ қиладиган ва фарқ қилмайдиган сўзларнинг имлосини пухта ўзлаштириб боради. Фонетик-орфографик таҳлилда, аввало, сўзнинг товуш томони, сўз таркибидаги ҳарф миқдори, сўзнинг ёзилиши билан талаффузи ўртасидаги фарқи, сўздаги бўғинлар сони, унинг урғуси аниқланади, сўзнинг ёзилиши тушунтирилади. Масалан, 2-синфда бўғин кўчириш мавзусини мустаҳкамлаш пайтида фонетик-орфографик таҳлилни қуйидагича ўтказиш мумкин:

Ўқитувчи: Ра'но сўзини доскага ёзади ва ундаги товуш, ҳарф миқдори, бўғин ва урғу кабиларни ўқувчилардан сўраш йўли билан аниқлайди. Савол-жавоб қуйидагича бўлиши мумкин:

Ўқитувчи: Ра'но сўзида нечта товуш бор?

Ўқувчи: Ра'но сўзида тўртта товуш бор. *R*, *a*, *n*, *o*.

Ўқитувчи: Ра'но сўзида нечта ҳарф бор?

Ўқувчи: Ра'но сўзида бешта ҳарф бор. *R*, *a*, *'*, *n*, *o*.

Ўқитувчи: Ра'но сўзи неча бўғиндан иборат?

Ўқувчи: Ра'но сўзи икки бўғиндан иборат. *Ra'*-но.

Ўқитувчи: Биринчи бўғинда нечта товуш, нечта ҳарф борлигини айтинг.

Ўқувчи: *Ra'*но сўзининг биринчи бўғинида иккита товуш, иккита ҳарф ва тутуқ белгиси бор, бўғин охиридаги тутуқ белгиси *a* товушини чўзиш вазифасини бажаради.

Ўқитувчи: Сўзни бўғинлаб ёзинг.

Ўқитувчи: Биринчи бўғиндаги тутуқ белгиси биринчи бўғин билан бирга бир қаторда қолдирилади.

Ўзбек тилидаги кўплаб сўзларнинг айрим товушлари ёзилишидан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам фонетик-орфографик таҳлилни кўпроқ айтилиши билан ёзилиши фарқ қиладиган сўзларнинг имлоси юзасидан ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун бошланғич синф ўқувчилари дарслигидаги машқлардан, луғат учун берилган сўзлардан фойдаланиш мумкин. Масалан, I синфда *O* унлисининг имлосини мустаҳкамлаш учун қуйидагича фонетик-орфографик таҳлил ўтказиш мумкин:

Кўчма доскага ёзилган куйидаги сўзларни ўқувчилар тўлдириб кўчирадилар, сўнгра сўзлар бирма-бир ўқилиб, биринчи бўғиндаги 0 унлисининг айтилиши ва ёзилиши аниқланади.

T...shkent, b...tinka, k...nvert, k...styum, k...mbayn, f...ntan, b...la.

II синфда р ва f ундошларининг имлосини мустаҳкамлаш учун доскада куйидаги гапларни ёздириб, ундаги айрим сўзларни фонетик-орфографик таҳлил қилдириш мумкин.

1. *Archani bezash uchun fonarcha, konfetlar oldik.*

2. *Opam sut fermasida ishlaydi.*

3. *Yusuf otasi bilan fabrikaga bordi.*

Ўқувчилар навбати билан гапни доскага ёзиб, *fonarcha, konfetlar, fermasi, fabrika* сўзларидаги товушлар ва ҳарфларни айтадилар, сўзнинг урғусини аниқлайдилар, талаффузи ва имлосини билиб оладилар.

Бошланғич синфларда олиб бориладиган фонетик-орфографик таҳлилда куйидаги топшириқлар бажарилади:

1. Сўздаги товуш ва ҳарфлар сонининг мос келиши ёки мос келмаслигини аниқлаш: *nok, Lola, oftob, buyuk, tabel, yangroq.*

2. Унли ва ундош ҳарфларни аниқлаб, уларнинг остига чизиш. Унли ҳарфларга битта, ундош ҳарфларга иккита чизиқ чизилади. Сўзларнинг ёзилишини луғатдан текшириш топширилади. Масалаи, *Vatan, bahor, gazeta, mashina.*

3. Унли товушларнинг талаффузи ва имлосини фарқлаш: *bulut, qovun, somon, yomg'ir* каби.

4. Айрим ундош ҳарфларнинг талаффузи ва имлосини фарқлаш: *maktab, kitob, ozod, Fotima, shahar, Toshkent, metall* каби.

5. Жарангли-жарангсиз ундошларни аниқлаш ва уларнинг имлосини билиб олиш: *Tong otdi. Quyosh zartir nur sochdi.*

6. Сўзни бўғинга ажратиш, урғули ва урғусиз бўғинни аниқлаш, сўзнинг ёзилишини билиб олиш: *Gulnor kinoga bordi. Dehqon lavlagi ekdi. Paxta – oltin.*

Шуни ҳам айтиш керакки, фонетик-орфографик таҳлил фонетика бўлимини ўргангандагина керак бўлиб қолмай, балки тилнинг бошқа қисмларини ўрганганда ҳам ўтказиб турилса, яхши натижа беради.

Бошланғич синфларда ўтказиладиган фонетик-орфографик таҳлил учун баъзи намуналарни келтирамиз.

Сўз	Унли	Ундош
ovoz	o	v, z
ziyrak	i, a	z, y, r, k
model	o, e	m, d, l,

Схемадаги сўзларни ўқиб, унли ва ундош товушларни аниқлаб, унли ва ундош бўлимларига ёзилади.

Сўзнинг ёзилиши ва айтилишига диққат қилиб, *kitob, javob, maqsad, ozod* сўзларини доскада бир йўла 4 ўқувчи ёзади ва уни қисмларга бўлиб фонетик орфографик таҳлил қилади.

Сўзларни ўқиб, унли ва ундош товушларини кўрсатади, *b, d* ундошлари остига чизиб, уларнинг айтилиши ва ёзилишини фарқлайди, имлосини тушунтиради.

Карточкага ёзиш йўли билан фонетик-орфографик таҳлил ўтказиш.

1. Nuqtalar o'rniga u, yu harfidan mosini qo'yib yozing, imlosini bilib oling. *Sal...t, t...sh, mush...k, bu...m, bu...k.*

2. So'zlarni jadvalga joylashtiring, ularning imlosini bilib oling: *shox, shahar, behi, xo'roz.*

Морфологик-орфографик таҳлил

Бунда сўзнинг таркибий қисмларидаги фонетик ҳодисалар асосида содир бўлган ўзгаришлар ҳисобга олинади, қоидага мувофиқ ёзиш малакасини ўстириш учун морфологик-орфографик таҳлилда сўздаги асос ва қўшимчаларнинг талаффузи, имлоси, эгалик, келишиқ қўшимчаларининг ёзилиши, сўз таркибидаги ўзгаришлар аниқланади.

Биринчи синфда ўзакдош сўзлар: ким? нима? сўроқларига жавоб бўлиши, кишиларнинг исми, фамилияси, ҳайвонларга атаб қўйилган номлар имлосини мустаҳкамлашда, III–IV синфда охири *ts, k*, билан тутаган сўзларга эгалик қўшимчаси қўшилганда *k-g* га айланишини билиб олишда орфографик таҳлил қилдириш мақсадга мувофиқдир. Аввало, бундай сўзларни доскада ёзиб, уларнинг асос ва қўшимчаси аниқланади, қўшимча қўшилиши билан асосдаги ўзгаришнинг содир бўлиши аниқланади ва ушбу сўзнинг ёзилиши

тушунтирилади. Масалан, 1-синфда ўқувчиларга кишиларнинг исми ва фамилиясининг имлоси юзасидан берилган билимларни мустаҳкамлашда морфологик-орфографик таҳлил яхши натижа беради. Ўқувчиларга қуйидаги гаплар доскада ёздирилади. Кишилар исмини билдирувчи сўз топтириб, унинг ким? сўроғига жавоб бўлиши ва бош ҳарф билан ёзилиши аниқланади:

1. *Dilbar va Lola kitob o'qidi.*
2. *Bahodir shashka o'ynadi.*
3. *Nuriniso she'r yodladi.*

III–IV синфда ўқувчиларга дарсликдан морфологик-орфографик таҳлил қилиш учун топшириқ топширилади. Ўқувчилар дарсликдаги «Ватаним» шеърини кўчирадилар, ундаги эгалик қўшимчалари билан тугаган сўзни топиб, остига чизадиладар ва бу сўзнинг асос ва қўшимчаларини аниқлайдилар. Эгалик қўшимчаси қўшилиши билан асосда юз берган фонетик ўзгаришларни аниқлайдилар ва сўзнинг ёзилишини билиб оладилар.

Yashnamoqda shahar, qishlo/g'ing
Doim qaynar hayot bulo/g'ing.
Hilpiraydi shonli bayro/g'ing
Gulga to'lgan ey guliston'im,
Yasha o'lkam, go'zal Vatan'im.

Бундай сўзларнинг таркибий қисмларини таҳлил қилиш билан ўқувчилар асосдаги ўзгаришни, ушбу сўзларнинг ёзилишини билиб оладилар. Бунинг учун эса ўқувчи сўзни таркибий қисмга тўғри ажрата олиши лозим. *Qish-loq+ing, buloq+ing, bayroq+ing, o'lka+m, gul-iston+im, Vatan+im* каби.

Морфологик-орфографик таҳлил ўқувчиларнинг сўз ясаш, сўзларни турлаш ва туслаш қобилиятини ўстиришга, луғат бойлигини оширишга ёрдам беради. Бошланғич синфларда ўтказиладиган морфологик-орфографик таҳлилда қуйидаги топшириқлар бажарилиши мумкин.

1. *So'zning asosini aniqlash, uning ostiga chizish.*
 - a) *Vatanimning yuragi,*
Tog'dek yuksak ko'kragi.
 - b) *Kuzda daraxtlarning barglari to'kiladi.*

v) *Biz yozda bolalar oromgohida dam oldik.*

2. *Berilgan asoslardan so'z yasash va ularning imlosini bilib olish.*
ish, suv, bog', aql, obod, gul, chiz, tuz.

3. *So'z o'zgartiruvchi qo'shimchalarning ostiga chizing, imlosini tushuntiring:*

Har tomonda hilpirar,

Shonli elim bayrog'i

Bepoyon o'lkamizning

Gullamoqda har yog'i.

4. *Nuqtalar o'rniga kelishik qo'shimchalarini qo'yib, gapni ko'chiring, kelishik qo'shimchasining imlosiga diqqat qiling.*

Kechqurun qishlo... jo'nadik.

Karim... ukasi maktab... o'qiydi.

5. *Matndan kim? nima? qanday? qanaqa? so'rog'iga javob bo'lgan so'zlarni toping, ularning imlosini tushuntiring. Bahor keldi. Daraxtlar barg yozdi. Atrof ko'm-ko'k libos kiydi. Dilbar va men boqqa kirdik. Bog'dagi o'rik, olcha, gilos gullagan.*

Орфографик таҳлил ўтказилиш ҳажмига кўра иккига бўлинади:

1. Қисмий орфографик таҳлил.

2. Тўлиқ орфографик таҳлил.

Қисмий орфографик таҳлил маълум мавзуга боғлиқ бўлган таҳлилдир. Бирор орфографик материал ўтиб бўлингач, уни мустаҳкамлаш мақсадида қисмий орфографик таҳлил ўтказилади. Товуш ва ҳарф мавзуси тугагач, унлилар имлоси ўтиб бўлингач, ундошлар имлоси тугагач ёки фонетика бўлими тугагач ўтказиладиган таҳлил тўлиқ орфографик таҳлилдир. Тўлиқ орфографик таҳлилда, айниқса, имлоси қийин сўзларга, ўрганилган мавзунинг характерли томонларига эътибор бериш керак. Тўлиқ орфографик таҳлил учун матн танлаш жуда яхши натижа беради. Масалан, III–IV синфда атоқли ва турдош отларнинг имлоси юзасидан тўлиқ таҳлил ўтказиш учун қуйидагича матн танлаш мумкин:

Men yozda Karim bilan Toshkentga bordim. Toshkentda baland imoratlar ko'p. Ko'chalar asfalt, keng va toza.

Yer ostida metro poyezdlari qatmaydi. Toshkent – Vatanimizning poytaxti.

Ўқувчилар атоқли ва турдош отларни топадилар, уларга сўроқ берадилар, отларнинг сони, эгалиги, қайси келишда келганлигини ва ёзилишини аниқлайдилар.

Орфографик таҳлил – оғзаки ва ёзма равишда ўтказилади. Оғзаки орфографик таҳлилда имлоси мустаҳкамланаётган сўзнинг қандай ёзилиши оғзаки таҳлил қилинади.

Ёзма орфографик таҳлилда имлоси мустаҳкамланадиган сўз турли белгилар, схемалар билан таҳлил қилинади, имлоси мустаҳкамланиши лозим бўлган сўзни чизиқча билан белгилаш, асос ва қўшимчаларнинг остига чизиш каби вазифалар бажарилади.

«Ёзма орфографик таҳлил, – деб ёзади Н.С. Рождественский, – оғзаки таҳлилга нисбатан мустақил, ўқувчиларнинг фаоллигини талаб қилувчи, грамматик-орфографик топшириққа масъулиятли ёндошишни тарбияловчи машқ туридир».

Ёзма орфографик таҳлиллнинг яна бир қулай томони шундаки, ўқитувчи ундан ўқувчиларнинг ёзган матнларини текшириб, шу мавзу юзасидан ўқувчиларнинг олган билимларини баҳолаш учун фойдаланиши мумкин.

Бошланғич синфларда орфографик таҳлилни вақтида ўтказиб туриш, ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ўқувчилар саводхонлигининг юқори бўлишига ёрдам беради, хатосиз ёзиш, тўғри сўзлаш малакасини мустаҳкамлайди.

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

Бошланғич таълим узлуксиз таълим тизимининг энг муҳим бўғинларидан бири бўлиб, бу босқичда болаларнинг дунёқарashi, диди, олами аниқлашга бўлган билиш имкониятлари тараққий этиб, нутқ кўникмаси шаклланади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантириш бошланғич таълим олдидан турган энг муҳим долзарб вазифалардан бири саналади. Кейинги йилларда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ўқитиш

жараёнига бир қатор кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни қўймоқда. Бундай вазифалар сирасига ўқувчиларда мустақилликни шахсий сифат шаклида шакллантириш, ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатиш кабилар киради. Шундай экан, биз ўқувчини қандай қилиб мустақил фикрлашга ўргатамиз?

Мустақил фикрлаш инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Чунки эркин фикр юритиш нафақат ўқув предметини ўзлаштиришга, аynи пайтда ўқувчи тафаккурини ривожлантиришга ҳам хизмат қилади. Мустақил фикрлаш – бу инсон сезги органлари ва ақлий фаолиятининг бирлиги ўлароқ, мустақил равишда таҳлил қилиш, умумлаштириш, индуктив ва дедуктив хулосалар чиқариш, таққослаш, аниқлаштириш, мавҳумлаштириш каби фикрий жараёнлардан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган ақлий фаолиятдир. Маълумки, ўқувчиларда мустақилликни шакллантиришнинг бир қанча воситалари мавжуд. Она тили ўқитиш жараёнида ўқувчиларда мустақил фикрлашни қуйидаги усуллар асосида такомиллаштириш мумкин:

- турли дидактик ўйинларни ташкил қилиш;
- расмлар асосида матн яратиш;
- воқеа-ҳодисаларга муносабат билдириш;
- сўз маънолари устида ишлаш.

Юқорида санаб ўтилган усулларнинг ҳар бири ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш кўникмасини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Турли дидактик ўйинларни ташкил этиш. Бошланғич синф ўқувчиларининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ҳар бир ўқувчида кўрган, билган нарсалари ҳақида тасаввур бўлади. Шунинг учун бу ёшдаги ўқувчилар билан ташкил қилинадиган дидактик ўйинлар ҳам бевосита ижтимоий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ бўлиши талаб этилади. Дидактик ўйинлар сирасига “Давом эт”, “Балиқ тутиш ўйини”, “Сирли сандиқ”, “МММ (маслаҳат, муҳокама, мунозара)” ва ҳоказо.

Ҳар бир дидактик ўйиннинг ўз мақсади, вазифаси бор. Масалан, қайсидир дидактик ўйин ўқувчининг топқирлик лаёқатини ўстирса, яна бири мантиқий фикрлашини, қайсисидир нутқини ривожлантиради.

Дидактик ўйинлардан ўқиш ва она тили дарсларида кўпроқ фойдаланилса, ўқувчиларнинг билиш фаоллиги ошади. Масалан, “Сайёралар” матни юзасидан “Сирли сандиқ” ўйинини ташкил этиш мумкин.

Бунда ўқитувчи қоғоздан ясалган сандиқ ичига мавзу билан боғлиқ бўлган саволларни жойлаштиради. Саволлар қуйидаги кўринишда тайёрланиши мумкин:

1-тарқатма. Қуёш системасига кирадиган сайёралар номини айтинг.

2-тарқатма. Комета ҳақида сўзлаб беринг.

3-тарқатма. Метеорлар ҳақида сўзлаб беринг.

4-тарқатма. Энг ёруғ юлдузни тавсифланг.

5-тарқатма. Сайёраларнинг номини айтиб беринг.

6-тарқатма. Ер атрофидаги сайёраларни сананг ва уларни тавсифланг.

Ушбу саволларга ўқувчилар эгаллаган билимига таянган ҳолда жавоб беради. Иккинчидан, ўқувчининг табиат дарсидан олган билими ҳам қайта хотирланади. Бу билан ўқитувчи фанлараро боғлиқлик, яъни интеграциялаштирилган таълим тизимини ҳам ўз фаолиятида қўллайди. Бошланғич синфларда бундай ўйинларнинг ташкил этилиши ўқувчиларнинг мантикий фикрлаши ва тасаввур доирасини кенгайтиради ҳамда мустақил фикрлаш кўникмасини шакллантиради.

Расмлар асосида матн яратиш. Бу бошланғич синф ўқитувчилари фаолиятида кенг қўлланадиган усул бўлиб, унда сюжетли расм асосида ўқувчиларга кичик матн туздирилади. Одатда, ўқитувчилар эртақ, фасллар, кишилар меҳнати билан боғлиқ расмлар асосида матн туздирадилар. Бундай усулда ишлаш синф ўқувчиларининг деярли бир хил матн тузиш ёки яхши ўзлаштирувчи ўқувчидан кўчириш каби салбий ҳолатларни келтириб чиқаради. Ўқитувчи шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида синф ўқувчиларини кичик гуруҳларга ажратиб, ҳар бир гуруҳга алоҳида расмлар тарқатиб, матн туздириши ҳам мумкин.

Расмлар асосида ишлашнинг иккинчи усули ҳам мавжуд. Бунда ўқитувчи ўқувчиларнинг қобилиятига ёки билимига қараб ҳам

дифференциал гуруҳга ажратиши мумкин. Ўқувчиларни билимига қараб гуруҳларга ажратганда уларга бериладиган топшириқлар ҳам бир-биридан фарқ қилади. Бундан ташқари, ўқувчилар тузган матн юзасидан тафаккурни ўстирувчи топшириқлар ҳам бериш мумкин. Масалан, баҳор фасли тасвирланган расм асосида “Эрта баҳор” мавзуси юзасидан матн туздирилган бўлса, унда ўқувчилар диққати қуйидаги топшириқларга жалб қилинади:

1. “Сумалак” сўзини изоҳлаб беринг.

2. Матндан ҳаракат билдирувчи сўзларни ажратиб ёзинг.

3. Матндан белгини билдирувчи сўзларни ажратиб ёзинг.

Расмлар асосида ишлаганда бу типдаги савол- топшириқлардан фойдаланиш ўқувчиларнинг фикрлаш доирасини кенгайтиради.

Воқеа-ҳодисаларга муносабат билдириш. Бу ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантиришда энг самарадор усуллардан бири саналади. Бошланғич синф ўқувчиларида воқеа-ҳодисаларга муносабат билдириш малакаси яхши шаклланмаганлиги сабабли, бу усулдан фойдаланиш ўқитувчиларга бир оз бўлса-да, қийинчилик туғдиради. Ҳар бир воқеа-ҳодисага муносабат билдиришда ўқувчининг ўзи ижодий ва мустақил фикр юритади. Маълум бир воқеага ўзининг ижобий ёки салбий муносабатини билдиради. Бу жараёнда ўқувчининг сўз бойлиги алоҳида аҳамият касб этади. Агар ўқувчининг нутқида маънодош, шаклдош, уядош сўзлар кўп бўлса, воқеани тасвирлаш жараёни ранг-баранг бўлиб, таъсирчанлик ошади. Мазкур усулнинг вазифаси ҳам ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширишга хизмат қилишдир.

Ушбу усул учун танланадиган мавзулар бевосита ўқувчиларнинг ўзлари иштирок этган, ўз кўзлари билан кўрган, шу билан бирга, улар тасаввур қила оладиган воқеа-ҳодисалар бўлиши лозим. Масалан, “Таътилда”, “Менинг мактабим”, “Оила”, “Дўстликда ҳикмат кўп”, “1 сентябрь – Мустақиллик куни”, “1 октябрь – Устоз ва мураббийлар куни” ва ҳ.к.

Сўз маънолари устида ишлаш. Бошланғич синфларда сўз маънолари устида ишлаш жуда зарур бўлган жараён ҳисобланиб, унда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг дунёқараши ривожланади, улар нутқида мавжуд бўлган ноаниқ сўзларга аниқлик киритилади.

Дидактик ўйинлардан ўқиш ва она тили дарсларида кўпроқ фойдаланилса, ўқувчиларнинг билиш фаоллиги ошади. Масалан, “Сайёралар” матни юзасидан “Сирли сандиқ” ўйинини ташкил этиш мумкин.

Бунда ўқитувчи қоғоздан ясалган сандиқ ичига мавзу билан боғлиқ бўлган саволларни жойлаштиради. Саволлар қуйидаги кўринишда тайёрланиши мумкин:

1-тарқатма. Куёш системасига кирадиган сайёралар номини айтинг.

2-тарқатма. Комета ҳақида сўзлаб беринг.

3-тарқатма. Метеорлар ҳақида сўзлаб беринг.

4-тарқатма. Энг ёруғ юлдузни тавсифланг.

5-тарқатма. Сайёраларнинг номини айтиб беринг.

6-тарқатма. Ер атрофидаги сайёраларни сананг ва уларни тавсифланг.

Ушбу саволларга ўқувчилар эгаллаган билимига таянган ҳолда жавоб беради. Иккинчидан, ўқувчининг табиат дарсидан олган билими ҳам қайта хотирланади. Бу билан ўқитувчи фанлараро боғлиқлик, яъни интеграциялаштирилган таълим тизимини ҳам ўз фаолиятида қўллайди. Бошланғич синфларда бундай ўйинларнинг ташкил этилиши ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаши ва тасаввур доирасини кенгайтиради ҳамда мустақил фикрлаш кўникмасини шакллантиради.

Расмлар асосида матн яратиш. Бу бошланғич синф ўқитувчилари фаолиятида кенг қўлланидиган усул бўлиб, унда сюжетли расм асосида ўқувчиларга кичик матн туздирилади. Одатда, ўқитувчилар эртақ, фасллар, кишилар меҳнати билан боғлиқ расмлар асосида матн туздиради. Бундай усулда ишлаш синф ўқувчиларининг деярли бир хил матн тузиш ёки яхши ўзлаштирувчи ўқувчидан кўчириш каби салбий ҳолатларни келтириб чиқаради. Ўқитувчи шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида синф ўқувчиларини кичик гуруҳларга ажратиб, ҳар бир гуруҳга алоҳида расмлар тарқатиб, матн туздириши ҳам мумкин.

Расмлар асосида ишлашнинг иккинчи усули ҳам мавжуд. Бунда ўқитувчи ўқувчиларнинг қобилиятига ёки билимига қараб ҳам

дифференциал гуруҳга ажратиши мумкин. Ўқувчиларни билимига қараб гуруҳларга ажратганда уларга бериладиган топшириқлар ҳам бир-биридан фарқ қилади. Бундан ташқари, ўқувчилар тузган матн юзасидан тафаккурни ўстирувчи топшириқлар ҳам бериш мумкин. Масалан, баҳор фасли тасвирланган расм асосида “Эрта баҳор” мавзуси юзасидан матн туздирилган бўлса, унда ўқувчилар диққати қуйидаги топшириқларга жалб қилинади:

1. “Сумалак” сўзини изоҳлаб беринг.

2. Матндан ҳаракат билдирувчи сўзларни ажратиб ёзинг.

3. Матндан белгини билдирувчи сўзларни ажратиб ёзинг.

Расмлар асосида ишлаганда бу типдаги савол- топшириқлардан фойдаланиш ўқувчиларнинг фикрлаш доирасини кенгайтиради.

Воқеа-ҳодисаларга муносабат билдириш. Бу ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантиришда энг самарадор усуллардан бири саналади. Бошланғич синф ўқувчиларида воқеа-ҳодисаларга муносабат билдириш малакаси яхши шаклланмаганлиги сабабли, бу усулдан фойдаланиш ўқитувчиларга бир оз бўлса-да, қийинчилик туғдиради. Ҳар бир воқеа-ҳодисага муносабат билдиришда ўқувчининг ўзи ижодий ва мустақил фикр юритади. Маълум бир воқеага ўзининг ижобий ёки салбий муносабатини билдиради. Бу жараёнда ўқувчининг сўз бойлиги алоҳида аҳамият касб этади. Агар ўқувчининг нутқида маънодош, шаклдош, уядош сўзлар кўп бўлса, воқеани тасвирлаш жараёни ранг-баранг бўлиб, таъсирчанлик ошади. Мазкур усулнинг вазифаси ҳам ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширишга хизмат қилишдир.

Ушбу усул учун танланадиган мавзулар бевосита ўқувчиларнинг ўзлари иштирок этган, ўз кўзлари билан кўрган, шу билан бирга, улар тасаввур қила оладиган воқеа-ҳодисалар бўлиши лозим. Масалан, “Таътилда”, “Менинг мактабим”, “Оила”, “Дўстликда ҳикмат кўп”, “1 сентябрь – Мустақиллик куни”, “1 октябрь – Устоз ва мураббийлар куни” ва ҳ.к.

Сўз маънолари устида ишлаш. Бошланғич синфларда сўз маънолари устида ишлаш жуда зарур бўлган жараён ҳисобланиб, унда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг дунёқараши ривожланади, улар нутқида мавжуд бўлган ноаниқ сўзларга аниқлик киритилади.

Бошланғич синф дарсликларида кўплаб шу ёшдаги ўқувчилар тушуниши қийин бўлган сўзлар учрайди. Масалан, ўжар, водий, чанок, палак, таранг (“Алифбе”), даҳо, наҳор, навқирон, дилбанд (1-синф), заранг, эгат, ваҳм, пўлат қанотлар, нурли пешона (2-синф), самовий, нигоҳ ташлаб, оғоч, довод, соҳил, сурув, бепоён, жимит (3–4-синф). Юқоридагилардан, бошланғич синфларда сўз маънолари устида ишлаш долзарб муаммо эканлиги аёнлашади.

Сўз маънолари устида ишлашда ўқитувчилар ҳар бир сўзнинг изоҳига алоҳида эътибор беришлари лозим. Кўп маъноли ва бир маъноли сўзларнинг маъносини тушунтирганда мазкур сўзнинг нутқда қўлланиш ҳолатига мос гаплар билан тушунтирилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бошланғич синф она тили дарсликларида ижодийлик, ўқувчининг мустақил ишлаш кўникмасини шакллантиришга кенг аҳамият берилган. Машқлар учун танланган матнлар ҳам ўқитувчидан юксак билим ва маҳорат талаб қилади. 4-синф она тили дарслиги (Муаллифлар: Р.Икромов ва б.)да берилган 99-машққа эътибор қаратсак: Мазкур машқда кўш ундошлар ва уларнинг қўлланишига оид сўзлар берилган. Берилган сўзлар ичида “машшоқ ва машоқ” жуфтлиги ҳам мавжуд. Ўқитувчи юқорида келтирилган сўзларнинг имлоси билан бирга уларнинг маъносини ҳам изоҳлаб бериши зарур. Ушбу сўзларнинг маъносини изоҳлаб кўрсатиши учун ўқитувчида етарли билим бўлиши лозим. Бундай машқлар ўқитувчидан “Изоҳли лугат”лар билан ишлашни талаб этади. Демак, “машшоқ” дейилганда чолғувчи, созанда тушунилса, “машоқ” бугдой ўрим-йиғимидан сўнг ерга тўкилган бошоқлар тушунилади. Мана шундай ўқув топшириқларини бажариш учун ўқитувчидан пухта билим ва маҳорат талаб этилади. Бошланғич синф дарсликларида бундай типдаги машқларни истаганча топиш мумкин.

Умумий ўрта таълим мактабларида она тили ўқитишдан мақсад тилга оид дастлабки тушунчалар билан таништириш ҳамда ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришдир. Негаки, ўқувчиларга тил ҳодисалари яхши тушунтирилмаса, бу келажакда уларнинг нутқига, дунёқарашига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бошланғич синф ўқувчилари сўз маънолари устида ишлашга одатланиши зарур. Чунки бу ёшдаги ўқувчилар онгида барча сўзларнинг маънолари ҳақида тасаввур мавжуд эмас. Бундан ташқари, уларда абстракт тафаккурга нисбатан кўргазмалилик устунлик қилади. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларда кўргазмалиликка таянган ҳолда абстракт тафаккурни шакллантиришдир. Бу ишни мақсадга мувофиқ тарзда амалга ошириш учун сўз маънолари устида ишлаш алоҳида аҳамият касб этади.

ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЁЗМА НУТҚ МАЛАКАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ўқувчилар нутқи равон ва мазмундор бўлиши керак. Ўқувчилар тўғри шаклланган тафаккурга ва ривожланган нутқ малакасига эга бўлмас эканлар, улар мактабда фан асосларини муваффақият билан эгаллай олмайди.

Ўқувчиларнинг нутқини ривожлантириш бошланғич таълимда ўқиш ва она тилини ўрганиш жараёнида амалга оширилади. Нутқни ривожлантириш мавсумий иш бўлмай, балки ўқиш – ёзиш давомида шаклланиб боровчи жараёндир. Маълумки, нутқ кўникмалари изчил, яхши олиб борилган амалий ишлар натижасидагина ҳосил бўлади. Бола нутқини ривожлантиришнинг асосий манбаи жонли кузатиш, кўриш, эшитиш ҳамда тасаввур қилишдир. Бола нутқини амалий машғулотлар, кўргазмали воситалар ва кузатишлар йўли билан ривожлантириш зарур.

Нутқнинг 2 кўриниши бор: 1. Оғзаки нутқ. 2. Ёзма нутқ.

Булар моҳиятига кўра ўзаро узвий боғланган бўлса-да, ҳар бирининг ўзига хос хусусияти бор. Оғзаки нутқда сўзлар ва унинг таркибидаги товушлар нутқ органлари орқали талаффуз этилиб, эшитиш органлари орқали қабул қилинади. Ёзма нутқ эса ёзув орқали ҳосил бўлиб, кўриш аъзолари орқали қабул қилинади.

Ўқувчиларнинг нутқини ўстиришда фақат ёзма нутқ ёки оғзаки нутқни ўстириш каби бир ёқламаликка йўл қўйиш нотўғри. Чунки фикрни ифодалашда нутқнинг ҳар икки шакли ҳам тенг аҳамиятлидир.

Бошланғич синф дарсликларида кўплаб шу ёшдаги ўқувчилар тушуниши қийин бўлган сўзлар учрайди. Масалан, ўжар, водий, чанок, палак, таранг (“Алифбе”), даҳо, наҳор, навқирон, дилбанд (1-синф), заранг, эгат, ваҳм, пўлат қанотлар, нурли пешона (2-синф), самовий, нигоҳ ташлаб, оғоч, довон, соҳил, сурув, бепоён, жимит (3–4-синф). Юқоридагилардан, бошланғич синфларда сўз маънолари устида ишлаш долзарб муаммо эканлиги аёнлашади.

Сўз маънолари устида ишлашда ўқитувчилар ҳар бир сўзнинг изоҳига алоҳида эътибор беришлари лозим. Кўп маъноли ва бир маъноли сўзларнинг маъносини тушунтирганда мазкур сўзнинг нутқда қўлланиш ҳолатига мос гаплар билан тушунтирилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бошланғич синф она тили дарсликларида ижодийлик, ўқувчининг мустақил ишлаш кўникмасини шакллантиришга кенг аҳамият берилган. Машқлар учун танланган матнлар ҳам ўқитувчидан юксак билим ва маҳорат талаб қилади. 4-синф она тили дарслиги (Муаллифлар: Р.Икромов ва б.)да берилган 99-машққа эътибор қаратсак: Мазкур машқда кўш ундоллар ва уларнинг қўлланишига оид сўзлар берилган. Берилган сўзлар ичида “машшоқ ва машоқ” жуфтлиги ҳам мавжуд. Ўқитувчи юқорида келтирилган сўзларнинг имлоси билан бирга уларнинг маъносини ҳам изоҳлаб бериши зарур. Ушбу сўзларнинг маъносини изоҳлаб кўрсатиши учун ўқитувчида етарли билим бўлиши лозим. Бундай машқлар ўқитувчидан “Изоҳли луғат”лар билан ишлашни талаб этади. Демак, “машшоқ” дейилганда чолғувчи, созанда тушунилса, “машоқ” бугдой ўрим-йиғимидан сўнг ерга тўкилган бошоқлар тушунилади. Мана шундай ўқув топшириқларини бажариш учун ўқитувчидан пухта билим ва маҳорат талаб этилади. Бошланғич синф дарсликларида бундай типдаги машқларни истаганча топиш мумкин.

Умумий ўрта таълим мактабларида она тили ўқитишдан мақсад тилга оид дастлабки тушунчалар билан таништириш ҳамда ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришдир. Негаки, ўқувчиларга тил ҳодисалари яхши тушунтирилмаса, бу келажакда уларнинг нутқига, дунёқарашига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бошланғич синф ўқувчилари сўз маънолари устида ишлашга одатланиши зарур. Чунки бу ёшдаги ўқувчилар онгида барча сўзларнинг маънолари ҳақида тасаввур мавжуд эмас. Бундан ташқари, уларда абстракт тафаккурга нисбатан кўргазмалилик устунлик қилади. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларда кўргазмалиликка таянган ҳолда абстракт тафаккурни шакллантиришдир. Бу ишни мақсадга мувофиқ тарзда амалга ошириш учун сўз маънолари устида ишлаш алоҳида аҳамият касб этади.

ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЁЗМА НУТҚ МАЛАКАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ўқувчилар нутқи раво ва мазмундор бўлиши керак. Ўқувчилар тўғри шаклланган тафаккурга ва ривожланган нутқ малакасига эга бўлмас эканлар, улар мактабда фан асосларини муваффақият билан эгаллай олмайдилар.

Ўқувчиларнинг нутқини ривожлантириш бошланғич таълимда ўқиш ва она тилини ўрганиш жараёнида амалга оширилади. Нутқни ривожлантириш мавсумий иш бўлмай, балки ўқиш – ёзиш давомида шаклланиб боровчи жараёндир. Маълумки, нутқ кўникмалари изчил, яхши олиб борилган амалий ишлар натижасидагина ҳосил бўлади. Бола нутқини ривожлантиришнинг асосий манбаи жонли кузатиш, кўриш, эшитиш ҳамда тасаввур қилишдир. Бола нутқини амалий машғулотлар, кўргазмали воситалар ва кузатишлар йўли билан ривожлантириш зарур.

Нутқнинг 2 кўриниши бор: 1. Оғзаки нутқ. 2. Ёзма нутқ.

Булар моҳиятига кўра ўзаро узвий боғланган бўлса-да, ҳар бирининг ўзига хос хусусияти бор. Оғзаки нутқда сўзлар ва унинг таркибидаги товушлар нутқ органлари орқали талаффуз этилиб, эшитиш органлари орқали қабул қилинади. Ёзма нутқ эса ёзув орқали ҳосил бўлиб, кўриш аъзолари орқали қабул қилинади.

Ўқувчиларнинг нутқини ўстиришда фақат ёзма нутқ ёки оғзаки нутқни ўстириш каби бир ёқламаликка йўл қўйиш нотўғри. Чунки фикрни ифодалашда нутқнинг ҳар икки шакли ҳам тенг аҳамиятлидир.

Биринчи синфга келган ўқувчилар мактабга оиладан турлича тайёргарлик билан келадилар. Айрим болаларнинг нутқи равон ва ривожланган бўлади. Баъзи болаларнинг нутқи эса етарли ривожланмаган, сўз бойлиги ҳам кам бўлади. Уларнинг нутқи ривожланган, равон нутқли болаларга тенглаштириш зарур. Бу эса ўз-ўзидан осонгина бўладиган иш эмас. Бунинг учун болани тилга киритувчи турли расмлардан фойдаланиб, ўйинлар, сўзлар топишни йўлга қўйиш ва уларни доимий равишда ўтказиб туриш лозим.

Аввало, болани товуш, сўз ва ибораларни тўғри талаффуз этишга ўргатиш лозим. Бунинг учун дидактик характерга эга бўлган машғулотларни ўтказиш болаларни жуда қизиқтиради. Ҳар бир ўқувчиға сўзлар бўғинлаб ёзилган карточкалар расмлар ёпиштирилган конвертларда берилади. Ўқувчилар конверт устидаги расмларга қараб конверт ичида ёзилган бўғинлардан сўзлар тузадилар. Машғулот давомида бола нутқида камчиликлар учрайди. Масалан, *чойнай* – *чойнак*, *пела* – *тиёла*, *челай* – *челак*, *контов* – *конток*, *уй* – *уй*, *согат* – *соат*, *ўрдай* – *ўрдак* сўзларининг нотўғри талаффуз этилганини аниқлаб, нутқдан шу товуш ёки сўзларни ажратиб олиб, тўғри талаффуз қилиш борасида турли машқлар ўтказилади. Шу хатолар ўз вақтида тузатилмаса, ўқувчиларнинг оғзаки нутқиға сингиб қолади ва ёзма нутқиға ҳам ўтади. Дарсларда ушбу предметларнинг ўзи ёки расмининг кўрсатиб қандай айтилиши, ёзувда эса қандай ёзилиши машқ қилинади. Бу сўзларнинг болалар хотирасида сақланиб қолиши учун шу сўзлар иштирокида оғзаки гаплар туздирилади.

Ўқувчиларнинг ёзма нутқ малакаларини ўстиришда қуйидаги диктант турларидан самарали фойдаланиш зарур: 1. Сайланма диктант. 2. Ижодий диктант. 3. Расмли диктант. 4. Эшиттириш диктанти. 5. Луғат диктант ва ҳоказо.

1. Сайланма диктантни 2 – 3-синфда ўтказиш мақсадга мувофиқ. Ишнинг бу тури ўқувчиларни орфографик ва грамматика қоидаларини пухта билишга ўргатиб боради, мантиқан тўғри гап тузишда уларга ёрдам беради.

2. Ижодий диктант ўқувчиларни ўрганилган қоидаларни тушуниб ўзлаштиришга, ёзувда сўзларни ўринли қўллашга ўргатади, уларда гап ёки ҳикояча тузиш малакаларини мустаҳкамлайди.

3. Расмли диктантда доскаға предмет расмлари илиб қўйилади ёки кўрсатилади. Ўқувчилар расмларнинг номларини тартиб билан ёзадилар.

4. Эшиттириш диктантида ўрганилган қоидалар эслатилади, айрим сўзларнинг ёзилиши тушунтирилади. Эшиттириш диктанти ўрганилган қоидаларни мустаҳкамлашга, улардан тўғри фойдалана олишга ва болаларнинг эшитиб ёзиш қобилиятларини ўстиришга ёрдам беради ҳамда уларни назорат диктантини ёзишга тайёрлайди.

5. Луғат диктантда ўрганилган, имлоси қийин сўзлардан фойдаланилади. Луғат диктант учун 7–10 дақиқа вақт кифоя қилади. Шунинг учун ҳам бу диктантни ҳар бир дарсда ўтказиш имкониятига эгамиз. Луғат диктантдан барча синфларда самарали фойдаланиш зарур. Луғат диктантни ёздиришда ўқитувчи сўзларни навбат билан ўқийди. Ўқувчи ҳар бир сўзни ёзишдан аввал бу сўзни ўзича ичида айтиб кўради, сўнгра ёзади. Бу усул оғзаки нутқ билан ёзувнинг бирлигини таъминлайди, шунингдек, ўқувчиларни тўғри талаффуз қилишга ўргатади. Луғат диктантни ёзиб бўлгач, ўқитувчи ўқувчиларга шу дарсдаёқ диктантларини текшириш ва хатоларини тузатишни таклиф қилади. Луғат диктантини текшириш сўзларнинг ёзилишини сўраш, айрим ўқувчиларни доскаға чиқариб, шу сўзларни ёздириш, айрим ўқувчиларнинг ёзувларини кўриш йўли билан ўтказилиши мумкин. Ҳар қайси ҳолатда ҳам ўқувчилар дафтарида хато ёзилган сўзларни қолдирмасликка эътибор бериш зарур.

Ўқувчиларнинг ёзма нутқ малакаларини ўстиришда мустақилликни ўстириш – педагог олим Ушинский педагогик тизимининг асосий муаммоларидан бири. «Тарбиячи ўз шогирдининг мустақил ишлашига кўпроқ имконият яратиб бермоғи лозим. Ўқувчини тайёр материаллар билан қуроллантиришдан кўра, унинг тўғри ҳулоса излашини ўргатганимиз маъқулроқдир» – деган эди у.

Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этишда тарқатма дидактик материалларнинг аҳамияти катта. Тарқатма карточкалар ижодий ишларнинг самарадорлигини оширади. Тарқатма дидактик материаллар – карточка грамматика, имло ва нутқни ўстириш дастури асосида тузилган бўлиб, ўқувчиларнинг ёзма нутқ малакаларини ўстиришга ёрдам беради. Ўқувчиларнинг ёзма нутқ малакаларини ўстиришда ёзма ижодий ишлар ҳам катта аҳамият касб этади. Бундай

ёзма ишларни, яъни баён, иншо ёзишни ўқувчиларга биринчи синфдан бошлаб ўргатиб бориш лозим. Бошланғич синфларда ёзиладиган ёзма ишлар аста-секин мураккаблашиб боради. Шунинг учун ўқувчилар баён, иншоларни эркин ҳолда, равон тил билан кенг ва мазмунли ёза олиш қобилиятига эга бўлмоғи зарур.

Баён ўқувчиларнинг билим савиясини оширади, улар нутқининг ривожланишига ёрдам беради. Баён ўтказиш дарсини тўғри ташкил этишда ўқитувчининг пухта тайёргарлиги ва унинг намунали нутқи катта аҳамиятга эга. Бу ўқувчилар диққатини тўла жалб қилишга, уларни фаол фикрлашга, ўз фикрини жамоа олдида аниқ айтиб беришга, баён матни мазмунига мос режа тузишга, қайта ҳикоя қилиш ва тўғри ёзишга ўргатади. Баён ёздиришда матн мазмунига мос расмлардан фойдаланишни унутмаслик керак. Ўқувчи расмларни кўрганда, ундаги воқеа-ҳодисаларнинг мантикий ривожланиш жараёнига чуқурроқ кириб боришга ҳаракат қилади.

Баён ёзишда режа – изчилликни сақлашга ўргатадиган муҳим бир воситадир. Режа фикрни нимадан бошлаш, қандай давом эттириш ва нима билан тугатиш тартибидир. Фикрни режасиз ифодалаганда матн мазмуни изчил ёритилмаслиги, мақсад тўлиқ очилмаслиги, асосий фикрнинг бир ёқда қолиб кетиши, айрим сўз ва гаплар ўз ўрнида қўлланмай қолиши мумкин. Шунинг учун режа баён учун берилган матннинг мазмунига мос тузилиши, ундаги ҳодиса ёки воқеанинг изчиллигини акс эттириши лозим. Шунинг учун ўқитувчи, аввало, ўқувчиларни режа тузишга ўргатмоғи лозим. Сўнгра эса ҳикоя ёзма равишда баён этилади. Баён учун матнлар «Баёнлар тўплами» китобидан танланади.

Ўқувчиларнинг ёзма нутқ малакаларини ўстиришда кўрғазмали расмлар юзасидан суҳбат ўтказиш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун дастлаб, ўқувчиларга расм кўрсатилади, болалар унда нималар тасвирланганини саволсиз айтиб берадилар. Болаларнинг бири иккинчисининг фикрини тартибга солиб, аввал нима ҳақда, сўнгра нима тўғрисида гапириш зарурлигини айтади. Шундан сўнг режа асосида жамоа бўлиб ҳикоя тузишга ўтилади.

«Икки эчки», «8 Март», «Наврўз байрами», «Тирик бурчакда» каби расмлар асосида ҳикоя ёзилганда, аввало, ўқувчилар юқоридагидек сўзлатилиб, режа тузишга ўргатилади. 1-синфда режани ўқитувчи тузиб беради.

ТИРИК БУРЧАКДА



8-МАРТ



«НАВРЎЗ БАЙРАМИ»



Мавзу: 8 Март

Режа:

1. Абдулла синглиси Зухрага нега гулдаста тутаяпти?
2. 8 Март кимларнинг байрами?
3. 8 Март куни болалар кимларни табриклайдилар?

4. Болалар технология дарсида нима қилдилар?

Саволларга тўлиқ жавоб тайёрлангач, ўқувчилар ёзишга ўтадилар.

2-синфда эса режа ўқувчиларнинг фаол иштирокида ўқитувчи раҳбарлигида тузилади. Масалан, «Тирик бурчакда» расми юзасидан баён ёзишда тахминан қуйидагича режа тузиш мумкин.

Мавзу: Тирик бурчакда

Режа:

1. Болалар қушчаларга нима ясапди?
2. Болалар қушчаларга нима беришяпти?
3. Тирик бурчак қайси фаслда ва қаерда қилинган?
4. Болалар нега тирик бурчак яратишди?

3–4-синфларда ёзма ишнинг бу тури анча мураккаблашиб боради. Режани ўқувчилар мустақил тузишга ўрганадилар.

Масалан, «Наврўз байрами» ҳикояси асосида қуйидагича режа тузиш мумкин.

Мавзу: Наврўз байрами

Режа:

1. Табиатнинг уйғониши.
2. Дошқозонда сумалак пишириш.
3. Барчани Наврўз сайлига чорлаш.
4. Наврўз байрамида турли хил ўйинлар ўйнаш.

Бунда ҳикоя юзасидан суҳбат ўтказилади.

Бир ёки 2 та ўқувчи ҳикояни сўзлаб бергач, ўқувчилар баён ёза бошлайдилар.

Ёзма ишни анализ қилишда улардан энг яхшиси ўқитилиб, рағбатлантирилади. Ёмон ёзилган баёнга изоҳ берилиб, камчиликлари кўрсатилади.

Бу иншо ва ёзма ишлардан кўриниб турибдики, аввал ўз фикрларини оғзаки ифода этган болалар кўриш, кузатиш натижасида янги

сўз бойлигини тўплаб, ўз фикрларини ёзма равишда равон ва ихчам баён этиш малакасини орттира борадилар.

Умуман бевосита кузатиш, кўриш, эшитиш йўли билан ўқувчиларнинг тафаккурини бойитиб бориш нутқ ўстириш жараёнида муҳим босқичдир. Бошланғич синф ўқувчиларида элементар равишда ёзма нутқ малакаларини ҳосил қилиш юқори синфда ёзма ишларнинг мазмунли ёзилишига замин тайёрлайди.

ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЛУҒАТ БИЛАН ИШЛАШ

Маълумки, ўзбек тилидаги жуда кўп сўзларнинг ёзилишини фақат грамматика қоидаларига амал қилган ҳолда эмас, балки луғат асосида ўрганилади. Луғатда имло жиҳатдан ўқувчиларнинг ўзлаштириши анча қийин бўлган кўпгина сўзлар борки, уларни кўчириб, ёзув, таълимий характердаги диктантлар ва бошқа машқларга киритиб, такрорий ёзишни машқ қилиш йўли билан ўзлаштириш талаб этилади. Ўқувчилар 1 ва 2-синф дастури талабига кўра, 90–100 га яқин сўзни, 3-синфда эса унга қўшимча яна 70–75 сўзнинг имлосини ўрганишлари кўзда тутилади. Бу фақат дастурда кўрсатилган сўзларнинг имлоси билангина иш олиб бориш керак экан, деган ҳулосага олиб келмаслиги, балки ўқитувчи ҳар бир дарс жараёнида ўқувчилар нутқида қўлланган имлоси қийин сўзлар билан ҳам иш олиб бориши лозим.

Дастурда ҳар қайси синф учун ажратиб берилган имлоси қийин сўзлар дарсликларнинг маълум ўринларида алоҳида ажратиб кўрсатилган. Ўқувчиларни имлоси қийин сўзлар билан таништиришда уларнинг диққатини шу сўзнинг талаффузи билан имлоси ўртасидаги фарққа қаратилади. Сўздаги айтилиши билан ёзилишида фарқ қилаётган товўш (харф) аниқланади. Сўнгра ушбу сўз бўғин, товўш (харф) томондан таҳлил қилинади. Масалан,

bolalar; bo-la-lar; b-o-l-a-l-a-r.

Кейин шу сўз иштирокида гап тузиш таклиф қилинади. Ўқувчиларнинг тузган гапларидан 1-2 таси (мазмун ва грамматик жиҳатдан пухта тузилган гаплар) танлаб олинади ва доскага ёздирилади. Айрим

қолларда танланган гаплар диктовка билан ҳам ёздирилади. Луғат сўзларнинг имлоси ўқувчилар томонидан пухта ўзлаштирилишига эришиш мақсадида тарқатма дидактик материаллар билан ишлаш яхши натижа беради. Масалан, ўқитувчи ўрганилган луғат сўзлар юзасидан қуйидагича карточкалар тайёрлайди:

I карточка.

O'quvchi сўзини бўгин ва бўгин кўчириш қондасига кўра бўлакларга бўлиб ёзинг.

II карточка.

Тупшириб қолдирилган ҳарфларни ўз ўрнига қўйиб, сўзларни тўлдириб ёзинг.

O'zbekist...n, b...la, bah...r, ...sm...n, ust...z.

III–IV карточка.

Нукталар ўрнига мос сўзларни қўйиб гапларни тўлдириб ёзинг.

Akam – U Yoshlar ... safiga o'tdi. bolalarni zalga yig'di.

Карточкалар дарсда мустақил иш сифатида ўқувчиларга тарқатилади. Топшириқнинг қандай бажарилганлигини маълум вақтдан сўнг ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчилар жамоаси билан текширилади.

Расмли диктант ўтказиш учун ўқитувчи имлоси қийин сўзлар орасидан ўрганиладиган предметларнинг расмларини ёки унинг ўзини бирма-бир кўрсатади. Ўқувчилар кўрсатилган предметнинг номини ёзадилар. Айрим ҳолларда бу предметларнинг расмларини бир йўла доскага илиб қўйиб, уларнинг номларини тартиб билан ёзиш айтилади.

Биринчи синфда қуйидаги сўзлар билан 3 марта расм диктант ўтказиш мумкин:

1. *Qo'g'irchoq, daftar, siyohdon, mashina.* (III чорак бошларида)
2. *Quyosh, soat, yong'oq, konki.* (III чорак охирида)
3. *Piyoz, kitob, palto, maktab.* (IV чоракнинг I ярмида)

Иккинчи синфда расм диктанти ўтказишда биринчи синфда фойдаланилган расмлардан, учинчи синфда эса биринчи ва иккинчи синфда фойдаланилган расмлардан ҳам танлаш мумкин. Иккинчи синфда тўрт ёки беш марта расмли диктант ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, I чоракда тахминан *handalak, loviya, traktor,*

tramvay, raketa, kitob, qo'g'irchoq сўзлари билан, II чоракда *xolodilnik, kostryulka, no'xot, daftar, siyohdon, mashina* сўзлари билан, III чоракда *piyola, shaftoli, pomidor, sabzi, kartoshka, palto, piyoz* IV чоракда эса *olxo'ri, bodring, lavlagi, xat, gazeta, binafsha, soat* сўзлари билан расмли диктант ўтказиш мумкин.

Учинчи синфда эса диктантнинг бу турини 6–7 марта ўтказиш мумкин.

Луғат сўзлар билан дидактик характердаги диктант ўтказишда эса қуйидаги методдан фойдаланилади: биринчи бўғинда «а» эшитилиб, «о» ёзиладиган ёки «о» эшитилиб, «а» ёзиладиган сўзлардан (*norvon, konki, Toshkent; baho, bahor, zavod, mashina*) танланади. Дарс жараёнида луғат билан ишлашда парта устига «а» ва «о» ҳарфли карточкаларни олиб қўйиб айтилади. Ўқувчилар карточкаларни тайёрлайдилар. Сўнгра ўқитувчи танланган сўзларни бирма-бир айтади. Ўқувчилар бу сўзнинг биринчи бўғинида қайси унли ёзилишини товуш чиқармай карточка билан кўрсатадилар. Масалан, ўқитувчи *zavod* сўзини айтганда унинг биринчи бўғинида «о» эшитилса ҳам ўқувчилар «а» ҳарфли карточкани юқори кўтариб, бу сўзнинг биринчи бўғинида «а» ёзиш лозимлигини, *Toshkent* дейилганда сўзнинг биринчи бўғинида «а» эшитилса ҳам, «о» ёзиш лозимлигини карточка билан кўрсатадилар.

Бу метод имлоси қийин сўзларнинг ўқувчилар томонидан ўзлаштириб борилишини аниқлашда энг яхши методлардан биридир. Сўз охирида келган жарангли ва жарангсиз ундошлар, *p – f, x – h* каби ундошли сўзлар билан ишлашда ҳам бу методни қўллаш мумкин.

Имлоси қийин бўлган сўзлар билан ишлашда сўзлар ёзилган кўرғазмали плакатлар ва «Имло луғати»дан фойдаланилади. Синфда ташкил қилинган сўз плакати ёки «Имло луғати» билан ишлашда ўқувчиларга қуйидагича мустақил иш топшириш мумкин:

1. Аввал бир бўғинли, сўнг икки бўғинли сўзлардан танлаб ёзиш.
2. Биринчи бўғиндаги «а» унлиси «о» бўлиб эшитиладиган сўзлардан танлаш.
3. Биринчи ва иккинчи бўғинида «и» ёзиладиган сўзлардан танлаб ёзиш.

4. Сўз охиридаги жарангли ундош жарангсиз бўлиб эшитиладиган сўзлардан танлаш.

5. Сўз ясовчи қўшимчали сўзлардан танлаб ёзиш.

6. Берилган сўзга яқин ёки қарама-қарши маъноли сўз топиш.

7. Диктовка билан ёзилган сўзларни луғатдан текшириш.

8. Аввал тутук белгили, сўнгра тутук белгисининг чўзиш учун учун иштирок этган сўзлардан танлаб, уларни бўғинга бўлиб ёзиш.






9. Мавзу асосида сўз танлаш. (Тематик луғат тузиш.)

10. х ва һ ҳарфли сўзлардан танлаб ёзиш.

11. Сўз охирида талаффуз қилинмайдиган t, d ундошли сўзлардан танлаб ёзиш кабилар.

Луғат билан ишлаш юзасидан юқорида кўрсатиб ўтилган иш турлари ўқувчиларнинг орфографик малакаларини яхши йўлга қўйиш ва луғат бойликларини кенгайтиришга кўп жиҳатдан ёрдам беради. Луғат билан ишлашда ўқитувчи ўзининг кундалик дарс жараёнида кўзда тутган мақсадидан келиб чиқиб иш кўриши лозим. Луғат билан ишлаш учун дарсдан 8-10 дақиқа вақт ажратилади. Луғат ишлари дарснинг турли босқичларида мавзунинг характериға қараб ўтказилади.

Имлоси қийин сўзларнинг ўқувчилар томонидан ўзлаштириб борилишини текширишда синф луғат кассасини ташкил қилиш яхши натижа беради. Бунинг учун ҳар бир ўқувчига биттадан конверт тайёрланади. Конвертга ўқувчининг фамилияси ёки журналдаги тартиб номери ёзилади. Сўнгра улар катта картонга ёпиштирилади. Картоннинг юқори томонига «Луғат кассаси» деб ёзилади. «Луғат кассаси» синфга олиб қўйилади. Ўқувчиларга имлосини пухта ўрганиб олган луғат сўзларни карточкага ёзиб, ўз кассаларига (конвертга) солиб боришлари айтилади. Ўқувчилар топшириқни бажариб бораларидаги карточкалардан олиб, карточкадаги сўзни ўқувчига доскада диктовка билан ёздирди. Агар ўқувчи карточкага ёзиб, ўз кассасига солиб қўйган сўзни доскада хато билан ёзса, ўқитувчи ўқувчига карточкани қайтариб беради. Ўқувчи сўзнинг имлосини пухта ўзлаштириб олгандан сўнггина кассага солиб қўяди.



Она тили дарсларида луғат сўзлар билан боғлиқ ҳолда олиб бориладиган бундай ишлар билан чегараланиб қолмаслик керак, балки она тили дарсларида ўқувчиларнинг луғатини бойитиш, нутқларининг силлиқ, равон ва таъсирчанлигини таъминлаш ишларини ҳам олиб бориш лозим.

«Она тили» дарслигидаги машқлар топшириғига сингдирилган вазифалар ўқувчиларнинг луғат бойлигини кенгайтиришга қаратилган. Бундай машқларни бажаришда ўқувчилар берилган сўзларга асосдош сўзлар танлаш, берилган от, сифат, феълларга мос қарама-қарши ва яқин маъноли от, сифат, феълларни танлаш орқали ўз луғатларини бойитадилар. Шунингдек, луғат билан ишлашда ўрганилаётган мавзунинг мазмунига кўра, ўқувчиларнинг луғатини бойитиш ва уларни ўқувчилар фаол луғатига киритиш мақсадида

4. Сўз охиридаги жарангли ундош жарангсиз бўлиб эшитиладиган сўзлардан танлаш.

5. Сўз ясовчи қўшимчали сўзлардан танлаб ёзиш.

6. Берилган сўзга яқин ёки қарама-қарши маъноли сўз топиш.

7. Диктовка билан ёзилган сўзларни луғатдан текшириш.

8. Аввал тутук белгили, сўнгра тутук белгисининг чўзиш учун учун иштирок этган сўзлардан танлаб, уларни бўғинга бўлиб ёзиш.



9. Мавзу асосида сўз танлаш. (Тематик луғат тузиш.)

10. х ва һ ҳарфли сўзлардан танлаб ёзиш.

11. Сўз охирида талаффуз қилинмайдиган t, d ундошли сўзлардан танлаб ёзиш кабилар.

Луғат билан ишлаш юзасидан юқорида кўрсатиб ўтилган иш турлари ўқувчиларнинг орфографик малакаларини яхши йўлга қўйиш ва луғат бойликларини кенгайтиришга кўп жиҳатдан ёрдам беради. Луғат билан ишлашда ўқитувчи ўзининг кундалик дарс жараёнида кўзда тутган мақсадидан келиб чиқиб иш кўриши лозим. Луғат билан ишлаш учун дарсдан 8-10 дақиқа вақт ажратилади. Луғат ишлари дарснинг турли босқичларида мавзунинг характериға қараб ўтказилади.

Имлоси қийин сўзларнинг ўқувчилар томонидан ўзлаштириб борилишини текширишда синф луғат кассасини ташкил қилиш яхши натижа беради. Бунинг учун ҳар бир ўқувчиға биттадан конверт тайёрланади. Конвертга ўқувчининг фамилияси ёки журналдаги тартиб номери ёзилади. Сўнгра улар катта картонга ёпиштирилади. Картоннинг юқори томонига «Луғат кассаси» деб ёзилади. «Луғат кассаси» синфга осиб қўйилади. Ўқувчиларга имлосини пухта ўрганиб олган луғат сўзларни карточкаға ёзиб, ўз кассаларига (конвертга) солиб боришлари айтилади. Ўқувчилар топшириқни бажариб борадилар. Ўқитувчи луғат билан ишлаш жараёнида ўқувчилар кассаларидаги карточкалардан олиб, карточкадаги сўзни ўқувчиға доскада диктовка билан ёздиреди. Агар ўқувчи карточкаға ёзиб, ўз кассасига солиб қўйган сўзни доскада хато билан ёзса, ўқитувчи ўқувчиға карточкани қайтариб беради. Ўқувчи сўзнинг имлосини пухта ўзлаштириб олгандан сўнгра кассаға солиб қўяди.



Она тили дарсларида луғат сўзлар билан боғлиқ ҳолда олиб бориладиган бундай ишлар билан чегараланиб қолмаслик керак, балки она тили дарсларида ўқувчиларнинг луғатини бойитиш, нутқларининг силлиқ, равон ва таъсирчанлигини таъминлаш ишларини ҳам олиб бориш лозим.

«Она тили» дарслигидаги машқлар топшириғига сингдирилган вазифалар ўқувчиларнинг луғат бойлигини кенгайтиришга қаратилган. Бундай машқларни бажаришда ўқувчилар берилган сўзларга асосдош сўзлар танлаш, берилган от, сифат, феълларга мос қарама-қарши ва яқин маъноли от, сифат, феълларни танлаш орқали ўз луғатларини бойитадилар. Шунингдек, луғат билан ишлашда ўрганилаётган мавзунинг мазмуниға кўра, ўқувчиларнинг луғатини бойитиш ва уларни ўқувчилар фаол луғатига киритиш мақсадида

турли грамматик топшириқлар бериб бориш керакки, токи улар ўқувчиларнинг грамматик билимларини мустаҳкамлаш билан бирга, луғат бойликларини кенгайтиришга ҳам ёрдам берсин.

Масалан, от, сифат, феъл мавзуларини ўтиш жараёнида мустақил иш сифатида қуйидагича топшириқ бериш мумкин.

1. Nuqtalar o'rniga so'roqlarga mos bir nechta otlar qo'yib yozing.
(nimalar?) kengaytirilmoqda.

Shaharda (nimalar?) bor.

2. Nuqtalar o'rniga so'roqlarga mos bir nechta sifatlar qo'yib yozing.
(Qanday?) suv.

(Qanaqa?) bino.

3. Berilgan otlarga mos bir nechta fe'llar topib yozing.

Bulbul (nima qildi?)

Gul (nima qildi?)

Ўқувчилар топшириқни бундай бажарадилар.

1. Shaharlar, qishloqlar, ko'chalar, xiyobonlar kengaymoqda.
Shaharda teatr, kinoteatr, zavod, fabrika, maktab, magazin, bog'cha, avtobus va turli xildagi mashinalar bor.

2. Tiniq, toza, zilol, muzdek, sovuq, iliq, issiq, iflos, oqar, oqmas, ko'lmak suv. Katta, baland, chiroyli, ko'rkam, yangi, eski, kichik, pastak, g'ishtli bino.

3. Bulbul qo'ndi, sayradi, tinchlandi, uchdi, sakradi, nola qildi. Gul o'sdi, yashnadi, g'unchaladi, ochildi, uzildi, so'ldi, quridi, qovjiradi.

Бундай ишлар, биринчидан, ўқувчиларнинг грамматик билимлари мустаҳкамланишига, иккинчидан, луғат захираларининг кенгайишига, учинчидан эса «Гапнинг уюшиқ бўлаклари», «Уюшиқ бўлакларда тиниш белгиларининг қўлланиши» каби мавзуларнинг ўрганилишига замин ҳозирлайди.

БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА ЁЗУВ БИЛАН ОНА ТИЛИ ДАРSLARINI БОҒЛАБ ЎТИШ ВА ЯҒОНА ЁЗУВ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ

(кластр усули асосида)

Мактаб ўқувчиларига чиройли ёзув малакаларини чуқур ўргатмасдан туриб уларни саводли қилиб бўлмайди. Ўқувчиларга ёзув малакалари, асосан, Она тили ва Ҳуснихат (Ёзув) дарсларида амалга оширилади.

Ҳуснихатнинг муҳим талаби, биринчи кундан бошлаб ўқувчиларни ҳарфларни қўл ҳаракатини узмасдан бир бутун шаклда ёзишга ўргатишдир. Ўқувчиларни ҳарфларнинг шаклини бир бутун шаклда ёзишга ўргатиб бўлингандан сўнг, аста-секин ҳарфларни бир-бирига қўл ҳаракатини узмасдан боғлаб ёзиш талаб этилади. Ўқувчиларга ҳарф элементлари ва ҳарфларни бир-бирига боғлаб ёзиш қоидалари сингдирилгандан сўнг, уларни тез ёзиш малакасига ўргатиб борилади.

Демак, 1-синфда ўқувчилар ҳар бир ҳарфнинг ёзилиш шакли билан танишсалар, 2-синфда улар ҳарфларни бир-бирига боғлаб ёзишга ўргатилади, 3-синфда эса, асосан, ҳарфларни бир-бирига боғлаб тез ёзиш малакаси сингдирилади.

Ҳуснихатда ўқувчиларга кўпроқ ёзишда қийинчилик туғдирган ҳарфлар машқ қилдирилади, бунда барча ҳарфларни алфавит тартибда ёздириш шарт эмас. Аммо ўқувчиларнинг ҳуснихатини доим кузатиб, баҳолаб бориш шарт. Бошланғич синфлар дастурида кўрсатилган ҳар бир она тили дарсида ёзув машқи учун ажратилган 8–10 дақиқа вақтдан самарали фойдаланиш шарт. Акс ҳолда ўқувчиларнинг чиройли ёзув малакасига эришиб бўлмайди.

Масалан, 2-синфда она тили ва ҳуснихат дарсларини қуйидаги тартибда боғлаб олиб бориш мумкин.

Дарс мавзуси: «а» унлисининг айтилиши ва ёзилиши.

Дарсининг бориши.

1. Мустақил иш. Ўқувчиларга бир нечта гап ёздириб, уларни анализ қилдириш: «Akam nay chaladi», «Bahodir gazeta o'qidi».

Мустақил ишни ўқитиб, гап нечта сўздан тузилганлиги ва мазмунига кўра қандай гап эканлиги сўралади. Шу билан бирга,

турли грамматик топшириқлар бериб бориш керакки, токи улар ўқувчиларнинг грамматик билимларини мустаҳкамлаш билан бирга, луғат бойликларини кенгайтиришга ҳам ёрдам берсин.

Масалан, от, сифат, феъл мавзуларини ўтиш жараёнида мустақил иш сифатида қуйидагича топшириқ бериш мумкин.

1. Nuqtalar o'rniga so'roqlarga mos bir nechta otlar qo'yib yozing.
(nimalar?) kengaytirilmoqda.

Shaharda (nimalar?) bor.

2. Nuqtalar o'rniga so'roqlarga mos bir nechta sifatlar qo'yib yozing.
(Qanday?) suv.

(Qanaqa?) bino.

3. Berilgan otlarga mos bir nechta fe'llar topib yozing.

Bulbul (nima qildi?)

Gul (nima qildi?)

Ўқувчилар топшириқни бундай бажарадилар.

1. Shaharlar, qishloqlar, ko'chalar, xiyobonlar kengaymoqda.
Shaharda teatr, kinoteatr, zavod, fabrika, maktab, magazin, bog'cha, avtobus va turli xildagi mashinalar bor.

2. Tiniq, toza, zilol, muzdek, sovuq, iliq, issiq, iflos, oqar, oqmas, ko'lmak suv. Katta, baland, chiroyli, ko'rkam, yangi, eski, kichik, pastak, g'ishtli bino.

3. Bulbul qo'ndi, sayradi, tinchlandi, uchdi, sakradi, nola qildi. Gul o'sdi, yashnadi, g'unchaladi, ochildi, uzildi, so'ldi, quridi, qovjiradi.

Бундай ишлар, биринчидан, ўқувчиларнинг грамматик билимлари мустаҳкамланишига, иккинчидан, луғат захираларининг кенгайишига, учинчидан эса «Гапнинг уюшиқ бўлаклари», «Уюшиқ бўлақларда тиниш белгиларининг қўлланиши» каби мавзуларнинг ўрганилишига замин ҳозирлайди.

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЁЗУВ БИЛАН ОНА ТИЛИ ДАРSLARINI БОҒЛАБ ЎТИШ ВА ЯҒОНА ЁЗУВ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ

(кластр усули асосида)

Мактаб ўқувчиларига чиройли ёзув малакаларини чуқур ўргатмасдан туриб уларни саводли қилиб бўлмайди. Ўқувчиларга ёзув малакалари, асосан, Она тили ва Ҳуснихат (Ёзув) дарсларида амалга оширилади.

Ҳуснихатнинг муҳим талаби, биринчи кундан бошлаб ўқувчиларни ҳарфларни қўл ҳаракатини узмасдан бир бутун шаклда ёзишга ўргатишдир. Ўқувчиларни ҳарфларнинг шаклини бир бутун шаклда ёзишга ўргатиб бўлингандан сўнг, аста-секин ҳарфларни бир-бирига қўл ҳаракатини узмасдан боғлаб ёзиш талаб этилади. Ўқувчиларга ҳарф элементлари ва ҳарфларни бир-бирига боғлаб ёзиш қоидалари сингдирилгандан сўнг, уларни тез ёзиш малакасига ўргатиб борилади.

Демак, 1-синфда ўқувчилар ҳар бир ҳарфнинг ёзилиш шакли билан танишсалар, 2-синфда улар ҳарфларни бир-бирига боғлаб ёзишга ўргатилади, 3-синфда эса, асосан, ҳарфларни бир-бирига боғлаб тез ёзиш малакаси сингдирилади.

Ҳуснихатда ўқувчиларга кўпроқ ёзишда қийинчилик туғдирган ҳарфлар машқ қилдирилади, бунда барча ҳарфларни алфавит тартибида ёздириш шарт эмас. Аммо ўқувчиларнинг ҳуснихатини доим кузатиб, баҳолаб бориш шарт. Бошланғич синфлар дастурида кўрсатилган ҳар бир она тили дарсида ёзув машқи учун ажратилган 8–10 дақиқа вақтдан самарали фойдаланиш шарт. Акс ҳолда ўқувчиларнинг чиройли ёзув малакасига эришиб бўлмайди.

Масалан, 2-синфда она тили ва ҳуснихат дарсларини қуйидаги тартибда боғлаб олиб бориш мумкин.

Дарс мавзуси: «а» унлисининг айтилиши ва ёзилиши.

Дарснинг бориши.

1. Мустақил иш. Ўқувчиларга бир нечта гап ёздириб, уларни анализ қилдириш: «*Akam nay chaladi*», «*Bahodir gazeta o'qidi*».

Мустақил ишни ўқитиб, гап нечта сўздан тузилганлиги ва мазмунига кўра қандай гап эканлиги сўралади. Шу билан бирга,

гаптаги «а» унлисининг айтилиши ва ёзилиши ҳам сўралади. Унли ҳарфларнинг остига чиздирилади.

2. «а» унлисини ёзув қоидаларига риоя қилган ҳолда чиройли ёзишга ўргатиш. Кичик ва бош ҳарфларнинг ёзилишини ҳусниҳат қоидаларига риоя қилган ҳолда 2 қатордан ёздириб машқ қилдирилади. Машқларни бажариш вақтида ҳарфларнинг тўғри ва чиройли ёзилишига алоҳида эътибор берилади, айрим типик хатолар устида ишланади.

3. Биринчи бўғинда «а» эшитиладиган 2 та атоқли от ва 2 та турдош отга мисол топдириб доскада машқ қилдириш.

4. Ўтилган дарс юзасидан оғзаки савол-жавоб ўтказиш.

5. «а» унлисининг айтилиши ва ёзилиши устида машқлар бажариш. Машқларни бажариш вақтида фақат «а» унлиси устидагина эмас, балки барча ҳарфларнинг ёзилишини ҳам қисқа эслатиб ўтилади.

6. Таянч сўз билан ишлаш. «Savol», «reja» каби сўзларни қатнаштириб, матн ёздириб ва таянч сўзлар остига чиздириш. Масалан: 1. *Salima yaxshi dars tayyorlagani uchun o'qituvchining barcha savollariga to'g'ri va tez javob berdi.* 2. «Navbahor» fermer xo'jaligi bu yil paxta topshirish rejasini muddatidan oldin bajarganligi haqidagi xabar hammani quvontirdi.

7. Туздирилган ҳикояларни 5-6 ўқувчига ўқитиб, ундаги «а» унлисининг айтилиши ва ёзилиши сўралади.

8. Дарсни якунлаб, уйга вазифа бериш. Уйга вазифа беришда график машқларни «Хусниҳат» китобидан, грамматик машқларни эса «Она тили» китобидан бериш мумкин.

Юқорида эслатиб ўтилган тартибда она тили ва хусниҳат дарсларини боғлаб ўтиш билан бирга ўқувчилар ёзувининг майда ёки йириклигини ҳам ҳисобга олиб бориш керак. Бунинг учун 1-синф ўқувчилари кичик ҳарфларни 5 мм баландликда, бош ҳарфларни эса 10 мм баландликда чамалаб ёзишга ўргатилади.

2-синфдан бошлаб кичик ҳарфларни 4 мм, бош ҳарфларни 8 мм баландликда ёзишга ўргатилади.

3-синфдан бошлаб ўқувчиларда катталарга хос бўлган ёзув малакаси шаклланиб боради, улар кичик ҳарфларни 3,5 мм, бош ҳарфларни эса 7 мм баландликда ёзишга ўргатилади. Уларнинг бу

синфда олган ёзув малакалари келажакдаги хат матнлари учун асосий шакл бўлиб қолади.

Ўқувчиларнинг ёзувларига қатъий талаблар қўйиш билан бирга уларнинг дафтарларига қўйилган педагогик ва гигиеник талабларни ҳам унутиб қўймаслик керак. Ўқувчиларнинг ҳар бир ёзув дафтари она тили ёки математика бўлмасин, чиройли ёзув талабларига тўла жавоб бериши, уларни баҳолашда дафтар тутишларини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Мактабларда ягона орфографик тартибни амалга ошириш ўқувчилар ёзиш усулини яхшилаш ва уларнинг саводхонлигини оширишнинг ягона йўлидир. Бунинг учун мактаблардаги ҳар бир фан ўқитувчиси ёзув тизимини, ёзув шаклини яхши билиши ва унга тўла амал қилиши лозим.

Ўқувчиларга чиройли ёзув қоидаларини эслатиб туриш билан бир қаторда уни бир тартибга тушириб олиш ҳар бир ўқитувчининг муҳим вазифасидир. Агар мактабда қатъий ёзув тартиби тўғри ташкил этилса, ўқувчиларнинг чиройли ёзув малакалари бир умрга сақланиб қолади. Бунинг учун бошланғич синф ўқитувчиси ўқувчиларда ҳосил қилган чиройли ёзув малакасини 5-синфдан 11-синфгача ҳар бир фан ўқитувчиси эслатиб туриши лозим. Акс ҳолда улар бошланғич синфда олган чиройли ёзув малакаларини унутиб юборишлари ёки ёзувни бузиб ёзишлари мумкин.

Чиройли ёзув малакасини сақлаб қолишнинг яна бир омили, маълум бир тартибда ёзишдир. Агар ўқувчиларга ҳаддан ташқари кўп ёздирилса, уларнинг бармоқ мускуллари чарчайди ва ёзувнинг сифатини бузишга олиб келади.

Юқори синфларда ҳам ҳар бир ҳарфни аниқ ёзишни талаб этиш ўқитувчиларнинг муҳим вазифасидир, акс ҳолда ҳарфлар бора-бора ўз шаклини йўқотиб боради. Буни қуйидаги мисолдан кўриш мумкин: Кўпчилик юқори синф ўқувчилари, ҳатто катталар ҳам крилл алфавитидаги кичик «ш» ҳарфининг устига бир чизиқ қўйиб уни кичик «т» ҳарфи шаклида ўқийдилар. Бундай камчиликка йўл қўймаслик керак, чунки бу ҳарфларнинг ҳар иккиси ҳам ўз шаклига эга, уларнинг фарқини ажратиш учун ортиқча чизиқларнинг кераги йўқ.

Ўқувчиларда учрайдиган камчиликларни йўқотиш учун ўқитувчи ёзувнинг ҳар бир тури диктант ёки иншо бўлмасин, ундаги ҳарфларнинг тўғри ёзилишига алоҳида эътибор бериши, баҳолаш вақтида эса нотўғри ёзилган ҳарфларни ҳам ҳисобга олиши лозим. Ўқувчи қайси ҳарфни бузиб ёзганлигини аниқ кўрсатиб ўтиш керак.

Ўқувчиларнинг ёзиш усулини яхшилаш учун умуммактаб ишларидан қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- 1) мактабда ягона ёзиш усулининг тартибини амалга ошириш;
- 2) бир йилда икки марта ёки ҳар бир чоракнинг охирида «Чиройли ёзув» мавзусида дафтарлар мусобақасини ўтказиш;
- 3) мактабда чиқариладиган ҳар бир эълон ёки деворий газеталардаги ёзувларни ёзув қоидаларига риоя қилиб ёздирish.

Аммо чиройли ёзув тартибини амалга оширишда, биринчи навбатда, ўқитувчининг ўзи шахсий намуна кўрсатиши керак, чунки ўқувчилар кўпроқ ўқитувчига тақлид қиладилар. Агар ўқитувчи доскада ҳарфларни нотўғри ёзса, ўқувчилар ҳам нотўғри ёзадилар.

Мактабларда ягона орфографик тартибни амалга ошириш учун қуйидагиларга амал қилиш лозим:

1. Мактабда ҳар бир ёзув ишлари ўқувчилар дафтарыда бажарилиши керак. (Туман ёки вилоят бошқармалари томонидан юборилган айрим ёзма ишларгина икки варақда ёздирилади).

2. Барча фанлар учун дафтар бир хил нусхада тўлдирилади: дафтарнинг варақлари 12 бетдан кам бўлмаслиги, четида (30 мм масофада) хошия бўлиши лозим. Ҳар бир дафтар қайси фан учун тўтилган, кимга қарашли, нечанчи синфда ўқиши, мактаб номери ва номини, кўрсатиш шарт.

3. Синф иши ва уй вазифалари учун ҳам бир хил рангдаги (тўқ ҳаво ранг) ручка тавсия этилади.

4. Ўқувчиларга фақат тавсия этилган шарикли авторучкада ёзишга рухсат этилади.

5. Ҳар бир дарсда партада тўғри ўтириш қоидаларига амал қилиш (бошни чапга ёки ўнгга осилтириб ўтирмаслик) лозим. Кўз билан дафтар орасидаги масофани 30-35 мм узоқликда сақлаш талаб этилади.

6. Ёзувнинг қиялигини 65 градусдан оширмаслик керак.

7. Ҳар бир ҳарфнинг шакли «Хуснихат» китобида кўрсатилганидан фарқ қилмаслиги керак.

8. Нотўғри ёзилган ҳарф ва сўзларни ўчирғич билан ўчиришга ёки тузатишга рухсат этилмайди. Нотўғри ёзилган жой устидан бир чизик тортиб, устига тўғрисини ёзиб кўрсатиш мумкин.

9. Ҳар кунги бажарилган ишнинг санаси, мавзуси, машқ номери дафтар чизигининг ўртасига чиройли қилиб ёзиб кўрсатилиши керак.

10. Сўзларни қисқартириб ёзишга рухсат этилмайди. Масалан, «*va hokazo*» ўрнига «*va h.k.*», «*ular*» ўрнига «*u/*», «*uning*» ўрнига «*u+*».

11. Бош ҳарфлар бир хил баландликда, кичик ҳарфлар ҳам бир хил баландликда ёзилиши керак, яъни кичик ва бош ҳарфлар ўз ўрнида ишлатилиши керак.

12. Ўқувчиларнинг ишларини текшириш учун ўқитувчи фақат қизил рангли ручкадан фойдаланиши лозим. Ўқувчининг йўл қўйган ҳар бир хатоси аниқ кўрсатилиши керак.

13. Доскага бўр билан ёзилган ёзувлар ҳам ёзув қоидаларига мос бўлиши керак. Ўқитувчининг баён этаётган материални доскага тўғри жойлаштири билиши ҳам катта аҳамиятга эгадир.

14. Мактабда чиқарилган ҳар бир эълон, мактаб деворий газетасидаги мақола матнлари ҳам чиройли қилиб, ёзув қоидаларига амал қилган ҳолда ёзилиши керак.

Демак, юқорида кўрсатиб ўтилган ёзув усули ва орфография қоидалари амалга оширилса, мактаб бўйича қатъий ёзув ва ягона орфографик тартибни амалга ошириш мумкин. Бунинг учун ҳар бир бошланғич синф ўқитувчилари ва фан ўқитувчилари ўз ҳиссаларини қўшишлари лозим.

ИККИНЧИ СИНФДА ГРАММАТИКА ЎЙИНЛАРИ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Болаларни тўғри орфография талаффузига ўргатиш, уларнинг оғзаки нутқининг аниқлиги ва таъсирчанлигини таъминлаш, сўз бой-ликларини кенгайтириш, сўзни тўғри ва ўз ўрнида аниқ қўллаш-ларига, сўз бирикмаси ва гап туза олишларига эришиш бошланғич

Ўқувчиларда учрайдиган камчиликларни йўқотиш учун ўқитувчи ёзувнинг ҳар бир тури диктант ёки иншо бўлмасин, ундаги ҳарфларнинг тўғри ёзилишига алоҳида эътибор бериши, баҳолаш вақтида эса нотўғри ёзилган ҳарфларни ҳам ҳисобга олиши лозим. Ўқувчи қайси ҳарфни бузиб ёзганлигини аниқ кўрсатиб ўтиш керак.

Ўқувчиларнинг ёзиш усулини яхшилаш учун умуммактаб ишларидан қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- 1) мактабда ягона ёзиш усулининг тартибини амалга ошириш;
- 2) бир йилда икки марта ёки ҳар бир чоракнинг охирида «Чиройли ёзув» мавзусида дафтарлар мусобақасини ўтказиш;
- 3) мактабда чиқариладиган ҳар бир эълон ёки деворий газеталардаги ёзувларни ёзув қоидаларига риоя қилиб ёздиритиш.

Аммо чиройли ёзув тартибини амалга оширишда, биринчи навбатда, ўқитувчининг ўзи шахсий намуна кўрсатиши керак, чунки ўқувчилар кўпроқ ўқитувчига тақлид қиладилар. Агар ўқитувчи доскада ҳарфларни нотўғри ёзса, ўқувчилар ҳам нотўғри ёзадилар.

Мактабларда ягона орфографик тартибни амалга ошириш учун қуйидагиларга амал қилиш лозим:

1. Мактабда ҳар бир ёзув ишлари ўқувчилар дафтарыда бажарилиши керак. (Туман ёки вилоят бошқармалари томонидан юборилган айрим ёзма ишларгина икки варақда ёздирилади).

2. Барча фанлар учун дафтар бир хил нусхада тўлдирилади: дафтарнинг варақлари 12 бетдан кам бўлмаслиги, четида (30 мм масофада) ҳошия бўлиши лозим. Ҳар бир дафтар қайси фан учун тутилган, кимга қарашли, нечанчи синфда ўқиши, мактаб номери ва номини, кўрсатиш шарт.

3. Синф иши ва уй вазифалари учун ҳам бир хил рангдаги (тўқ ҳаво ранг) ручка тавсия этилади.

4. Ўқувчиларга фақат тавсия этилган шарикли авторучкада ёзишга рухсат этилади.

5. Ҳар бир дарсда партада тўғри ўтириш қоидаларига амал қилиш (бошни чапга ёки ўнгга осилтириб ўтирмаслик) лозим. Кўз билан дафтар орасидаги масофани 30-35 мм узоқликда сақлаш талаб этилади.

6. Ёзувнинг қиялигини 65 градусдан оширмаслик керак.

7. Ҳар бир ҳарфнинг шакли «Хуснихат» китобида кўрсатилганидан фарқ қилмаслиги керак.

8. Нотўғри ёзилган ҳарф ва сўзларни ўчирғич билан ўчиришга ёки тузатишга рухсат этилмайди. Нотўғри ёзилган жой устидан бир чизик тортиб, устига тўғрисиини ёзиб кўрсатиш мумкин.

9. Ҳар кунги бажарилган ишнинг санаси, мавзуси, машқ номери дафтар чизигининг ўртасига чиройли қилиб ёзиб кўрсатилиши керак.

10. Сўзларни қисқартириб ёзишга рухсат этилмайди. Масалан, «*va hokazo*» ўрнига «*va h.k.*», «*ular*» ўрнига «*u/*», «*uning*» ўрнига «*u+*».

11. Бош ҳарфлар бир хил баландликда, кичик ҳарфлар ҳам бир хил баландликда ёзилиши керак, яъни кичик ва бош ҳарфлар ўз ўрнида ишлатилиши керак.

12. Ўқувчиларнинг ишларини текшириш учун ўқитувчи фақат қизил рангли ручкадан фойдаланиши лозим. Ўқувчининг йўл қўйган ҳар бир хатоси аниқ кўрсатилиши керак.

13. Доскага бўр билан ёзилган ёзувлар ҳам ёзув қоидаларига мос бўлиши керак. Ўқитувчининг баён этаётган материални доскага тўғри жойлаштира билиши ҳам катта аҳамиятга эгадир.

14. Мактабда чиқарилган ҳар бир эълон, мактаб деворий газетасидаги мақола матнлари ҳам чиройли қилиб, ёзув қоидаларига амал қилган ҳолда ёзилиши керак.

Демак, юқорида кўрсатиб ўтилган ёзув усули ва орфография қоидалари амалга оширилса, мактаб бўйича қатъий ёзув ва ягона орфографик тартибни амалга ошириш мумкин. Бунинг учун ҳар бир бошланғич синф ўқитувчилари ва фан ўқитувчилари ўз ҳиссаларини қўшишлари лозим.

ИККИНЧИ СИНФДА ГРАММАТИКА ЎЙИНЛАРИ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМИНИ МУСТАҚКАМЛАШ

Болаларни тўғри орфография талаффузига ўргатиш, уларнинг оғзаки нутқининг аниқлиги ва таъсирчанлигини таъминлаш, сўз бой-ликларини кенгайтириш, сўзни тўғри ва ўз ўрнида аниқ қўллаш-ларига, сўз бирикмаси ва гап туза олишларига эришиш бошланғич

синфларда она тилидан ўтказиладиган дарсларнинг асосий йўналиши ҳисобланади. Шу мақсадда иккинчи синфда қуйидаги дидактик ўйин машғулотларини ўтказишни тавсия этамиз:

«Сўзнинг ўрнини топиш» ўйини

Ушбу дидактик ўйин воситасида кишиларнинг исми ва фамилияси, кўча, дарё номлари ва ҳайвонларга қўйилган номларнинг бош ҳарф билан ёзилиши мустаҳкамланади.

Ўйинни ўтказишдан олдин ўйин иштирокчиларига карточкалар улашиб берилади. Карточкаларда шеърий парча ёки гап ёзилган бўлиб, маълум сўзлар тушириб қолдирилади. Гап ёки шеърий парчадан тушириб қолдирилган сўзлар алоҳида карточкаларда сақланади.

Масалан,, *vatanim*,

..... *qivnab ko 'rganim*.

..... *dan kulganim*,

..... — *gulshanim*.

P. Mo 'min.

Тушириб қолдирилган сўзлар: *Vatanjonim, Ko 'zim, Istiqbol, O 'zbekiston*.

Қайси ўқувчи шеърий парчадан тушириб қолдирилган сўзни тўғри топиб ўрнига қўя олса, шу ўқувчи ўйинда ғолиб чиққан бўлади.

Ўқитувчи янги мавзунини мустаҳкамлаш жараёнида ушбу ўйиннинг бошқа туридан ҳам фойдаланиши мумкин. Масалан,

Кетма-кет бир хил ундошли сўзларнинг ёзилишига доир ўйинлар

Ўйиннинг мақсади: Кетма-кет бир хил ундошли сўзларнинг ёзилишини мустаҳкамлаш.

1. Ўқитувчи синф ўқувчиларига кетма-кет келган бир хил ундошли сўзларга мисол келтиришни айтади. Масалан: Мукаррам, Муаттар, Саъдулла, Абдулла ва бошқалар.

Кетма-кет келган бир хил ундошли сўзлардан ким кўп топса (ёки кўп ёза олса), шу ўқувчи ўйинда биринчи ҳисобланади.

2. «Ким кўп билади?» ўйини.

Ўйинни ўтказишдан олдин ўқитувчи доскани уч бўлакка ажратади. 1-бўлагига mm, 2-бўлагига ss, 3-бўлагига эса ll каби кетма-кет келган бир хил ундошли сўзлар ёзади. Ўқувчилар уни давом эттиради. Ким кўп сўз ёзса, ўша ўқувчи ўйинда ғолиб чиққан саналади. Масалан,

hamma	hassa	tilla
.....		

3. Бир хил ундошли кетма-кет келган қизларнинг номларидан мисол келтириш. *Mukarram, Muhatram, Musharraf,*

Топишмоқ жавобида кетма-кет келган бир хил ундошли сўз бўлган топшириқлардан айтиш:

Bo 'yi bir qarich,

Soqoli ikki qarich. (Makkajo 'xori)

«Тўртинчиси ортиқча» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Ўқувчиларда мантикий тафаккурни ўстириш. Сўз охирида b, p ва t, d ундошларининг қўлланишига оид сўзлардан айтилади. Масалан:

b-p
kanop
tup
ko 'p
hisob

b-p
Tolib
kitob
odob
kabob

ёки

d-t
Murod
daftar
payvand
shod

d-t
Daraxt
do 'st
go 'sht
bola

Ўйинда қатнашувчилар охирида b, p ёки t, d учрамаган сўзни топиб айтадилар. Ортиқча сўзни топган ўқувчиларга рағбат ёки балл белгиланади.

1-синфда болалар қандай? қанақа? сўроқларига жавоб бўлган сўзларни, иккинчи синфда эса бундай сўзлар сифат дейилишини ўрганиб оладилар. Ўқувчилар бундай сўзлар билан машқ қилиш жараёнида отларга мос сифатлар, сифатларга мос отлар топишни ўрганадилар.

«Ким тез топа олади?» ўйини

Синф ўқувчилари бир неча гуруҳга ажратилади. Ўйинни бошқарувчи ўқитувчи ёки ўқувчи нарса ёки шу нарсанинг расмини

синфларда она тилидан ўтказиладиган дарсларнинг асосий йўналиши ҳисобланади. Шу мақсадда иккинчи синфда қуйидаги дидактик ўйин машғулотларини ўтказишни тавсия этамиз:

«Сўзнинг ўрнини топиш» ўйини

Ушбу дидактик ўйин воситасида кишиларнинг исми ва фамилияси, кўча, дарё номлари ва ҳайвонларга қўйилган номларнинг бош ҳарф билан ёзилиши мустаҳкамланади.

Ўйинни ўтказишдан олдин ўйин иштирокчиларига карточкалар улашиб берилади. Карточкаларда шеърий парча ёки гап ёзилган бўлиб, маълум сўзлар тушириб қолдирилади. Гап ёки шеърий парчадан тушириб қолдирилган сўзлар алоҳида карточкаларда сақланади.

Масалан,, *vatanim*,

..... *qivnab ko 'rganim*.

..... *dan kulganim*,

..... *gulshanim*.

P. Mo 'min.

Тушириб қолдирилган сўзлар: *Vatanjonim, Ko 'zim, Istiqbol, O 'zbekiston.*

Қайси ўқувчи шеърий парчадан тушириб қолдирилган сўзнинг тўғри топиб ўрнига қўя олса, шу ўқувчи ўйинда ғолиб чиққан бўлади.

Ўқитувчи янги мавзунини мустаҳкамлаш жараёнида ушбу ўйиннинг бошқа туридан ҳам фойдаланиши мумкин. Масалан,

Кетма-кет бир хил ундошли сўзларнинг ёзилишига доир ўйинлар

Ўйиннинг мақсади: Кетма-кет бир хил ундошли сўзларнинг ёзилишини мустаҳкамлаш.

1. Ўқитувчи синф ўқувчиларига кетма-кет келган бир хил ундошли сўзларга мисол келтиришни айтади. Масалан: Мукаррам, Муаттар, Саъдулла, Абдулла ва бошқалар.

Кетма-кет келган бир хил ундошли сўзлардан ким кўп топса (ёки кўп ёза олса), шу ўқувчи ўйинда биринчи ҳисобланади.

2. «Ким кўп билади?» ўйини.

Ўйинни ўтказишдан олдин ўқитувчи доскани уч бўлакка ажратади. 1-бўлагига mm, 2-бўлагига ss, 3-бўлагига эса ll каби кетма-кет келган бир хил ундошли сўзлар ёзади. Ўқувчилар уни давом эттирадилар. Ким кўп сўз ёзса, уша ўқувчи ўйинда ғолиб чиққан саналади. Масалан,

hamma	hassa	tilla
.....		

3. Бир хил ундошли кетма-кет келган қизларнинг номларидан мисол келтириш. *Mukarram, Muhammud, Musharraf,*

Топишмоқ жавобида кетма-кет келган бир хил ундошли сўз бўлган топишиқлардан айтиш:

Bo 'yi bir qarich,

Soqoli ikki qarich. (Makkajo 'xori)

«Тўртинчиси ортиқча» ўйини

Ўйиннинг мақсади: Ўқувчиларда мантиқий тафаккурни ўстириш. Сўз охирида b, p ва t, d ундошларининг қўлланишига оид сўзлардан айтилади. Масалан:

b-p	b-p	d-t	d-t
kanop	Tolib	Murod	Daraxt
tup	kitob	ёки daftar	do 'st
ko 'p	odob	payvand	go 'sht
hisob	kabob	shod	bola

Ўйинда қатнашувчилар охирида b, p ёки t, d учрамаган сўзнинг топиб айтадилар. Ортиқча сўзнинг топган ўқувчиларга рағбат ёки балл белгиланади.

1-синфда болалар қандай? қанақа? сўроқларига жавоб бўлган сўзларни, иккинчи синфда эса бундай сўзлар сифат дейилишини ўрганиб оладилар. Ўқувчилар бундай сўзлар билан машқ қилиш жараёнида отларга мос сифатлар, сифатларга мос отлар топишни ўрганадилар.

«Ким тез топа олади?» ўйини

Синф ўқувчилари бир неча гуруҳга ажратилади. Ўйинни бошқарувчи ўқитувчи ёки ўқувчи нарсга ёки шу нарсанинг расмини

Ўқувчиларга кўрсатади. Ўқувчилар кўрган нарсаларининг номини унинг белгиси билан айтадилар. Қайси гуруҳ ўқувчилари ўйинда фаоллик кўрсатса, ўша гуруҳ ғолиб ҳисобланади.

«Ким илғор» ўйини

Доскага сўз охирида t, d ундошлари тушиб қолган қуйидаги сўз бирикмалари ёзиб берилади. Ўқувчилар нуқталар ўрнига керакли ҳарфларни қўйиб, сўзларни кўчириб ёзадилар. Қайси гуруҳ ишни тез тугатса, ўша гуруҳ илғор ҳисобланади. Масалан:

katta darax	go'zal Sarmaqan
qizil g'ish	keng asfal
balan bino	Toshken shahri
bolalar xursan	badiiy teks

«Қизиқарли» ўйин

Ўқитувчи мисол тариқасида шахс ёки нарса номини айтади (бола). Ўқувчилардан бири унга мос сифат топиб айтади (кичкина). Бошқа гуруҳдаги ўқувчилар ушбу шахс ёки нарсанинг сифатига қарама-қарши маъно билдирган сифатлардан айтадилар (катта бола). Ўйин учун қуйидаги сўзлардан фойдаланиш мумкин: иссиқ кун – совуқ кун; қизил қалам, қора қалам; тоза сув, ифлос сув ва ҳоказо. Ёки ўқитувчи доскага сифатлар ёзади:

baland	uzun
chiroyli	qizil
tor	achchiq
yo'g'on	ko'm-ko'k

Болалар берилган сифатларга мос бир қанча предметларни топиб ёзадилар. Берилган топшириқни ким биринчи ва тўғри бажарса, шу ўқувчи ўйинда ғолиб ҳисобланади.

Ўқувчиларнинг она тили дарсларига бўлган қизиқишини ошириш мақсадида бир қанча ўйин турларидан фойдаланиб, ўқувчиларда пухта кўникма, малака ва компетенциялар ҳосил қилинади.

Дарс жараёнида олиб бориладиган ўйинларнинг қизиқарли ва мавзуга мувофиқ бўлиши ўқувчиларни дарсда фаол иштирок этишига олиб келади

БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРНИНГ МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА ЎЛКАШУНОСЛИККА ОИД МАТЕРИАЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ МАСАЛАЛАРИ

Маҳаллий материал асосида тузилган масалалар аниқ маҳаллий маълумотларнинг мавжудлиги билан характерланади. Шу сабабли маҳаллий материал асосида масалалар тузишда ҳар доим ўқитувчи ихтиёрида ўқитувчининг ўзи ёки ўқувчилар топган маълумотлар бўлиши керак.

Қуйида кўп йиллик кузатишларимиз, ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш ва шунга доир методик адабиётларни анализ қилиш асосида масалалар тузиш учун материал қардан олиниши мумкинлигини кўрсатамиз.

1. Туман, вилоят, республика ва халқаро матбуотлар маҳаллий материал асосида масалалар тузиш учун республикамизнинг ва бутун ўзбек халқининг турмуши ва меҳнатини акс эттирувчи бой материал беради. Бу илмий амалий ишлар ўқувчиларни республикамизда эришилган ютуқларга, умуман ҳамкорликда эришилган ютуқларга ифтихор билан қарашга ўргатади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, матбуотлардан олинган маълумотлар бўйича маҳаллий материаллар асосида масалалар тузишга ўқувчилар бирданига эриша олмайдилар. Бунинг учун катта тайёргарлик иши олиб бориш кераклигини тажриба кўрсатди. Масалан, экспериментал синф ўқитувчилари махсус дафтарчалардан (дафтарнинг тўртдан бирдан) фойдаланишди. Бу дафтарчаларга ўқувчилар танишган материаллардан билиб олган қизиқарли, керакли маълумотларни ёзиб боришлари керак эди. Дастлабки пайтларда дафтарчага ёзиб берилган маълумотлар дарс пайтида ўқитувчининг кўрсатмаси билан бажарилди. Ўқувчилар бу ишни ўзлаштириб олганларидан сўнг, улардан керакли маълумотлар танлашда катта мустақиллик талаб қилинди. Бу босқичда иш тахминан бундай олиб борилди: ўқитувчи даврий маълумотларни диққат билан ўқиб, махсулотлар тузиш учун қизиқарли маълумотлар бўлган мақолаларни танлайди. Ўқитувчи синфда бу мақолаларни баланд

овоз билан ўқийди, ўқувчилар эса бу мақолалардан масалалар тузиш ва ечиш учун зарур бўлган ҳамма нарсани танлашлари керак. Шундан кейин ўқитувчи болалардан қайсилари маълумотни ўқиганларида, телевизор кўрганларида ёки радио тинглаганларида математика дарсларида фойдаланиш мумкин бўлган қизиқ-қизиқ асосларни билиб олганликларини сўрайди.

Шундай иш натижасида ўқувчилар масалалар тузиш ва ечиш учун асос қилиб олиш мумкин бўлган асосларни, воқеаларни, ҳодисаларни кузатиб боришни ўрганишади, улар ўз атрофларини ўраб олган борлиқдаги кўплаб нарсаларни яхши, тўғри тушунадиган бўлишади, масалаларни ечишда фаол ташаббус кўрсатадиган бўлишади.

2. Ўқитувчилар маҳаллий материаллар манбаи сифатида туман, шаҳар ва вилоятларнинг ҳисоботларидан; турли хил статистика маълумотлари ва тўпламларидан моҳирлик билан муваффақиятли фойдаланмоқдалар.

3. Маҳаллий материаллар асосида масалалар тузишда экскурсия материалларидан кенг фойдаланилади. Экскурсияларнинг мақсади масалалар тузишга аниқ ҳаётий асосларни, таассуротларни, болаларга бу асосларни турмушда бевосита тушунтириш йўли билан жалб қилишдан иборатдир. Ўқувчилар билан биргаликда устахоналарга, фабрикаларга, корхоналарга, заводларга, фермерларнинг экин майдонларига ва ҳоказоларга экскурсиялар ўтказиш мумкин. Бунда ўқувчилар ишчилар меҳнатларини, ҳозирги замон машиналари ва замонавий техникадан фойдаланишларни кузатишади, шундай керакли материалларни малака қилиб олишадики, бу материаллар маҳсулот ҳажмини, хом ашё сарфини, айрим ишчи, бригада ва гуруҳларнинг меҳнат унумларини, уларнинг меҳнат унумини ошириш учун материални ва вақтни тежаш учун курашларини ва бошқаларни характерлайди.

Экскурсияларда олинган «ожонли» сонлар ўқувчиларнинг математика дарсларида ўз масалаларини тузишга ва ечишга асос бўлади.

Илғор ўқитувчилар иш тажрибасида «дарс – экскурсия» деб аталувчи дарслар ўз ўрнини топди, бу дарс элементлари қуйидагилардан иборат:

- а) экскурсия мақсадини айтиш;
- б) экскурсияга бориш йўлида ва экскурсия жойида ўқувчилар ўзларини қандай тутишлари кераклигини тушунтириш;
- в) топшириқларни таҳлил қилиш;
- г) белгиланган объектни кузатиш ва иш усуллари билан танишув;
- д) топшириқларни бажариш;
- е) экскурсия натижалари.

Қуйида Тошкент шаҳри Яккасарой тумани 118-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари билан Тошкент тўқимачилик комбинатига қилинган экскурсия тавсифини келтирамиз.

Тўқимачилик комбинатига экскурсия
Экскурсиянинг мақсади: 1) ўқувчиларни тўқиш-йигириш жараёнларининг асослари билан таништириш;
2) арифметика масалалари тузиш ва ечиш учун сюжетли материаллар олиш.

Экскурсияга тайёргарлик уни ўтказишдан бир неча кун олдин бошланди ва энг олдин экскурсовод билан қилинган суҳбатда ифодаланди. Бунда кўзланган экскурсиянинг режаси ишлаб чиқилди, экскурсияда ҳал қилиниши керак бўлган асосий материаллар (саволлар) белгиланди.

Синфдан ташқари тайёргарликдан кейин синфда тайёрланиш бошланди, бу тайёрланиш ўқувчилар билан қилинган кириш – ташкилий суҳбатда ифодаланди.

1. Кириш суҳбати. Бунда ўқитувчи ўқувчиларга тўқимачилик комбинатига экскурсияга боришларини, у ерда пахтани қайта ишлаш ва ундан газмоллар тайёрлаш йўллари билан танишишларини ва масалалар тузиш учун ҳар хил материаллар олишларини, тузилган масалаларни синфда ва уйда ечишларини айтди. Шундан сўнг ўқитувчи ўқувчилар билан суҳбат ўтказди:

– Шундай вақтлар бўлганки, унда одамлар газмол тўқишни билишмаган, бизга ўхшаб қулай ва чиройли кийимлар кийиб юришмаган. Улар кийим сифатида ҳайвонларнинг териларидан фойдаланишган, ҳайвонлар терисини шилиб олишар, терининг ёғларини тош қирғич ва ўтмас тошпичок ёрдамида тозалашарди, сўнгра текислаш («дазмоллаш») тошларида текислашарди, шундан кейин иссиқ

горларда қуритишарди. Ана шундай ишлов берилгандан кейин тери эгиловчан ва юмшоқ бўлиб қоларди. Шундан сўнг одамлар териларни устларига ташлаб юришарди.

Умуман қиш бўлмайдиган жанубий ўлкаларда яшайдиган одамлар дарахтларнинг пўстлогидан кийим тайёрлашарди. Масалан, Бразилияда «кўйлак дарахти» деб аталувчи дарахт ўсади. Одамлар унинг бир ёки бир ярим метр узунликдаги йўғон шохини қирқиб олиб, пўстлогини қувур шаклида бутун қилиб шилиб олишган. Сўнгра уни сувда ивитиб, ёғоч ёки ёғоч тўқмоқ билан юмалоқ ҳолга келгунча уришган. Шундан кейин ундан қўллар учун тешиқлар очишиб, кўйлак тайёрлашган.

Кейинчалик инсон пўстлоқларнигина эмас, балки бошқа нарсаларни ҳам, масалан, ўсимликларнинг япроқлари, томирлари, танаси, новдалари ва бошқаларни қайта ишлашни ўрганиб олди. Булардан олдин газмол тўқишар, газмолдан эса кийим тикишарди.

Ҳозир олимлар бундай тўқишлар тўқимачиликнинг, умуман, тўқимачилик саноатининг ривожланишига асос бўлган деб фараз қилишмоқда. Аммо бу дарҳол содир бўлмайди, албатта. У вақтларда ҳозиргидек фабрикалар ҳам, мураккаб машиналар ҳам йўқ эди. Биз тўқимачилик комбинатига қиладиган экскурсиямизда кўрадиган ажойиб машиналарни инсон кашф қилгунча ва ажойиб газмоллар ишлаб чиқаришни ўрганиб олгунларича яна кўплаб йиллар ўтди.

Шундан кейин ўқитувчи раҳбарлигида жавоблари экскурсия вақтида олинadиган саволлар тайёрланди. Мана, улардан баъзилари: Пахтадан қандай маҳсулотлар олинади? Қанча олинади? Бир килограмм пахтадан қанча газлама тўқиш мумкин? Битта тўқимачилик станогига бир сменада қанча мато тўқиш мумкин? Комбинат бир кунда қанча пахтани қайта ишлайди? Комбинатда қанча тўқувчи ишлайди ва ҳоказо.

II. Экскурсиянинг бориши. Эрта билан болалар тартиб билан комбинатга жўнашди. Уларни комбинатда тўқимачилик ишлаб чиқаришини яхши биладиган инженер-экскурсовод кутиб олди. У болаларга олдин тўқимачилик саноати учун хом ашё — «Оқ олтин» — пахта ҳақида, унинг ҳозир ва илгари қандай тозаланганлиги ҳақида қисқача сўзлаб берди.

Бу умумий эслатмалардан кейин болалар тўқимачилик ишлаб чиқаришининг барча асосий технологик жараёнлари билан танишдилар, тўқиш, йиғириш станокларининг ишлашини кузатдилар. Бу машиналар ҳақида маълумотларни ўз дафтарларига ёзиб олдилар. Иплардан матолар қандай тўқилишини кузатдилар.

III-IV. Яқунловчи суҳбат. Ўқитувчи синфда экскурсияни қисқача яқунлайди ва ўқувчиларга экскурсияда олинган керакли маълумотлардан масалалар тузиш ва ечишда фойдаланишни айтади.

Мана, тузилган масалалардан баъзилари:

1. Тўқувчи Муҳаббат Қосимова бир сменада 120 м I ва II сорт газмол тўқийди. Тўқувчи II сорт газмолни I сортга қараганда 114 м кам тўқийди. Тўқувчи бир сменада ҳар қайси сорт газмолдан қанчадан тўқийди?

2. Бир тонна пахтадан 345 кг тола олинади. 3 тонна пахтадан қанча тола олинади?

3. Комбинатга пахта заводларидан ҳар хил сортда пахта юборилади. Аммо ип йиғириш учун бир хил пахта керак. Шу сабабли пахта тойлари очилгандан кейин пахта той аралаштиргичларга тушади. Битта той аралаштиргич бир соатда 500 кг пахтага ишлов берса, 4 та той аралаштиргич 24 соатда оғирлиги 20 кг бўлган тойдан нечтасини аралаштиради?

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига қилинган экскурсиядан кейин ўқувчилар майдонларнинг унумдорлиги, сигирларнинг сут беришига оид, ем тайёрлашга оид, ҳайвонларни боқиш рационлари ҳақида ва бошқалар ҳақида масалалар тузиб ечадилар.

Масалан, ўқитувчи Йўлдошева Т. (Тошкент вилояти, Тошкент тумани, 26-мактаб) ўқувчилар билан бирга сут-товар фермасига экскурсия қилди. Бунда ўқувчилар сигирларнинг сони, сут соғини, тайёрланган ем-хашак миқдори, ем-хашак тайёрлаш бригадасининг иши ҳақидаги маълумотларни билиб олишди.

Ўқувчилар экскурсия вақтида олган керакли маълумотларидан фойдаланиб, дарсларда масалалар тузишди.

Қуйида шу масалалардан баъзиларини келтириб ўтамиз:

1. Ўтган йили фермер хўжалигида 130 бош сигир бўлиб, уларнинг ҳар бири йилига ўртача 2200 литрдан сут берди. Бу йил сигирлар сони

240 бош бўлди ва ҳар бир сигирдан 2600 литрдан сут соғиб олинди. Агар ҳар 100 литр сутдан 4 кг сариеғ олинса, ферма бу йил ўтган йилгидан қанча ортиқ сариеғ олган?

2. Ем-хашак тайёрлаш бригадаси 2018 йилда ҳар бир сигирга 12 т ҳисобидан 240 бош сигирга силос ва ҳар бир бузоққа 7 т ҳисобидан 400 бош бузоққа силос тайёрлади. Агар ҳар бир юк машинасига 2500 кг дан силос массаси ортиладиган бўлса, тайёрланган ҳамма силос массасини ташиш учун нечта юк машинаси керак бўлади?

Бундай масалаларни тузиш ва ечиш, бир томондан, ўқувчиларни бу масалалар ечилишининг маълум усуллари ва методларига доир машқ қилдиради, иккинчидан, ўқувчиларнинг экскурсия вақтида танишган ишлаб чиқариш жараёнларининг миқдор томонларини характерловчи билимлар мазмунига чуқурроқ етиш, тушуниш ва ўзлаштиришига ёрдам беради.

Маҳаллий материал асосида тузилган масалаларнинг тахминий мавзуларини образлар асосида келтирамиз:

1. Синф, оила, мактаб ҳаётига оид масалалар.
2. Болаларнинг меҳнатлари ва ўйинларига доир масалалар.
3. Ёшларнинг ҳаётига доир масалалар.
4. Ўз уйи ва кўчаси ҳаётига доир масалалар.
5. Ўз корхона ҳаётига оид (қишлоқ мактаблари учун):
 - а) ерга ишлов бериш билан боғлиқ;
 - б) экинларни парвариш қилиш билан боғлиқ;
 - в) ҳосилни йиғиш билан боғлиқ;
 - г) ишчилар орасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тақсимлаш билан боғлиқ масалалар;
 - д) қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ масалалар;
 - е) ҳайвонларга ем тақсимлаш билан боғлиқ масалалар.
6. Ўз шаҳри ҳаётига доир (шаҳар мактаблари учун):
 - а) транспорт билан боғлиқ;
 - б) театрлар, стадионлар, спорт майдонлари билан боғлиқ;
 - в) кутубхоналар билан боғлиқ;
 - г) комбинатлар, заводлар, устакхоналар билан боғлиқ масалалар;
 - д) савдо билан боғлиқ масалалар.

7. Яқин – қўшни мусобақадор фермерлар ҳаётига доир масалалар.
8. Ўз тумани ҳаётига доир масалалар.
9. Яқин – мусобақадор туманлар ҳаётига доир масалалар.
10. Ўз вилояти ва бутун республика ҳаётига доир масалалар.
11. Бутун ватанимиз ҳаётига доир масалалар.

I синфда масалалар тузиш учун маҳаллий материал сифатида болаларнинг синф, оила шахсий меҳнатлари, ўйинлари ва боланинг ўз талабларидан олинган маълумотлардан фойдаланиш мумкин, чунки бундай материаллар болалар учун тушунарлидир.

II синфда масалалар тузиш учун синфнинг ва бутун мактабнинг ҳаётига оид асослардан, оила, фермерлар ҳаётига оид асослардан фойдаланиш мумкин.

III–IV синфда мазмунли маълумотларни ўзининг ва қўшни маҳалланинг, туманнинг, шаҳарнинг ҳаётидан олиш мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, маҳаллий ҳаёт ва меҳнатнинг кўпгина воқеалари бутун диёримиздаги ҳаёт ва меҳнатга таққослаш аспектида қаралиши керак.

Албатта, белгилаб берилган режадан четга чиқишлар бўлиши мумкин ва шундай бўлиши ҳам керак. Ўқитувчи кўрсатилган тематика билан эркин муомала қилиш ҳуқуқига эга, талаб қилинган жойда бу схема рамкасида четга чиқиши мумкин, бу четга чиқишлар ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ва математика дастури талабларини ҳисобга олган ҳолда бажарилиши керак.

Ҳақиқатан ҳам, болаларга маҳаллий материал асосида тузилган бўлса-да, улар учун тушунарли бўлмаган, шунинг учун қизиқарсиз бўлган масалаларни таклиф қилмаслик лозим. Масалан, химиявий ишлаб чиқариш ёки металлургия ишлаб чиқариши бошланғич таълим учун яқин бўлиши мумкин, аммо булардан ўқувчилар учун кўзда тутилаётган материал жуда ҳам кам.

Энди математика дарсларида маҳаллий материаллардан фойдаланиш ишида қўлланиладиган методик усулларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

1. Ўқитувчи томонидан тузилган масалалар ўзининг композицион қиймати бўйича тизимли дарсликлардан жой олган масалаларга яқин бўлиши учун дастлабки пайтларда тайёр масалалар намунасига

240 бош бўлди ва ҳар бир сигирдан 2600 литрдан сут соғиб олинди. Агар ҳар 100 литр сутдан 4 кг сариёғ олинса, ферма бу йил ўтган йилгидан қанча ортиқ сариёғ олган?

2. Ем-хашак тайёрлаш бригадаси 2018 йилда ҳар бир сигирга 12 т ҳисобидан 240 бош сигирга силос ва ҳар бир бузоққа 7 т ҳисобидан 400 бош бузоққа силос тайёрлади. Агар ҳар бир юк машинасига 2500 кг дан силос массаси ортиладиган бўлса, тайёрланган ҳамма силос массасини ташиш учун нечта юк машинаси керак бўлади?

Бундай масалаларни тузиш ва ечиш, бир томондан, ўқувчиларни бу масалалар ечилишининг маълум усуллари ва методларига доир машқ қилдиради, иккинчидан, ўқувчиларнинг экскурсия вақтида танишган ишлаб чиқариш жараёнларининг миқдор томонларини характерловчи билимлар мазмунига чуқурроқ етиш, тушуниш ва ўзлаштиришига ёрдам беради.

Маҳаллий материал асосида тузилган масалаларнинг тахминий мавзуларини образлар асосида келтирамыз:

1. Синф, оила, мактаб ҳаётига оид масалалар.
2. Болаларнинг меҳнатлари ва ўйинларига доир масалалар.
3. Ёшларнинг ҳаётига доир масалалар.
4. Ўз уйи ва кўчаси ҳаётига доир масалалар.
5. Ўз қорхона ҳаётига оид (қишлоқ мактаблари учун):
 - а) ерга ишлов бериш билан боғлиқ;
 - б) экинларни парвариш қилиш билан боғлиқ;
 - в) ҳосилни йиғиш билан боғлиқ;
 - г) ишчилар орасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тақсимлаш билан боғлиқ масалалар;
 - д) қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ масалалар;
 - е) ҳайвонларга ем тақсимлаш билан боғлиқ масалалар.
6. Ўз шаҳри ҳаётига доир (шаҳар мактаблари учун):
 - а) транспорт билан боғлиқ;
 - б) театрлар, стадионлар, спорт майдонлари билан боғлиқ;
 - в) кутубхоналар билан боғлиқ;
 - г) комбинатлар, заводлар, устахоналар билан боғлиқ масалалар;
 - д) савдо билан боғлиқ масалалар.

7. Яқин – қўшни мусобақадор фермерлар ҳаётига доир масалалар.

8. Ўз тумани ҳаётига доир масалалар.

9. Яқин – мусобақадор туманлар ҳаётига доир масалалар.

10. Ўз вилояти ва бутун республика ҳаётига доир масалалар.

11. Бутун ватанимиз ҳаётига доир масалалар.

I синфда масалалар тузиш учун маҳаллий материал сифатида болаларнинг синф, оила шахсий меҳнатлари, ўйинлари ва боланинг ўз талабларидан олинган маълумотлардан фойдаланиш мумкин, чунки бундай материаллар болалар учун тушунарлидир.

II синфда масалалар тузиш учун синфнинг ва бутун мактабнинг ҳаётига оид асослардан, оила, фермерлар ҳаётига оид асослардан фойдаланиш мумкин.

III–IV синфда мазмунли маълумотларни ўзининг ва қўшни маҳалланинг, туманнинг, шаҳарнинг ҳаётидан олиш мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, маҳаллий ҳаёт ва меҳнатнинг кўпгина воқеалари бутун диёримиздаги ҳаёт ва меҳнатга таққослаш аспектида қаралиши керак.

Албатта, белгилаб берилган режадан четга чиқишлар бўлиши мумкин ва шундай бўлиши ҳам керак. Ўқитувчи кўрсатилган тематика билан эркин муомала қилиш ҳуқуқига эга, талаб қилинган жойда бу схема рамкасида четга чиқиши мумкин, бу четга чиқишлар ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ва математика дастури талабларини ҳисобга олган ҳолда бажарилиши керак.

Ҳақиқатан ҳам, болаларга маҳаллий материал асосида тузилган бўлса-да, улар учун тушунарли бўлмаган, шунинг учун қизиқарсиз бўлган масалаларни таклиф қилмаслик лозим. Масалан, химиявий ишлаб чиқариш ёки металлургия ишлаб чиқариши бошланғич таълим учун яқин бўлиши мумкин, аммо булардан ўқувчилар учун кўзда тутилаётган материал жуда ҳам кам.

Энди математика дарсларида маҳаллий материаллардан фойдаланиш ишида қўлланиладиган методик усулларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

1. Ўқитувчи томонидан тузилган масалалар ўзининг композицион қиймати бўйича тизимли дарсликлардан жой олган масалаларга яқин бўлиши учун дастлабки пайтларда тайёр масалалар намунасига

қараб маҳаллий материаллар асосида масалалар тузиш усулидан фойдаланилди.

2. Маҳаллий материаллардан фойдаланишда тайёр масалалар ўқитувчига катта ёрдам берди. Бундай масалалардан фойдаланишда ўқитувчи теварак-атрофдан ёки предметлардан реал маълумотларнигина танлайди. Қуйида шундай масалалардан намуналар келтирамиз.

I синф

1. Ёўзалар ... апрелда чиқа бошлади, биринчи кўсаклар эса ... августда очила бошлади. Ёўза ердан чиққандан кўсак очилгунча неча кун ўтган?

2. Бир суткада битта сигирдан ... литр сут соғилади. Эрталаб ... литр сут соғиб олинди, қолгани эса кечкурун соғиб олинди. Кечкурун қанча сут соғиб олинган?

II синф

1. Фермада ... бош мол бўлиб, буларнинг ... таси бузоқлар, сигирлар эса бузоқлардан ... марта ортиқ, қолганлари эса қўйлар. Фермада нечта қўй бор?

2. Бир тонна пахтадан ... кг тола олинади ... тонна пахтадан қанча тола олинади?

III–IV синф

Ҳар бир килограмм пахтадан ... кг соф тола олиш мумкин. ... т соф тола олиш учун қанча пахта олиш керак?

Ўқувчиларга шундай масалалар ҳам таклиф қилиндики, уларда барча керакли маълумотлар эмас, балки баъзилари етишмасди. Масалан, III–IV синф учун бундай масала таклиф қилинди: «Мактабимиз ўқувчилари ... кг макулатура тўплашди ва уни қоғоз фабрикасига топширишди. 1 кг макулатурадан 700 г тоза оқ қоғоз чиқади, 30 г қоғоздан эса 1 та дафтар тайёрланади. Мактабимиз ўқувчилари тўплаган макулатурадан нечта дафтар тайёрлаш мумкин?»

Ёзилмай қолган соннинг ўрни ҳақиқатга мослаб тўлдирилади.

Болалар меҳнатларининг ижтимоий аҳамияти равшан кўрсатилган бундай масалалар уларни ишга сафарбар қилади.

Ўқитувчилар ўз иш фаолиятларида масала-саволлардан ҳам кенг фойдаланадилар, бундай масалаларни ҳал қилиш учун баъзи ёки барча сон маълумотларни топиш керак бўлади. Масалан, «Туманимиз фермерларининг барча ерлари неча кунда ҳайдаб бўлинади?» деган масалани ечиш учун олдин ҳамма зарур сон маълумотларни топиш талаб қилинади, чунончи: майдон юзини, ҳайдашда қатнашаётган тракторлар сонини ва ҳар қайси тракторнинг иш унумини топиш керак бўлади.

Яна бир мисол. «Агар ... бўлса, туманимизнинг пахта майдони қанча жойни эгаллаши керак?» каби масалаларни қарашда ҳам бир қанча саволларни ҳал қилиш керак.

Яна масала-саволларга мисоллар:

1. Фермадаги моллар учун бир йилга қанча ем тайёрлаш керак?

2. Хўжалигимизда йиғиб олинган ҳосилни сақлаш учун қуриладиган сабзавотхона ўлчамларини қандай қилиб олиш керак?

3. Фермер хўжалигимиз ишчиларининг пул даромадлари қандай?

Маҳаллий материаллар асосида тузилган масалалардан синф ишида ҳам, уй ишида ҳам фойдаланилади. Бунда карточка-топшириқлар катта ёрдам берди.

Карточка-топшириқ намунаси:

Масала
Ҳозирги Ўзбекистон чегарасида мустақилликка қадар энг кўп пахта ҳосили 1990 йилда терилган бўлиб, у 500 минг тоннага тенг. 1996 йилда эса Ўзбекистонда 1.660.000 тонна пахта терилиб, давлатга топширилди. Бу ҳосил 1990 йилдагидан неча марта ортиқлигини аниқланг.

Маҳаллий материаллар асосида тузилган масалалар (фақат шу масалаларгина эмас) ўқувчиларда энг кўп қизиқиш уйғотиши учун масала шартини аниқлаштириш усулидан фойдаланилади. Шу мақсадда масалаларнинг шартларига баъзи реал номлар, фамилия ва исмлар, шунингдек, бир қатор умумий қабул қилинган терминлар

қараб маҳаллий материаллар асосида масалалар тузиш усулидан фойдаланилди.

2. Маҳаллий материаллардан фойдаланишда тайёр масалалар ўқитувчига катта ёрдам берди. Бундай масалалардан фойдаланишда ўқитувчи теварак-атрофдан ёки предметлардан реал маълумотларнигина танлайди. Куйида шундай масалалардан намуналар келтирамиз.

I синф

1. Ёўзалар ... апрелда чиқа бошлади, биринчи кўсаклар эса ... августда очила бошлади. Ёўза ердан чиққандан кўсак очилгунча неча кун ўтган?

2. Бир суткада битта сигирдан ... литр сут соғилади. Эрталаб ... литр сут соғиб олинди, қолгани эса кечкурун соғиб олинди. Кечкурун қанча сут соғиб олинган?

II синф

1. Фермада ... бош мол бўлиб, буларнинг ... таси бузоқлар, сигирлар эса бузоқлардан ... марта ортиқ, қолганлари эса қўйлар. Фермада нечта қўй бор?

2. Бир тонна пахтадан ... кг тола олинади ... тонна пахтадан қанча тола олинади?

III–IV синф

Ҳар бир килограмм пахтадан ... кг соф тола олиш мумкин. ... т соф тола олиш учун қанча пахта олиш керак?

Ўқувчиларга шундай масалалар ҳам таклиф қилиндики, уларда барча керакли маълумотлар эмас, балки баъзилари етишмасди. Масалан, III–IV синф учун бундай масала таклиф қилинди: «Мактабимиз ўқувчилари ... кг макулатура тўплашди ва уни қоғоз фабрикасига топширишди. 1 кг макулатурадан 700 г тоза оқ қоғоз чиқади, 30 г қоғоздан эса 1 та дафтар тайёрланади. Мактабимиз ўқувчилари тўплаган макулатурадан нечта дафтар тайёрлаш мумкин?»

Ёзилмай қолган соннинг ўрни ҳақиқатга мослаб тўлдирилади.

Болалар меҳнатларининг ижтимоий аҳамияти равшан кўрсатилган бундай масалалар уларни ишга сафарбар қилади.

Ўқитувчилар ўз иш фаолиятларида масала-саволлардан ҳам кенг фойдаланадилар, бундай масалаларни ҳал қилиш учун баъзи ёки барча сон маълумотларни топиш керак бўлади. Масалан, «Туманимиз фермерларининг барча ерлари неча кунда ҳайдаб бўлинади?» деган масалани ечиш учун олдин ҳамма зарур сон маълумотларни топиш талаб қилинади, чунончи: майдон юзини, ҳайдашда қатнашаётган тракторлар сонини ва ҳар қайси тракторнинг иш унумини топиш керак бўлади.

Яна бир мисол. «Агар ... бўлса, туманимизнинг пахта майдони қанча жойни эгаллаши керак?» каби масалаларни қарашда ҳам бир қанча саволларни ҳал қилиш керак.

Яна масала-саволларга мисоллар:

1. Фермадаги моллар учун бир йилга қанча ем тайёрлаш керак?

2. Хўжалигимизда йиғиб олинган ҳосилни сақлаш учун қуриладиган сабзавотхона ўлчамларини қандай қилиб олиш керак?

3. Фермер хўжалигимиз ишчиларининг пул даромадлари қандай?

Маҳаллий материаллар асосида тузилган масалалардан синф ишида ҳам, уй ишида ҳам фойдаланилади. Бунда карточка- топшириқлар катта ёрдам берди.

Карточка-топшириқ намунаси:

Масала

Ҳозирги Ўзбекистон чегарасида мустақилликка қадар энг кўп пахта ҳосили 1990 йилда терилган бўлиб, у 500 минг тоннага тенг. 1996 йилда эса Ўзбекистонда 1.660.000 тонна пахта теришиб, давлатга топширилди. Бу ҳосил 1990 йилдагидан неча марта ортиқлигини аниқланг.

Маҳаллий материаллар асосида тузилган масалалар (фақат шу масалаларгина эмас) ўқувчиларда энг кўп қизиқиш уйғотиши учун масала шартини аниқлаштириш усулидан фойдаланилади. Шу мақсадда масалаларнинг шартларига баъзи реал номлар, фамилия ва исмлар, шунингдек, бир қатор умумий қабул қилинган терминлар

киритилади. Бунда, албатта, ортиқча аниқлаштиришлар ҳисобига масалаларнинг шартларини мавҳумлаштириб юбормасликка ҳаракат қилинади, демак бунда ҳам меъёрни билишга эътибор берилади.

Масалан, Тошкент шаҳри ўқувчилари бундай масала (маҳаллий реал сюжетли маълумот)ни ечишсин:

«Фабрикада икки тўқувчи 5 кун давомида тежалган пахта ҳисобига ишлашди. Бу тўқувчиларнинг ҳар бири 7 тадан станокда ишлаб, ҳар бир станокдан соатига 2 м 60 см дан газмол олган бўлса, иккала тўқувчи тежалган пахтадан қанча газмол тўқиган?»

Бу масалада барча керакли маълумотлар реал, унинг сюжети тошкентлик ўқувчиларга маҳаллий ҳисобланади, шунинг учун ҳам келтирилган масалани маҳаллий масала дея оламиз. Аммо берилган масаланинг шартини яна ҳам аниқлаштирадик, яъни «Бизнинг тўқимачилик комбинатимизда...» (буёғида масала шarti ўзгаришсиз қолаверади) деб бошласак, бу масала болалар учун қизиқарлироқ ва ишончлироқ бўларди.

Яна бир мисол. Қишлоқ мактаблари ўқувчилари ушбу масалани ечишсин дейлик: «5 кишидан иборат гуруҳ кунлик норма 330 кг бўлишига қарамай, ҳар куни 600 кг дан пахта теради. Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ҳар куни кунлик нормадан қанча ортиқ пахта теради?»

Масалани ечишдан олдин ўқувчиларга гап уларнинг бригадаси ҳақида, Холиқова, Ҳакимова, Ибрагимова, Пўлатова ва бошқалар ишлайдиган гуруҳ ҳақида бораётгани айтилади.

II синфда маҳаллий материал асосида тузилган масалаларни ечишга бағишланган дарслардан бирида ўқитувчи Т.Йўлдошева томонидан иш қандай ташкил қилинганини кўрсатамиз.

Бу дарсда маҳаллий материал асосида масалалар тузишдан олдин ўқувчиларга ўз ҳудудларидаги фермер хўжаликлари ҳақида қисқача сўзлаб берилди. Бунда, хусусан, болаларга таниш сут соғувчиларнинг исмлари ва фамилиялари айтилди. Ушбу масала берилди:

«Сут соғувчи Минавара Исҳоқова июль ойида ҳар бир сизгирдан ўртача 372 л, август ойида эса июлдагидан 56 л ортиқ сут соғиб олди. Минавара Исҳоқова август ойида ҳар бир сизгирдан қанчадан сут соғиб олган?».

Масала ўқитувчи ҳикоясининг табиий давоми бўлди, бинобарин, болалар масаланинг саволини мустақил ифодалашди. Шундан кейин ўқувчилар катта қизиқиш билан масала саволини алмаштириб (ўқитувчи масаланинг саволини қандай алмаштирганда у икки амал билан ечилади, деб сўраганидан кейин) ечишди.

Шу дарснинг ўзида ўқувчилар мустақил равишда «Қуёнларни кўпайтиринг» плакати бўйича масалалар тузишади (масалаларга тегишли керакли маълумотларни ўқитувчи доскага ёзиб қўяди).

Ўқитувчи катта жонланиш ва зўр қизиқиш билан ишга киришади. Шундан кейин ўқувчилар уйларида маҳаллий материал асосида тузган масалаларини ўқишади. (Шуни таъкидлаш кераки, ўқитувчи ўқувчиларнинг уйда қиладиган ишларини осонлаштириш учун уларга у ёки бу масалани тузиш учун қандай образли керакли материаллардан фойдаланиш кераклигини ёки бу материалларни қаердан ва қандай олиш мумкинлигини айтади. Ўқувчиларга, кўпинча, масалалар тузишда дарсликда берилган тегишли масалалар намуна бўлиб хизмат қилади. Бу масалалар номерлари ўқувчиларга айтилади.)

Дарс қизиқарли ва самарали бўлди. Бу дарс шундай дарс бўлдики, унда ўқувчиларни ўраб олган ҳаёт билан математика орасидаги зич боғланиш амалга оширилди.

Бундай дарслар ҳар бир ўқитувчининг ўқув-тарбия иши режасида бўлиши керак, албатта. Аммо ҳамма дарсни ёки ҳатто кўпчилик дарсни бундай режа асосида тузиш мақсадга мувофиқ эмас ва бундай қилишнинг иложи ҳам йўқ. Ўқитувчи Йўлдошевадан дарслар учун ҳар доим ҳам маҳаллий материал танлайсизми, деб сўраган эдик, у кишидан бундай жавоб олдик: «Йўқ. Нега? Ҳа, бунинг имконияти ҳам йўқ. Аммо ўқитувчи масалалар ечишни ўқувчиларнинг ҳаётларида керак бўладиган материал асосида ташкил қилишнинг катта имкониятларига эга-ку».

Математикага доир топшириқларни бажариш вақтида ўқувчилар билиб оладиган сўзларнинг мазмунини тушуниш учун сўзлар устида ишлашга катта эътибор бериш керак. Чунончи, ўқувчилар билан уларни энг кўп тарқалган агротехника терминларига ва шаҳар ҳамда қишлоқ ўқувчиларини ўраб олган ҳаёт билан боғлиқ терминларга

алоқадор сўз бойликларининг ортишига оид катта ишлар қилинди ва яна қилиш мумкин.

Психологик тадқиқотлар, шунингдек, амалиётчиларнинг кундалик кузатишлари ўқувчилар томонидан масалалар шартларидаги муносабатларнинг аниқланиши натижасида ўрнатилган боғланишлар пухта бўлишини, ўқувчилар намуналардан кўриб идрок қилишлари асосида, яъни эшитганлари ва кўрганларини тўғридан-тўғри кўчириб олишлари асосида ҳосил бўлган боғланишлар эса турғун эмаслигини кўрсатмоқда. Бундан қуйидагидек хулоса чиқариш мумкин: агар масаланинг ифодасида қўйилган мақсад ўқувчиларга тушунарли бўлса, бундай бўлишига маҳаллий материаллар асосида тузилган масалалар имкон беради, у ҳолда бу ўқитувчининг ўқитиш ишидаги ҳаракатларига қўшимча ижобий куч бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, маҳаллий материалдан мавзунини ўрганишнинг барча босқичларида қимматли педагогик восита сифатида фойдаланиш мумкин; бу восита болалар олдида муаммони қизиқарли ва аниқ қўйишга, тасаввур ва тушунчаларни ҳосил қилишга, болалар олдида табиатнинг боғланишлари ва қонуниятларини очишга, хулосаларнинг тўғрилиги ва ҳоказоларни текширишга ёрдам беради.

МУРАККАБ МАСАЛАЛАРНИ ЕЧИШДА УЧРАЙДИГАН ҚИЙИНЧИЛИКЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ ЙЎЛЛАРИ

Аввало кичик ёшдаги ўқувчиларни масалалар ечишга ўргатишда кузатишган камчиликлар характеристикасига тўхталиб ўтамиз. Олимлар бир-бири билан боғлиқ бўлган асосий камчиликлар, деб қуйидагиларни таъкидлайдилар: биринчидан, дарсда юритиладиган муҳокамаларнинг ҳаддан ташқари кўп сўзлиги, иккинчидан, бу муҳокамаларни асосан ўзи бажариш асоси, бунда ўқитувчи ўқувчиларни ушбу муҳокамаларда пассив иштирок этишга мажбур қилади. «Бошлангич синфларда арифметика ўқитишнинг методика ва психология масалалари» китобида ўқувчилар масала еча туриб, бутун кучларини маълум муҳокамаларни тўғри қайтаришга йўналтиришга мажбур

бўладилар, бу эса уларнинг материални догматик ўзлаштиришлари ҳавфини бартараф қилмайди. Ушбу муаллифларнинг фикрича, математика дарсларида ўқувчиларнинг билиш савияси анча юқори бўлиши мумкин. Ўқувчиларнинг асосий мақсади топилган ечимни қайтаришдан иборат бўлмаслиги керак. Улар масала шартда яширинган математик боғланишларни излашлари керак.

Бундай фикрларнинг тўғрилигини ҳар хил вақтларда турли мактабларда биз томонимиздан ўтказилган текшириш ишларининг натижалари ҳам тасдиқлайди. Шулардан баъзиларини келтирамиз.

2017–2018 ўқув йилида ўқувчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларини текшириш кичик ёшдаги ўқувчиларнинг математикавий тайёргарлигидаги кўпгина камчиликлар қуйидаги сабаблар билан тушунтирилиши мумкинлигини кўрсатади: ҳамма болалар ҳам содда масалани анализ қилиш асосида керакли амални тўғри танлай олишмайди. Маълумки, ўқувчиларнинг масала ечимини мустақил анализ қилиш малакасини ҳосил қилишга йўналтирилган ўқув ишларининг етарли эмаслиги аниқланади. Кўпчилик ўқувчилар содда масалани мураккаб масала билан аралаштирадилар, ўқувчиларнинг бир қисми масалалар ечишнинг умумий усули ва қоидаларини эгаллаб олмаганликлари аниқланди.

Республикаимизнинг бир қатор мактабларида ўтказилган кузатишларимиз кўпчилик ўқувчиларнинг биринчи амални тўғри танлаб, уни тўғри бажарганликлари ҳолда кейинги амалларни тасодифан танлашларини кўрсатди. Ушбу содда масалаларни ечишни ўргатишда ўқувчиларда масаланинг шартини ва ечимини мустақил анализ қилиш малакасини шакллантиришга оид машқларга етарлича эътибор берилмаганлигининг характерли аломатидир. Бундай ҳолларда ўқитувчилар билан қилинган суҳбатлар, уларнинг дарс режалари ва конспектлари билан танишишлар шуни кўрсатдики, болаларда мураккаб масалани содда масаладан фарқлаш малакасини шакллантиришга ва умуман, болаларни масалалар ечишнинг самарали усулларини эгаллаб олишларига йўналтирувчи машқлар, деярли, қаралмас экан. Биз қатнашган талайгина дарсларнинг таҳлили жуда кам ҳолда синфда (уйда ёки текширув иш вақтида) бажариладиган ўқув иши ўқувчининг масалани мустақил ечиш шароитини эслатади.

Кўпинча, масалани синфда мустақил ечиш иши ўқитувчининг кўплаб тушунтиришлари ва масала мазмуни устида биргаликда ишлаши билан бажарилишини кузатдик. Баъзи ўқитувчиларнинг бир хил турғунлик билан ишлашлари, кўпинча тахминан, бундай тузилади: ўқитувчи ёки ўқувчилардан бири масалани ўқийди, шундан кейин масала шарти биргаликда таҳлил қилинади, ечиш йўллари белгиланади (баъзи ҳолларда ҳар бир амални аниқлашгача айтиб берилади), шундан кейингина ўқувчилар масалани «мустақил» ечишга киришадилар. Янги дастур ва дарсликлар қабул қилинганидан кейин ҳам баъзи ўқитувчилар бундай методик тизимдан онгли равишда фойдаланишмоқда.

Шундай қилиб, ўқитувчилар иш тажрибаларини ўрганиш масала ечишга ўргатишдаги асосий қийинчиликлар ўқувчиларнинг яширин математик боғланишларни излаш ва ошкор қила олмасликлари, масала шартда ифодаланган аниқ ҳаётий ҳолатни масалада берилган миқдорлар орасидаги мавжуд абстракт математикавий боғланишлар билан боғлай олмаслик; мулоҳазаларнинг мантиқан тўғри шакллари мустақил ишлата олмаслик; мақсадга олиб келадиган амалларни мустақил топа олмаслик ва масала шартининг анализидан бошлаб жавобни текширишгача бўлган ечимнинг ҳар бир босқичини мустақил амалга оширишнинг уддасидан чиқа олмасликларидан иборат эканини кўрсатди.

Энди масала ечишда учрайдиган, юқорида айтиб ўтилган, қийинчиликларни бартараф этишнинг айрим йўллариغا тўхталамиз.

Масала ечишни ўрганиш мураккаб тизимни ташкил қилувчи бир қатор малакалардан иборат. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ўқувчилар содда масалалар шартларини анализ қилиш малакаларини пухта эгаллаб олганларидан кейингина, улар билан мураккаб масалаларни анализ қилишга ўтиш мумкин. Шунинг учун олдин ушбу саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз: содда масала шартини анализ қилиш малакаси нималардан ташкил топади? Бунда қандай қийинчиликлар пайдо бўлади ва бу қийинчиликларни қандай қилиб бартараф қилиш мумкин? Содда масалаларни ечишда масала шартини анализ қилиш малакаси қандайдир бирор элементни эмас, балки бутун бир комплекс (ҳали содда бўлса ҳам) элементларни ажратишни

назарда тутати. Масаланинг иккала таркибий қисмини тушуниш асосидагина амал танлаш мумкин бўлади. Масаланинг мисолдан фарқи ҳам худди шундан иборат. Ўқувчилар мисолни муваффақиятли ечишлари учун бир элемент – амал ишорасини тўғри танлашлари етарли, улар шу амал бўйича ҳисоблашни бажаришади. Элементар анализнинг бу туридан болалар кўпинча масалалар кўчиришади – бутун шартлардан қандайдир бирор сўзни «қолиб» оладилар-да, шунга амал қилиб амал танлайдилар. (Масалан, «кам» – демак, айириш керак «ортиқ» – демак, қўшиш керак ва ҳоказо.)

Бундай хатоларга йўл қўймаслик учун масалалар шартларини ҳар хил қилиш, ҳаётий воқеаларни, амалий ишларни арифметик амаллар билан мос қўйишга доир махсус машқлардан фойдаланиш зарур. Масалан, агар қаптарлар ҳақидаги масала ечилган бўлса, болаларга балиқчалар ҳақида шундай масалалар тузишни таклиф қилиш мумкин ва ҳоказо. Берилган ифодага кўра ҳар хил мазмундаги масалалар тузишни талаб қиладиган топшириқлар фойдалидир («7 дан 3 ни айиришни талаб қиладиган масала тузинг»). Бу ўринда ўқитувчи ҳаётий ишларнинг берилган арифметик амалга жавоб берувчи ҳар хил вариантларини талаб қилиши керак. Масалан, 7 – 3 ифодаси бўйича «ейишди» феъли қатнашган масала тузилган бўлса, ўқитувчи синфга мурожаат қилиб, шу сонларнинг ўзидан фойдаланиб, қўлгина, ҳар хил масалалар тузишларини сўрайди, бунда у ўқувчилар «қолиб боришди», «келтиришди», «ишлатишди» ва ҳоказо феълларни ишлатишларига эришмоғи керак.

Аммо бундай хатоларни келтириб чиқармасликнинг кучли воситаси – «бевосита» масалалар ечишдир, чунки бу ҳолда матннинг баъзи сўзлари айтиб берадиган қарама-қарши амалларни танлаш керак бўлади. Бундай масалалар болаларга ўқитишнинг биринчи йилидаёқ берилади. Иккинчи синф математика дарслиги бевосита ифодаланган масалаларни ечишни ўқувчиларга алмашлаб беради. Масалан,

1. Чанғи учиш учун 10 нафар қиз ва улардан 4 нафар ортиқ ўғил болалар чиқишди. Чанғи учиш учун неча ўғил бола чиққан?
2. Коньки учаётган болалар 7 нафар. Улар қизлардан 2 нафар кам. Неча нафар қизлар коньки учмоқда?

Бу жараён ўқувчиларни масала шартини тўла анализ қилишга ўргатади. Уларда масала шартининг айрим сўзларига асосланиб, амал танлаш анъанасини бартараф қилишга ёрдам беради.

Масала шартини анализ қилиш малакасини ҳосил қилишга ёрдам берадиган бошқа бир қатор имкониятлар ҳам бор. Ҳаммасидан олдин ўқувчиларга сонлар билан ечиладиган масалаларгина эмас, балки бошқа мақсадларга хизмат қиладиган, яъни шартни анализ қилишни талаб қиладиган ва арифметик амалларни танлашга доир машқларни таклиф қилиш мумкин. Бунда машқларнинг ҳар хил вариантлари бўлиши мумкин. Мисоллар келтирамыз:

1. Ўқувчилар бир тупдан 2 кг, иккинчи тупдан эса ундан 1 кг ортиқ помидор теришди. Ўқувчилар иккинчи тупдан неча килограмм помидор теришган?

2. Ўқувчилар бир тупдан 2 кг, иккинчи тупдан эса ундан 1 кг кам помидор теришди. Ўқувчилар иккинчи тупдан неча килограмм помидор теришган?

3. Ўқувчилар бир тупдан 2 кг, иккинчи тупдан эса 1 кг помидор теришди. Ўқувчилар иккала тупдан неча килограмм помидор теришган?

4. Ўқувчилар бир тупдан 2 кг, иккинчи тупдан эса 1 кг помидор теришди. Ўқувчилар биринчи тупдан иккинчи тупга қараганда неча килограмм ортиқ помидор теришган?

Ўқитувчи ўқувчиларга бир қатор шундай масалаларни кўрсатишни талаб қилади ёки ўқувчига бирор масалани таклиф қилиб, бу масала ечиладиган амалнигина кўрсатишни (жавобни ёзишни талаб қилмай) талаб қилади. Ўқувчиларнинг диққат-эътибори масалаларнинг биринчи жуфтида саволлар бир хил бўлишига қарамай, улар ҳар хил амаллар билан ечилишига, шартлари ҳар хил эканлигига қаратилади. Масалаларнинг кейинги жуфтида саволлар ҳар хил, шунинг учун улар ҳар хил амаллар билан ечилади. Демак, амал танлаш масаланинг саволи билан ҳам, шарт билан ҳам белгиланар экан.

Ўқувчиларга келтирилган масалалардан, масалан, биринчи саволсиз бериш ва ўқувчилардан мумкин бўлган барча саволларни тузишни талаб қилиш мумкин.

Болаларнинг эътиборини саволга тортадиган ҳолатларни топиш йўли билан ҳам уларда масала шартини тўла анализ қила олиш малакасини ҳосил қилиш мумкин. Мисоллар келтирамыз:

1. Лоланинг пули қанча бўлди? Унинг 500 сўм пули бор эди, онаси унга яна 200 сўм берди.

2. а) Ботирда 3 та, Озодада 5 та олма бор. Болаларнинг бувисида нечта олма бор? б) ҳовлида 4 та ўғил бола ўйнаётган эди. Уларга яна 3 та қиз бола келиб қўшилди. Ҳовлида нечта қиз бола ўйнай бошлади?

Биринчи масалада болалар нима берилгани ва нимани аниқлаш кераклигини топишда қийналишади, чунки берилганлар билан масаланинг саволи ўрин алмашиб қолган.

Иккинчи масалалар ҳазил масалалардир. Бунда болаларнинг бутун эътибори масала саволига қаратилиши керак.

Ўқитувчи ўз синфининг ўқувчилари содда масала шартини анализ қилиши ва шу асосда амал танлаш малакасини эгаллаб олганликларига ишонч ҳосил қилганидан кейин мураккаб масалаларга ўтиши мумкин. Биринчи қадамдан бошлабоқ ўқувчи олдида қўйилган масаладаги янгилик нимадан иборат эканини «сездириб» қўйиш керак, янги шартларни ўқувчиларга таниш бўлган шартлардан кескин ажратиб, уни қийинчиликка дучор қилиш керак. Содда масалаларни ечишда ўқувчилар қайси сонли маълумотларни бир-бирига мос қўйишни ўйлашмасди, чунки масала шартдаги шу иккита берилганни солиштириш керак бўлади. Ўқувчилар мураккаб масалаларни ечишда ҳам шундай йўл-йўриқлардан фойдаланишлари табиийдир. Демак, ўқитувчининг мақсади, энг олдин масала матнида бўлмаган қўшимча маълумотни топиш зарурати ўқувчилар учун тушунарли бўладиган шароитни яратишдан ва шундай қилиб, уларнинг масалани бир амал билан бирданига ечиш табиий импульсларини ушлаб қолиш, тўсқинлик қилиш керак. Дарслик бундай тайёргарликни анча осонлаштиради. Масалан, 10 ичида амаллар бажаришни мустақамлашда ва иккинчи ўнлик ичида номерлашни ўрганишда қуйидагича тайёргарлик машқлари киритилади:

1. Циркда 2 та шер ва 4 та йўлбарс ўйнади. Бу шарт бўйича нимани билиш мумкин?

2. Фарход пластилиндан 3 та катта ва бир нечта кичик филчалар ясади. Фарход нечта филча ясаган?

3. а) 5 та қизил ва 4 та оқ атиргул узилди. Қанча атиргул узилган?
б) 9 та атиргул бор эди. 3 та атиргул сотилди. Нечта атиргул қолди?
4. $5 + (5 - 3)$; $(6 + 2) - 3$ ва ҳоказо.

Биринчи масала саволи ифодаланмаган масаладир. Иккинчи масала шартини етишмаётган сон билан тўлдириш керак. Бунда етишмаётган сонни ўқувчиларнинг ўзлари танлашади ва масалани ечишади.

3-топширикда масалалар «занжири» берилган. Биринчи масаланинг изланаётган сони иккинчи масала шартига маълум сон сифатида киради. Бундай масалалар жуфтини ечиш натижасида ўқувчилар уларни ўзаро боғланган биринчи масаланинг жавоби иккинчи масаланинг берилганларидан бири бўлиб хизмат қиладиган масалалар сифатида қарашга ўргатилади.

Мураккаб масалаларни ечишдан олдин 4-топширикда ифодаларни махсус қараш керак. Ўқувчилар бундай ифодаларни ўқиш, ёзиш ва қийматларини ҳисоблашни ўрганадилар.

Биринчи дарсдан бошлаб, ҳар хил тузилган мураккаб масалаларни (олдин ҳар хил, кейин бир хил амалларни ўз ичига олган ёки олдин бир хил амалларни, сўнгра ҳар хил амалларни ўз ичига олган) ечиш билан бир қаторда ўқувчиларда мураккаб масалани содда масалалардан фарқ қила олиш малакасини ҳосил қилишга махсус йўналтирилган машқларни бажариш керак. Шу мақсадда ўқувчиларга яқин мазмунли бири мураккаб, бири содда бўлган масалалар жуфтини бериш керак. Бундай масалалар янги дарсликларда кўплаб берилган. Биринчи синф дарслигидан бундай масалаларга мисоллар келтирамиз.

1. Мактаб боғига 30 туп олма, ундан 10 туп ортиқ ўрик кўчати ўтказилди. Неча туп ўрик кўчати ўтказилган?

2. Мактаб боғига 30 туп олма, ундан 10 туп ортиқ ўрик кўчати ўтказилди. Ҳаммаси бўлиб боғда қанча кўчат ўтказилган?

Ўқувчиларнинг тушуниш марказида янги масаланинг муҳокама хусусияти тармоғи учун, баъзан бу масалаларни ечиш учун эмас, балки болалар масала бирданига бир амал билан етилишини ёки

ечимаслигини, ечиш учун иккита амал кераклигини аниқлай олишлари учун берилиши керак.

Бошланғич математика дарсликларида шундай масалалар борки, уларда 3 та ва ундан ортиқ сонли маълумотлар бўлиб, бу маълумотларнинг биронтаси ҳам такрор ишлатилмайди. Бундай масалалар ўқувчилардан бор маълумотлардан иккитасини танлашни талаб қилади. Бир неча берилганнинг бўлиши ўқувчиларнинг хато мос келтиришларига – «сохта синтез» қилишларига шароит яратади. Бундан қутулиш учун масала шартдаги сонли маълумотларнинг жойлашиш тартибини ўзгартириш ва келтирилган масалалар (ечилишининг тартиби, сонли маълумотларнинг жойлашиш тартиби билан бир хил масалалар) билан бир қаторда, болаларга ечиш учун келтирилмаган (юқоридаги мослик йўқ) масалаларни ҳам бериш муҳимдир. Мисоллар келтирамиз:

1. Боғбон бозорга 50 кг мева жўнатди. Катта яшикка 20 кг олма, бир нечта кичик яшикка 5 кг дан узум жойланди. Узум жойланган яшиклар нечта бўлган?

$$(50 - 20) : 5 = 30 : 5 = 6 \text{ (та яшик).}$$

2. Боғбон бозорга 20 кг олма ва ҳар бирида 5 кг дан узум бўлган бир неча яшик узум жўнатди. Ҳаммаси бўлиб 50 кг мева жўнатилди. Узумли яшиклар нечта бўлган?

Биринчи масала келтирилган масаладир. Бу масалани осонлик билан келтирилмаган масала қилиш мумкин, бунинг учун унинг шартини 2-масалада қилинганидек ўзгартириш керак.

Масаланинг бундай ифодаланишида баъзи ўқувчиларда ёнма-ён турган сонларни келтириш тенденцияси пайдо бўлади. Масалан, улар 2-масалани ечишда, $20 : 5 = \text{ёки } 50 : 5 = \text{деб олишлари мумкин. Бундай хатолар масаланинг анализи жуда паст даражада бажарилганлигидан дарак беради. Бундай хатоларга йўл қўймаслик учун келтирилган масалаларни келтирилмаган масалалар билан тизимли равишда алмаштириб бериш муҳимдир.}$

Масала шартини анализ қилиш малакасини ҳосил қилиш учун сонли маълумотларни рақамлар билан ёзиш шаклида эмас, балки сўзлар билан ёзиш ҳам муҳимдир. Бу ўқувчиларни масала матнини ҳар гал ўйлаб кўришга ва рақамлар билан ёзилган сонларни бир-

бирига мос келтириш билан соф ташқи таъсирларга амал қилмасликка мажбур қилади.

Мураккаб масалалар шартларини анализ қилиш малакасини шакллантириш мақсадларига сонли маълумотлар етишмайдиган ёки сонли маълумотлар ортиқча бўлган масалалар ҳам хизмат қилади. Биз юқорида маълумотлари етишмайдиган содда масалаларни кўрган эдик. Қуйида маълумотлари ортиқча бўлган масалаларга мисоллар келтирамиз:

«Фермер хўжалигида ишчилар биринчи куни 40 қоп, иккинчи куни биринчи кундагидан 10 қоп ортиқ картошка йиғишди. Учинчи куни эса 35 қоп картошка йиғишди. Уч кунда ҳаммаси бўлиб 120 қоп картошка йиғишди. Ишчилар уч кунда ҳаммаси бўлиб қанча картошка йиғишган?».

Ўқувчиларга бу масала бўйича бериш мумкин бўлган саволлар:

1) Масалада бирор муҳим нарсани сезяпсизми? Нимани сездингиз? Масала шартини шундай ўзгартирингки, натижада ечиш учун зарур сонларнинг ўзи қолсин.

2) Агар масаланинг саволи «Ишчилар уч кунда неча қоп картошка йиғишган?» бўлса, масала шартида қайси сонлар қолиши керак?

3) Масаланинг шартини шундай ўзгартирингки, натижада унга қуйидагича савол қўйиш мумкин бўлсин: «Ишчилар учинчи куни неча қоп картошка йиғишган?»

Бошланғич синфларда ҳар хил қизиқарли масалалардан фойдаланишнинг катта имкониятлари мавжуд, бу масалалар ўқувчилардан шартни анализ қилишчалик ечишни талаб қилмайди. Бундай масалага биттагина аниқ мисол келтирамиз, бу масалани ечиш учун ҳеч қандай ҳисоблашни бажариш талаб қилинмайди, шарт мазмунини мулоҳаза қилиб, ўйлаб кўриш етарли. «Икки яшиқда 60 кг узум бор эди. Бир яшиқдан иккинчисига 16 кг узум олиб солинди. Иккала яшиқдаги узум қанча бўлди?»

$$1) 60 - 16 = 44 \text{ (кг)}, \quad 2) 44 + 16 = 60 \text{ (кг)}.$$

Баъзи ўқувчилар бир яшиқдан олиб иккинчи яшиқка солинган узум ўша умумий 60 кг дан олинганлигини пайқамай ҳисоблашларни бажарадилар. Фикрлаётган ўқувчилар шарт билан чуқур танишган-

ларидан кейин ҳеч қандай ҳисоблашларни бажармай жавоб берадилар. Улар «60 кг ҳолида туради», «Ўзгармайди» – дейишади.

Масала шартини анализ қилиш малакасини ҳосил қилиш учун масала шартини алмаштиришга доир ишлар ҳам катта аҳамиятга эга. Бир масала устида ишлашни кузатамиз, уни қанча алмаштириш мумкинлигини кўрсатамиз:

«Мактаб боғида 12 туп олма ва ундан 3 туп ортиқ нок бор. Мактаб боғида неча туп дарахт бор?»

$$1) \text{ Ечилиши: } 12 + (12 + 3) = 27 \text{ (туп дарахт).}$$

Биринчи, иккинчи амалларни бажаришда нимани топганимизни аниқлаштирамиз ва алмаштириш устида ишлашга ўтамыз.

2) Агар ноклар олмалардан 3 туп кам бўлганда ечимни қандай ёзар эдик? $12 + (12 - 3) = 21$ (туп дарахт).


3) Масала бир амал билан ечилиши учун унга қандай савол қўйиш керак? Боғда неча туп нок бор? (Ечими қандай?) $(12 + 3 = 15$ туп д.).

4) Масалани шундай тузингки «... ортиқ» сўзи бош саволда бўлсин. («Боғда 12 туп олма ва 15 туп нок бор. Ноклар олмалардан қанча ортиқ?»).

5) Масалани шундай тузингки, «... кам» сўзи қатнашсин-у, масала қўйиш амали билан ечилсин. («Боғда 12 туп олма бор. Бу боғдаги ноклардан 3 туп кам. Боғда неча туп нок бор?»)

Ўқувчиларда масалаларни мустақил ечишнинг умумий методларини шакллантиришда график тасвирлар билан ишлашга катта ўрин ажратиш керак, яъни шартни анализ қилиш учун, ечиш усулини танлаш учун, жавобни текшириш учун ва бошқалар учун график тасвирлашдан кўпроқ фойдаланиш керак. Миқдорларни тасвирлашнинг график усулини онгли ўзлаштириш масаланинг яширин математик боғланишларини равшанлаштиришда ўқувчига ёрдам беради. Бу боғланишларни график тасвирлаш ўқувчига масаланинг ечилиш амалини нотўғри танлаш ёки бу амаллардан бирини тушириб қолдириш каби қўпол хатолардан сақланишга (ёки бу хатоларни тузатишга) ёрдам беради. Мисол учун бундай масалани қараб чиқамиз:

«Бир токчада 8 та, иккинчи токчада эса ундан 3 та ортиқ китоб бор. Иккала токчада биргаликда неча китоб бор?»



Ечилиши: $8 + (8 + 3) = 19$ (та китоб).

Дарсларда кузатиш олиб боришимиз характерли нарсa шундан иборат эканини кўрсатдики, график моделни тўғри ясаган ўқувчилар иккала амални ҳам тўғри танлашган, график моделни ясашда хато қилган баъзи ўқувчилар кўшишни (1-амал) бажариб, чиққан натижани узил-кесил жавоб деб ҳисоблашди, бошқача айтганда, агар масаланинг шартини график жиҳатдан тўғри тасвирланса, бу тасвир ечимнинг ўзини топишда, хатоларнинг олдини олишда кўрғазмалли график бўлар экан.

Юқорида ўқувчиларда масалалар ечиш малакасини ҳосил қилишга йўналтирилган бир қатор (мумкин бўлганларининг ҳаммаси эмас, албатта) усулларини кўриб ўтдик. Ўқувчилар риоя қилишлари керак бўлган умумий қоидаларни эгаллаб олишлари ҳам бундан кам аҳамиятга эга эмас.

Масалалар ечишда ўқувчилар риоя қилишлари керак бўлган қоидалар тўпламидан иборат қуйидаги топшириқларни келтираемиз:

1. Масалани ўқи ва масалада нима ҳақида гап бораётганини тасаввур қилиб кўр.
2. Масалани қисқа ёз ёки унинг чизмасини бажар.
3. Ҳар қайси сон нимани кўрсатишини тушунтир ва масаланинг саволини айт.
4. Ўйлаб кўрчи, масаланинг саволига бирданига жавоб бериб бўладими? Агар бўлмаса, нега? Олдин нимани ва кейин нимани билиш мумкин? Ечиш режасини туз.
5. Ўйлаб кўрчи, жавобда қандай сон чиқади, у масалада берилган сондан катта бўладими ёки кичик бўладими?
6. Ечишни бажар.
7. Ечимни текшир ва масала саволига жавоб бер.
8. Жавобда катта ёки кичик сон чиқиши мумкин эдими, шунини ўйлаб кўр. Қандай шартларда бундай бўлиши мумкин эди?

Топшириқлар карточкаларга ёзилиб, ўқувчиларга тарқатилади. Бундай карточка-топшириқлар билан ишлашда маълум босқичларни назарда тутмоқ керак:

I босқичда ўқувчилар алоҳида бир топшириқнинг мазмунини тушуниб, ўзлаштириб олишлари ва уларни бажаришни ўрганишлари керак.

II босқичда (2-синф, ўқув йилининг боши) ўқувчилар топшириқлар тўплами билан танишадилар ва улардан масалалар ечишда фойдаланишни ўрганадилар. Ҳар бир масала устида ишлашда, тахминан 6–10 дарс давомида, ҳар бир топшириқни бир ўқувчи овоз чиқариб ўқийди ва бу топшириқлар бажарилаётганда ҳам мулоҳазалар овоз чиқариб юритилади.

III босқичда масалалар ечишда ўқувчилар топшириқлар тўпламидан мустақил фойдаланишлари керак. Шу мақсадда кетма-кет 10–15 дарс давомида масалалар ечишда ўқувчилар карточка-топшириқлардан фойдаланишни давом эттиришади, топшириқни овоз чиқармай ўқишади, мулоҳаза эса овоз чиқариб юритилади. Бундай иш натижасида ўқувчилар топшириқлар тўпламини ихтиёрсиз эгаллаб оладилар.

IV босқичда ўқувчиларда масалалар устида топшириқлар тўпламига мос равишда ишлаш малакаси таркиб топади. Бу босқичда карточка болаларга керак бўлмай қолади, чунки энди бутун топшириқлар тўпламини болалар шу даражада ўзлаштириб олган бўладиларки, уларга амал қилиб мулоҳазаларни тез, овоз чиқармай олиб борадилар.

Шуни унутмаслик керакки, ўқувчиларнинг ҳаммаси ҳам бу методни бир вақтда ўзлаштириб олмайди: агар бир хил ўқувчилар учун карточкалар билан бир ой ишлаш етарли бўлса, баъзи ўқувчилар учун 2–3 ой ишлаш лозим бўлади. Бундай ўқувчиларга карточка-топшириқлардан фойдаланишни тақиқламаслик керак.

Хулоса қилиб шунини айтиш керакки, ўқувчилар амалларни қўллашга доир хатолардан ташқари ҳисоблаш характеридаги хатоларга ҳам йўл қўядилар. Бу камчилик кўшиш ва кўпайтириш амалларини, шунингдек, ҳисоблаш усулларини пухта ўрганишни тақозо этади.

МАТЕМАТИКАНИ ЎҚИТИШДА ИНДУКЦИЯ ВА ДЕДУКЦИЯ МЕТОДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Бошланғич синф математика курси математика фанининг таркибий қисми бўлиб, мазмуни – сонлар ва улар устида амаллар, миқдорлар орасидаги муносабатлар, ҳисоблаш кўникмалари ҳосил қилинишида миқдорларни таққослаш, миқдорлар орасидаги боғланишларни умумлаштириш мисол ва масалалар ечиш орқали ёритилиб борилади.

Дастур мазмунини очиб беришда тўғри ва тесқари жараёнлар (амаллар) ва улар компоненталари натижаси, бир-бири билан боғлиқ бўлган тушунчалар, кетма-кетликка риоя қилинган ҳолдаги умумлаштиришлар ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мослаштирилган ҳолда тақсимланган.

Ўзлаштирилган билимларни амалда татбиқ этишга ўргатиш ва ўқувчиларнинг билиш қобилиятларини ривожлантириш – таълим ва тарбияни узвий бирлаштириш, қуйи синфлардаги таълимотнинг дидактик принципларига таянган ҳолда олиб борилиши математика ўқитишнинг етакчи қондасидир.

Билим олиш жараёнида ўқувчиларнинг максимал фаоллигига эришиш, кузатувчанликни такомиллаштириш, ҳулосалар келтириб чиқариш ва уларни асослай олишга ўргатиш, олган билимларини турли татбиқий мисол ва масалаларни ҳал этишга йўналтириш ҳамда мустақил фикр юритишга ўргатиш ишларида дастурда кўзда тутилган ўқитиш методларини тўғри йўлга қўйилиши муҳим роль ўйнайди.

Ўқитиш методларининг классификациясидан маълумки, ўқувчиларнинг фикри асосан индукция, дедукция ва аналогия йўллари билан ҳаракатланади. Бу методлар кўпгина фанларнинг ўқитилишига ҳос бўлиб, бошланғич синф математика курсини ўқитишда ҳам кенг қўлланилмоқда.

Ҳозирги замон математикасининг таркибий қисмини ўрганишда дастур билан ишлаш – ўқитишнинг ҳар бир босқичида ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, материални ўрганишнинг индуктив йўлидан фойдаланиш билан бир вақтда, дедуктив йўлидан ҳам фойдаланишни тақозо қилади. Чунки дастурда ўқувчилар фақат маълум кўникма ҳосил қилибгина қолмасдан, балки мантиқий

фикрлаш натижасида маълум бир ҳулосалар чиқаришга, уни амалда татбиқ этишга ёшлигидан ўрганиши, сўнгра бу методлар йиллар давомида мустаҳкамланиб боришининг муҳимлиги ҳисобга олинади.

Болаларнинг билиш қобилиятларини, тафаккур, хотира, диққат, ижодий тасаввур қилиш, кузатувчанлик хусусиятларини ривожлантиришда, аниқ, равшан ва фикрларни тўғри баён қилиб бериш санъатига ўргатишда бошланғич синф ўқитувчиларининг энг яхши иш тажрибаларидан фойдаланиш билан бир қаторда, ўқитишнинг методларини мукамаллаштиришдан самарали фойдаланиш мумкин. Бу борада, билим беришда ўқувчиларнинг фикрларини йўналтиришнинг индукция ва дедукция методларидан фойдаланиш қўтилган самарали натижаларга олиб келади. Бу методлар бир-биридан ҳулосалар чиқариш хусусиятлари билан фарқ қилади.

Ўқувчи фикрининг «хусусийдан – умумийга», «мулоҳазалардан – ҳулосаларга» йўналиши билиш жараёнининг индуктив методи ҳисобланади. Бу методдан фойдаланиш учун, ўқитувчи маълум қонуният ёки қондага келтирадиган мисоллар, масалалар, кўргазмали материалларни кунт билан танлаб олади. Натижада ўқувчини индуктив фикрлашга йўналтиради, ҳулосалар, қондалар келтириб чиқаради. Бу ҳулосалар мантиқий асосланиб, ўқувчига фикрлашнинг дедуктив йўлини кўрсатади.

Ўқувчи фикрининг «умумий қонунлардан хусусий ҳулосаларга», «ҳулосалардан аниқ мисолларга» ўтиши билиш жараёнининг дедуктив методи ҳисобланади. Бу метод умумий қонунлардан янги билим берувчи хусусий қондаларни келтириб чиқаришда фойдаланилади. Ўқитувчининг бу ердаги вазифаси ўқувчиларни умумий ҳулосанинг айрим хусусиятларини очиб берувчи саволлар бериш билан индуктив фикрлашга йўналтиришдан иборатдир. Ўқувчилар айрим қонуниятларнинг маълум хоссаларини, элементларини тушуниб олганларидан кейин бу жараёни мустақил давом эттирадилар. Масалан: Қўшилувчилар ўрнининг алмашилишидан йиғинди ўзгармайди (дедуктив ҳулоса).

$$\begin{array}{l} 5 + 3 = 3 + 5; \quad 14 + 7 = 7 + 14; \dots \text{ (индуктив ҳулосалар)} \\ 8 = 8; \quad 21 = 21. \end{array}$$

Куйида Сурхондарё вилояти Термиз тумани 25-умумий ўрта таълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчилари ўз иш тажрибаларида бу методларни қандай қўллаганликлари билан танишиб чиқамиз.

Барчага маълумки, ёш болалар 1-синфга келгунга қадар атрофдаги нарсаларни турли белгилари, хусусиятларига кўра таққослайдилар. Таққослай олмаган, тушуниб етмаган томонларини ўта қизиқувчанлик билан катталардан сўраб, билиб оладилар. Шу сабабли нарсалар орасидаги фарқларни, миқдорий муносабатларни, сонли муносабатларни қисқача изоҳлашга қодир бўладилар. Аммо бу якунлар, изоҳлар ҳаммаси ўзларидаги сўз бойлиги билан ифодаланган бўлади. Жумладан, математик миқдорий таққослаш, умумлаштириш, изоҳларни аниқ сифатловчи-характерловчи сўзлар орқали баён этадилар.

Масалан, қанча, шунча, кўп-оз, оғир-енгил, бир хил, ҳар хил каби жумлаларни жуда кўп ишлатадилар. Лекин бу жумлалар математик маънога эга бўлган фан тилидаги терминлар, айтилишига мос символлар, белгилар киритиш учун қулайроқ маънога кўчирилса, ўқитиш ишларида бирмунча қулайлик туғдиради. Бу ерда «тенг», «тенг эмас», «катта», «кичик» терминларини ўрганиш, белгиларини мантиқан амалий асосда қабул қилиниши методига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Дарсда ўқитувчи олдиндан ўқувчиларга таниш бўлган кубиклар, шарчалар ва бошқа шунга ўхшаш сонли таққослаш мумкин бўлган предметларнинг айримларидан ҳамда дарсликдаги шакллардан фойдаланади. Шу нарсалар асосида куйидаги мазмунда кўргазмалар суҳбат уюштиради. Даставвал, ўқувчилар эътиборини предметларга қаратиб, булар ҳақида нималарни ҳикоя қилиш мумкинлигини сўрайди. Ўқувчилар навбат билан, аввало, нарсаларнинг номларини, сўнгра, улар орасидаги айрим муносабатларнинг («кўп», «оз», «бир хил», «ҳар хил») сонини ва ҳоказоларни айтадилар.

Ўқитувчи қониқарли жавоб олгандан сўнг, болалардан синфдаги қандайдир белгиси билан мос келадиган нарсаларнинг номини айтишларини сўрайди. Болалар қизиқувчанлик билан куйидагиларни айтадилар: «Қизил кубиклар билан сариқ кубикларнинг сони

бир хил». «Яшил кубиклар қизил кубиклардан кўп». «Шариклар кубикларга қараганда оз» ва ҳоказо.

Ўқитувчи юқоридаги жавобларни маъқуллаб камчиликларни тўлдириб, қўшимча саволлар ёрдамида, маълум белгилари мос келган предметларнинг сонини «тенг» ёки «тенг эмас» деб аталишини маълум қилади. Бу жумлалар «бир хил», «ҳар хил» сўзларига ўхшаш эканини таъкидлайди. Сўнгра эътиборни математика дарслигидан мавзуга доир саҳифани очишга ва расмдаги ҳайвонлар сонини таққослашга қаратади. Ўқувчилар навбат билан «биринчи ва иккинчи қатордагилар тенг эмас», «учинчи қатордагилар тенг» эканлигини айтадилар.

Юқоридаги индуктив методда олиб борилган суҳбатли машқлардан сўнг ўқитувчи предметларни таққослашда махсус « $=$ » – «тенг», « $\neq$ » – «тенг эмас» муносабатларининг киритилиши зарурлигини уқтиради. У « $\neq$ » – тенг эмас муносабати, баъзан « $<$ » – «кичик», баъзан « $>$ » – «катта» деб характерланиши мумкинлигини алоҳида тушунтиргандан сўнг куйидаги дедуктив хулосаларга тўхталади (ўша расмга қаранг):

$1 < 2$ Ёзувларни доскада ёки «жадвал-халтача»да

$2 > 1$ ҳосил қилади, сўнгра ўқилишини тушунтиради.

$2 = 2$

Ўқувчилар ҳам ўзларининг «жадвал-халтача»ларида шу ёзувни ҳосил қиладилар. Бу ерда «жадвал-халтача», рақамлар, белгилар олдиндан тайёрлаб қўйилиши алоҳида аҳамиятга эга.

Юқорида олиб борилган дарс аниқ нарсаларнинг ҳар бирида алоҳида тўхталиб изоҳлашлар – аниқ индуктив хулосалар бўлиб, « $<$ », « $=$ », « $>$ » белгиларининг киритилиши эса абстракт дедуктив фикрлашга олиб келади. Шу усул билан ўқувчилар нарсаларни бир-бири билан сонли таққослашга, мантиқий фикрлашга, бу фикрларни асослай олишга ўргатилади. Нарсаларнинг таққосланишини кенгроқ таҳлил этишга одатланиб бориш ҳамда белгилар ва символлар киритилиши билан ўқитишнинг дастлабки кунларидаёқ танишиб борадилар.

Хусусий нарсаларни таққослаш индуктив хулосаларга ўтиш ҳамда дедуктив якунларга келиш яхши ўзлаштирилгандан кейингина таққослашлар схемали расмларга абстракт кўчирилади. Сўнгра

рақамлар, нарсалар ўрнига $\square$, Δ белгилари қўйилганда ҳам, абстракт тафаккурнинг « $<$, $=$, $>$ » муносабатлари қўйилганда ҳам дедуктив фикрлардан индуктив хулосаларга эркин ўтадиган бўладилар. Натижада, $\square = 5$; $\square < 3$; $\square > 7$ каби мисолларни тўғри ҳал қила оладилар.

Дедуктив фикрлар бир неча хусусий хулосаларнинг умумийси бўлгани учун ўқувчиларни ўйлашга, айрим хулосаларни топгандан кейин иштиёқ билан изланишга мажбур этади.

Дедуктив фикрлаш методининг бошланғич синф математикаси курсида қўлланилишига типик мисол сифатида арифметик амаллар хоссаларининг ўргатилиш усулини келтириш мумкин.

Арифметик амалларнинг йиғиндидан сонни айириш, сондан йиғиндини айириш каби бир нечта хоссаси мавжуд. Қуйида эслатиб ўтилган ўқитувчиларнинг иш тажрибасида йиғиндидан сонни айириш усуллари ўрганишда дедукция методининг қўлланилиши билан танишиб чиқамиз. $(8 + 5) - 3$ каби мисоллар дарсликда аквариумдаги балиқчаларни тутиб олишнинг учала усулини кўрсатиш билан кўргазмани асосда ҳисобланади. Ҳар бир усулда ҳам айирманинг натижаси бир хил бўлади:

$$(8 + 5) - 3 = 13 - 3 = 10$$

$$(8 + 5) - 3 = (8 - 3) + 5 = 5 + 5 = 10$$

$$(8 + 5) - 3 = 8 + (5 - 3) = 8 + 2 = 10$$

Ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолдаги бу ҳисоблашларнинг ҳар биридан айрим-айрим дедуктив хулосалар келиб чиқади:

а) йиғиндидан сонни айириш учун аввал йиғиндини ҳисоблаб, сўнгра ундан сонни айириш керак;

б) биринчи қўшилувчидан сонни айириб, айирмага иккинчи қўшилувчини қўшиш керак;

в) иккинчи қўшилувчидан сонни айириб, биринчи қўшилувчига айирмани қўшиш керак.

Демак, кўргазмани мисол ҳамда суҳбат орқали амалнинг бу хоссаси учун юқоридаги учта алоҳида-алоҳида келтириш мумкин бўлган дедуктив хулосаларга келдик. Келгусида бу усулларнинг қўлланилиши дедуктив хулосадан индуктив хулосаларга ўтиш жараёни ҳисобланади. Бу хулосалар фақат хотирада хаёлан тасаввур қилинади, юқори синфларда ўқувчидан унинг изоҳи талаб қилинади.

Юқорида келтириб чиқарилган дедуктив хулоса бир неча машқларда мустаҳкамлангандан кейин, бу метод бевосита хусусий мисолларда қўлланилиши мумкин, яъни:

$$45 - 3 = (40 + 5) - 3 = 40 + (5 - 3) = 40 + 2 = 42 \quad \text{ва ҳоказо.}$$

Кўп хонали сонлар учун: $(37 + 29) - 7$ ва $146 - 23$ кўринишдаги мисолларни ҳисоблашда ва ҳоказоларда қўлланилиши мумкин. Чунки $(146 - 23)$ айирмани

$$146 - 23 = (100 + 46) - 23 = 100 + (46 - 23) = 100 + 23 = 123$$

кўринишга келтириб ҳисоблаш ҳам мумкин.

Бу ерда бевосита сондан сонни айиришда камаювчини йиғиндига келтириб, сўнгра юқоридаги дедуктив хулосалардан бирортаси қўлланилиб, индуктив хулоса келтириб чиқарилади.

Бу методлар масалалар ечишда ҳам кенг қўлланилади. Масалалар ечишда ўқувчилар фаоллигини ошириш мақсадида масаладаги номаълумларни топиш учун мантикий анализ қилиш берилган схема, шаклларни таҳлил қилиш ҳамда арифметик амалларни бажариш – кўзланган мақсадга эришишнинг асосий босқичлари ҳисобланади. Босқичлар қуйидаги тартибда олиб борилади:

Ўқитувчи аввал ўқувчилар иштирокида масала мазмунини таҳлил этади. Ўқувчиларни индуктив фикрлашга тайёрлайди, саволлар ёрдамида фикрлаш йўллари аниқлайди. Сўнгра қобилиятлироқ ўқувчилар, кейинроқ барча синф бунга жалб этилади. Бундай қилишдан мақсад, фақат масалани ечишга ўргатиш эмас, балки анализ қилиш ҳамда керакли схемаларни тузишга ўргатиш, сўнгра масалани ечиш кўзда тутилади. Маълум кўникма ҳосил қилингандан кейин, фақат тайёр масалаларни ечибгина қолмасдан, ўқувчиларнинг ўзлари ҳам янги масалаларни тузадиган бўлишлари муҳим аҳамиятга эга.

Масаланинг мазмунини таҳлил этишда ундаги нарсалар муносабатининг математик таҳлил натижасида тафаккурда тикланиши, миқдорлар муносабатининг тартибланган схемасининг тузилиши – индуктив фаолият маҳсулининг дастлабки босқичи ҳисобланади. Сўнгги босқичда ўқувчилар масала шарт ёрдамида изланаётган номаълумни аниқлаш мумкин эканлигини фаҳмлаганларидан кейин уни қисқача гапириб берадилар.

Ўқувчилар нарсаларнинг вазиятини тасаввур қилганларидан кейин, масаладаги саволга жавоб топилиши учун ундаги шартнинг етарли ёки етарли эмаслигини ажрата олишлари керак. Бунинг учун ҳар бир масаладаги саволнинг ўзгартирилиши масала шартини қаноатлантириш ёки қаноатлантирмаслигини ва аксинча, ўринлими ёки ўринли эмаслигини ажратиб олишлари керак. Шундан сўнг, ўқувчилар ҳар қандай масалада камида иккита шарт бўлгандагина ундаги саволга жавоб топиш мумкин, деган дедуктив хулосага келадилар. Шу билан биргаликда, бу шартлар саволга боғлиқ ҳамда берилганлар етарли бўлгандагина масаладаги саволга жавоб топиш мумкинлиги яна битта умумий хулоса қилинади.

Демак, ҳар бир масалада нарсалар вазиятининг тикланиши, шарт ва саволларнинг ажратилиши, шартни қўйилган саволга жавоб топилиши учун етарли ёки етарли эмаслигининг аниқланиши бир вақтда тизимли олиб борилади. Шундай ишлар бажарилгандан кейингина маълум типдаги масалани ечиш учун умумий усул – асосий дедуктив хулоса келтириб чиқарилади. Худди шу метод ўқитувчилар иш тажрибасида яхши натижа берди. Шу тажрибадан намуналар келтирамыз:

1-масала. Синглиси 7 ёшда, акаси ундан 2 ёш катта. Акаси неча ёшда? Бу масаладаги номаълум ўқувчилар тасавбурида акасининг 2 ёш катталиги. Бу номаълумни топиш учун $(7 + 2)$ йиғиндини ҳисоблаш кераклигини тушунтириш, ўқувчиларни умумий хулосага олиб келишдан иборатдир. «...та ортиқ», «...та катта» сифатловчи муносабатлар ишлатилганда, албатта, қўшиш амалини бажариб, сўнгра изланган номаълумни топиш мумкин, деган дедуктив хулоса ўқувчилар онгида ҳосил қилинади. Бу хулосадан келгусида, худди шу типдаги масалаларни ечишда фойдаланиб (қўшишни қўллаб), изланган номаълумни аниқлашлари дедуктив хулосадан индуктив хулосаларга ўтишдан иборат. Орадан бирмунча вақт ўтгандан сўнг шу типдаги, лекин мазмуни ўзгартирилган масалани ечиш тавсия этилди.

2-масала. Каримнинг 6 та китоби бор эди. Туғилган кунда унга яна 4 та китоб совға қилишди. Каримнинг китоблари неча бўлди?

Бу масалани ечишда ўқувчилар юқоридаги дедуктив хулосага асосланишлари керак эди. (Каримнинг китоблари сони ортди. Демак,

бу ерда изланган сон – номаълумни қўшиш амалини қўллаш орқали аниқлаш керак.) Шундай аниқ хулосага келиб, ўқувчиларнинг ўзлари масалани мустақил ечдилар $(6 + 4 = 10)$.

Биз бунда содда масалаларни ечиш орқали сонни **бир нечта** орттириш (қўшиш) амалининг дедуктив асосининг эгалланиши билан танишиб чиқдик. Бу методни II–III–IV синфларда ҳам қўллаб яхши натижаларга эришиш мумкинлигини кўриб **чиқамиз**.

3-масала. Ўқувчи аввал 3 та дафтар, сўнгра яна худди шундай дафтардан 2 та олиб ҳамма дафтарлар учун 1000 сўм тўлади. Ўқувчи ҳар гал қанча тўлаган?

Масала дастлаб тавсия этилган талаб бўйича, таҳлил этилгандан кейин, дафтарлар сони $3 + 2 = 5$ (дафтар) ва 1 та дафтарнинг нархи

$$1000 : 5 = 200 \text{ (сўм) топилгач, ҳар гал кетган пулни}$$

$$3 \cdot 200 = 600 \text{ (сўм)}$$

$$2 \cdot 200 = 400 \text{ (сўм)}$$

кўринишда топилди. Бу масалани ечишнинг ягона, қулай усули деб дедуктив хулосага келинди. Дедуктив хулосанинг ҳар бир қадами сонни пропорционал қисмларга бўлиш эканлиги кўзга ташланади. Демак, бу масалани ечишда – сонни пропорционал қисмларга бўлиш-ни характерловчи дедуктив қўникма келтириб чиқарилади.

Ҳар қандай соннинг берилган сонларга нисбатан пропорционал қисмини топиш учун, шу сонни берилган сонларнинг йиғиндисига бўлиш, сўнгра бўлинмани ҳар бир берилган сонга кўпайтириш керак. Юқорида кўрилган типдаги масалаларнинг **бир нечтасини ечиб**, дедуктив хулоса мустаҳкамлангандан сўнг маълум вақт ўтгач, худди шу кўринишдаги, лекин мазмунида ҳаракат элементлари ишлатилган куйидаги масалалар тавсия этилади. Бундан мақсад **ўқувчиларни** юқоридаги дедуктив хулосани қандай тушунганликларини ҳамда хотираларида қай даражада сақлаганликларини аниқлаш эди.

4-масала. Велосипедчи бир хил тезлик билан 45 км масофани босиб ўтди. Бекатгача 3 соат, бекатдан кейин 2 соат йўл юрди. Велосипедчи бекатгача неча км, бекатдан кейин неча км йўл босган?

Масала таҳлил этилгач, умумий хулосага асосан:

$$\text{Масофа учун сарфланган вақт: } 3 + 2 = 5 \text{ (соат)}$$

$$\text{Велосипедчининг тезлиги: } 45 : 5 = 9 \text{ (км/соат)}$$

Ўқувчилар нарсаларнинг вазиятини тасаввур қилганларидан кейин, масаладаги саволга жавоб топилиши учун ундаги шартнинг етарли ёки етарли эмаслигини ажрата олишлари керак. Бунинг учун ҳар бир масаладаги саволнинг ўзгартирилиши масала шартини қаноатлантириш ёки қаноатлантирмаслигини ва аксинча, ўринлими ёки ўринли эмаслигини ажратиб олишлари керак. Шундан сўнг, ўқувчилар ҳар қандай масалада камида иккита шарт бўлгандагина ундаги саволга жавоб топиш мумкин, деган дедуктив хулосага келадилар. Шу билан биргаликда, бу шартлар саволга боғлиқ ҳамда берилганлар етарли бўлгандагина масаладаги саволга жавоб топиш мумкинлиги яна битта умумий хулоса қилинади.

Демак, ҳар бир масалада нарсалар вазиятининг тикланиши, шарт ва саволларнинг ажратилиши, шартни қўйилган саволга жавоб топилиши учун етарли ёки етарли эмаслигининг аниқланиши бир вақтда тизимли олиб борилади. Шундай ишлар бажарилгандан кейингина маълум типдаги масалани ечиш учун умумий усул – асосий дедуктив хулоса келтириб чиқарилади. Худди шу метод ўқитувчилар иш тажрибасида яхши натижа берди. Шу тажрибадан намуналар келтирамиз:

1-масала. Синглиси 7 ёшда, акаси ундан 2 ёш катта. Акаси неча ёшда? Бу масаладаги номаълум ўқувчилар тасавбурида акасининг 2 ёш катталиги. Бу номаълумни топиш учун $(7 + 2)$ йиғиндини ҳисоблаш кераклигини тушунтириш, ўқувчиларни умумий хулосага олиб келишдан иборатдир. «...та ортиқ», «...та катта» сифатловчи муносабатлар ишлатилганда, албатта, қўшиш амалини бажариб, сўнгра изланган номаълумни топиш мумкин, деган дедуктив хулоса ўқувчилар онгида ҳосил қилинади. Бу хулосадан келгусида, худди шу типдаги масалаларни ечишда фойдаланиб (қўшишни қўллаб), изланган номаълумни аниқлашлари дедуктив хулосадан индуктив хулосаларга ўтишдан иборат. Орадан бирмунча вақт ўтгандан сўнг шу типдаги, лекин мазмуни ўзгартирилган масалани ечиш тавсия этилди.

2-масала. Каримнинг 6 та китоби бор эди. Туғилган кунида унга яна 4 та китоб совға қилишди. Каримнинг китоблари нечта бўлди?

Бу масалани ечишда ўқувчилар юқоридаги дедуктив хулосага асосланишлари керак эди. (Каримнинг китоблари сони ортди. Демак,

бу ерда изланган сон – номаълумни қўшиш амалини қўллаш орқали аниқлаш керак.) Шундай аниқ хулосага келиб, ўқувчиларнинг ўзлари масалани мустақил ечдилар $(6 + 4 = 10)$.

Биз бунда содда масалаларни ечиш орқали сонни бир нечта орттириш (қўшиш) амалининг дедуктив асосининг эгалланиши билан танишиб чиқдик. Бу методни II–III–IV синфларда ҳам қўллаб яхши натижаларга эришиш мумкинлигини кўриб чиқамиз.

3-масала. Ўқувчи аввал 3 та дафтар, сўнгра яна худди шундай дафтардан 2 та олиб ҳамма дафтарлар учун 1000 сўм тўлади. Ўқувчи ҳар гал қанча тўлаган?

Масала дастлаб тавсия этилган талаб бўйича, таҳлил этилгандан кейин, дафтарлар сони $3 + 2 = 5$ (дафтар) ва 1 та дафтарнинг нархи

$$1000 : 5 = 200 \text{ (сўм) топилгач, ҳар гал кетган пулни}$$

$$3 \cdot 200 = 600 \text{ (сўм)}$$

$$2 \cdot 200 = 400 \text{ (сўм)}$$

кўринишда топилди. Бу масалани ечишнинг ягона, қулай усули деб дедуктив хулосага келинди. Дедуктив хулосанинг ҳар бир қадами сонни пропорционал қисмларга бўлиш эканлиги кўзга ташланади. Демак, бу масалани ечишда – сонни пропорционал қисмларга бўлишни характерловчи дедуктив кўникма келтириб чиқарилади.

Ҳар қандай соннинг берилган сонларга нисбатан пропорционал қисмини топиш учун, шу сонни берилган сонларнинг йиғиндисига бўлиш, сўнгра бўлинмани ҳар бир берилган сонга кўпайтириш керак. Юқорида кўрилган типдаги масалаларнинг бир нечтасини ечиб, дедуктив хулоса мустаҳкамлангандан сўнг маълум вақт ўтгач, худди шу кўринишдаги, лекин мазмунида ҳаракат элементлари ишлатилган қуйидаги масалалар тавсия этилади. Бундан мақсад ўқувчиларни юқоридаги дедуктив хулосани қандай тушунганликларини ҳамда хотираларида қай даражада сақлаганликларини аниқлаш эди.

4-масала. Велосипедчи бир хил тезлик билан 45 км масофани босиб ўтди. Бекатгача 3 соат, бекатдан кейин 2 соат йўл юрди. Велосипедчи бекатгача неча км, бекатдан кейин неча км йўл босган?

Масала таҳлил этилгач, умумий хулосага асосан:

$$\text{Масофа учун сарфланган вақт: } 3 + 2 = 5 \text{ (соат)}$$

$$\text{Велосипедчининг тезлиги: } 45 : 5 = 9 \text{ (км/соат)}$$

Бекатгача босилган масофа: $3 \cdot 9 = 27$ (км)

Бекатдан кейин босилган масофа: $2 \cdot 9 = 18$ (км)

Ўқувчилар юқоридагидек, аниқ қадамлар орқали изланаётган номаълумларни топадилар. Бу эса умумий хулосаларнинг – дедуктив хулосаларнинг қўлланилиш даври, дедукциядан – индукцияга ўтиш жараёни ҳисобланади.

Демак, масалалар ечишдаги келтирилиб чиқарилган дедуктив хулосалар маълум малака ва кўникма ҳосил қилинган (бир неча масалалар ечишда мустаҳкамланган) мос хусусиятлари типиклаштирилиб – индуктив фикрларнинг келиб чиқишида негиз бўлиб қолар экан. Худди шундай дедуктив хулосаларни келтириб чиқариш учун таҳлил этишда, хулосанинг ҳар бир қадами – индуктив қадамлар бўлиб ҳисобланади. Бунинг ўзи эса, индукция йўли билан вужудга келган кўникма, янги малака ҳосил қилишнинг дедуктив таянчи бўлиб қолади.

Юқоридаги методлардан дарсларда фойдаланиш ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятларини ўстиришга, хотирани мустаҳкамлашга, энг муҳими материалнинг онгли ўзлаштирилишига олиб келди.

Шундай қилиб, бошланғич синф математикасида янги материални ўрганишда индуктив метод қанча қўлланилса, дедуктив метод ҳам шунча қўлланилади. Кўп ҳолларда бир-бири билан боғланган ҳолда хусусий ҳоллардан (мисол ва масалалардан) умумий хулосаларга ва қоидаларга ўтишда, сўнгра умумий ҳолдан фикрлаш орқали бошқа хусусий асослар келтириб чиқаришда бу методлар етакчилик қилади. Ўқувчилар индуктив йўл билан айрим мисолларни ечишдан уларнинг муҳим томонларини ажратиш, типик қоидалар, хулосаларга келтирилади. Келгусида бошқа мисолларни, масалаларни ечаётганда унинг мазмунига қараб, хотирада сақланган қоидаларни ёдга олиб, натижада ҳисоблашнинг тўғри йўлини қўллайдилар. Индуктив йўл билан қабул қилинган билим, дедуктив ўзлаштириладиган билим учун асос бўлиб қолади. Шунинг учун кўп ҳолларда ўқитишнинг алоҳида индуктив ёки дедуктив методи ҳақида эмас, балки уларнинг биргаликда олиб борилиши, яъни индуктив-дедуктив ўқитиш методи тўғрисида сўз юритилади.

Умуман, ўқитиш жараёнида янги билим беришнинг қайси методи ҳақида сўз юритилмасин, уларнинг асосини – билиш жараёни

фаолиятининг фаоллигини оширувчи анализ, таққослаш, синтез, умумлаштириш ва абстрактлаш жараёнининг вужудга келиши ташкил этади.

Юқорида таҳлил этилган мисол ва масалаларда янги хулоса чиқариш учун шу жараёни анализ қилиш – унинг муҳим томонларини ажратиш, кузатилаётган асосларни таққослаш ва хусусиятларини ўқувчилар онгида қабул қилинганлари билан умумлаштирилади. Уларнинг моҳиятини ҳис этиш учун қисмларга ажратиш – синтезлаш ҳамда хулосанинг мазмунини тафаккур фаолияти воситасида абстрактлаш – барчаси, келтириб чиқариладиган хулосанинг шаклланишида муҳим роль ўйнаши яққол кўзга ташланади.

Демак, индуктив ва дедуктив фикрлашнинг асосида ётувчи барча умумлаштиришлар юқоридаги фикрлаш жараёнлари орқали ҳам барчаси боғлангандир. Шу сабабли, ўқитиш жараёнида ўқувчиларда маълум кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантиришга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқувчиларда кузатиш, таққослаш, маълум мақсадга кўра таҳлил этиш, умумлаштириш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирувчи махсус машқларни тизимли ташкил этиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

ТАБИАТШУНОСЛИК ДАРСЛАРИДА МУАММОЛИ ЎҚИТИШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Табиатни ўрганишга янгича ёндашиш махсус ўқув предмети – табиатшунослик билан боғлангандир. Бу предметнинг мақсади – ўқувчиларга табиат ҳақида зарур билимлар бериш, амалий кўникмаларни сингдириш, табиатга муҳаббат ва унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни тарбиялашдир. Бошланғич синфларда табиатшунослик фанини ўқитиш зарурлиги, қуйи синф ўқувчиларига таълим ва тарбия беришга томон тугилган йўлнинг ижобий таъсири каби амалиёт билан исботланган. Бироқ янги предметни ўқитишнинг ижобий томонлари унинг камчиликларини яшира олмайди.

Табиатшунослик табиат ҳақидаги бошланғич билимлар тизимининг умумлаштирилган курсидир. Бунда жонли ва жонсиз табиат ҳақидаги аниқлаштирилган билимлар умумлаштириб борилади ва

сабаб-натижа боғланишларининг йўл-йўриқлари ўқувчилар тушуна оладиган даражада қилиб белгиланади.

Мазкур ишда биз Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги энг илғор ўқитувчиларнинг табиатшунослик дарсларида муаммоли ўқитиш элементларини қўллаш борасидаги тажрибаларини умумлаштирамыз.

Шуни айтиб ўтиш керакки, кейинги вақтларда табиатшунослик дарсларида тайёр илмий билимларни ахборот тарикасида бериш ва уларни тушунтириш билан бирга билимларни муаммоли тарзда баён қилиш ҳам кўп қўлланилмоқда. Муаммоли ўқитиш ўқувчилар тафаккурини фаоллаштирувчи энг самарали амалий шартлардан бири сифатида, таълим-тарбия амалиётига татбиқ қилинганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.

Муаммоли таълим элементи мавжуд бўлган дарсларда ўқувчилар ўз билимларини амалда мустақил қўллаш усуллари эгаллаб олишлари учун уларга янги материални тушунтириш ҳамда машқлар учун масалалар ечиш тавсия қилинади. Билимни текширишда ҳам (уларнинг қанчалик пухта ва онгли ўзлаштирилганини аниқлаш мақсадида) масалалар қўлланилади. Бу амалдаги ўқитиш назариясига маълум ўзгаришлар киритади.

Кейинги йилларда муаммоли ўқитиш фақат Ўзбекистонда эмас, балки бошқа барча мамлакатларда ҳам олим-психологлар, дидактлар, методистлар, ижодий ишлайдиган ўқитувчиларни ўзига борган сари кўпроқ жалб қилмоқда. Муаммоли ўқитиш бўйича ўтказилган сўнги тадқиқотларда ўқитувчилар муаммоли ўқишнинг қуйидаги босқичлари тавсия этиляпти:

- 1) муаммо ҳолатини яратиш ва унинг таҳлили;
- 2) муаммони (ифодалаш) қўйиш;
- 3) муаммо ечимини топиш жараёни (олдинги билимларни фаоллаштириш ва янги гипотезалар бериш, энг тўғри гипотеза (фараз)ни танлаш ва унинг исботи);
- 4) муаммони ечиш;
- 5) ечимнинг тўғрилигини текшириш.

Дарсда муаммоли вазиятларни яратиш мураккаб дидактик вазифадир. Табиатшуносликнинг ҳар бир дарси ҳам муаммоли бўла олмайди, бўлиши шарт ҳам эмас.

Баъзи мактаб раҳбарлари ва методистлар ўқитувчидан дарсни фақат муаммоли методда олиб боришни талаб қиладилар. Муаммоли ўқитиш, агар у ишнинг кўзини билиб амалга оширилса, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини сезиларли фаоллаштириш имконини беради, бироқ унинг самарасини дарснинг мазмунида ҳақиқатдан ҳам билиш муаммоси мавжуд бўлгандагина кўриш мумкин. Муаммоли дарсларни ажратиш учун ўқитувчи дарс материални тўлиқ билибгина қолмай, уни пухта таҳлил қила олиши керак. Дастур материалнинг анализи ундан муаммоли вазиятларни ажратиш ва қўйилган муаммони ечишда ўқувчилар фаолиятининг барча йўналишларини олдиндан аниқлаб олишга йўл қўювчи методик воситаларни белгилашга имкон беради.

Муаммоли дарснинг асосий босқичи болаларда қўйилган муаммога қизиқиш уйғотадиган, билимлар тизимини эгаллаш учун унинг муҳимлигини кўрсата оладиган қилиб тузилади. Қизиқиш, ўз навбатида, ўқувчиларда янги билимларни эгаллашга эҳтиёж уйғотди. Эҳтиёж эса уларга дарс жараёнида берилган муаммони ечиш имконини беради.

Муаммоли дарснинг биринчи босқичи таркибида ўқитувчи учун бошқа, муҳим вазифа – болалар ўз олдиларига қўйилган вазифани қайси билимлар асосида ҳал қила олишларини ҳисобга олишдан иборат бўлади. Бундан ташқари, ўқитувчининг дарснинг бу босқичидаги иши ўқувчиларга муаммони ифодалашда ёрдам бериш ва уларнинг фаоллигини ўқув materiali билан тўғри ишлаш ҳамда ақлий фаолият усуллари танлашга йўналтиришдан иборат.

Ўқувчилар ўқитувчи томонидан йўналтирилаётган, вужудга келган муаммоли вазиятни таҳлил қиладилар, билиш вазифасини аниқлайдилар, уни ҳал қилиш учун ўз билимлари ва ҳаётий тажрибаларини сафарбар қиладилар.

Муаммоли дарснинг кейинги босқичлари – ўқувчиларнинг муаммони ҳал қилишдаги мустақил фаолиятларидир. Ўқувчиларнинг барча фаолиятлари ўқитувчи назорати остида бўлади.

Иزلаниш ишлари жараёнида, **кўпинча, умумий муаммо кичкина** масалаларга бўлиниб кетадики, уларнинг ҳар бири **ўқувчиларни** нарса ёки ҳодисанинг бирор муҳим томони устида кузатишлар олиб

сабаб-натижа боғланишларининг йўл-йўриқлари ўқувчилар тушуна оладиган даражада қилиб белгиланади.

Мазкур ишда биз Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги энг илғор ўқитувчиларнинг табиатшунослик дарсларида муаммоли ўқитиш элементларини қўллаш борасидаги тажрибаларини умумлаштирамиз.

Шуни айтиб ўтиш керакки, кейинги вақтларда табиатшунослик дарсларида тайёр илмий билимларни ахборот тариқасида бериш ва уларни тушунтириш билан бирга билимларни муаммоли тарзда баён қилиш ҳам кўп қўлланилмоқда. Муаммоли ўқитиш ўқувчилар тафаккурини фаоллаштирувчи энг самарали амалий шартлардан бири сифатида, таълим-тарбия амалиётига татбиқ қилинганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.

Муаммоли таълим элементи мавжуд бўлган дарсларда ўқувчилар ўз билимларини амалда мустақил қўллаш усулларини эгаллаб олишлари учун уларга янги материални тушунтириш ҳамда машқлар учун масалалар ечиш тавсия қилинади. Билимни текширишда ҳам (уларнинг қанчалик пухта ва онгли ўзлаштирилганини аниқлаш мақсадида) масалалар қўлланилади. Бу амалдаги ўқитиш назариясига маълум ўзгаришлар киритади.

Кейинги йилларда муаммоли ўқитиш фақат Ўзбекистонда эмас, балки бошқа барча мамлакатларда ҳам олим-психологлар, дидактлар, методистлар, ижодий ишлайдиган ўқитувчиларни ўзига борган сари кўпроқ жалб қилмоқда. Муаммоли ўқитиш бўйича ўтказилган сўнги тадқиқотларда ўқитувчилар муаммоли ўқишнинг қуйидаги босқичлари тавсия этиляпти:

- 1) муаммо ҳолатини яратиш ва унинг таҳлили;
- 2) муаммони (ифодалаш) қўйиш;
- 3) муаммо ечимини топиш жараёни (олдинги билимларни фаоллаштириш ва янги гипотезалар бериш, энг тўғри гипотеза (фараз)ни танлаш ва унинг исботи);
- 4) муаммони ечиш;
- 5) ечимнинг тўғрилигини текшириш.

Дарсда муаммоли вазиятларни яратиш мураккаб дидактик вазифадир. Табиатшуносликнинг ҳар бир дарси ҳам муаммоли бўла олмайди, бўлиши шарт ҳам эмас.

Баъзи мактаб раҳбарлари ва методистлар ўқитувчидан дарсни фақат муаммоли методда олиб боришни талаб қиладилар. Муаммоли ўқитиш, агар у ишнинг кўзини билиб амалга оширилса, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини сезиларли фаоллаштириш имконини беради, бироқ унинг самарасини дарснинг мазмунида ҳақиқатдан ҳам билиш муаммоси мавжуд бўлгандагина кўриш мумкин. Муаммоли дарсларни ажратиш учун ўқитувчи дарс материални тўлиқ билибгина қолмай, уни пухта таҳлил қила олиши керак. Дастур материалнинг анализи ундан муаммоли вазиятларни ажратиш ва қўйилган муаммони ечишда ўқувчилар фаолиятининг барча йўналишларини олдиндан аниқлаб олишга йўл қўювчи методик воситаларни белгилашга имкон беради.

Муаммоли дарснинг асосий босқичи болаларда қўйилган муаммога қизиқиш уйғотадиган, билимлар тизимини эгаллаш учун унинг муҳимлигини кўрсата оладиган қилиб тузилади. Қизиқиш, ўз навбатида, ўқувчиларда янги билимларни эгаллашга эҳтиёж уйғотади. Эҳтиёж эса уларга дарс жараёнида берилган муаммони ечиш имконини беради.

Муаммоли дарснинг биринчи босқичи таркибида ўқитувчи учун бошқа, муҳим вазифа – болалар ўз олдиларига қўйилган вазифани қайси билимлар асосида ҳал қила олишларини ҳисобга олишдан иборат бўлади. Бундан ташқари, ўқитувчининг дарснинг бу босқичидаги иши ўқувчиларга муаммони ифодалашда ёрдам бериш ва уларнинг фаоллигини ўқув materiali билан тўғри ишлаш ҳамда ақлий фаолият усулларини танлашга йўналтиришдан иборат.

Ўқувчилар ўқитувчи томонидан йўналтириляётган, вужудга келган муаммоли вазиятни таҳлил қиладилар, билиш вазифасини аниқлайдилар, уни ҳал қилиш учун ўз билимлари ва ҳаётий тажрибаларини сафарбар қиладилар.

Муаммоли дарснинг кейинги босқичлари – ўқувчиларнинг муаммони ҳал қилишдаги мустақил фаолиятларидир. Ўқувчиларнинг барча фаолиятлари ўқитувчи назорати остида бўлади.

Изланиш ишлари жараёнида, кўпинча, умумий муаммо кичкина масалаларга бўлиниб кетадики, уларнинг ҳар бири ўқувчиларни нарсга ёки ҳодисанинг бирор муҳим томони устида кузатишлар олиб

боришга ёки уларни ўрганилаётган объектнинг муҳим ва аҳамиятсиз белгиларини аниқлашга мажбур қилади. Изланиш ишлари жараёнида қиёслаш, анализ-синтез, умумлаштириш каби фикрлаш жараёнлари кенг қўлланади.

Ўқув вазифаларининг ўқувчилар томонидан мустақил ҳал қилиниши муаммоли ўқитишнинг энг муҳим томонларидан биридир.

Дарсда ўқувчиларнинг мустақил фаолиятларини ташкил қилиш ўқитувчининг энг мураккаб вазифаларидан ҳисобланади. Ўқитувчи болаларнинг ишини бошқариб туради, зарур ҳолатларда ёрдам беради. Табиатшунослик дарсларида, кўпинча, қуйидаги ҳолатга дуч келиш мумкин: вазифани ўқитувчининг ўзи қўяди, айтиш вақтида ўзи ечимини ҳам кўрсатиб беради. Бундай ҳолатларда ўқувчиларнинг фаоллиги чекланади, дарс эса ўз муаммолилигини йўқотади.

2-синфдаги «Атрофимиздаги олам» дарсида билимни муаммоли баён қилишдан намуна келтирамиз. Бу дарс Тошкент вилояти, Юқори-Чирчиқ тумани, 2-сонли умумий ўрта таълим мактабида ўқитувчи методистлар томонидан ўтказилди. Дарснинг мавзуси: «Баҳорда ўсимликлар ҳаёти».

Дарс истироҳат боғига уюштирилган баҳорги экскурсиядан сўнг ўтказилди. Ўқувчилар у ерда туш пайтидаги куёш баландлигининг ўзгариши, куннинг узайиши ва илиши ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига қандай таъсир этишини кузатдилар, предметли дарс учун эрта гулловчи ўсимликларни (барча органлари билан) тўпладилар.

Кириш суҳбати давомида ўқувчиларга эрта баҳорда жонли ва жонсиз табиатда рўй берган ўзгаришларни айтиб бериш тавсия қилинади. Болалар истироҳат боғидаги дарахтлар ҳали яланғочлигини, ер чириётган япроқлар қатлами билан қопланганлигини, бироқ бойчечак, бинафша, чучмома, лола ва бошқа баъзи ўсимликлар аллақачон гуллаб очилганини, албатта, айтиб ўтишлари керак. Шу тариқа эрта гулловчи ўсимликлар ҳақида тушунча берилади.

Ўсимликлар болаларга таниш бўлганлиги сабабли (буларни экскурсия вақтида кўрганлар), уларни фарқлашни билиш- билмасликлари аниқланади. Бунинг учун ўқитувчи бинафша, чучмома, бойчечак, лола сўзларини доскага ёзади. Ўқувчилар бу сўзларни ўқиб, ўсимликни кўрсатадилар ва номини айтадилар.

Шундан сўнг ўсимликни яхшилаб кўриш ва айтиб ўтилган ўсимликнинг ҳар бирини тасвирлаш тавсия этилади. Чунончи, болалар бойчечак ва лолани кўриб, бу ўсимликларнинг барги ва гулини таққослайдилар. Ўқитувчи ўсимликларнинг органларини таққослаб, янги муаммони ўртага ташлайди: нима учун лола, бойчечак, бинафша, чучмома бунча эрта гуллайди? Бу ўқувчиларда қўйилган билиш масаласини ҳал этишга эҳтиёж уйғотади. Бироқ бу масалани мустақил ечиш учун уларда маълумотлар йўқ. Ўқитувчининг кўрсатмасига кўра, ўқувчилар ўсимлик органларини топадилар ва уларнинг номини айтадилар, ташқи кўринишини тасвирлаб, ўзаро таққослайдилар ва уларнинг ўхшашлиги ҳамда турли хиллиги ҳақида хулоса чиқарадилар. Ўқувчиларнинг ўсимликлар ташқи тузилиши, ўзаро ўхшашлиги ва фарқи ҳақидаги билимлари дарсдаги янги материални ўрганиш, қўйилган муаммони ҳал қилиш учун таянч ҳисобланади.

Ўқитувчи ўзининг қисқа кириш ҳикоясида ўсимликлар ўрта-сидаги ўхшашлик ва фарқ фақат ер устидаги эмас, балки ер остидаги органларида ҳам борлигини айтиб ўтади. Диққат ва эътиборни бинафша, бойчечак, ..., лоланинг ер ости органларига қаратилади. Муаммони муваффақиятли ҳал қилиш – бу гуллар нима учун шунчалик эрта гуллаганлигини аниқлаш мақсадида изланишлар олиб борилади. Ўқувчилар қўйилган муаммони мустақил ҳал қила олмайдилар, бу ерда иккинчи синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларини, уларда ботаникадан билим етарли эмаслигини назарда тутиш керак. Ўсимликларнинг эрта гуллаш сабабларини аниқлаш бўйича изланиш давом этади. Ўқувчилар ўзларининг турли тахминларини айтадилар. Ўқитувчи ўқувчилар эътиборини эрта гулловчи барча ўсимликларнинг ер ости қисми йўғонлигига қаратади. Болалар бойчечак, ... ва бинафшанинг ер ости қисми икки хиллигини кўрадилар. Шунда ўқитувчи бинафшанинг ер ости қисми илдизпоя, бойчечак..., лоланики – пиёз деб аталишини айтади.

Мана шу илдизпоя ва пиёзларда куздан бошлаб озуқа моддалари тўпланади ва улар баҳор вақтида ўсимликка эрта ривожланиши ҳамда гуллашига ёрдам беради. Ўқитувчи ўқувчиларга илдизпоя ва пиёзларни икки қисмга ажратиш, тузилишини кўздан кечиришни, таъминини татиб кўришни тавсия қилади.

Ўқитувчи ўқувчилар ўтказган кузатишларга таяниб, улардан эрта гулловчи ўсимликларни қаерларда кўрганликларини, бу ерларни қуёш қандай қиздиришини сўрайди. Ўқитувчи жавобларни умумлаштириб, ўқувчиларни эрта гулловчи ўсимликлар ёз давомида тупроқ остидаги қисмларида озуқа моддалари тўплайдилар, деган хулосага олиб келади. Бу заҳиралардан ўсимликлар эрта баҳорда гуллаш вақтида фойдаланадилар. Баҳорги иссиқ ҳам катта аҳамиятга эгадир. Шундай қилиб, ўқувчилар нима учун эрта гулловчи ўсимликлар эрта гуллайди? деган муаммони ҳал қиладилар.

Бунинг сабаби иккита: 1) озуқа моддалари заҳирасининг мавжудлиги; 2) баҳорги иссиқликнинг мавжудлиги.

Ўқув материални бундай муаммоли баён қилиш билимларни эгаллашни илмий жиҳатдан исботлаб, онгли ўзлаштирилишини таъминлайди. Билимларни муаммоли баён қилишнинг педагогик қиммати ҳам ана шундадир.

Билимларни муаммоли баён қилишнинг одатдаги ахборот-маълумот берувчи усулдан педагогик афзалликлари нималардан иборат?

Биринчидан, у баённи анча ишончли, билимларни анча тушунарли қиладди, шу орқали билимларнинг кўникма, малака ва компетенцияга айланишига ёрдам беради.

Иккинчидан, муаммоли ўқитиш илмий фикр юритишга ўргатади.

Учинчидан, муаммоли баён қилиш анча эмоционалроқ, шунинг учун ҳам у ўқишга бўлган мотивацияни орттиради.

Баъзан муаммоли ўқитишни фақат юқори синфларда қўллаш мумкин, у қуйи синф ўқувчиларига тушунарсиз деб ҳисоблайдилар. Амалиёт, илғор ўқитувчиларнинг тажрибаси бунинг аксини кўрсатмоқда. Сўзсиз, бошланғич синфларда бутун дарсни изланишларга, қўйилган муаммони ҳал қилишга сарфламай, муаммоли ўқитишнинг фақат элементларинигина киритиш керак. Агар шундай қилинмаса, болалар жуда чарчаб қоладилар, уларнинг фаоллиги сусаяди. Муаммоли ўқитишнинг элементлари эса, аксинча, предмет дарсларини ўтказишда, амалий машғулотларда ўқувчиларни фаоллаштиради.

Муаммонинг қўйилиши ва уни ҳал қилишдаги мустақиллик болаларнинг билишга бўлган қизиқишларини, яъни билимларни

эгаллашга, масалаларни ҳал қилишга интилишларини ўстиришда муҳим омил бўлади. Муаммони ҳал қилишда вақтнинг асосий қисмини амалий иш эгаллайди. Бунга 2-синф дарслигида амалий ишлар учун мўлжалланган «Дарахт ва буталар ҳаётидаги баҳорги ўзгаришлар», «Маданий ўсимликлар зараркундаларига қарши кураш», «Мактаб ўқув-тажриба участкасида» ва бошқа мавзулар мисол бўла олади.

Масалан, «Кузда ҳайвонлар ва ҳашаротлар ҳаёти» (2-синф) мавзусини ўрганишда болалар олдига қуйидаги муаммоли саволларни қўйиш мумкин:

1. Нима учун кузда ҳашаротлар ҳаётида ўзгаришлар рўй беради?
2. Нима учун қушлар кузда иссиқ ўлкаларга учиб кетади?
3. Нима учун баъзи ҳайвонлар қишда ухлашади?
4. Нима учун кузда ҳаво совийди? ва бошқалар.

Мисол қилиб, муаммоли ўқитиш элементлари мавжуд бўлган III–IV синфдаги табиатшунослик дарсини келтирамиз.

Дарс мавзуси: «Ўрмонлар»

Дарс режаси:

1. Харита бўйлаб «саёҳат» ўйини, ўйин давомида олдинги дарслардаги материаллар такрорланади.
2. Ўрмон ўсимликлари билан таништириш бўйича амалий иш.
3. Ўқитувчининг ўрмон ўсимликлари ва ҳайвонлари ҳақидаги суҳбати ва ҳикояси.
4. Уйга вазифа.

Жиҳозлар, табиат чегаралари харитаси ва Ўзбекистоннинг физик харитаси; аралаш ўрмон ва жангалзор тасвирланган расм; ўрмон ҳайвонлари жадвали («Ҳайвонот олами» жадвали намунасида); чўл, дашт, Орол денгизи соҳилларининг ландшафти; тарқатма материал – ўрмон ўсимликларининг гербарий намуналари.

Дарс мазмуни: Дарс харита бўйлаб «саёҳат» ўйинидан бошланади. Йўналишларни ўқувчиларнинг ўзлари дарсга тайёрланаётиб танлаганлар. Ўқитувчи болалардан ўзлари мўлжаллаган йўналишларини аниқлаб сўрайди ва улардан 1–2 тасини танлайди, улар ўрга-

нилан табиий чегаралардан ўтадилар. Ўйинда барча ўқувчиларнинг фаол иштирок этиши муҳим: бир ўқувчи харитадан йўналишни кўрсатади, иккинчиси у қандай табиат чегараларидан ўтаётганини айтиб туради; учинчиси саёҳат учун транспортнинг қандай тури керак бўлишини ҳисоблаб туради; тўртинчиси саёҳатга қандай кийим-бош олиш зарурлигини айтади ва уларнинг нималарга мўлжалланганлигини тушунтиради; қолган болалар йўлда учрайдиган объектларни ҳисоблайдилар ва иллюстрация учун шунга мувофиқ кўргазмали қуролларни танлайдилар ва бошқалар.

Такрорлаш тугагач, ўқитувчи дарс мавзусини айтади ва навбатчи ўқувчилар тарқатма материал – аралаш ўрмон ва тайга ўсимликларининг гербарий намуналарини тарқатадилар.

Қуйидаги режа бўйича амалий иш ўтказилади:

1. Ўрмон ўсимликлари гербарийси: уларнинг баргли, гулли ва меваги шохларини, бута ва ўтсимон ўсимликларни кўриб чиқинг.

2. Қарағай ва қорақарағайнинг шохчаси ва сўтасини, сўнгра жадвалдан қарағайнинг ташқи кўринишини қорақарағай билан қиёсланг. Бу дарахтлар бир-биридан нимаси билан фарқ қилишини аниқланг.

Иш охиридаги суҳбат жараёнида болалар ўрмон дарахтлари (бута ва ўтлар) ҳақида нималарни билиб олганликлари аниқланади. Энг типик ўсимликнинг (заранг, дуб, қайин, қарағай, қорақарағай, ёнғок, арчагул ва бошқалар) номларини ўқувчилар табиатшунослик дафтарларига ёзиб оладилар.

«Япроқли дарахтлар ўсадиган ўрмон», «игна баргли ўрмон», «тайга» ва бошқа тушунчалар тушунтирилади.

Ўқитувчи ўқувчилар олдига муаммоли саволни қўяди: — нима учун ўрмон ўлкасида анчагина баландликка эга бўлган япроқли ва игна баргли дарахтлар ўсади-ю, Ўрта Осиё даштларида (водийларсиз) бундай дарахтлар ўсмайди?

Ўқувчилар ўзларининг турли тахминларини айтадилар, уларнинг ичидан энг тўғрлари танланади: намлик миқдорининг етарлиги, ёзи унчалик иссиқ эмас, ўрмон полосасининг шимолида ёз салқин бўлади.

Ўқитувчи ўрмондаги турли ҳайвонлар, улардан кўпчилигининг дарахтда яшашга мослашганликлари ҳақида гапириб беради. Болалар

этибори Ўбекистонда табиий ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ҳимоя қилинишига боғлиқ бўлган тадбирларга қаратилади. Ҳикоя давомида расм ёки проектор орқали президентация намойиш қилиб турилади.

Ўқитувчи навбатдаги муаммоли саволни қўяди:

— Нима учун ўрмонларда маймун, олмахон, силовсин яшайди-ю,

Ўрта Осиё даштларида бундай ҳайвонлар яшамайди?

Ўқувчилар бу гал ҳам турли тахминларни айтадилар. Шундан сўнг ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида хулоса чиқарадилар: иссиқликнинг мўътадил миқдори, бутун йил давомидаги етарли миқдордаги намлик йирик дарахт ва буталар учун ўрмон полосасида яшашларига шароит яратади. Ўрмон ҳайвонлари дарахтлар орасида яшаш учун мослашишган. Ўрта Осиё даштларида бу ҳайвонлар яшай олмайдилар, чунки улар қалин жун қопламга эга, бу уларни ҳалок қилиши мумкин.

Ўқувчилар олдига муаммо қўйишдан олдин уларнинг ҳар бири дарс мазмуни билан қанчалик боғлиқлигини, унинг таълимий ва тарбиявий мақсадларига қанчалик жавоб беришини пухта ўйлаш лозим. Бу талабларга жавоб бермайдиган муаммоларнинг қўйилиши, ўқувчиларга дарсда кўриб чиқиладиган масалаларни англашларига тўсқинлик қилишини назарда тутиш керак.

Ўқувчилар олдига онгли изланишлари учун керакли билимлари бўлмаган муаммоларни қўйиб бўлмайди.

Ўқитувчи муаммо вазиятларини яратиш ва муаммоли саволларни дарснинг турли босқичида унинг мазмунига боғлиқ равишда киритиши мумкин. Баъзи ҳолларда муаммоли вазият дарс энди бошланганда, баъзида лаборатория иши ёки тажрибани намойиш қилиш вақтида пайдо бўлади.

Нихоят, шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, табиатшуносликни ўқитишга муаммоли ёндошишда ўқитувчининг етакчилик ролини ҳеч ҳам камситиб бўлмайди. Ўқувчиларнинг мустақил тафаккури, амалий ва ақлий ҳаракатлари фақатгина ўқитувчи болаларнинг билиш фаолиятини доимо иччил ва усталик билан бошқарганидагина муваффақиятли ривожланиши мумкин.

ТАБИАТШУНОСЛИКДАН ОЛИБ БОРИЛАДИГАН МУСТАҚИЛ ИШЛАР

Бошланғич синфларда табиатшуносликни ўқитиш ўқувчиларни дарсда, экскурсия вақтида, табиатда ва бошқаларда мустақил ишлашнинг турли шаклларини тақозо этади. Мустақил ишлашнинг у ёки бу тури ўрганилаётган ўқув материалнинг аниқ мазмуни, унинг дидактик мақсади ва ўқувчилар савиясига боғлиқдир.

Мактаб ўқув тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик ёшдаги ўқувчилар мустақил ишлаш жараёни (асосида)да жонажон ўлкамизнинг турли иқлим шароити, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига бой бўлган теварак-атроф табиати сирларини чуқурроқ ўзлаштириб оладилар.

Шу боисдан табиатшуносликни ўрганиш бўйича, мустақил ишлашнинг айрим турлари, яъни кузатиш (синфда, экскурсияда, табиатда ва ҳ.к.), дарслик ёки китоб билан ишлаш (дарсликдан керакли матнни топиш, мазмунини сўзлаш, матн саволларига жавоб бериш, расм ва жадвалларни таҳлил қилиш), амалий (тарқатма табиий материал, ўсимлик гербарийси, ҳайвонлар коллекцияси билан) ишлаш каби турлардан фойдаланишни кўрсатмоқчимиз.

Маълумки, ўқитувчилар табиатшуносликка оид билим, кўникма, малака ва компетенцияларнинг кўпчилик қисмини табиат ва кишиларнинг меҳнат фаолиятини кузатиш йўли билан эгаллаб оладилар. Кузатиш бола тафаккури билан узвий боғлиқ ҳолда теварак-атрофни, муҳитни билиш ҳиссининг бир шакли ҳисобланади. Бундан ташқари, кузатиш табиатшунослик предметини ўқитишнинг асосий методидир. Шунинг учун ҳам бу метод бошланғич синфларда табиатшуносликни ўрганиш курсининг бошидан охиригача қўлланилади.

Кузатишни дарс жараёнининг турли босқичларида уюштириш мумкин. Бу ўрганилаётган материалнинг мазмуни ва характерига боғлиқ бўлади. Уни янги мавзунини ўтишдан аввал ҳам ўтказиш мумкин. Масалан, ўқувчиларни ўсимлик қисмлари билан таништириш бўйича «Ўсимликлар қандай кўайтирилади» мавзусини олайлик (II синф). Ўқитувчи янги мавзунини бошлашдан олдин ўқувчиларга қуйидаги топшириқни тавсия этиши мумкин: пахта даласи кўри-нишини кузатинг, ғўза (пояси, гули, меваси, баргининг шакли,

очилган пахтаси) ва бошқа ўтсимон (қоқиўт, баргизўт ва бошқа) ўсимликларни кўздан кечиринг ва танишиб чиқинг. Болалар ана шу вазифаларни бажаргач, кузатиш натижаларидан бевосита дарсда фойдалана олади.

Кўпчилик дарсларда ўқувчиларнинг кузатишни синфда, ўқитувчи янги мавзунини ҳикоя қилиш жараёнида амалга оширишлари мумкин. Масалан, «Атрофимиздаги олам» дарсида «Баҳорда ўсимликлар ҳаёти» мавзуси бўйича (II синф) ўқитувчи янги мавзунини баён қилгач, ўқувчилар мустақил равишда табиий ўсимликлар (чучмома, бинафша, бойчечак, қоқиўт ва бошқалар)нинг ташқи кўриниши ва тузилишини кузатадилар, ўсимликларни бир-бири билан солиштирадилар, ўхшашлик томонлари ва фарқини топадилар.

Дарс жараёнида кузатишдан ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш мақсадида ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, баҳорда қушлар ҳаётига доир янги мавзу ўтилгач, олинган билимларни мустаҳкамлаш учун ўқитувчи чумчуқларнинг ин қуриш пайтини кузатиш каби топшириқни тавсия қилиши мумкин: Қушларни кузатиш пайтида болалар чумчуқларнинг бу даврда жуда фаол бўлиб, ҳар бир ин учун ўзаро уришишларига иқдор бўладилар. Ин қуришда эса улар жуда уддабурон бўлишади. Бундан ташқари болалар қушларнинг нимадан ин қуриши, ин қурилаётган жойга неча марта учиб келишини аниқлайдилар.

Таниқли психолог (С.Л. Рубинштейн)нинг фикрича кузатиш жараёнида ўқувчиларда фақатгина кўриш сезгилари эмас, балки ид-рок қилишнинг барча турлари иштирок этади. Шунга кўра кузатиш – мураккаб психик ҳолат бўлиб, унда сенсор жараён, тафаккур қилиш ва нутқ биргаликда фаолият кўрсатади.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришда «Атрофимиздаги олам» ва «Табиатшунослик» дарсликлари муҳим роль ўйнайди. Чунки ушбу дарсликлар янги билимларни эгаллашда ягона ўқув манбаи сифатида хизмат қилади.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, эндиликда ўқувчиларга фақат дарсликдаги мавзуларнигина ўқиб, мазмунини сўзлаб бериш кифоя қилмайди. Замонавий табиатшунослик дарслари талабига кўра, болалар табиат ҳақидаги билимларни кўпроқ кузатиш асосида эгаллашлари лозим. Дарсликдан эса кузатилган предмет ва ҳодисалар

ҳақидаги тасаввурларни тасдиқлаш мақсадида фойдаланиш мақсада мувофиқдир.

Бизнингча, дарсликдан фойдаланишнинг куйидаги усуллари, яъни ўқувчи ўқитувчининг саволига матндан керакли (муҳим) жойни топа олиши, унинг мазмунини ўқиши ва сўзлаб бериши, ҳар бир мавзу охиридаги саволларга жавоб бериши, расмларини кўздан кечириб таҳлил қилишни амалга ошириши маъқул кўрилади. Масалан, «Баҳорда ҳашаротлар ҳаёти» мавзуси бўйича (II синф) болалар ўқитувчи топшириғига биноан ҳашаротларнинг (карам капалаги, март кўнғизи, тугмача кўнғиз) ташқи тузилишини таърифловчи матнни топишади, унинг мазмунини ўқишади ва сўзлаб беришади. Дарсликда берилган ҳашаротлар расми кўздан кечирилади, ўзаро таққосланади, ўхшашлик томонлари ва фарқи кўрсатилади, матн саволига жавоб берилади.

Энг муҳими шундаки, матн мазмунини сўзлашда, ўқувчилар фақатгина дарсликда берилган матн мазмуни билан кифояланмай, ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаётидан ўз кузатишлари бўйича мисоллар келтирсалар, бу билан ўқувчилар ўқув материалини онгли равишда ўзлаштиришларига имконият яратилади.

Маълумки, «Атрофимиздаги олам» ва «Табиатшунослик» дарсликлари (II–III–IV синф) ўлкашунослик материали асосида тузилган бўлиб, унда кузатиш, тажриба қилиш ва айниқса, амалий ишлаш учун турли топшириқлар берилган.

Амалий ишлаш жараёнида ўқувчиларда кузатилаётган предметни атрофлича ўрганиш, асосларни анализ қилиш, таққослаш ва уларнинг фарқини топиш, яъни табиатни онгли равишда ўрганиш имконияти пайдо бўлади. Демак, табиатни ўрганишдаги амалий ишлар болаларни ақлий жиҳатдан ривожлантиришдаги фаол воситадир.

Мактаб тажрибаси шунини кўрсатадики, амалий ишларни янги билимларни эгаллаш, уни мустаҳкамлаш ва такрорлаш жараёнида муваффақиятли равишда қўллаш мумкин.

Куйида биз болаларнинг амалий ишларидан тасвирий табиий материаллар (ўсимлик барги, меваси, қуриган шох, уруғ, пўстлоғи ва бошқалар) билан мустақил ишлашларини кўриб чиқамиз.

Болалар табиий материал (тарқатма материал)лар ёрдамида ишлаш орқали бевосита табиий предметлар билан муомалада

бўладилар ва аниқ билимлар оладилар. Амалий иш вақтида ўқувчиларга ўсимликнинг ташқи кўриниши, унинг органларини кузатиш, ўсимликнинг бир хилдаги белгиларини таққослаш билан ўхшашлик томонлари ва фарқини кўрсатиш каби вазифаларни тавсия этиш мумкин. Бундай топшириқлар ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш қобилиятини аста-секин ривожлантириб, ўқув материалини онгли ўзлаштириши ва билиш фаоллиги ошишга имкон беради. Масалан, донли ўсимликлар мавзусини ўтишда (III–IV синф) болалар ўсимлик (бугдой, шол, маккажўхори, мош, ловия ва б.)ларнинг ташқи кўриниши билан танишадилар, уларнинг қисмларини топадилар ва бири бири билан таққослаб, ўхшашлиги, фарқини аниқлашга оид амалий иш бажарадилар. Бошқача айтганда, табиий тарқатма материал (дон, ўсимлик меваси, ўсимлик гербарийси)лар билан бевосита ишлаш билимларни онгли ўзлаштиришга мустаҳкам асос бўла олади.

Юқорида биз табиатга оид билимларни эгаллашда айрим мустақил иш (кузатиш, дарслик билан ишлаш, амалий иш) турининг ролини кўрсатишга ҳаракат қилдик.

Агар мустақил ишнинг бу турлари таълим жараёнида биргаликда ўзаро боғлиқ ҳолда қўлланилса, ўқув жараёнининг самарадорлиги янада юқори бўлади. Мисол тариқасида «Донли ўсимликлар» мавзуси (III–IV синф) мисолида дарсда турли мустақил ишлардан фойдаланиш вазиятларини кўриб чиқайлик.

Дарснинг мақсади: ўқувчиларни донли ўсимликлар ва уларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти билан таништириш.

Дарснинг жиҳозланиши: табиий ўсимликлар, донли ўсимликлар гербарийси, ўсимликларни таърифловчи расм ва таблицалар, қутичага солинган ўсимликлар дони – меваси (тарқатма материал).

Янги мавзунини ҳикоя қилиш жараёнида ва ҳикоя қилиб беришдан сўнг, ўқитувчи топшириғига биноан ўқувчилар ўсимликларнинг ташқи кўринишини кузатадилар, қисмларини топадилар ва уларни таққослаб куйидаги хулосага келадилар, яъни бугдой ва шолнинг барги ингичка, узун, маккажўхорининг барги эса анча энли ва узун бўлади. Бугдой ва шолнинг меваси – дони майда, шакли чўзиқ, маккажўхорининг дони эса йирик ва шакли учбурчаксимон (бу ишни алоҳида 3-4 ўқувчига ёки ўқувчилар гуруҳига топшириш мумкин).

ҳақидаги тасаввурларни тасдиқлаш мақсадида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бизнингча, дарсликдан фойдаланишнинг қуйидаги усуллари, яъни ўқувчи ўқитувчининг саволига матндан керакли (муҳим) жойни топа олиши, унинг мазмунини ўқиши ва сўзлаб бериши, ҳар бир мавзу охиридаги саволларга жавоб бериши, расмларини кўздан кечириб таҳлил қилишни амалга ошириши маъқул кўрилади. Масалан, «Баҳорда ҳашаротлар ҳаёти» мавзуси бўйича (II синф) болалар ўқитувчи топшириғига биноан ҳашаротларнинг (карам капалаги, март қўнғизи, тугмача қўнғиз) ташқи тузилишини таърифловчи матнни топишади, унинг мазмунини ўқишади ва сўзлаб беришади. Дарсликда берилган ҳашаротлар расми кўздан кечирилади, ўзаро таққосланади, ўхшашлик томонлари ва фарқи кўрсатилади, матн саволига жавоб берилади.

Энг муҳими шундаки, матн мазмунини сўзлашда, ўқувчилар фақатгина дарсликда берилган матн мазмуни билан кифояланмай, ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаётидан ўз кузатишлари бўйича мисоллар келтирсалар, бу билан ўқувчилар ўқув материалини онгли равишда ўзлаштиришларига имконият яратилади.

Маълумки, «Аτροφимиздаги олам» ва «Табиатшунослик» дарсликлари (II–III–IV синф) ўлкашунослик материали асосида тузилган бўлиб, унда кузатиш, тажриба қилиш ва айниқса, амалий ишлаш учун турли топшириқлар берилган.

Амалий ишлаш жараёнида ўқувчиларда кузатилаётган предметни атрофлича ўрганиш, асосларни анализ қилиш, таққослаш ва уларнинг фарқини топиш, яъни табиатни онгли равишда ўрганиш имконияти пайдо бўлади. Демак, табиатни ўрганишдаги амалий ишлар болаларни ақлий жиҳатдан ривожлантиришдаги фаол воситадир.

Мактаб тажрибаси шуни кўрсатадики, амалий ишларни янги билимларни эгаллаш, уни мустақкамлаш ва такрорлаш жараёнида муваффақиятли равишда қўллаш мумкин.

Қуйида биз болаларнинг амалий ишларидан тасвирий табиий материаллар (ўсимлик барги, меваси, қуриган шох, уруғ, пўстлоғи ва бошқалар) билан мустақил ишлашларини кўриб чиқамиз.

Болалар табиий материал (тарқатма материал)лар ёрдамида ишлаш орқали бевосита табиий предметлар билан муомалада

бўладилар ва аниқ билимлар оладилар. Амалий иш вақтида ўқувчиларга ўсимликнинг ташқи кўриниши, унинг органларини кузатиш, ўсимликнинг бир хилдаги белгиларини таққослаш билан ўхшашлик томонлари ва фарқини кўрсатиш каби вазифаларни тавсия этиш мумкин. Бундай топшириқлар ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш қобилиятини аста-секин ривожлантириб, ўқув материалини онгли ўзлаштириши ва билиш фаоллиги ошишига имкон беради. Масалан, донли ўсимликлар мавзусини ўтишда (III–IV синф) болалар ўсимлик (буғдой, шולי, маккажўхори, мош, ловия ва б.)ларнинг ташқи кўриниши билан танишадилар, уларнинг қисмларини топадилар ва бири бири билан таққослаб, ўхшашлиги, фарқини аниқлашга оид амалий иш бажарадилар. Бошқача айтганда, табиий тарқатма материал (дон, ўсимлик меваси, ўсимлик гербарийси)лар билан бевосита ишлаш билимларни онгли ўзлаштиришга мустақкам асос бўла олади.

Юқорида биз табиатга оид билимларни эгаллашда айрим мустақил иш (кузатиш, дарслик билан ишлаш, амалий иш) турининг ролини кўрсатишга ҳаракат қилдик.

Агар мустақил ишнинг бу турлари таълим жараёнида биргаликда ўзаро боғлиқ ҳолда қўлланилса, ўқув жараёнининг самарадорлиги янада юқори бўлади. Мисол тариқасида «Донли ўсимликлар» мавзуси (III–IV синф) мисолида дарсда турли мустақил ишлардан фойдаланиш вазиятларини кўриб чиқайлик.

Дарснинг мақсади: ўқувчиларни донли ўсимликлар ва уларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти билан таништириш.

Дарснинг жиҳозланиши: табиий ўсимликлар, донли ўсимликлар гербарийси, ўсимликларни таърифловчи расм ва таблицалар, қутичага солинган ўсимликлар дони – меваси (тарқатма материал).

Янги мавзунини ҳикоя қилиш жараёнида ва ҳикоя қилиб беришдан сўнг, ўқитувчи топшириғига биноан ўқувчилар ўсимликларнинг ташқи кўринишини кузатадилар, қисмларини топадилар ва уларни таққослаб қуйидаги хулосага келадилар, яъни буғдой ва шолининг барги ингичка, узун, маккажўхорининг барги эса анча энли ва узун бўлади. Буғдой ва шолининг меваси – дони майда, шакли чўзиқ, маккажўхорининг дони эса йирик ва шакли учбурчаксимон (бу ишни алоҳида 3–4 ўқувчига ёки ўқувчилар гуруҳига топшириш мумкин).

Сўнгра болалар навбатдаги топшириқни бажарадилар, яъни дарслик матнидан донли ўсимликлардан олинадиган маҳсулотлар ҳақида ёзилган маълумотни топадилар ва уни овоз чиқармасдан ўқиб, мазмунини сўзлаб берадилар. Дарсликда берилган расм ва таблицани кўздан кечириб, ўсимликларнинг ташқи тузилишини (яхлит равишда) кузатадилар, қисмларини топиб, жонли табиий ўсимликлар намунаси билан солиштирадилар. Матн охиридаги саволларга оғзаки жавоб берадилар.

Ўсимликлар ҳақидаги билимларни мустақамлаш мақсадида ўқитувчи навбати билан ҳар бир донли ўсимликни кўрсатади, болалар эса мустақил равишда унинг номи, қисмларини топадилар. Ўқитувчи ўсимлик меваси (дони)ни кўрсатади, болалар эса ўсимликнинг ўзини кўрсатадилар ва бир йўла ундан олинадиган маҳсулотларнинг номини айтадилар, яъни мевасига қараб ўсимликнинг номини топиш бўйича машқ бажарадилар.

Шундай қилиб, мазкур дарсда қуйидаги мустақил иш турлари бажарилди: биринчидан, ўсимликларнинг табиий ва гербарий намунаси кузатилди, уларнинг ташқи кўриниши ва қисмлари билан (айниқса, дони – меваси билан) танишиб чиқилди; иккинчидан, дарслик билан ишланди (матнни топиш, ўқиш, мазмунини сўзлаш, расм ва таблицани таҳлил қилиш, саволларга жавоб бериш); учинчидан, болалар амалий иш бажардилар, ўсимликнинг номи, қисмлари топилди, улар бир-бири билан таққосланди ва ўхшашлик томонлари, фарқи кўрсатилди. Табиий тарқатма материал (шоли, буғдой, маккажўхори меваси) билан иш олиб борилди, ўсимликлар гербарийси ва табиий намунаси кузатилди, қисмлари кўрсатилиб, таққосланди, расм ва таблица кўздан кечирилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, таълим жараёнида тўғри уюштирилган мустақил ишлар табиатни ўрганишга оид аниқ билимларни эгаллашга катта имконият яратади. Табиатни кузатиш, дарслик билан ишлаш, амалий ишлар мустақил иш турлари бўлиб, ўқувчиларнинг билиш қобилиятини фаоллаштиришда муҳим роль ўйнайди.

БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА ТАБИЙ-ИЛМИЙ БИЛИМЛАРНИ КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚИТИШ

Замонавий таълим даражасининг ҳолати унинг мураккаблиги ва қарама-қаршиликлари билан ажралиб туради. XX асрда Инсон фаолиятининг муҳим соҳаларидан бири сифатида пайдо бўлган таълим барча глобал илмий-техник ва ижтимоий ўзгаришларнинг асосида ётади. Таълим тушунчасининг кенгайиши, жамият ҳаётидаги мавқеининг ўзгариши унинг инқирозидан дарак берувчи турли муаммоларнинг кескинлашиши билан кечади. Таълимнинг инқирози табиийдир, чунки таълим етарлича умумий тизим сифатида ҳаётнинг ўзгариш тезлиги билан бир хил даражада ўзгармайди. Таълим ҳар доим ҳаётдан орқада қолади, шунинг учун ҳаётнинг тезкор су-ратда ўзгариб боришида у, биринчи навбатда, универсаллик си-фати билан тавсифланиши зарур. Таълимнинг айнан шундай сифати, олимларнинг фикрига кўра, инсонга дунёни ўрганиш усул-ларини эгаллаш имконини беради, чунки билимлар миқдори, улар-нинг ҳажми, даражаси ўзгарувчан, дунёни англаш усули эса уни-версаллигича қолади. Масалан, бу йил биринчи синфга қабул қилинган болалар тахминан 2080 йилгача ўз меҳнат фаолиятларини давом эттирадилар. Албатта, XXI асрнинг иккинчи ярмида ҳаёт қандай кечиши, қандай билимлар керак бўлишини шиддат билан ривожланиб, ўзгариб бораётган замонда аниқ прогноз қилиш қийин. Шу боис мактаб ўқувчиларига билим бериш билан бирга, уларда мустақиллик, ташаббускорлик, ҳамкорлик, вазиятни реал баҳолаш олиш, мантикий фикрлаш, ахборотни саралаш ва ундан оқилона фойдаланиш, тез киришувчанлик хусусиятларини шакллантириб, ҳар қандай ўзгаришларга конструктив мослаша олиш қобилиятини ривожлантириб бориш лозим.

Бутунги кунда жаҳон ижтимоий муҳитида кўплаб ривожланган мамлакатларда таълим моделини модернизацияловчи – ахборотнинг постиндустриал жамиятнинг асосий манбаига айланиши; расмий таълимдан шахсни ривожлантириш ва ўзини-ўзи ривожлантириш концепциясига ўтиш; таълимда шахсга йўналтирилган ва инсон-

парварлик ёндашув концепциясининг ривожланиши; ўқитишдан универсал таълимга ўтиш; таълимни ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш; таълимга интеграцион ва компетенциявий ёндашув каби бир қатор тенденциялар шаклланган.

Компетенциявий ёндашув ғояси – таълимнинг қандай натижаси шахс учун зарурлиги ва жамият томонидан талаб қилинаётганлиги ҳақидаги саволга жавоблардан биридир. Таълим олувчиларнинг компетенциясини шакллантириш бугунги кунда таълимнинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб, компетенциявий ёндашувга эса, сифатли таълимга бўлган талабнинг кучайиши ва анъанавий йўл билан ўзлаштирилиши лозим бўлган маъмуотлар ҳажмини кўпайтириш ҳисобига эришиб бўлмаслиги боис юзага келган муаммоли вазиятдан чиқиш йўли сифатида қараш мумкин. Биз тақлиф этаётан ушбу ёндашув таълимнинг натижасига эътибор қаратади ва бунда унинг сифати ўзлаштирилган маълумотлар ҳажми, миқдори билан эмас, балки турли муаммоли вазиятларда ҳаракат қилиш қобилияти билан белгиланади.

Бу ёндашувни таълим жараёнига, биринчи бўлиб, Англия олими психолог Дж.Равен олиб кирган. У компетентликни ишчи-ходимларни ишга қабул қилиш жараёнида уларнинг шахсни шакллантиришдаги шахсий сифатларини, индивидуал мустақил фикр юритишларини ҳисобга олган ҳолда қўллаган. У мактаб ва касб-ҳунар таълими муассасаларини уларнинг битирувчиларида иқтисодиётни ривожлантириш учун зарур бўлган сифатларнинг етишмаслиги боис танқид қилиб, ушбу муассасалар битирувчиларнинг базавий тайёргарлигидан кўра кўпроқ уларни конкрет амалий фаолиятга тайёрлашга эътибор қаратишлари лозимлигини таъкидлайди¹. Шунинг учун ҳозирги кунда компетенциявий ёндашув, таълим мазмунини ўқувчи шахси манфаати ва келажак ҳаёти учун хизмат қилишга йўналтирган ҳолда модернизациялаш ва янгилашнинг асосий концептуал парадигмаси сифатида педагогика ва психология фанларининг долзарб тадқиқот муаммосига айланган.

¹ Дж.Равен. Развитие способностей личности. – М.: Торговый дом Гранд, 2009. – С. 132.

Бу борада кўплаб олимлар қатор илмий изланишлар олиб боришмоқда. Жумладан, умумий ўрта ва касбий таълимда шакллантирилаётган компетенциялар таркибини аниқлаштириш, уларнинг шаклланганлик даражасини баҳолашнинг турли жиҳатлари ўзбек олимлари У.И.Иноятов, Р.Х.Джураев, Ю.М.Асадов, Н.Ш.Турдиев, М.М.Вахобов, А.А.Носировларнинг илмий тадқиқот ишларида ўз аксини топган бўлса, хориж олимларидан В.И.Байденко, И.А.Зимная, В.А.Калней, А.М.Новиков, А.В.Хуторскийлар ўз ишларида компетенцияларнинг классификацияси ва уларни таснифлашга алоҳида эътибор қаратганлар.

Мамлакатимиз таълим тизимида компетенциявий ёндашув асосида ўқувчиларда умумтаълим фанлари орқали уларнинг ёш хусусиятларига мос равишда коммуникатив; ахборотлар билан ишлаш; шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш; ижтимоий фаол фуқаролик; миллий ва умуммаданий; математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш каби таянч компетенциялар шакллантирилади. Шунингдек, ҳар бир умумтаълим фанининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларда фанга оид умумий компетенциялар ҳам шакллантирилади. Масалан: бошланғич синфларда табиий-илмий билимларни ўзлаштиришда (“Атрофимиздаги олам” ва “Табиатшунослик” дарсларида): 1) табиий, ижтимоий-иқтисодий жараён ҳамда ҳодисаларни кузатиш, аниқлаш, тушуниш ва тушунтириш (бунда ўқувчилар қуёш тизимидаги сайёралар номлари, табиий жараён ва ҳодисалар, тун ва кун, йил фасллари, об-ҳавонинг ўзгариши, Республикамиз ва унинг вилоятлари табиати ҳақида билишлари лозим); 2) географик объектлар, жой номларини тўғри қўллаш олиш (бунда ўқувчилар ўзи яшайдиган жой номлари, Ўзбекистондаги вилоят ва шаҳарларнинг номларини тўғри айта олиши ва ёзиши керак); 3) глобус, географик атлас ва хариталардан амалиётда фойдалана олиш (бунда ўқувчилар глобус ва харитадан ўз Ватанини кўрсата олиши, Ўзбекистоннинг табиий харитасидан ўзи яшайдиган ҳудуд, мамлакатимиздаги энг баланд тоғлар, текисликлар, дарёлар ва бошқаларни кўрсата олиши лозим); 4) табиатни муҳофаза қилиш ва экологик маданият (бунда ўқувчи ўзи яшайдиган жой табиати, табиий бойликлари, объектлари, уларни муҳофаза қилиш, улардан тежамкорлик билан фойдалана олиш каби

парварлик ёндашув концепциясининг ривожланиши; ўқитишдан универсал таълимга ўтиш; таълимни ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш; таълимга интеграцион ва компетенциявий ёндашув каби бир қатор тенденциялар шаклланган.

Компетенциявий ёндашув ғояси – таълимнинг қандай натижаси шахс учун зарурлиги ва жамият томонидан талаб қилинаётганлиги ҳақидаги саволга жавоблардан биридир. Таълим олувчиларнинг компетенциясини шакллантириш бугунги кунда таълимнинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб, компетенциявий ёндашувга эса, сифатли таълимга бўлган талабнинг кучайиши ва анъанавий йўл билан ўзлаштирилиши лозим бўлган маълумотлар ҳажмини кўпайтириш ҳисобига эришиб бўлмаслиги боис юзага келган муаммоли вазиятдан чиқиш йўли сифатида қараш мумкин. Биз таклиф этаётан ушбу ёндашув таълимнинг натижасига эътибор қаратади ва бунда унинг сифати ўзлаштирилган маълумотлар ҳажми, миқдори билан эмас, балки турли муаммоли вазиятларда ҳаракат қилиш қобилияти билан белгиланади.

Бу ёндашувни таълим жараёнига, биринчи бўлиб, Англия олими психолог Дж.Равен олиб кирган. У компетентликни ишчи-ходимларни ишга қабул қилиш жараёнида уларнинг шахсни шакллантиришдаги шахсий сифатларини, индивидуал мустақил фикр юритишларини ҳисобга олган ҳолда қўллаган. У мактаб ва касб-ҳунар таълими муассасаларини уларнинг битирувчиларида иқтисодиётни ривожлантириш учун зарур бўлган сифатларнинг етишмаслиги боис танқид қилиб, ушбу муассасалар битирувчиларнинг базавий тайёргарлигидан кўра кўпроқ уларни конкрет амалий фаолиятга тайёрлашга эътибор қаратишлари лозимлигини таъкидлайди¹. Шунинг учун ҳозирги кунда компетенциявий ёндашув, таълим мазмунини ўқувчи шахси манфаати ва келажак ҳаёти учун хизмат қилишга йўналтирган ҳолда модернизациялаш ва янгиланишнинг асосий концептуал парадигмаси сифатида педагогика ва психология фанларининг долзарб тадқиқот муаммосига айланган.

¹ Дж.Равен. Развитие способностей личности. – М.: Торговый дом Гранд, 2009. – С. 132.

Бу борада қўллаб олимлар қатор илмий изланишлар олиб боришмоқда. Жумладан, умумий ўрта ва касбий таълимда шакллантирилаётган компетенциялар таркибини аниқлаштириш, уларнинг шаклланганлик даражасини баҳолашнинг турли жиҳатлари ўзбек олимлари У.И.Иноятов, Р.Х.Джурраев, Ю.М.Асадов, Н.Ш.Турдиев, М.М.Вахобов, А.А.Носировларнинг илмий тадқиқот ишларида ўз аксини топган бўлса, хориж олимларидан В.И.Байденко, И.А.Зимная, В.А.Калней, А.М.Новиков, А.В.Хуторскийлар ўз ишларида компетенцияларнинг классификацияси ва уларни таснифлашга алоҳида эътибор қаратганлар.

Мамлакатимиз таълим тизимида компетенциявий ёндашув асосида ўқувчиларда умумтаълим фанлари орқали уларнинг ёш хусусиятларига мос равишда коммуникатив; ахборотлар билан ишлаш; шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш; ижтимоий фаол фуқаролик; миллий ва умуммаданий; математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш каби таянч компетенциялар шакллантирилади. Шунингдек, ҳар бир умумтаълим фанининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларда фанга оид умумий компетенциялар ҳам шакллантирилади. Масалан: бошланғич синфларда табиий-илмий билимларни ўзлаштиришда (“Атрофимиздаги олам” ва “Табиатшунослик” дарсларида): 1) табиий, ижтимоий-иқтисодий жараён ҳамда ҳодисаларни кузатиш, аниқлаш, тушуниш ва тушунтириш (бунда ўқувчилар қуёш тизимидаги сайёралар номлари, табиий жараён ва ҳодисалар, тун ва кун, йил фасллари, об-ҳавонинг ўзгариши, Республикамиз ва унинг вилоятлари табиати ҳақида билишлари лозим); 2) географик объектлар, жой номларини тўғри қўллай олиш (бунда ўқувчилар ўзи яшайдиган жой номлари, Ўзбекистондаги вилоят ва шаҳарларнинг номларини тўғри айта олиши ва ёзиши керак); 3) глобус, географик атлас ва хариталардан амалиётда фойдалана олиш (бунда ўқувчилар глобус ва харитадан ўз Ватанини кўрсата олиши, Ўзбекистоннинг табиий харитасидан ўзи яшайдиган ҳудуд, мамлакатимиздаги энг баланд тоғлар, текисликлар, дарёлар ва бошқаларни кўрсата олиши лозим); 4) табиатни муҳофаза қилиш ва экологик маданият (бунда ўқувчи ўзи яшайдиган жой табиати, табиий бойликлари, объектлари, уларни муҳофаза қилиш, улардан тежамкорлик билан фойдалана олиш каби

компетенцияларга эга бўлиши лозим) каби умумий компетенциялар шакллантирилади¹.

Ушбу фанга оид умумий компетенциялар бошланғич синфларда бир хил амалга оширилади, аммо уларга қўйиладиган талаблар ҳар бир синфда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ҳамда фан мавзуларига қараб белгиланади.

Болада таянч компетенциялар ўзининг қобилиятларини ҳар томонлама амалда кўрсатишида намоён бўлса, фанга оид компетенциялар эса ҳар бир фан доирасида олинган билимларни амалиётда ва янги, нотаниш шароитларда қўллашга тайёрлигида намоён бўлади; билимга қадрият, оламни билиш ва англаш воситаси сифатида муносабатда бўлишда ифода этади. Бунда бола ўқишнинг мазмуни ва мақсади – шунчаки бирор билимни эгаллаш (қондани ёдлаб олиш, матнни эслаб қолиш) эмас, балки унинг натижасида билимни амалда самарли ва фойдали қўллаш эканлигини англаб этади.

Масалага доир адабиётларни ўрганиш, таҳлил қилиш натижаларига асосланадиган бўлсак, компетенциявий ёндашувга асосланган таълимнинг ўлақонли амалга оширишда энг долзарб ва кам тадқиқ қилинган масала – бу ўқувчиларда компетенцияларнинг шаклланганлигини педагогик-психологик ташхислаш, уларнинг ривожланиш динамикасини кузатиб бориш ва коррекциялаш методикаларининг ишлаб чиқилмаганлиги ёки тизимлаштирилмаганлигидир.

Компетенциявий ёндашувли таълимнинг шаклланиши бугунги кун таълим тизимининг эртанги кун талабига мос бўлиши муаммоси билан боғлиқ кечади. Тадқиқотимиз натижалари ушбу муаммонинг таълим тизими учун долзарблигини тасдиқлади. Таъкидловчи тажриба-синов жараёнида тажриба объекти сифатида белгиланган Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари умумий ўрта таълим мактабларида бошланғич синф ўқувчилари учун “Атрофимиздаги олам” ва “Табиатшунослик” дарсларида сўровномалар ўтказилди. Сўровда таълим кўрсаткичлари эмас, балки уларда мустақил ҳаёт-

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарори. 2017 йил 6 апрел.

да керак бўладиган билим, кўникма ва малакаларнинг мавжудлиги ҳисобга олинди. Асосий эътибор улардаги компетентлик, амалий билимларни эгаллаганлиги, тушунчалар билан ишлаш ва муаммоларни ҳал қилиш малакалари, кундалик ҳаётда фан бўйича билимларни амалиётда қўллашни талаб қиладиган муаммоларни аниқлаш, шунингдек, ушбу муаммоларни талаб этилган шаклда ифода этиш, уларни ечиш ва натижаларни таҳлил қилиш малакаларига қаратилган. Бу борада ўқувчилар ўртача кўрсаткичдан кам натижа кўрсатдилар: аксарият ўқувчилар ўз билимларини амалиётда қўллай олмадилар, у ёки бу ҳодисани объектив баҳолай олмадилар, уларни таҳлил қилишга қобилиятлари жуда сустилигини намоён қилдилар.

Сўровномалар амалиётга йўналтирилган ва ҳаётий вазиятларда билимларни қўллашга қаратилган турли хил топшириқлардан тузилди. Аксарият болалар юқори даражадаги малакаларни намоён қилдилар, бироқ таниш материални нотаниш вазиятда қўллашга қаратилган топшириқларда қийналдилар. Бундан келиб чиқиб, “Агар савол одатдагидан бироз бошқача қўйилса, ўқувчилар бу саволга жавоб бера олмаё эдилар. Бу яна ва яна бир бор дарс жараёнида таълимнинг амалий томонига янада кўпроқ эътибор қаратиш, ўқувчиларга ўз билимларини ҳаётий вазиятларда қўллашни ўргатиш, ўқувчиларни умумий ривожлантиришга эътиборни кучайтириш лозимлигини билдиради”, – дея хулоса қилиш мумкин.

Ушбу хулосани қуйидагича исботлаш мумкин: имтиёзли аттестат олган мактаб, лицей, коллеж битирувчилари энг юқори даражадаги БКМларни эгаллаши шарт. Бироқ, кўпинча имтиёзли аттестат олган ўқувчилар ОТМ имтиҳонларидан ўта олмайдди. Бундан келиб чиқадики, юқори даражадаги БКМлар мавжуд бўлган ҳолда уларда билим, кўникма ва малакаларни ОТМ имтиҳонларининг мураккаб ностандарт вазиятида қўллай олиш компетенцияси етишмайди. Маълумки, таълимдаги бундай ҳолатлар ўқитишнинг самарасиз методлари ва технологиялари воситасида ўқувчи ўзлаштириши шарт бўлган катта ҳажмдаги назарий материалга боғлиқ. Репродуктив даражадаги билим ва кўникмалар кам эмас, барқарор малакалар ҳам болага ҳаддан ташқари юкланиши ҳисобига шаклланган, бироқ муаммо аввалгидек – компетентлик етарли эмас.

компетенцияларга эга бўлиши лозим) каби умумий компетенциялар шакллантирилади¹.

Ушбу фанга ойд умумий компетенциялар бошланғич синфларда бир хил амалга оширилади, аммо уларга қўйиладиган талаблар ҳар бир синфда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ҳамда фан мавзуларига қараб белгиланади.

Болада таянч компетенциялар ўзининг қобилиятларини ҳар томонлама амалда кўрсатишида намоён бўлса, фанга оид компетенциялар эса ҳар бир фан доирасида олинган билимларни амалиётда ва янги, нотаниш шароитларда қўллашга тайёрлигида намоён бўлади; билимга қадрият, оламни билиш ва англаш воситаси сифатида муносабатда бўлишда ифода этади. Бунда бола ўқишнинг мазмуни ва мақсади – шунчаки бирор билимни эгаллаш (қондани ёдлаб олиш, матнни эслаб қолиш) эмас, балки унинг натижасида билимни амалда самарли ва фойдали қўллаш эканлигини англаб етади.

Масалага доир адабиётларни ўрганиш, таҳлил қилиш натижаларига асосланадиган бўлсак, компетенциявий ёндашувга асосланган таълимни тўлақонли амалга оширишда энг долзарб ва камтадқиқ қилинган масала – бу ўқувчиларда компетенцияларнинг шаклланишини педагогик-психологик ташхислаш, уларнинг ривожланиш динамикасини кузатиб бориш ва коррекциялаш методикаларининг ишлаб чиқилмаганлиги ёки тизимлаштирилмаганлигидир.

Компетенциявий ёндашувли таълимнинг шаклланиши бугунги кун таълим тизимининг эртанги кун талабига мос бўлиши муаммоси билан боғлиқ кечади. Тадқиқотимиз натижалари ушбу муаммонинг таълим тизими учун долзарблигини тасдиқлади. Таъкидловчи тажрибасинов жараёнида тажриба объекти сифатида белгиланган Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари умумий ўрта таълим мактабларида бошланғич синф ўқувчилари учун “Атрофимиздаги олам” ва “Табиатшунослик” дарсларида сўровномалар ўтказилди. Сўровда таълим кўрсаткичлари эмас, балки уларда мустақил ҳаёт

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарори. 2017 йил 6 апрел.

да керак бўладиган билим, кўникма ва малакаларнинг мавжудлиги ҳисобга олинди. Асосий эътибор улардаги компетентлик, амалий билимларни эгаллаганлиги, тушунчалар билан ишлаш ва муаммоларни ҳал қилиш малакалари, кундалик ҳаётда фан бўйича билимларни амалиётда қўллашни талаб қилаётган муаммоларни аниқлаш, шунингдек, ушбу муаммоларни талаб этилган шаклда ифода этиш, уларни ечиш ва натижаларни таҳлил қилиш малакаларига қаратилган. Бу борада ўқувчилар ўртача кўрсаткичдан кам натижа кўрсатдилар: аксарият ўқувчилар ўз билимларини амалиётда қўллай олмадилар, у ёки бу ҳодисани объектив баҳолай олмадилар, уларни таҳлил қилишга қобилиятлари жуда сустлигини намоён қилдилар.

Сўровномалар амалиётга йўналтирилган ва ҳаётий вазиятларда билимларни қўллашга қаратилган турли хил топшириқлардан тузилди. Аксарият болалар юқори даражадаги малакаларни намоён қилдилар, бироқ таниш материални нотаниш вазиятда қўллашга қаратилган топшириқларда қийналдилар. Бундан келиб чиқиб, “Агар савол одатдагидан биров бошқача қўйилса, ўқувчилар бу саволга жавоб бера олмас эдилар. Бу яна ва яна бир бор дарс жараёнида таълимнинг амалий томонига янада кўпроқ эътибор қаратиш, ўқувчиларга ўз билимларини ҳаётий вазиятларда қўллашни ўргатиш, ўқувчиларни умумий ривожлантиришга эътиборни кучайтириш лозимлигини билдиради”, – дея хулоса қилиш мумкин.

Ушбу хулосани қуйидагича исботлаш мумкин: имтиёзли аттестат олган мактаб, лицей, коллеж битирувчилари энг юқори даражадаги БКМларни эгаллаш шарт. Бироқ, кўпинча имтиёзли аттестат олган ўқувчилар ОТМ имтиҳонларидан ўта олмайди. Бундан келиб чиқадики, юқори даражадаги БКМлар мавжуд бўлган ҳолда уларда билим, кўникма ва малакаларни ОТМ имтиҳонларининг мураккаб ностандарт вазиятида қўллай олиш компетенцияси етишмайди. Маълумки, таълимдаги бундай ҳолатлар ўқитишнинг самарасиз методлари ва технологиялари воситасида ўқувчи ўзлаштириши шарт бўлган катта ҳажмдаги назарий материалга боғлиқ. Репродуктив даражадаги билим ва кўникмалар кам эмас, барқарор малакалар ҳам болага ҳаддан ташқари юкланиши ҳисобига шаклланган, бироқ муаммо аввалгидек – компетентлик етарли эмас.

Бундай муаммоларни бартараф этиш учун замонавий дарсга қуйидагича талаблар қўйилади:

- талаб даражасида жиҳозланган фан хонасида дарсни ҳар томонлама яхши ташкил этиш;

- ўқитувчининг дарс мавзусини, мақсад, вазифаларини аниқ белгилаб, ўзининг ва ўқувчининг фаолиятини тўғри режалаштириши;

- дарс муаммоли ва ривожлантирувчи бўлиб, ўқитувчининг ўзи ўқувчилар билан ҳамкорликда ишлашга ҳамда ўқувчиларни эса ўқитувчи ва синфдошлари билан ҳамкорликда ишлашга йўналтира олиши керак;

- ўқитувчи муаммоли ва изланувчан вазиятларни ташкил қилиб, ўқувчилар фаолиятини фаоллаштиради;

- ўқувчиларнинг ўзи хулосалар чиқариши керак;

- ўрганганларини такрорлаш, ўзи ва бошқалар билан биргаликда юқори даражада ижодий ишлаш;

- вақтни тежаш ва соғлиқни асраш;

- дарснинг диққат марказида ўқувчи туриши керак;

- ўқувчиларнинг имконият даражалари (синфнинг йўналиши, ўқувчиларнинг интилиши, болаларнинг кайфияти ва б.)ни ҳисобга олиш;

- ўқитувчининг ўз методик санъатини намойиш қилиши;

- қайта алоқа ўрнатишни режалаштириш;

- дарс ёқимли бўлиши керак.

Дарс жараёнининг компетенциявий ёндашувга асосланиш даражаси, бизнингча, қуйидаги мезонлар билан белгиланади:

- 1) ўрнатилган мақсаднинг ташхисланувчанлиги – ўқувчи томонидан ўзлаштирилган аниқ ўлчамли тушунчалар, амалиётлар, фаолият турлари;

- 2) таълим мазмунини ўқув унсурлари ёрдамида баён қилишда абстракция поғоналари ва ахборотлар ўзлаштирилиш даражасининг ҳисобга олиниши;

- 3) ўқув материаллари ўзлаштириш босқичларининг дидактик жараён структурасига мослиги;

- 4) ўқув жараёнига янги воситалар, метод ва технологиялар ҳамда АКТ, ахборотлаштириш усуллариининг жорий этилиши;

- 5) ўқитувчининг юриш-туришидан бошлаб дарс жараёнини ташкил этишгича бўлган алгоритмли ва эркин, ижодий фаолияти, қобилияти;

- 6) ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятида шахсий мотивлашганликнинг таъминланиши;

- 7) ўқитиш жараёнининг ҳар бир босқичида коммуникатив муносабатларнинг, ахборот техникалари билан муомала қилишнинг мақсадга мувофиқлиги ва б.

Ўйлаймизки, бу мезонлар ўқув жараёнининг компетенциявий даражасини қисман бўлсада ифодалайди, уларнинг амалда жорий этилиши эса, дарсда субъект-субъект (ўқувчи-ўқувчи) жараёнини юзага келтириб, таълимнинг самарадорлигини, илмийлигини, янги сифат даражасига кўтарилганлигини белгилаб беради.

Бошланғич синфларда табиий-илмий билимларни эгаллашда биринчи ўринда, кўргазмалиликка эътибор беришимиз зарур. Чунки ушбу билимлар бевосита болаларнинг кўз ўнгида содир бўлаётган табиат ҳодисалари билан боғлиқ. Шунинг учун дарс қанчалик фаол ташкил этилмасин, ўқувчи уни кўриши, тасаввур қилиши, иложи бўлса, қўллари билан ушлаб кўргандек даражада аниқ ҳис эта олиши, мушоҳада қилиш, эркин фикр юритиш даражасида билим, кўникма ва малакага эга бўлиши лозим. Бунда ўқувчилар ушбу дарсларда турли гуруҳларга мансуб ўсимлик ва ҳайвонлар, паррандалар ҳамда ҳашоротларнинг тузилиши, кўпайиши, ривожланиши, ер юзида тарқалиши, турларининг хилма-хиллиги билан танишади; уларни системага солиш ва аниқлашни ўрганишади. Булардан ташқари ер унинг тузилиши, коинот ва ундаги сайёралар, ватанимиз чегаралари, одам ва унинг тузилиши каби билимлардан ҳам бохабар бўлишади. Бунинг учун албатта, ҳар хил дидактик воситалар ва ўқув материаллардан кўпроқ фойдаланишга эътибор бериш лозим. Бошланғич синфларда табиий-илмий билимларни эгаллашда бундай дидактик воситаларга ўқув ва методик қўлланмалардан ташқари расмли жадваллар, харита, глобус, оптик асбоблар, ўсимликлардан тайёрланган гербарийлар, ҳайвонларнинг қуруқ ва ҳўл препаратлари, дидактик тестлар, топшириқлар, кроссвордлар ва ҳатто мультимедиа элекрон воситалар, яъни ҳозирги кунда ривожланиб бораётган

компьютер техника воситалари, табиат ва ундаги ҳодисалар (қушлар ва ҳайвонларнинг ҳаёт тарзи, вулқон отилиши, осмон жисмларининг ҳаракатлари ва б.)ни ифодаловчи ўқув диафильмлари ва бошқаларни киритиш мумкин. Ўқитувчи 1 соатлик дарс давомида мана шундай воситалар ёрдамида мавзу юзасидан ўқувчиларга билим беришга, амалий ишлар асосида уларнинг эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олишларига йўналтиради, кўмклашади, ҳаракат қилади. Бундай жараён компетенциявий ёндашувли фаолиятдир. Ушбу фаолият ўқувчиларда мустақиллик, фаол фуқаролик позициясига эга бўлишни, ташаббускорлик, медиаресурслар ва ахборот-коммуникация технологияларидан ўз фаолиятида оқилона фойдалана олишни, онгли равишда касб-ҳунар танлашни, соғлом рақобат ҳамда умуммаданий кўникмаларни, компетентлиликни шакллантиради.

Ўқув-тарбиявий жараёни компетенциявий ёндашув асосида ташқил этиш вазифаси бевосита ўқитувчи ва ўқувчидан ижодкорона фаолиятни талаб этади. Ижодкор ўқитувчи ва ўқувчи учун асосий касбий-меъёрий кўрсаткич эса бу, биринчи новбатда, педагогик жараёнда ўз ўрнини бунёдкор яратувчи сифатида ҳис этиш ва англаб етишдир. Ўқитувчи ва ўқувчи воқеликдаги ўз ўрнини баҳолай олмас экан, улардан ҳеч қачон ижодкорликни талаб қилиб бўлмайди. Педагогик фаолиятга кириб келаётган ҳар бир шахс ўзининг унга мослашувчанлигини, қолаверса, “инсон-инсон” кўринишидаги касблар тизимига лаёқати, қизиқиши борлигини тўлиқ тасаввур этиши керак. Энг муҳими, дарс жараёнининг мазмун-моҳиятини, аҳамиятини ва мақсадини тушуниб етиш, доимий равишда ўқитиш вазифаларини истиқболлари билан бирга олиб боришни уддалаши керак. Агар шу қобилият ўқитувчида йўқ бўлса, у яхшигина “бажарувчи” бўлиши мумкин, лекин ҳеч қачон ижодкорлик поғонасига кўтарила олмайди. Ўқувчиларни ҳам таълим жараёнининг фаол иштирокчисига, ўқув масъулиятини оширишга ундай олмайди. Компетенциявий ёндашув эса доимо таълим мақсадини аниқ ўрнатишдан бошлаб, унинг натижаларини баҳолашгача бўлган босқичларнинг ҳар бири, улардаги ҳатто мимикали ҳатти-ҳаракатлар учун ҳам ижодий фаолиятни талаб этади.

Бошланғич синфларга табиий-илмий билимларни компетенциявий ёндашув асосида ўтиш ва улардан юқорида келтирилган тартибда фойдаланиш дарс самарадорлигини оширишда яхши натижалар беради. Чунки, машғулотларни компетенциявий ёндашув асосида беришда таъкил этиш ўқувчилар учун қулайлик туғдиради, уларни пассив тингловчидан фаол иштирокчига айлантиради, масъулиятини оширади, энг муҳими ўзлаштирувчи ўқувчиларни ҳам илҳомлантирган ҳолда ҳаракатлантиради. Аммо бунинг учун ўқувчиларни амалий фаолиятга йўналтириш, образга кириш, театрлаштирилган кичик сахналар қўйиш, баҳс-мунозаралар уюштириш, саволлар қўя олиш, ўз фикрини эркин ифодалаш ва шу билан бирга, баҳс-мунозаралар юритиш маданиятини эгаллашларига имкон бериш лозим. Ўқитувчи ўқувчини ўзи билан тенг иштирокчи, ҳамкор сифатида кўриши, бола фикрларини ҳурмат қилиши, эшитиши, улар билан ҳисоблашиши, ўз фикрини ҳукм сифатида эмас, ўқувчилар фикри билан тенг даражада ўртага ташлаши зарур. Бундай тарзда, яъни ҳамкорлик, ҳамдардлик асосида дарс самарадорлигининг оширилиши ўқувчиларда мустақил фикр юритиш, муносабат билдириш кўникмасининг шаклланиши билан бирга ўзи фаол иштирок этган ҳолда, яқка, жуфтликда, гуруҳларда муаммо ва саволларга жавоб топишга ҳаракат қилади, фикрлайди, баҳолайди, ёзади, сўзга чиқади, далил ҳамда асослар орқали қўйилган масалани ёритиб беришга ҳаракат қилади. Оқибатда мавзу ўқувчиларнинг хотирасида узоқ сақланади ва янги мавзунини ўзлаштиришда ҳам таъкидий, таҳлилий ёндаша оладилар.

Ўйлаймизки, бошланғич синфларда табиий-илмий билимларни компетенциявий ёндашув асосида ўзлаштириш дарс жараёнининг янада самарадорлигини оширади. Ўқувчининг ички имкониятларини, янги қирраларини очади. Шу билан бирга, уларда мустақил ишлаш кўникмалари ривожланади, ўз-ўзига ишонч ҳисси ортади, фанни ўрганишга бўлган қизиқиши кучаяди, ижодий фикрлаш қобилияти шаклланади, келажакдаги ўз ҳаётини фаолиятга тайёрланишига ҳам кўмаклашади.

ОЗ КОМПЛЕКТЛИ МАКТАБЛАРДА ВАҚТДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Мамлакатимизда 60% аҳоли қишлоқ жойларда истиқомат қилишади. Шу билан бирга, юртимизда 30—40 хонадондан иборат бўлган чекка овуллар ҳам мавжуд. Бундай жойларда оз комплектли мактаб режасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу жараён ўқитувчидан катта маҳорат талаб этади.

Оз комплектли мактаб ўқитувчиси алоҳида шароитда иш олиб боради. У бир қатор мураккаб масалаларни, яъни синфларни комплекшлаш, кун тартибини белгилаш, дарсни ҳар томонлама мазмунли ташкил қилиш, дарс жадвалини тузиш ва ҳар кунги асосий муаммолардан бири бўлган — иккита ёки учта синф билан бирга ишлашда дарс вақтидан самарали фойдаланишни ҳал қилиши керак.

Оз комплектли мактабларда дарс тўртта синфда бир пайтда олиб борилганда ҳам ўқитувчи дарсни 45 дақиқа давом эттиради. Бундай вақтда айрим синфлардан бир синфга бирлаштирилган ўқувчиларнинг сони биттадан — учтагача бўлиши мумкин (Масалан, биринчи синфда 6 ўқувчи, иккинчи синфда 8 ўқувчи, учинчи синфда 5 ўқувчи, тўртинчи синфда эса 4 ўқувчи). Ўқувчилар сонининг озлиги ҳам вақт сарфлаб, айрим ўқув фаолияти турларини амалга ошириш имконини беради.

Сўнгги иш тажрибалари, шунинг кўрсатдики, республикадаги оз комплектли мактабларнинг илғор ўқитувчилари ўз машғулотларини бошқача тартибда олиб бормоқдалар. Илғор ўқитувчилар ўқув йилининг биринчи ярмида бир-икки соат дарсни биринчи синф ўқувчилари билан алоҳида ўтказмоқдалар. Чунки бошланғич синфларда янги талабларнинг жорий этилиши таълим мазмунини мураккаблаштиради, айниқса, биринчи синфларда ўқувчиларнинг ақлий фаолиятларига ўқитувчиларнинг бевосита раҳбарлик қилиши катта аҳамиятга эга.

Бундай вазиятда ўқитувчилар қандай йўлдан бормоқдалар?

Улар, аввало, кундалик дарс соатлари сонини оширишди. Ўқитувчи аввал 4 соат дарс ўтган бўлса, ҳозир унинг дарс жадвалида 6 соат дарс кўйилган. Олдин дарс 45 дақиқа давом этган бўлса, ҳозир ҳар бир дарс учун 30 дақиқа ўқув вақти ажратилган. Бундай

қилинганда ўқитувчининг мактабда ўқувчилар билан олиб борадиган машғулот вақти бузилмайди. Буни шундай тушуниш керак: ўқитувчи ҳар бири 45 дақиқадан 4 соат дарс ўтказганда бевосита ўқувчилар билан ишлаши учун $45 \times 4 = 180$ дақиқа вақт сарф қилади. Ўқитувчи агар 30 дақиқадан 6 соат дарс ўтса ҳам $6 \times 30 = 180$ дақиқа вақт сарфлайди.

30 дақиқалик дарсларни татбиқ қилишга ўтилгандан сўнг ўқув йилининг биринчи ярмида 1—2-соатларни фақатгина 1-синф ўқувчилари билан ўтказиш яхши натижа беради. Бунда бир дарс математикага, бир дарс савод ўргатишга ажратилади. 3-соатдан бошлаб, 2—3-синф ўқувчилари машғулотни биргаликда ўтказадилар. 3—4-соатларда эса учала синф бирга шуғулланади. Биргаликда ўтказиладиган дарслардан бири технология, жисмоний тарбия, тасвирий санъат ҳамда мусиқа дарслари учун, иккинчи дарс эса ўқув материалининг мазмунига қараб бир хил мавзуга оид дарсларни ўтказиш учун фойдаланилади. Тўртинчи дарсдан сўнг биринчи синф ўқувчилари фойдаланилади. Ўқитувчи 5—6-соатда иккинчи, учинчи ва тўртинчи синф ўқувчилари билан машғулот ўтказади. Одатда, бу дарслар математика, грамматика, имло ва нутқни ўстириш ҳамда ўқиб олиш техникасини эгаллаш учун фойдаланилади. Дарсларнинг бундай тақсимланишига сабаб, биринчи синф ўқувчилари йилнинг биринчи ярмида ўқитувчининг раҳбарлигисиз ишлай олмаслигидир. Ўқув йилининг иккинчи ярмида эса уларда бирмунча мустақил ишлаш қўникмалари таркиб топа бошлайди. Улар ўқиб, ёзиш, 10 гача ҳисоблашни ўрганадилар. Ўқувчилар кейинчалик мустақил иш учун берилган топшириқларни ўқитувчининг ёрдамисиз бажара оладилар. Бундан ташқари, тўртинчи синф ўқувчилари ўқув йилининг иккинчи ярмида бошланғич таълимни туталлаш арафасида бўладилар. Ўқитувчи уларга алоҳида эътибор бериши керак. Тўртинчи синф ўқувчилари эгаллаган билимларини ўқитувчининг раҳбарлигида тизимлаштирадилар ва умумлаштирадилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ўқув йилининг иккинчи ярмида дарс жадвали бирмунча ўзгаради.

Энди алоҳида ўтказиладиган машғулотга 1-синф ўқувчиларидан ташқари, 2—3—4-синф ўқувчилари ҳам чиқарилади. Янги дарс

жадвалининг мана шундай тузилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, биринчи синф ўқувчилари душанба ва пайшанба кунлари, иккинчи синф ўқувчилари сешанба ва жума кунлари, учинчи ва тўртинчи синф ўқувчилари эса чоршанба ва шанба кунлари 1–2-соатларга чақирилади. Шундай қилиб, ўқитувчи ҳар бир синф билан алоҳида машғулоти ўтказа олади.

Ўқитувчи математика ҳамда имло ва нутқ ўстириш машғулотларини, кўпроқ, алоҳида дарсларда ўтказгани маъқул, лекин ўқитувчи дастур материални қайси синф учун мураккаб деб билса, ўша материални алоҳида соатларда ўтиши мумкин. Ўқитувчи 3–4-соатларда ҳамма ўқувчилар билан бирга машғулоти ўтказади. Қоидага мувофиқ, 3–4-соатларда ўқиш, рус тили (айниқса, рус тилини алоҳида мутахассис ўқитувчи ўқитганда) технология, жисмоний тарбия, мусика ҳамда тасвирий санъат машғулотлари ўтказилади.

Агар ўқитувчи бир синфда математика дарси олиб бораётган бўлса, бошқа синфга кирганда тезда мослаша олмайди. Ўқитувчи бошқа синфнинг ўқув материалига диққатини жамлаб олгунча бир неча секунд вақт сарфлайди. Бу секундлар бир комплектли мактабларда жуда қимматли бўлиб, анчагина вақтни олади.

Рус тили ўқитувчиси 6 соат 30 дақиқадан шуғулланади, бошқача айтганда $6 \times 30 = 180$ дақиқа дарс ўтади. Бу кўрсатилган режага мос келади. Шунинг эсдан чиқармаслик керакки, рус тили ўқитувчиси машғулотларни 45 дақиқадан олиб борганда $2 \text{ соат } (45 \times 2 = 90)$, машғулотларни 30 дақиқадан олиб борганда эса 3 соат дарс $(30 \times 3 = 90)$ ўтиши керак.

Тўғри тузилган дарс жадвали оз комплектли мактабларнинг қийин шароитида ҳам таълим жараёнини самарали ташкил этилишига имконият яратади. Таълим жараёнининг самарали бўлиши ўқитувчининг тўртта синф билан ишлаш шароитида режа-конспектни тўғри тузишига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ўз-ўзидан маълумки, биринчи навбатда, ўқитувчини она тили, ўқиш, математика дарслари учун режа-конспектни қандай тузиш қизиқтиради.

Ўқитувчи 30 дақиқалик машғулоти олиб бораётган бўлса, ҳафтада икки марта бу фанлар юзасидан ҳар бир синф билан алоҳида дарс

ўтказади ва бу дарслар учун режа тузиш қийинчилик туғдирмайди. Ўқитувчи кейинги ҳафтада шу иккита синф билан бир вақтнинг ўзида икки марта машғулоти ўтказади. Бунда ўқитувчи бир неча йилдан буён қандай режа тузган бўлса, шундай тузаверади. Лекин бир комплектли мактаб ўқитувчиси математика, она тили, ўқиш дарсларини тўрттала синфда бир вақтда ўтказса, у ҳолда 45 дақиқалик ўқув вақтидан фойдаланади. Бу вариантни ҳам кўриб чиқамиз.

Бир вақтнинг ўзида тўртта синфда машғулоти олиб боришда дарсни режалаштиришнинг уч асосий кўринишини ажрата билиш лозим.

1. Икки синфда янги материал ўтилади.

2. Икки синфда янги материал ўрганилади, қолган синфларда эса ўтилган машғулотларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, билимларни баҳолай олиш дарси олиб борилади.

3. Тўрттала синфда ҳам аввалги дарсда ўтилган машғулоти такрорланади.

Мисол тариқасида келтирилган дарс типлари ўз қурилишини ўзгартириши ҳам мумкин. Биринчи ва иккинчи синфда янги материал ўрганилади, учинчи ва тўртинчи синфда ўтилган материал мустаҳкамланади, такрорлаш дарсининг самарадорлиги қуйидагича намоён бўлади:

1. Юқори синф ўқувчилари учун дарснинг бошланиш қисмида мустақил иш топшириш енгил.

2. Янги материални тушунтириш, қуйи синфларда ҳам, юқори синфларда ҳам мустақил иш бериш билан тугалланади.

3. Ўқувчиларнинг ҳар бир мустақил ишни бажаришлари ўқитувчининг бевосита назорати остида боради.

Маълумки, оз комплектли мактаб ўқитувчиси олдида, энг аввало, дарснинг бошланиш қисмини тўғри ташкил этиш, вақтдан самарали фойдаланиш дарснинг биринчи дақиқаларидан иш бошлашнинг самаралироқ усуллари топиш масаласи туради.

Республикаимизнинг илғор ўқитувчилари шу мақсадда қуйидаги вариантлардан фойдаланадилар.

1. Дарснинг бошланиш қисмида аввалдан берилган топшириқ. Бу шундай амалга оширилади. Фараз қилайлик, иккинчи синф

Ўқувчилари «2 га кўпайтириш ва бўлиш» мавзусини ўрганаётдилар. Синфда масала ва мисоллар ечдилар, уйга вазифа сифатида 6-масала берилди. (Бочкадан 5 та банкага 2 кг дан шарбат қуйилгандан сўнг бочкада яна 3 кг шарбат қолди. 5 та банкага ҳаммаси бўлиб неча кг шарбат қуйилди. Бу масала синфда муҳокама қилинади. Сўнгра ўқитувчи болаларга масалани уйда тартиб асосида ишлаб келишни топширади. 109-бетдаги 4-5 масалага ўхшаш масалани ўқитади. Эртасига дарс тушунтиришсиз мустақил иш билан бошланади. Болалар дарсликларини очиб, топшириқни бажаришга киришадилар.

2. Аввалдан синф доскасига ёзиб қўйилган мустақил ишни бажариш. Мустақил ишни бажаришдан аввал ўқитувчи топшириқни қандай бажаришни тушунтиришга вақт сарфлаб ўтирмасдан, топшириқни диққат билан ўқинг ва мустақил ишлашга киришинг, дейди. Масалан, «Бир хонали сонларни икки хонали сонларга кўпайтириш» мавзусини ўрганишда иккинчи дарсда қисқа тушунтиришдан сўнг доскада қуйидагича топшириқ бериш мумкин:

I. Масалани ўқинг. Уни қисқа ёзинг.

Намуна. $\square$ яшик 6 кг дан
 $\left. \begin{array}{l} \\ ? \text{ яшик } \square \text{ кг} \end{array} \right\} 100 \text{ кг}$

Ушбу масаланинг ечилиш тартибини тузинг. Қисқа тушунтиришни ўқинг, сўнгра ҳар бир амални алоҳида ёзинг.

II. Топшириқни бажаринг. Ҳар бир амални алоҳида бажариб, масалани ечинг.

1. $10 \times 2 = \square$ (сўм),
2. $100 - \square = \square$ (сўм).
3.

Текшириб кўринг, қуйида берилганлар ичида сиз топган жавоблар борми: 15, 20, 8.

Мисол. Доскада 7, 12, 4, 18, 45, 20, 11, 6, 29, 30, 8, 10 сонлар ёзилган. Бу сонлар устида қуйидаги топшириқни бажаринг:

- а) энг кичигидан бошлаб икки хонали сонларни ёзиб чиқинг;
- б) энг каттасидан бошлаб икки хонали сонларни ёзиб чиқинг;
- в) барча жуфт сонларни ёзинг;

г) барча тоқ сонларни ёзиб чиқинг;

д) бутун сонларни ёзиб чиқинг ва бошқалар.

Ўқитувчи ўқувчиларга сонлар қаторини кўриб чиқиб, топшириқни мустақил бажаришни топширади.

Топшириқни ечишда вақтдан самарали фойдаланиш учун схема-топшириқ ва жадваллардан фойдаланинг. Ўқувчиларга биринчи, иккинчи, учинчи ва бешинчи топшириқларни бажариш топширилади. Ўқувчилар бу топшириқларни мустақил бажарадилар. Улар қийин топшириқни ўқитувчининг ёрдами билан бажарадилар.

Жадваллар мустақил ишларни тезда ташкил қилишга (босқичлар бўйича ташкил этишга) ёрдам беради.

Фонетик таҳлил қилишда (Она тили дарсида) болаларга қуйидаги топшириқларни бериш мумкин:

1. Қуйидаги машқни ўқинг ва дафтарингизга кўчириб ёзинг.

2. Ҳар бир сўздаги товуш ва ҳарфлар сонини санаб, рақам билан ёзинг.

3. Ҳар бир сўздаги ундош, жарангли ва жарангсиз товушларни алоҳида кўчириб ёзинг.

4. Унли ҳарфларни кўчириб ёзинг.

5. Ҳар бир сўздаги бўғинлар сонини аниқланг.

6. Ҳар бир сўзга урғу қўйинг ва урғули бўғиннинг тагига чизинг.

Ўқувчилар билан масалалар ечишда эслатмалардан фойдаланиш қулай. Улар қуйидагича:

1. Масалани диққат билан ўқиб чиқинг.

2. Масалада нима маълум, нима номаълумлигини аниқланг.

3. Масаланинг қисқа шартини ёзинг (чизма, жадвал, расм ва бошқа усуллар билан).

4. Масалани бир амал билан ечиб бўладими? Ўйлаб кўринг. Агар мумкин бўлса, қайси амал билан ечиш керак. Нима учун? Агар йўқ десангиз сабабини тушунтириб беринг. Масала саволига жавоб бериш учун, аввало, нимани билиш керак?

5. Масаланинг ечими ва жавобини ёзинг.

6. Масаланинг ечилишини текшириб чиқинг.

Болалар билан тенгламалар ечишда ҳам эслатма-жадваллар бўлиши керак.

Номаълум айрилувчини топинг.

$10 - x = 4$ кўринишдаги тенглама қандай ечилади?

1. Номаълумни аниқланг: кўшилувчими, камаювчими, айрилувчими, кўпайтувчими, бўлувчими (масалан, $10 - x = 4$ да номаълум айрилувчи).

2. Бу номаълум сон қандай топилишини эслаб кўринг (номаълум айрилувчини топиш учун камаювчидан айирмани айириш керак).

3. Тенгламани ечинг ва текширинг:

$$\begin{array}{ll} 10 - x = 4 & \text{Текшириш.} \\ x = 10 - 4 & 10 - 6 = 4 \\ x = 6 & 4 = 4 \end{array}$$

Номаълум кўшилувчини топинг.

$9 + b = 57 - 40$ тенглама қандай ечилади.

1. Чап ва ўнг томондаги ифоданинг сон қийматини ҳисобланг:

$$9 + b = 57 - 40$$

$$9 + b = 17$$

2. Номаълумни аниқланг (номаълум кўшилувчи).

3. Бу номаълум сон қандай топилади?

Номаълум кўшилувчилардан бирини топиш учун йиғиндидан маълум кўшилувчини айириш керак.

4. Тенгламани ечинг.

$$9 + b = 57 - 40$$

$$9 + b = 17$$

$$b = 17 - 9$$

$$b = 8$$

5. Текширинг, тенграмалар тўғри ечилганми?

$$9 + 8 = 57 - 40$$

$$17 = 17$$

Мураккаброқ тенграмаларни етиш.

$(c - 3) + 30 = 60$ кўринишдаги тенграмалар қандай ечилади?

1. Чап томонда нима ёзилган, ўқинг. (Чап томонда йиғинди ёзилган. Биринчи кўшилувчи c ва 3 сонларининг айирмасидан иборат; иккинчиси 30.)

2. Номаълум сон нималигини (айрилувчи, айирувчи) аниқланг. (Биринчи кўшилувчи номаълум.)

3. Бу номаълум сон қандай топилади. (Номаълум кўшилувчилардан бирини топиш учун йиғиндидан иккинчи кўшилувчини айириш керак.)

4. Номаълум компонент нимага тенг, ҳисобланг.

$$c - 3 = 60 - 30$$

$$c - 3 = 30$$

5. Энди қандай компонент номаълумлигини аниқланг. (Энди камаювчи номаълум.)

6. Тенгламани ечишни давом эттиринг.

$$c - 3 = 30$$

$$c = 30 + 3$$

$$c = 33$$

7. Текшириб кўринг, тенглама тўғри ечилганми?

$$(33 - 3) + 30 = 60$$

$$60 = 60$$

Ижодий иш олиб борадиган ўқитувчилар ўз дарсларида «Грамматика, имло ва нутқ ўстиришдан таркатма материаллар» китобидан фойдаланмоқлар. Индивидуал таркатма карточкалардан фойдаланиш ўқитувчига дарснинг энг қийин бошланиш босқичининг 3-5 дақиқасини тўғри ўтказишга ёрдам бермоқда.

Тажрибалар шуни кўрсатдики, юқорида келтирилган усулларнинг кенг қўламда қўлланилиши ва уюшқоқлик билан бошланган дарс бутун ўқув жараёнида вақтдан тўла фойдаланишнинг гаровидир. Бу усулларни қўллаш натижасида вақтдан самарали фойдаланишга эришиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда: самарали фойдаланиш, биринчидан, дарс жадвалининг тўғри тузилишига (30 дақиқалик дарс беришдан фойдаланган маъқул); иккинчидан, ўқувчиларга бериладиган мустақил ишларнинг мазмунини дарс режасида тўла акс эттирилишига (ҳар бир босқичлар бўйича) ва учинчидан, дарснинг бошланиш қисмида ҳар бир ўқувчининг фаол иштирок эттирилишига боғлиқдир.

Номаълум айрилувчини топинг.

$10 - x = 4$ кўринишдаги тенглама қандай ечилади?

1. Номаълумни аниқланг: қўшилувчими, камаювчими, айрилувчими, кўпайтувчими, бўлувчими (масалан, $10 - x = 4$ да номаълум айрилувчи).

2. Бу номаълум сон қандай топилишини эслаб кўринг (номаълум айрилувчини топиш учун камаювчидан айирмани айириш керак).

3. Тенгламани ечинг ва текширинг:

$$10 - x = 4 \quad \text{Текшириш.}$$

$$x = 10 - 4 \quad 10 - 6 = 4$$

$$x = 6 \quad 4 = 4$$

Номаълум қўшилувчини топинг.

$9 + b = 57 - 40$ тенглама қандай ечилади.

1. Чап ва ўнг томондаги ифоданинг сон қийматини ҳисобланг:

$$9 + b = 57 - 40$$

$$9 + b = 17$$

2. Номаълумни аниқланг (номаълум қўшилувчи).

3. Бу номаълум сон қандай топилади?

Номаълум қўшилувчилардан бирини топиш учун йиғиндидан маълум қўшилувчини айириш керак.

4. Тенгламани ечинг.

$$9 + b = 57 - 40$$

$$9 + b = 17$$

$$b = 17 - 9$$

$$b = 8$$

5. Текширинг, тенгламалар тўғри ечилганми?

$$9 + 8 = 57 - 40$$

$$17 = 17$$

Мураккаброқ тенгламаларни ечинг.

$(c - 3) + 30 = 60$ кўринишдаги тенгламалар қандай ечилади?

1. Чап томонда нима ёзилган, ўқинг. (Чап томонда йиғинди ёзилган. Биринчи қўшилувчи c ва 3 сонларининг айирмасидан иборат; иккинчиси 30.)

2. Номаълум сон нималигини (айрилувчи, айирувчи) аниқланг. (Биринчи қўшилувчи номаълум.)

БАЙРАМ ЭРТАЛИКЛАРИНИ ЎТКАЗИШ

Байрам эрталиклари ўқувчилар жамоасини мустаҳкамловчи омиллардан бири бўлиши билан бирга, уларнинг севимли машғулотлари ҳамдир. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мактабда муҳим саналар ёки айрим маросимлар муносабати билан ўтказиладиган тантаналарни байрам эрталиклари дейилади.

Бошланғич синфларда ўқувчиларнинг ўқиган китоблари ва ҳаётий тажрибаларига асосланиб, 1 сентябрь, 1 октябрь, 8 декабрь, 1 январ, 14 январ, 8 март, 21 март, 9 май саналарига бағишланган «Мустақиллик куни», «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни», «Конституция куни», «Янги йил байрами», «Ватан ҳимоячилари куни», «Халқаро хотин-қизлар куни», «Наврўз олам», «Хотира ва қадрлаш куни» каби эрталиклар, шунингдек, «Биринчи кўнғироқ – салом мактаб», «Янги йил арчаси», «Саводхонлик байрами», «Баҳор ва гул байрами», «Меҳржон», «Сўнгги кўнғироқ» байрамлари ҳамда «Ватанни севмок иймондандир», «Устоз меҳри», «Устоз отангдек улуғ», «Ватан – саждагоҳ каби муқаддас», «Мардлар қўриқлайди Ватани», «Китоб – бизнинг дўстимиз», «Алишер Навоий – бетакрор сиймо», «Онажоним, сизга таъзим», «Соғлом авлод орзулари», «Амир Темур – фаҳримиз, ғуруримиз», «Бешиқдан то қабргача илм изла», «Буюк аждодларимиз жасорати», «Ўзбекистон – менинг Ватаним» каби мавзуларда кечалар ўтказиш мумкин.

Байрам эрталикларини тайёрлаш ва ўтказишда барча ўқувчилар фаол қатнашишлари лозим. Улар шу байрамларни тайёрлаш ва ўтказиш орқали жамоа кучи ва жамоа меҳнатининг қадрига етadиган бўладилар. Байрам эрталиклари режали ва маълум мақсадга қаратилган бўлиши керак.

Бироқ биз кузатиш ишлари олиб борган Тошкент шаҳридаги Чилонзор тумани, Чирчиқ шаҳарининг айрим мактабларида ўқитувчилар эрталикларни ўтказишга ниҳоятда юзаки қараётганликларини аниқладик. Баъзи бир синф ўқитувчилари тарбиявий иш режаларига байрам эрталиклари ўтказишни мутлақо киритмаган бўлсалар, баъзилари бу муҳим тадбирларни ўтказиш методини аниқ тасаввур

эта олмайдилар. Байрам эрталикларини уюштириш ва ўтказишда ўқитувчилар қуйидагиларга эътибор беришлари керак:

1. Ўтказиладиган байрам эрталиклари учун мос мавзулар танлаш.
2. Байрам эрталикларини ўтказиш вақти ва жойини аниқлаш.

Байрам эрталикларини ўтказишда қуйидаги ташкилий ишларни бажариш лозим:

- а) танланган мавзу юзасидан суҳбат тайёрлаш;
- б) мавзуга бағишланган шеър, мақол, ва топишмоқлар танлаш;
- в) байрам эрталиклари ўтказиладиган жойни Деворий газета, альбом, плакат ва расмлар билан жиҳозлаш.

Биз қуйида бошланғич синф ўқувчиларини ўртоқлик, дўстлик ва жамоа бўлиб ишлаш руҳида тарбиялашда баъзи бир мавзуларда уюштириладиган байрам эрталикларининг тарбиявий аҳамияти, уларни ўтказиш методлари ҳақида тўхталиб ўтамыз.

Масалан, Алишер Навоийнинг туғилган кунига бағишланган байрам эрталигини бошланғич синф ўқувчилари билан қуйидаги тартибда ўтказиш мумкин.

Байрам эрталиги мавзуси: «Алишер Навоий – бетакрор сиймо».

Байрам эрталигининг мақсади: ўқувчиларни Алишер Навоийнинг инсонпарварлик ғоялари руҳида тарбиялаш, бу буюк сиймодаги инсоний фазилатларни ўқувчилар онгига етказиш ва уларда ахлоқий тушунчаларни ҳосил қилиш.

Байрамга тайёргарлик:

1. Алишер Навоий ҳақида ёзилган ҳикояларни ўқиб ўрганиш.
2. Алишер Навоий ҳақидаги бадий асарлардан ёд олиш.
3. Алишер Навоийга бағишланган қўшиқлардан жамоа бўлиб ўрганиш.
4. Алишер Навоийнинг болалик ва ёшлик даврларига оид викторина уюштириш.

Викторина саволлари:

Алишер Навоий қерда ва қачон туғилган?

Алишер Навоий дўстларига нисбатан қандай муносабатда бўлган?

Алишер Навоий севган машғулотлардан қайси бирини биласиз?

Алишер Навоий ўз яқинларини нимага даъват этар эди?

Мавзунинг мазмунига оид альбом ва стенд тайёрлаш. Байрам ўтказиладиган хонани жиҳозлаш.

Байрамни ўтказиш тартиби: кириш суҳбати; Алишер Навоийнинг ҳаёт йўли. (Суҳбат ўқитувчи томонидан уюштирилади.)

Алишер Навоийнинг ғазалларидан, ҳикояларидан айтилади. Сўнгра викторина ўтказилиб, унинг ғолиблари рағбатлантирилади.

Байрамнинг охири қисмида синф жамоаси тайёрлаган концерт намоиш қилинади. Сўнгра ўқитувчи байрамни якунлаб, ўқувчиларни Алишер Навоий ғояларига амал қилишга чақиради.

«Қовун сайли»ни қуйидагича уюштириш мумкин. (Бу байрам кўпинча қишлоқ жойларда уюштирилади).

«Қовун сайли»ни уюштиришдан мақсад: полиз экинлари ва уларнинг турлари ҳақида маълумот бериш, полиздаги жамоа меҳнати, унинг моҳиятини аниқлаш, ўқувчиларнинг жамоа ҳақидаги тушунчаларини ривожлантиришдан иборатдир.

Байрамга тайёргарлик:

1. Байрамнинг ўтказиш вақтини белгилаш.
2. Байрам мавзусига доир альбом, стенд, Деворий газеталар тайёрлаш.
3. Полиз экинларига доир кўргазма ҳозирлаш.
4. Полиз экинлари ҳақида шеър, топшимоқ ва масалларни ўрганиш ҳамда кичик сахналар тайёрлаш.
5. Байрам ўтказиш жойини танлаш (мактаб клуби ёки полиз).
6. «Қовун сайли»га бутун синф жамоасини қатнаштириш.

Байрам ўтказиладиган жойни жиҳозлаш. Мактаб клубига кира-веришда турли рангли ҳарфлар билан «Бизнинг қовун сайлимизга хуш келибсиз, азиз дўстлар!» деган шиор ёзиб қўйилади. Сўнгра клубнинг ҳар икки томонига «Келинг, бизнинг полизга» шиори остида ҳар хил полиз экинларидан намуна қўйилади. Залга «Қовун сайли»га бағишланган деворий газета, фотомонтаж, альбом ҳамда илғор сабзавоткорлар ҳамда меҳнат қаҳрамонларининг расмлари, шунингдек, технология дарсларида ўқувчилар қўли билан пластиндан ишлаган полиз маҳсулотларининг намуналари қўйилади. «Қовун сайли» қуйидаги шеърни ўқиш билан бошланади:

Талпинаман гуркираб
Келинг, бизнинг полизга.

Сўнгра ўқувчилардан бири полиз экинларининг аҳамияти ҳақида сўзлайди. Ундан сўнг меҳмон сифатида чақирилган миришкор сабзавоткорларга сўз берилади. Байрамнинг бадий қисмида полиз экинлари (тарвуз, қовун, ҳандалак) маскасини кийган ўқувчилар бирин-кетин сахнага чиқишади. Улар ҳар бир экин мадҳини куйлашади.

Ўқувчиларни полиз экинлари образига киритиш учун шоир Обид Расуловнинг «Кўк чакмонли йигитча» китобидаги расмлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шу китобнинг 3-бетидagi «Келинг, бизнинг полизга» шеърини ўқувчилар бирин-кетин ўқиб берадилар:

Ўқувчи: – Келинг, бизнинг полизга,
Эй азиз ўртоқжон.

Атадим тортиқ сизга,
Тарвуз, қовун, думбул нон.

Ўқувчи – Тарвузман бир кучок,
Чопоним ола пўчок.
Қизил гўштим, юпқа этим,
Каржим асал, тотиб кетгим.

Ўқувчи – Тузилишим
Бодринг – узунчок
Товланишим
Жигар ранг бирок,
Ўхшашлигим
Ўзгага оздир
Берган таъмим
Ўзига хосдир.

Ўқувчи – Помидорман олтин ёв,
Мўл ҳосилим бекиёс.
Тўғраб мендан шакароб,
Қанча есанг, бўлмаيمان соб.

Ўқувчи – Жойим тоғда ровочман,
Поям миқти яшил соғман.

Чиқиб тик қоя тошдан,
Баҳра оламан қуёшдан.
Баргим худди от қулоқ,
Ўқувчи – Қийик кўзли, қора қошман,
Мошга яқин қариндошман.
Нўхат билан кўп иноқ,
Гуручвойга ҳам ўртоқ...

Байрам охирида ўқитувчи ўқувчиларга қуйидаги полиз экинлари ҳақида топишмоқлар айтиб беради:

Онаси битта, боласи мингта (Тарвуз)

Пастаккина бўйи бор

Маллагина тўни бор (Ҳандалак)

Тандирча, ичи тўла кулча (Тарвуз)

Топишмоқларни топишга байрам иштирокчиларининг ҳаммаси фаол қатнашадилар. Шундан сўнг полиз ҳосилининг душманлари нималар ва уларга қарши курашишга оид диалогни 2 «А» синф ўқувчилари айтиб беришди.

Сўнгра оқ халат кийган ўқувчи «Тозалик – соғлиқнинг гарови», «Полиз экинларини гигиена қоидаларига мувофиқ истеъмол қилайлик» шиорлари билан сахнага чиқиб, ўқувчиларга халқ мақоллари, маталлари ва ҳикояларидан айтиб беринг, деб мурожаат қилади ҳамда ўзи намуна учун қуйидаги мақолларни айтади:

Соғлиқ – умрнинг гарови.

Соғлигим – бойлигим.

Тани соғлиқ – туман бойлик.

Шундан сўнг «Шарифанинг қорни нега оғриди» ҳикоясини айтиб бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бир куни Шарифани ойиси «Тансиқ нарса» деб бозордан иккита бодринг олиб келди. Бунни кўрган Шарифа жуда қувониб кетибди. Ўзига берилган бодрингни еб бўлгач, яна ойисидан сўрайди.

– Битгаси укангга қолди, – дейди ойиси.

– йўк, мен ейман! – деб ғашлик қилади Шарифа.

Шарифа ойисининг гапига қулоқ солмай, иккинчи бодрингни ҳам ейди. Бир маҳал – вой қорним деб йиғлай бошлайди. Ойиси унга дори беради. Сўнгра ойиси Шарифага қараб бундай дейди:

– Одам ялқовлик қилиб, бодринг ва бошқа резаворларни ювмасдан еса, ана шундай қорни оғриб қолади.

«Мана, кўрдингизми ювиб, тозалаб емаслик оқибати соғлиққа зиёнدير». Шундан сўнг болалар шеър, кўшиқ айтишади ва рақсга тушадилар. «Қовун сайли»нинг охирида илгаридан тайёрланган ўқувчиларнинг альбомлари ва якка-якка ишланган полиз экинларининг расмлари намоиш қилинади ҳамда энг яхши альбом тайёрлаган ва яхши расм чизган ўқувчилар рағбатлантирилади. Шу билан «Қовун сайли» ниҳоясига етади.

Чирчиқ шаҳри 25-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари «Мардлар қўриқлайди Ватанни» эрталигини қуйидагича уюштирдилар.

Эрталиқ «Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди» шиори остида ўтказилди. Эрталикни мактабнинг 4-синф ўқувчилари уюштирдилар. Эрталиқ мавзуси маъқулангач, ўқувчиларга вазифалар белгиланди. Вазифа ҳамма учун тенг тақсимланди.

Мактаб зали. Жажожигина қиз ва ўғил болалар байрам либосида. Улар қувноқ ва ҳаяжонда эди.

Зал ажойиб дид билан безатилган. Ўқувчилар «Мардлар қўриқлайди Ватанни» мавзуси асосида стенд ва деворий газеталар чиқардилар. Залда Улуғ Ватан уруши қатнашчилари мухтарама аёлларнинг жасорати тасвирланган расм ва лавҳалар кенг ўрин олган. Бошловчи «Азиз меҳмонларимиз, ўқитувчиларимиз ва ўқувчи дўстлар, жонажон Ватаннинг озодлиги учун Улуғ Ватан урушида қаҳрамонона ҳалок бўлган жасоратли боболаримиз, момоларимиз хотираси учун ўринларингдан туринглар. Ҳамма ўрнидан туради. Хотирлаш тугагач, болалар хор бўлиб Ватанимиз мадҳиясини қўйладилар. Шундан сўнг эрталиқ очик, деб эълон қилинди.

Ўқувчи – Саломим сўлим-сўлим
Кўксимда тоза қўлим.
Одатда офтоб ҳам
Саломдан бошлар йўлин.

Ўқувчи – Халқимиз одатича,
Кўксимдадир ўнг қўлим,
Меҳмонларни қутлаб деймиз,
Ассалому алайкум.

Бошловчи – Азиз марду майдонда курашганлар,
Сизларга оташин салом.
Қалбимизда жўш урар
Сизга чексиз эҳтиром.

Ҳурматли ўқувчилар. Улуғ Ватан урушида боболаримиз қаторида муҳтарама момоларимиз ҳам душман-жоҳилларга қарши курашдилар. Жанг майдонида жонбозлик кўрсатган жасоратли боболаримиз ва момоларимиз билан фахрланамиз.

Ўқувчилар Қ.М.Муҳаммадийнинг «Урушга қўл бермаймиз!» шеърдан парчалар ўқиб бердилар.

Ўқувчи – Ер юзидан йўқотсак, –
Деймиз қонли урушни.
Шу даҳшатли урушнинг
Фалокатин эсласанг,
Миллион-миллион болалар
Ҳалокатин эсласанг...

.....
Ўқувчи – Тинчлик бўлсин ҳамма ёқ
Бунинг учун ҳамма вақт
Курашар адолат, халқ
Урушга йўл бермаймиз,
Тинчлик енгар, тинчлик ҳақ!

Шундан сўнг мактаб бош етакчиси Дилбар Ҳотамова сўзга чиқиб қаҳрамонларнинг фаолияти ва ишлари билан таништирди. 3 нафар ўқувчи қаҳрамонларнинг урушдаги жасоратига оид қисқа-қисқа эпизодлар айтиб бердилар, мустақиллик ва тинчлик ҳақида шеърлардан намуналар ўқиб бердилар.

Эрталикдан сўнг биз ўқитувчилар билан биргаликда 1–4-синфларда эрталиكنинг тарбиявий таъсирини аниқлаш мақсадида суҳбатлар ўтказдик ва кичик-кичик мавзуларда ёзма ишлар уюштирдик. 4-синф ўқувчилари ёзма жавобларида Улуғ Ватан урушида қатнаш-

ган боболаримиз ва момоларимизни излаб, улар жасорати ҳақида маълумотга эга бўлишни ўз олдларига вазифа қилиб қўйганликларини баён этганлар. Шу синфларда ўқувчилар кучи билан «Ватан меҳри», «Унутилмас баҳор» каби мавзуларда альбом тайёрланди.

Бошланғич синф ўқувчилари билан уюштирилаётган бадий байрам эрталиклари ўқувчиларда ўзбек маданиятига, минталитетига хос бўлган ахлоқий фазилатларни шакллантириш, билим савияларини кенгайтириш, мустақил фикрлашга ўргатиш, ўқувчилар жамоасини мустаҳкамлашда катта тарбиявий аҳамият касб этади.

БОЛАЛАРНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШИ ОРҚАЛИ 3-4-СИНФ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ

Ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишгина болаларда инсонпарварлик, ватанарварлик ғояларига, ҳукуматимиз ва халқимиз ғояларига чинакам қизиқиш уйғотиши мумкин. Ижтимоий фаолият ёшларни ўз манфаатларини жамоа манфаатлари билан мувофиқлаштиришга, одатлантиради, уларда принципиаллик, фаоллик, ташаббускорлик, жамоат манфаатларига содиқлик, ижтимоий ҳаёт нормаларининг бузилишига нисбатан муросасиз бўлиш ва бошқа шу каби хислатларни тарбиялашга ёрдам беради.

Болалар уйларида тарбияланувчиларни жамоат ишларига жалб қилиш, уларнинг фаолиятини фаоллаштириш имкониятлари катта. Барча болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда турли жамоат ва меҳнат фаолиятига тортиш миллий тарбияни тўғри йўлга қўйишнинг асосий шартидир.

Жамоат ишлари тарбиянинг ўзига хос воситаси бўлиб, дўстлик, ҳамфикрлик, ҳамдардлик ҳисларини ўстиради, болаларни ўз шахсий манфаатларини жамоа манфаатлари билан мослаштиришга одатлантиради, уларда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фаоллик мотивларини уйғотади. Шунинг учун болалар уйи ёшларини жамоат топшириқларини бажаришга жалб этиш, уларда ижтимоий бурчга онгли муносабат таркиб топштириш педагоглар жамоасининг биринчи галдаги вазифасидир. Тарбиячиларнинг вазифаси эса ҳар бир тарбия-

ланувчининг бирон-бир (вақтинчалик ёки доимий) топширик, жамоа олдида у ёки бу мажбурият олган бўлишига эришишдан иборат. Ҳар бир тарбияланувчи жамоада фаол шахсни эгалламоғи, болалар уйи ҳаётида фаол иштирок этмоғи лозим. Бундай фаолият болаларнинг ўз-ўзини бошқариши ишга тарбияланувчиларни кенг жалб қилиш орқали ҳосил қилинади.

Тарбияланувчиларнинг ўз-ўзини бошқариши тарбияловчи жамоани ташкил этиш усули бўлибгина қолмай, балки фаол жамоатчилар тайёрлашнинг муҳим воситаси ҳамдир. Болалар ўз-ўзини бошқаришининг тарбиявий аҳамияти шундаки, тарбияланувчиларнинг ёш хусусиятларига мос фаолиятга жалб қилиниши уларнинг ижтимоий фаоллигини характерларидаги турғун хислатга айлантириш, ижтимоий ва меҳнат фаоллигини тарбиялаш учун хизмат қилади.

Мустақиллик, ташаббускорлик ва ижодкорлик каби ахлоқий сифатлар болалар катталар билан бирга жамоа ҳаётининг барча масалаларини ечишда фаол қатнашиб, ўзларини уйи эгаси деб ҳис этган, тарбияланувчилар катта ишонч билдирилган тақдирдагина таркиб топди.

Тарбияланувчиларга ўз-ўзини бошқаришдан кўзланадиган мақсад болаларнинг турли хилдаги фаолиятини йўлга қўйишдир. Болалар уйидаги тарбияланувчилар жамоа фаолиятининг асосий турлари ўқиш, хўжалик, маданий-оммавий ва меҳнат билан боғлиқ. Шундай қилиб, болалар уйларидаги ўз-ўзини бошқариш ўқув жараёнини ўз-ўзига хизмат, болаларнинг дам олишини таъминлашни ташкил этиш, тарбияланувчиларнинг кун тартибини бажаришини таъминлаш ва бошқа вазифаларни ҳал этади.

Тарбияланувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш ишига 3-синфдан бошлаб иштирок эттирилади. 3–4-синф тарбияланувчилари гуруҳларидаги фаоллардан турли иш участкалари учун жавоб берувчи болалар ажратилади. Гуруҳларда ўқиш учун масъул кишилар хўжалик ишлари билан шуғулланувчи болалар, санитарлар, жисмоний тарбия ташкилотчилари, гўзаллик ва қулайлик, маданий-оммавий ишлар учун жавобгар болалар, редакторлар, гуруҳ раҳбарлари ва бошқа шу каби маълум иш участкасига масъул болалар бўлади. Улар болалар

уйи қошидаги тегисли менежментлар, секция ва клублар аъзолари ҳисобланадилар. Шу йўл билан Ёшлар Иттифоқи болалари ўз-ўзини бошқариш органларида қўйи жамоалар аъзоларининг вакиллиги ва қўйи жамоаларнинг болалар уйи жамоаси билан алоқаси таъминланади.

Гуруҳлардаги барча масъул аъзолар гуруҳ ёки жамоани ташкил этади. Гуруҳ фаоли ўз режаси асосида иш олиб боради. Бу режа менежментлар режасига ҳамда шу жамоанинг турли гуруҳ фаолиятларининг режаларига мослаб тузилган бўлади.

Ўз-ўзини бошқаришнинг муваффақияти кўп жиҳатдан фаол болаларга уларнинг вазифалари ва ҳуқуқлари аниқ белгилаб берилиши ҳамда тушунтирилишига боғлиқ эканлигини назарда тутиб, болалар билан биргаликда гуруҳнинг масъул аъзолари олдида қўйиладиган қўйидаги вазифаларни ишлаб чиқдик.

Ўқиш учун масъул болалар ўзлаштириш ҳисобини олиб борадилар, кундалик дафтарларни дарслик ва ўқув қуроллари текширадилар, қолоқларга ёрдам берадилар ва ўқишга лоқайдлик билан қаровчи болаларни муҳокама қиладилар. Улар китоб, газета ва журнал ўқиш, турли байрамларга, кечаларга, учрашувларга материал тўплаш, ўқифодали ўқиш курслари ва бошқа шу каби ишларни ташкил этадилар. Мажлисга гуруҳ тарбияланувчиларининг ўзлаштириши ҳақида ахборот тайёрлайдилар, гуруҳ ва болалар уйи газеталари учун материал берадилар.

Хўжалик ишлари билан шуғулланувчи болалар мебель, кийим-кечак ва пойабзалларнинг сақланиши учун жавоб берадилар. Улар мебелнинг майда ремонт, буюларнинг жорий ремонт, болалар уйи ва унинг чегарасидаги ободонлаштириш, панбаликлар, шунингдек, кийим-кечакларнинг дазмолланишини йўлга қўядилар, болаларнинг дурадгорлик ва тикувчилик устахоналарида қилаётган ишларини назорат қилиб борадилар.

Санитарлар синф хоналари ва ётоқхоналарнинг тозаллиги ҳамда тартиби, тарбияланувчиларнинг шахсий гигиенасига жавоб берадилар, уларнинг ташқи кўриниши, кийим-кечаги ва пойабзалларининг аҳволини текширадилар, кийимлар ва чойшабларнинг ўз вақтида алмаштирилишини таъминлайдилар, биринчи тиббий ёрдам кўрсатадилар.

Улар болалар уйи санитария комиссиясининг аъзолари бўлиб, ҳам-шира раҳбарлигида иш олиб борадилар.

Ўзаллик ва шинамлик учун жавобгар болалар синфхона ва ётоқхоналарни байрамлар ҳамда кечалар олдидан безатадилар, энг яхши ётоқхона ва синф хоналари учун мусобақа ташкил этадилар. Гулларни парвариш қиладилар, ҳовлини ҳар хил чиройли гуллар билан кўкаламзорлаштирадилар.

Жисмоний тарбия ташкилотчилари жисмоний машқларнинг ўткази-лишини, тарбияланувчиларнинг жисмоний тарбия дарсларига ва спорт зали машғулотлари (эрталабги бадантарбия машғулотларига ҳам)га қатнашишларини назорат қиладилар, спорт формасининг сак-ланишини кузатадилар, гуруҳнинг турли спорт мусобақаларида иштирок этишини таъминлайдилар, очиқ ҳавода ўйинлар уюштирадилар, экскурсиялар ташкил қиладилар.

Маданий-оммавий ишлар ташкилотчилари кеча ва учрашувларни тайёрлаш ҳамда ўтказишга жавоб берадилар, гуруҳда ҳаваскорлар тўғрагини ташкил этадилар ва ушбу тўғаракка тарбияланувчиларнинг қатнашишини назорат қиладилар.

Сиёсий ахборотчилар газета ўқиш, суҳбатлар ўтказиш, ўтилган машғулотларни муҳокама қилиш, радио эшиттиришларини тинглаш, телекўрсатувларни томоша қилишни уюштирадилар.

Редакторлар сатирик варақалар, стендлар, ҳар хил байрам ва кечалар учун деворий газеталар, кўргазмали плакатлар чиқарадилар.

Ҳар бир масъул аъзо ўз иши ҳақида гуруҳ олдидан, тегишли комис-сия ёки иш бошқарувчилар олдидан вақт-вақти билан ҳисобот бериб туради. Бундай назорат иш участкаси учун жавобгар болаларда жамоанинг топшириқларига жиддий муносабат уйғотади ва уларни ўз вақтида ҳамда виждонан бажаришга даъват этади.

Бундай доимий топшириқлардан ташқари вақтинчалик топ-шириқлар тизими ҳам мавжуд. Қисқа муддатли ишларни бажариш билан боғлиқ бу топшириқлар, масалан, туғилган кунга табриклар ва совғалар тайёрлаш, кичкинтойлар билан очиқ ҳавода ўйинлар ўтказиш, у ёки бу объектни тозалашни ташкил этиш, жамоага материал тўплаш, сайр ва амалиёт учун озиқ-овқат ҳамда йўл анжом-ларини тайёрлаш ва бошқалардан иборат. Вақтинчалик топшириқлар

тизими шу жиҳатдан яхшики, у болаларнинг ролларини тез-тез алмаштириб туриш имконини беради. Улар бир жойда ишнинг масъул ташкилотчилари, бошқа жойда ижрочилари бўладилар, яъни ҳам бошқариш, ҳам бўйсунитишни машқ қиладилар.

Жамоатчилик ҳаётида иштирок этиш ишга онгли ва масъ-улиятли муносабат ҳосил қилибгина қолмай, балки ташаббускорлик, фаоллик ҳамда ижодкорликнинг юзага келишига ёрдам беради. Чунончи, болалар уйида 3–4-синфлар қизларининг ташаббуси ва бевосита иштироки билан «Юлдузча» (1–2-синфларда), «Ирмоқча» (3–4-синфларда) ансамбллари тузилган. Бу ансамблларнинг чиқиш-лари барча тарбиячилар ва хизматчиларни беҳад қувонтиради.

Шундай қилиб, жамоат ишлари ижтимоий аҳамиятга молик бўлган фаоллик мотивларини таркиб топтиради. Тарбияланувчиларда умумий ишлар учун биргаликда қайғуриш ҳисларини тарбиялайди.

3–4-синфлар тарбияланувчиларининг 1-синф ва кўшни бо-лалар боғчаси кичкинтойларига жамоа оталиғи катта педагогик қийматга эга. Улар 1-синф болаларини хонани йиғиштиришга, кийим ҳамда пойабзалларини тоза тутишга ўргатадилар. Оталиққа олган кичкинтойларга уй вазифаларини бажаришда кўмаклашадилар, уларга эртак ва ҳикоялар ўқиб берадилар, улар билан бирга экскурсияларга борадилар. Болалар боғчаси тарбияланувчилари учун концертлар ташкил этадилар, ўйинчоқларини тузатадилар, кўғирчоқларига кийим тикадилар, боғча ташқи ҳовлисини йиғиштирадилар ва обо-донлаштирадилар.

Кичкинтойларга оталиқ қилиш шу жиҳатдан қимматлики, оталиққа олганларнинг ўзларини тарбиялайди, уларда ўзини-ўзи тар-биялаш истагини уйғотади. Кичкинтойлар учун жавобгарлик, улар билан ишлаш, оталиққа олганлардан ўқишга, ўз вазифаларига жиддий муносабатда бўлишни талаб этади, шахсий сифат хислатларини такомиллаштиришга ундайди.

Кичкинтойлар ҳақида ғамхўрлик оталиққа олганларда меҳри-бонлик, эътиборлилик, ҳозиржавоблик, масъулиятни ҳис этиш ва ўзига нисбатан талабчанлик каби хислатларнинг таркиб топишига, шунингдек, одамларга яхшилик қилиш эҳтиёжи ва истагининг ортиб боришига ёрдам беради.

Болалар уйида ижтимоий фойдали меҳнатни ташкил этишда тарбияланувчиларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, жамоа фаолиятига жалб қилиш имкониятлари катта. Болалар уйини ободонлаштириш, ўз меҳнати билан турар жой қуриш, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, ҳар хил навбатчиликлар қилиш ана шундай меҳнат жумласига киради.

3–4-синфлар тарбияланувчилари ижтимоий-фойдали меҳнат ва ўз-ўзига хизмат кўрсатиш жараёнида 1–2-синфларда ҳосил қилинган кўникма, малака ва компетенцияларни такомиллаштирадilar ва ривожлантирадilar. Тарбиячилар ҳам болалар билан бирга ишлашга, барча ишларни режалаштириш ва назорат қилишга жиддий эътибор берадилар. Бундай қилиш болаларни фаоллаштиради, меҳнатга масъулиятли муносабатда бўлишга ўргатади, принципиаллик фазилатларини тарбиялаб боради. Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш яна шу жиҳатдан ҳам қимматлики, тарбияланувчиларни одамлар, жамоа ҳақида ғамхўрлик қилишга одатлантиради.

Болалар уйларидаги ҳаётнинг ўзи тарбияланувчилар олдига кўпгина аниқ мақсад ва вазифалар қўяди. Қўйилган мақсадга эришиш, топширилган вазифаларни бажариш йўлида болалар турли ишларни бажарадилар, ташаббус ва ижодкорлик кўрсатадилар. Шунинг учун тарбиячилар тарбияланувчиларнинг меҳнат ҳамда ижтимоий фаолиятини таълим-тарбиявий нуқтаи назардан тўғри ва самарали тарзда йўлга қўйишлари керак.

Хуллас, жамоанинг муайян мақсадга қаратилган ҳаракати шахснинг ижтимоий фаоллигини таркиб топтириш учун зарур омилдир. Ижтимоий фаоллик эса, ўз навбатида, тарбияланувчиларни ахлоқий жиҳатдан камол топтириш имконини беради.

БОЛАЛАР УЧУН ТАХМИНИЙ ТОПШИРИҚ САВОЛЛАР

(болаларнинг ёш даражасига кўра савол танланади)

1. Ўзбекистон Давлат мадҳиясини ким ёзган?
2. Кушларнинг товуши қанақа бўлади?
3. Бу кўшиқнинг номи нима?

4. Кўшиқ айтиш ёқадими ёки ўйин ўйнашми?
5. Бу куйга қандай ҳаракат қилиш мумкин?
6. “Баҳор” кўшиғини айтиб бера оласизми?
7. Сурнайчани чала оласизми?
8. “Кўлларимиз чиройли” ўзбек рақс элементини куйга мослаб ҳаракатда кўрсата оласизми?
9. Қандай предметлар билан рақсга тушиш мумкин?
10. Айиқнинг товуши қанақа бўлади?
11. Пуфлаб чалинадиган чолғу асбобларининг номини айтинг.
12. Мусиқа тинглаш ёқадими ёки рақсга тушишми?
13. “Қоптокни юқорига от” ўзбек рақс элементи қандай бажарилади?
14. Мусиқа машғулотларида нималарни ўрганасиз?
15. Бу қандай куй?
16. Болалар бастакорларини биласизми, суратларини кўрсатиб топингчи?
17. Бу куйга қандай ҳаракатлар қилдик?
18. “Ким чаққон” ўйинида қайси чолғу асбобидан фойдаландик?
19. Пружина ҳаракатини кўрсатиб берингчи?
20. Куёнлар қандай сакрашади?
21. Рубоб қандай чалинади?
22. Куйга мослаб ўнг оёқни тўпилаштириб берингчи?
23. Ўзбекистон Давлат мадҳиясининг мусиқасини ким басталаган?
24. Куйга мослаб оёқдан оёққа ҳаққалаб сакраб кўрсатингчи?
25. Карнайнинг товуши қанақа бўлади?
26. Айиқ қандай юради?
27. Бу кўшиқнинг нақорати борми?
28. Ногоранинг товуши қанақа бўлади?
29. “Арқонни торт” ўзбек рақс элементини куйга мослаб кўрсатингчи?
30. Бу мусиқа асари неча қисмдан иборат?
31. Бу кўшиқнинг чалиниш қисми борми?
32. Нота товушининг номини айтиб, чолғу асбоби жўрлигида куйлаб берингчи?
33. Қайси чолғу асбоби ингичка товуш чиқаради?

34. “Ҳосил” байрамида қандай қўшиқлар айтган эдик топингчи?
35. “Тановар” ўзбек мумтоз рақс элементини куйга мослаб ҳаракатда кўсатингчи?
36. “Ватан посбонлари” байрам эрталиги йилнинг қайси фаслида ўтказилади?
37. Бу қандай товуш, тинглаб топингчи?
38. Ёнламача сакрашни мусиқага мослаб кўрсатингчи?
39. Дирижёрнинг қандай қўл ҳаракатларини биласиз?
40. Шу ритм-усулни чапак чалиб кўрсатингчи?
41. Бу қўшиқ нечта бандлардан иборат?
42. “Кўзгуга қара – кўзгуга” ўзбек рақс элементини куйга мослаб ҳаракатда кўрсатингчи?
43. “Қизгина” лапарини айтиб берингчи?
44. Мусиқа асарини тинглаб характерини фарқлангчи?
45. Тойчоқнинг югуришини мусиқага мослаб ҳаракатда кўрсатингчи?
46. Геометрик шакллардан қайси ўйинда фойдаландик топингчи?
47. Кузнинг челақчасида нималар бўлади?
48. Расмда қайси чолғу-асбоби тасвирланган?
49. Қайси қўшиқни яхши кўрасиз?
50. Мусиқа характерига мос расмни топингчи?
51. Мусиқа асарини тинглаб, қисмларини чапак чалиш орқали белгилаб берингчи?
52. “Алла” куйига мослаб, қўғирчоқ билан ҳаракат кўрсатиб берингчи?
53. “Меҳржон” байрами қайси фаслда ўтказилади?
54. “Наврўз” байрамида қайси қўшиқларни айтасиз?
55. Ёқтирган қўшиғингизни айтиб берингчи?

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарори. 2017 йил 6 апрел.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон”, 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон”, 2017.
5. Абдуллаева Ш.А. ва бошқалар. Замонавий ўқитувчининг компетенцияси. – Т.: “Компон Press”, 2015. 92 Б.
6. Йўлдошев Ж.Ғ., Очилов Ф.И. Замонавий дарс технологияси // Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: “Фан ва технология”, 2020. – 240 бет.
7. Йўлдошев Ж.Ғ., Ширинов М.К., Очилов Ф.И. Педагогик диагностика // Ўқув-методик қўлланма. Низомий номидаги ТДПУ. – Т.: 2014 й. 94 Б.
8. Каримжонов. А. «Ўқитувчилар малакасини оширишнинг назарий асослари». Хўжанд. 1999 йил.
9. Каримжонов А. «Ҳарбий педагогика». Шарқ. Тошкент. 2005 й.
10. Каримжонов А. Педагогик тизимни бошқариш асослари. ТДПИ. 2008 й.
11. Каримжонов А. Таълим тизимни бошқариш асослари. Тошкент. ТДПИ. 2012 й.
12. Каримжонов А. Педагогик тизимни бошқаришнинг меъёрий асослари. Тошкент. “Тафаккур”. ЧДПИ. 2020 й.
13. Равен Дж. Развитие способностей личности. – М.: Торговый дом Гранд, 2009. – С. 132.
14. Хуторский А.В. Составляющая педагогическую компетентность. – Москва: Сентябрь, 2010. – С. 56.
15. Очилов Ф.И. Бошланғич синфларда табиий-илмий билимларни компетенциявий ёндашув асосида ўқитиш усуллари // ЎзМУ хабарлари. Илмий журнал. – Тошкент, 2018. – № 1/6. – Б. 439-441.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Бошланғич синфларда замонавий дарсларга қўйилган талаблар ва унинг самарадорлик шартлари	5
Бошланғич синф ўқитувчилари компетентлик фаолиятини ривожлантиришнинг динамик тизими	23
Ижодий иш самараси	28
Ўқитувчининг мустақил ўқиши ва унинг ўқитиш жараёнини ташкил қилиш ҳамда ўқувчиларни тарбиялашга таъсири	36
Ўқиш дарсларини такомиллаштириш йўллари	43
Ўқиш дарсларининг самарадорлигини ошириш усуллари	50
Учинчи синф ўқиш дарсларида ўқувчиларнинг ёзма нутқини ўстириш тажрибасидан	60
Ўқиш дарсларида бадиий асарларнинг ғоясини ўрганиш тажрибасидан	70
Ўқиш дарси ва лугат иши	72
Ўқувчиларни чиройли ёзишга ўргатиш тажрибасидан	77
Баён дарслари ва уларни анализ қилишнинг методик йўллари	82
Бошланғич синфларда орфографик таҳлил	88
Бошланғич синф она тили дарсларида мустақил фикрлашни шакллантириш усуллари	98
Она тили дарсларида ўқувчиларнинг ёзма нутқ малакаларини ривожлантириш	103
Она тили дарсларида лугат билан ишлаш	105
Бошланғич синфларда ёзув билан она тили дарсларини боғлаб ўтиш ва ягона ёзув тартибини сақлаш	115
Иккинчи синфда грамматика ўйинлари ўтказиш йўли билан ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш	119

Бошланғич синфларнинг математика дарсларида ўлкашуносликка оид материаллардан фойдаланиш методикаси масалалари	123
Мураккаб масалаларни ечишда учрайдиган қийинчиликлар ва уларни бартараф қилишнинг айрим йўллари	134
Математикани ўқитишда индукция ва дедукция методларидан фойдаланиш	146
Табиатшунослик дарсларида муаммоли ўқитиш элементлари	155
Табиатшуносликдан олиб бориладиган мустақил ишлар	164
Бошланғич синфларда табиий-илмий билимларни компетенциявий ёндашув асосида ўқитиш	169
Оз комплектли мактабларда вақтдан самарали фойдаланиш	178
Байрам эртакларини ўтказиш	186
Болаларнинг ўз-ўзини бошқариши орқали 3–4-синф тарбияланувчиларининг ижтимоий фаоллигини ошириш	193
Болалар учун тахминий топшириқ саволлар	198
Адабиётлар	201

Илмий-оммабон нашр

**Алижон Каримжонович КАРИМЖОНОВ,
Фариддун Изатуллоевич ОЧИЛОВ**

**БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУАММОЛАРИ**

(илгор ўқитувчилар тажрибасидан)

(Ўқув-услубий қўлланма)

*Мухаррир Мамарасул Бекиев
Мусахҳиҳ Хусния Жумабоева
Компьютерда саҳифаловчи Зилола Алиева*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар
агентлиги томонидан 3996-сонли ТАСДИҚНОМА берилган.

Босишга 2021 йил 1 февралда рухсат этилди.

Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. Офсет қоғози.

Офсет босма усулида босилди.

«Times New Roman» гарнитураси. Шартли босма табоқ 12,0.

Адади 100 нусха.

Оригинал макет

“FIRDAVS-SHOH” нашриётида тайёрланди.

Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй.

“IMPRESS MEDIA” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент ш., массив Кушбеги, 6-уй.

Илмий-оммабон нашр

**Алижон Каримжонович КАРИМЖОНОВ,
Фариддун Изатуллоевич ОЧИЛОВ**

**БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУАММОЛАРИ**

(илгор ўқитувчилар тажрибасидан)

(Ўқув-услубий қўлланма)

**Муҳаррир Мамарасул Бекиев
Мусахҳиҳ Хусния Жумабоева
Компьютерда саҳифаловчи Зилола Алиева**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар
агентлиги томонидан 3996-сонли ТАСДИҚНОМА берилган.

Босишга 2021 йил 1 февралда рухсат этилди.

Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. Офсет қоғози.

Офсет босма усулида босилди.

«Times New Roman» гарнитураси. Шартли босма табоқ 12,0.

Адади 100 нусха.


Оригинал макет

“FIRDAVS-SHOH” нашриётида тайёрланди.

Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй.

“IMPRESS MEDIA” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент ш., массив Кушбеги, 6-уй.



ISBN 978-9943-6696-8-0



9 789943 669680

